



83.3159/6

Жаббор ОМОНТУРДИЕВ,
Анвар ОМОНТУРДИЕВ

МАЪРИФИЙ-ИРФОНИЙ
ИСТИЛОҲЛАР
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

88.5109/6
Жаббор ОМОНТУРДИЕВ,
Анвар ОМОНТУРДИЕВ

**МАЪРИФИЙ-ИРФОНИЙ
ИСТИЛОҲЛАР
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

Тошкент
«MUMTOZ SO‘Z»
2014



УЎД: 821.512.133(09)

КБК 83.3(5Ў)6

Ушбу лугатда тилимизда фаол қўлланилаётган, мумтоз ва замонавий асарлар таркибида учрайдиган 2000 га яқин маърифий, фалсафий ва ирфоний истилоҳ ва иборалар (булардан 22 таки илмий мақола сифатида)га қисқа талқин ва тушунтиришлар берилган. Шунингдек, турли жанрлардаги тасаввуфий адабиёт матнлари асосида изоҳланиб, улардан айримлари тарихий-этимологик аспектда ҳам тадқиқ этилган.

Лугат филолог олим ва талабалар ҳамда соҳа билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,

филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

БОБОНАЗАР МУРТАЗОЕВ,

филология фанлари номзоди, доцент;

ЎРАЛ ХОЛИЁРОВ, филология фанлари номзоди

83.3(5Ў)6

О

Омонтурдиев, Жаббор.

Маърифий-ирфоний истилоҳлар изоҳли лугати /
Ж.Омонтурдиев, А.омонтурдиев; масъул муҳаррир Ҳ.Болтабоев. –
Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2014. – 252 б.

УЎД: 821.512.133(09)

КБК 83.3(5Ў)6

ISBN 978-9943-398-98-6

© Ж.Омонтурдиев, А.Омонтурдиев, 2014

© «MUMTOZ SO‘Z», 2014

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим!

МУҚАДДИМА

Мустақиллик жамият тараққиётидаги мафкуравий чекланиш-ларга барҳам бериб, миллий ва умумхалқ қадриятларини холис ил-мий ўрганиш учун имконият яратиб берди. Қисқа вақт ичида мил-латимизнинг маънавий мулки, тарихи, маданияти, иймон-эътиқоди, тили, нутқи, фантазияси, руҳий олами, орзу-истаклари, мурод-мақ-садларини ўзида намоён қилган, бироқ унга «дин тамғаси» босилиб кўмиб ташланган, куйдирилган, ўкилиши ман этилган, катагон қи-линиши минглаб ноёб, нодир фалсафий, маърифий, тасаввуфий ман-балар топилди, қайта тикланиб жорий алифбода табдил (транслите-рация) қилинди, айримлари хорижий тиллардан таржима қилиниб чоп этилди. Бу эса маърифий-ирфоний матнларни – мумтоз ада-биёт ва тилимиз, хусусан, шўро даврида унутилган маърифий исти-лоҳ, атама ва ибораларни лексикографик планда ўрганиш, улар-нинг этимологик, изоҳли луғатларини тузишга имконият яратди. Буна эҳтиёж ва талаб борган сари ортиб бормоқда. Қолаверса, ҳо-zirги вақтда ёш авлод араб, форс ва қисман бошқа халқлар тили-дан ўзбек тилига кириб қолган, таржимада ҳам сақланадиган, ди-ний-илоҳий тушунча англатадиган мумтоз истилоҳлар, экзотизм-ларни тафсир ва таҳлил қилишда, халққа – тил эгаларига тушунти-ришда қийналаётганликлари ҳам сир эмас. Ҳатто бу қийинчилик-лирим мумтоз адабиётшунос ва шарқшуносларнинг нутқий фао-лиятида ҳам кузатилади. Бу, бир томондан, мумтоз ва маърифий китобларда учраб турадиган бугунги авлод тушуниши қийин, бироқ билиши зарур бўлган атама ва истилоҳлар изоҳланган ман-балар (масалан, изоҳли луғатлар)нинг камлиги билан характерла-ниди. Мана шу каби муаммолар илмий ва амлий эҳтиёжларни ҳи-собга олган ҳолда ушбу маърифий-ирфоний истилоҳлар луғатини тузиш журъат қилдик.

Мумтоз матн ёки диний китобларимизда қўлланилган ҳар кан-дай сўз ёки лексема (у араб, форс ва рус тилларидан ўзлашганми) у ҳали истилоҳ эмас. Аввало, луғатларда синоним сифатида берилган *истилоҳ*, *атама* лексемаларининг ўз қўлланиш ўринлари ва фарқли-томонлари борлигини ҳам унутмаслик керак. Масалан, арабча *абд* (عبد) ўзагидан шаклланган *абди*, *ибод*, *обид*, *ибодат* лексемалари

ясалган бўлиб, улар ўзбек тилида ҳам сўз, ҳам истилоҳ сифатида қўлланилади. Қиёслайлик: абд (кўпл. – абид (عبيد) ёки ибод (عباد)нинг аслида кул (қуллар) эркинлик ҳуқуқидан маҳрум, хўжасига қарам киши, бугунги тилимиздаги маъноси – исм (Абди, Обид). Тасаввуфий маънода эса *абд* – Аллоҳга тобеъ, Аллоҳнинг бандаси, яъни Аллоҳнинггина амру фармонини бажарувчи, шу билан бирга, Аллоҳ йўлидаги риёзатлари туфайли қуллик, (бандалик) – *рутба* (даража, мартаба, унвон)сига эришган шахс. Ҳикматлардаги «Кул Хожа Аҳмад тоат қил» жумласида «Муҳаммадан абдуху ва расулуху» калимаи қудсияда ҳам *қул*, *абд* истилоҳ маъносида қўлланилган *обид* истилоҳ сифатида дунёвий ишлардан узилиб, доимий равишда руҳий ибодат билан шугулланувчи шахсдир. Ибодат (عبادت) истилоҳ сифатида инсоннинг Аллоҳ йўлида бажариши зарур, фарз бўлган эътиқодий фаолияти. Шу билан бирга ибодат Аллоҳга иймон келтириш, намоз, рўза, закот, ҳаж каби амаллар ижросининггина эмас, барча эзгу амалларни ҳам ўз ичига олади.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари инсоннинг Аллоҳ йўлидаги ҳам руҳий ҳам дунёвий фаолиятини ибодат ҳисоблаб, уни қуйидагича изоҳлаганлар: «*Ал-ибодату ашарату ажзаин тисъату минҳо талаб ул-ҳалали ва жузъун ваҳидун минҳо саъир ул-ибодат*», яъни агар ибодат ўн қисмдан иборат бўлса, унинг ўндан тўққиз қисми ҳалол касб талабига амал қилишдир. Ўндан бир қисми руҳий ибодатдир (намоз, рўза каби) *.

Яна бир мисол: арабча *арса* (عرصه) ёки *арас* (عرص) сўзига кўплик, мавҳумлик қўшимчаси (-*т*, -*от*)ни қўшиш орқали ҳосил қилинган *аросат* (عرصات) аслда реал маънода майдонлар, саҳн, кенгликлар демакдир. Бироқ эътиқодий маънода бу сўз жаннат билан жаҳаннам ўртасида ёстаниб ётган, қиёматда барча инсонлар тўпланадиган, тарозида гуноҳ ва савоблари тенг келиб, на жаннат, на дўзахга бора олмайдиган бандаларнинг абадий қолиб кетадиган жойи – чексиз илоҳий майдон сифатида тушунилади. *Аросат* лексемасининг мана шу кейинги маъноси истилоҳий маънодир. Аросатнинг бугунги нутқимиздаги иши юришмай, на у ёқлик, на бу ёқлик бўла олмай, ўртада сарсон бўлиб қолмоқ (аросатда қолмоқ) маъноси кўчим бўлиб, у маърифий – истилоҳий маъно тапшмайди.

* Насафий (Е.Е.Березиков). Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд. – Тошкент: Мерос, 1992. Б.43.

Англашиладики, сўз маънолари ривожланиб, улардан бири (бош ёки кўчма маъноси) истилоҳ макоми ёки мавқеига кўтарилади. Демак, ушбу изоҳли луғат: 1) юқорида айтилганидек, ҳар қандай диний маъно англаторчи сўзларни ўз ичига олмайди; 2) бошқа изоҳли луғатлардан фарқли ўлароқ сўзнинг семантик тизими (этимологик, бош, реал, кўчма, услубий каби барча маъноларини) эмас, балки асосан, маърифий ва айрим ҳолларда тасаввуфий тиланим билан боғлиқ шаклланган, ўзида ижтимоий маъно жамланган, кўпинча, изоҳ, таъриф, тавсиф талаб қиладиган, атама характеридиги сўз ва ибораларни изоҳлайди. Луғатга фақат руҳоний, маърифий ва ирфоний ёки мавҳум тушунчалардан ташқари, кўнгина маърифий объект, манзил, макон, наботот номлари ҳам истилоҳ маъносидан киритилди.

Луғатда 1500 дан ортиқ истилоҳ изоҳланди. Улар, асосан, арабчи сўзлар бўлганлиги учун жорий (кирилл) ёзув билан бирга араб ёзувида ҳам берилдики, бу – истилоҳларни тўғри ўқишда, аниқ талфизуз қилишда, маъно фарқлашда муҳим аҳамиятга эга. Айрим истилоҳларнинг луғавий бирлик ҳажмида изоҳлаш етарли эмаслиги, қолаверса, изоҳланиши зарур, фойдали бўлган воқеликлар тарихини уларнинг мазмун-моҳиятини, хусусан, қисман кишилар билмаслигини назарда тутиб ишнинг охирида *луғат-мақола* ҳажмида беришни ҳам фойдали деб билдик.

Иш юзасидан кўрсатиладиган нуқсон ва камчиликлар, тавсия ва таклифлар учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз ва кейинги нашрларда улардан фойдаланамиз.

МУАЛЛИФЛАР

АБАДИЯТ ابدیت (арабча: абад ابد, абад+ий ابدی, абадий+ат ابدى+ات элеменларидан ташкил топган) – истилоҳ сифатида доимий мангулик, охири йўқ, интихосиз, абадий мавжудлик ёки дунёи бақо, руҳоний олам, олами кубро, ўлимсиз ҳаёт, азалиятнинг зидди (қ.: Азалият).

«**АБАСА**» عَبَسَ [a] – Куръони каримдаги суранинг номи. Хузурларига таълим олишга келган кўзи ожиз бир кишига маълум сабабга кўра рўйхушлик бермаганликлари Муҳаммад с.а.в.га танбеҳ сифатида туширилган. Шу сабаб сура «Абаса» (қош чимирди, рўйхушлик бермади маъноларида) деб аталган.

АБДОЛ ابدال [a] – Аллоҳга ўзини бадал қилувчи, яъни Худога яқин, унинг 70 нафар хос бандаси, авлиёлар.

АБЖАД ابجد [a] мадрасаларда ҳисоб дарси (абжад ҳисоби) сифатида махсус ўрганилган. 28 та араб ҳарфи, товуш ифодалашдан ташқари муайян рақамларнинг (масалан, алиф ۱ – 1 нинг, ى – 10 нинг, ق – 100 нинг, ع – 1000 нинг) ҳам рамзий белгиси. Абжад сўзи ана шу 28 та ҳарф ва уларнинг сон миқдорини алифбо тартибида ўзида акс эттириувчи 8 та сўз: абжад (الجد), ҳавваз (هوز), ҳутти (حطى), каламан (كلمن), саъфаз (سقفاز), қарашат (قرشت), саххаз (ثخز), зазағ (ضظغ)нинг биринчиси бўлганлиги учун ушбу амалга ном бўлиб қолган.

АБТАР ابتر [a] – юлук, кесик, нотамом, камтик, давомчиси, эсловчиси йўқ, бефарзанд (қ.: Бечирок) киши. Мушриклар жаноб Пайғамбаримизни «Абтар» (ўғилсиз, фарзандсиз маъносида) деган онларда Аллоҳ «Ихлос» сурасини нозил қилиб, унда: «Сизни «абтар» деганларнинг ўзлари абтар, биз сизга атаб «Кавсар» (қ.: Кавсар.) ва тагидан дарёлар оқиб турадиган боғлар (жаннат) яратдик» дейди («Кавсар» сурасига қаранг).

АБУЛ АНБИЁ ابو الانبيا [a] – пайғамбарлар отаси. Иброҳим а.с. ўзидан кейин ўтган барча пайғамбарларнинг «отаси» ҳисобланиб, «Абул анбиё» деб аталган. Иброҳим а.с. яҳудийлар, насронийлар ва мусулмонлар томонидан ҳурмат билан тилга олинади. Масалан, Иброҳим а.с.нинг фарзандлари Исмоил а.с. Муҳаммад а.с.нинг боболари эди.

АБУ ҚОСИМ ابو قاسم [a] – Қосимнинг отаси, дадаси. Қосим Жаноб Пайғамбаримиз ўғилларининг исми. Завжалари Расулulloҳ-

га шу ном билан мурожаат қилганлар. Шу сабаб бўлса керак, Пайғамбаримиз бошқаларнинг ўғилларига «Абу Қосим» деб ном қўйишларини ёқтирмаган эканлар.

АБУ ХАНИФА ابو حنيفه (а., Ан-Нўъмон ибн Собит) Ханифалар отаси (қ.: Ханиф), яна бир тахаллуси Имом Аъзам – Буюк имом, имомлар имоми 68 йил яшаган (699–767). Ханафия мазҳабининг асосчиси. Мазҳаб Абу Ханифа номи билан аталган. Фикҳшунослик фанини ишлаб чиқишда Қуръон, Суннадан ташқари, Ижмоъ, Раъй, Қиёс, Истеҳсон (қ.: Ижмоъ, Раъй, Қиёс, Истеҳсон) қоидаларини ҳаётда тадбиқ этган. 500 мингдан ортиқ қоида яратган, 64 та фатво нашр килдирган. «Буюк ҳуқуқшунослик» («Ал-фикҳ ал-акбар») номли машҳур китобнинг муаллифи ва б.

АВВАЛ (ал-Аввал الاول) [а] – Аллоҳнинг исми сифатларидан бири бўлиб, У (Аллоҳ) ҳамма нарсадан аввал, азалий, бошланиши чексиз зот.

АВБАБИН اوابين [а] – шом намозидан кейин икки ракъатдан олти ракъатгача ўқиладиган нафл намози.

«**АВЕСТО**» اوستا (асос, ўзак мохият) – 21 китобдан иборат бўлиб, унда Зардушт томонидан Ахурамазданинг инсониятга яхшилиқ, эзгулик, бахт-саодат келтириш; ёвуз кучлар Ахриман девларга қарши курашиши ҳақидаги марҳаматлари акс этган муқаддас китоб.

АВЛИЁ اولياء (бирл. валий ولي) [а] – онг-шуури тараққий этган, дунёни хиссиётлари билан чуқур фаҳмлайдиган, ғайб билан бағланадиган, илоҳий қувватга (парасимпатияга) эга бўлган, каромат (қ.: Каромат) соҳиби.

АВЛОДИ САЙИД اولاد سيد [а] – сайидлардан тарқалган – пайгамбарзода. (қ.: Сайид)

АВРАТ عورت [а] – уят жой, ялонғоч аъзо (авр عور – ялонғоч); кишининг очилиши, номахрамга кўрсатилиши мумкин бўлмаган аъзолари. Сатри аврат ستر عورت [а] – уят жойни беркитиш, ёпиш (қ.: Сатри аврат). Айрим манбалар аёл киши *аврат* дейилган: Эшигига бош тиксам, аврати (аёли) эвда (уйда) эркан. (Рабғузий, 1- к., 71- б.)

АВРАТПЎШ عورت پوش [а+ф] – кафан бичилаётганда мархум(а)нинг шаръан кўриш ёки қараш мумкин бўлмаган уят аъзоларини ёпиб қўйиш учун махсус тайёрланган либос, кафан қисми.

АВРОД اوراد (бирл. вирд ورد) [а] – дуолар мажмуаси. Ҳазрат пайғамбаримиз доимо ўқиб юрадиган дуолари.

АВРОДҲОНЛИК اورادخونلىك [a+f] – бирон одатни, жумладан, дуо ўқиш, дуохонлик одати ва анъанасини бажариб юриш.

АВТОД اوتاد (бирл. ватад) [a] – реал маъноси қозиклар, калидлар, таянч нуқталар. Истилоҳий маъноси динни ушлаб турувчи таянчлари – пайғамбарлар, авлиёлар, мукаррабинлар.

АДАБ УС-САЛОТ ادب الصلوات [a] – намоз адаби: тоза таҳорат ва ният қилмоқ, қиблага қараб оёқларни елка ёки беш панжа кенглигида тутмоқ, қўл боғлаш, қўлларини киндик устида, аёл бўлса, кўкрак устида тутмоқ, ён атрофга қарамаслик, саждагоҳга тикилиб турмоқ, дунёвий хаёллар билан чалғимаслик, ўзни мунглиғ тутмоқ, тавозеъ ва хушуъ билан ўқимоқ, намоз руқунлари (қиём, рукуъ, суҷуд, қаъда каби ҳаракатлар)ни тартибли бажариш, аввал Аллоҳга, сўнгра имомга (жамоа бўлса) тобеъланиш. Жаноби пайғамбаримиз ҳам инсон етти аъзоси: пешонаси, икки қўли, тиззаси, икки оёқ учлари билан сажда қилади. Саждада ерни сузмангиз (хўкиз каби), ҳар бир аъзони жойнамозга қўйингиз, рукуъда бошни эгиб белни чиқармангиз (эшак каби), ортингиз (орқангиз)ни текис тутингиз. Саждада белни, оёқни чўзманг, ким намоз ўқиса, тирсақларини ерга тўшамасинлар (ит каби) деб таълим берганлар. (Имом Аъзам Абу Ҳанифа. Муснад, Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005, 65-б. 109-, 110-, 111- ҳадислар.)

АДАМ آدم [a] – йўқлик, бўшлиқ, сукунат, илоҳий чексиз, ҳадсиз кенглик. Борлик адамдан (йўқликдан) яратилган. Бобораҳим Машраб асарларида *Адам даштида саргаштаман* мисраси келади.

АДИЛЛАЙ ШАРЪИЯ عدله شرعيه [a] – шариат қонунчилиги ёки амал қилиниши, асосланиши шарт бўлган, шаръий-ҳуқуқий қонунлар: Китоб яъни, Қуръони карим, Сунна, яъни Ҳадиси шариф, Қиёс, Ижмоъ уммат ва Раъйдир.

АДЛ (ал-Адл العدل) [a] – Аллоҳнинг сифатий исмларидан бири, яъни Аллоҳ адолат, тўғрилиқ, инсоф соҳибидир.

АЖАЛ اجل [a] – Ўлим учун белгиланган муддат, вақт, муҳлат. *Ажали етмоқ, ажали тўлмоқ, ажали ҳайдамоқ* ибораларида ўлим вақти, муҳлати, соати битди – тугади, тушунчалари мавжуд.

АЖАЛИ МУАЛЛАҚ اجل معلق [a] – на у ёқлик, на бу ёқлик ҳолатда – ўртада турадиган, маълум сабаб (масалан, тоғдан учмоқ, сувда чўкмоқ, ўтда куймоқ, отилмоқ каби) билан юз берадиган ўлим ёки бевақт ўлим. *Худойим ноҳақ тухматдан, бевақт ўлимдан сақла* дуоси шу жараён билан боғлиқ юзага келган.

АЖАЛИ МУБРИМ *اجل ميرم* [a] – инсон умрини – вақти-соати тугаб, ажали етқач, ўлим фариштаси томонидан қистаб келиниб амалга ошириладиган ўлим.

АЖР *اجر* [a] – бу дунёда бандаларнинг барча эзгу ишлари, Аллоҳ йўлидаги хайриялари, ҳатто амалга ошмай қолган эзгу ниятлари эвазига охиратда бериладиган мукофот, инъом. Бу дунёда қилган яхши ва ёмон амаллар қиёматда заррасигача, мисқолигача ўлчаниб, ҳисоб-китоб қилинади (қ.: Залзала сураси).

АЗАЛИЯТ *ازلييت* (арабча: азал *ازل*, азал+ий *ازلى*, азал+ий+ат *ازلييت* элементларидан таркиб топган) – истилоҳ маъносида, аввало, олам ибтидоси, замон ва маконсиз мавжудот, яъни Аллоҳ ва кейин яратилган илоҳий олам (руҳлар лавҳ ул-қалам, лавҳ ул-маҳфуз, жаннат ва дўзах каби маскан ва манзиллар).

АЗИЗ (ал-Азиз *العزیز*) [a] – Аллоҳ исми сифатларидан бири, кудратли, улуғ, иззат, ҳурмат соҳиби демакдир.

АЗИМ (ал-Азим *العظيم*) [a] – Аллоҳнинг сифатий исмларидан бўлиб, улуғ, буюк, катта демакдир.

АЗОБИ ҚАБР *عذاب قبر* [a] – марҳум қабрга қўйилиб, тупроқ тортилгач, Таборак сураси ўқилиб бўлгунча барча арвоҳларнинг табриклашга келиши: *халойиқ машғул бўлгай Таборакка, жами арвоҳ йиғилиб келгай, муборакка* (Хожа Аҳмад Яссавий); халойиқ қабрдан етти қадам узоклашгач, мункар-накр сўроққа келиши, марҳум қилмишига – «номаъи аъмол»ига (қ.: Номаи аъмол) яраша жазо ёки мукофот олиши (қ.: Мункар-Накир).

АЗОЗИЛ *عزازل* [a] – шайтоннинг асли исми.

АЗОЙИМХОН *ازاييمخان* [ф] – энг кучли тажрибали, нафаси ўткир дуохон, мулла.

АЗОН ДУОСИ *اذان دعاسى* [a] – азон айтилгач, муаззин (қ.: Муаззин) ўтириб ёки чўккалаб: «Аллоҳумма, робба ҳазиҳид даъватит...» деб бошланадиган дуони ўқимок.

АЗОН *اذان* арабча *азина* феълининг “тингламоқ” маъноси билан боғлиқ ҳосил қилинган от бўлиб, намозга чақирмоқ, хабар бермоқ, даъват этмоқдир (Азон алоҳида бажариладиган, ўз матни ва вази-фасига эга бўлган ибодат тури бўлишига қарамай, у тарихан, намоз ижроси билан боғлиқ туғилган, намоз ибодатини мазмун, шакл, моҳият билан тўлдирадиган, уни комиллаштирувчи узвий қисмдир. Образли қилиб айтганда, азон намознинг гултожидир. Қолаверса, азоннинг моҳияти, мазмуни, шакли, хусусан, матни, лингво-поэти-

каси, тарихи акс этган махсус ишлар кўзга ташланмайди (қ.: Илова: «Азон талкини»).

АЗРОИЛ عزرائيل [a] – барча тирикларнинг жонини олувчи фариштаи мукарраб. Бу фаришта малакул мавт, яъни *Ўлим фариштаси*, *Қобуз ул-арвоҳ* номлари билан ҳам аталади.

АИММА ائمه (бирл. имом امام) [a] – имомлар, дин пешволари, мазҳаб бошликлари, олиму уламолар.

АИММАИ СИТТА ائمه ستة [a] – олти имом – Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насайй, Термизий, Ибн Можа.

АИММАИ ХАМСА ائمه خمسة [a] – беш имом – Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Насайй, Имом Термизийларнинг умумий атамаси.

АЙЁМ УЛ-БАЙЗО ايام البيض [a] – Ойдин кунлар. Рўза фарз қилинмасдан олдин жаноб пайғамбаримиз ҳар ойнинг уч кунда (13-, 14-, 15- кунлар) рўза тутар эдилар. Мана шу кунлар «Айём ул-байзо» («Ойдин кунлар») деб аталар эди (Алихонтўра Соғуний, Тарихи Муҳаммадиййа, 3-нашр, Тошкент: «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 162- б.).

АЙН УЛ-ЯҚИН عين اليقين [a] – оламни билиш ҳақидаги тасаввуф назариясининг иккинчи босқичи. (қ.: Илм ул-яқин)

АЛАЙҲИССАЛОМ عليه السلام [a] – Унга салом, Пайғамбар номига қўшилиб айтиладиган, ҳурмат ва эҳтиром маъносига ибора «Муҳаммад а.с.» шаклида.

АЛАС-АЛАС الس-الس [a] – бирор касалликка чалинган беморни холироқ жойга олиб бориб, атрофидан, бошидан олов (мойга ботирилган матони) айлантириш, шу аснода «Алас-алас» (дарддан халос бўл, халос бўл маъносига) сўзини такрор-такрор айтиб туриш йўли билан фалокатни қувлаш, даф этиш одати.

АЛ-АСМО АЛ-ҲУСНО الاسماء الحسنا [a.] – гўзал исмлар – Аллоҳнинг исмлари, Аллоҳнинг сифат ва фазилатларини ифодаловчи исмлар. Қуръони каримда Аллоҳни шу исмлар билан ёдга олиш буюрилади: «Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, уни ўша номлар билан чорланглар (ёд этинглар)» (Аъроф сураси, 180- оят); «Аллоҳ деб чорлангиз ёки Раҳмон деб чорлангиз. Қандай чорлангизлар-да (жоиздир). Зеро ул зотнинг гўзал исмлари бордир». (Ал-Исро сураси, 110- оят). Бу исмлар 99 та. Улар мусулмон илоҳиётида муҳим ўрин тутади. Аллоҳ исмлари кўп дуоларда қўшиб айтилади. Одатда, тасбеҳ доналари сони Аллоҳ исмлари сони

билан тенгдир. ал-Асмо ал-хусно халқ тилида «исми Аъзам» ҳам баъбида (қ.: Ислои энциклопедияси. – Тошкент, 2004, 23–24- б.).

«А.ЛАҚ» العلق [a] – сура номи. Бунда инсон куюк – лахта қондан яратилгани тўғрисида илк бора айтилгани сабабли «Алақ» (лахта қон) деб номланган.

АЛВАДОЪ \ АЛВИДОЪ الوداع [a] – айрим лугатларда айтилганидек, шунчаки хайрлашув эмас, абадий ажралиш (масалан, ўлим тўғрисида), аслида *рўзи махшарда кўришгунча* маъносида қўлланилади.

АЛВАСТИ الوستى (ўзбек тилидаги “олиб бости” иборасининг ёнакартмаси) – Шарқ мифологияси ва диний тасаввурда ҳар хил шайхларда кўринадиган кучли, инсонларга зарар қилувчи махлук, *Алвасти босғир* қарғиши шундан қолган.

«АЛ-ЖОМЕЪ АС-САҲИҲ» الجامع الصحيح [a] – «Тўғри ҳадислар тўплами» – Исмоил Бухорийнинг тўрт жилдлик асарининг номи. Тўғрилиги муҳаддислар томонидан эътироф этилган ҳадислар тўплами ҳам шундай аталади.

АЛИЙ (ал-Алий العلى) [a] – Аллоҳнинг сифатий исмларидан бўлиб, улуғ мартабали, кучли демакдир.

АЛИМ (ал-Алим العليم) [a] – Аллоҳнинг исми сифатларидан бири: Аллоҳ билувчи, доно, икки дунё илмининг соҳиби. Валлоҳу аълам (Аллоҳ билувчи).

«АЛ-ИСРО» الاسراء [a] – сура номи, асосан, Муҳаммад с.а.в.-нинг шахсиятлари ва у Зотга Аллоҳ томонидан ато этилган мўъжизаларнинг таъриф-тавсифига бағишланган сура, у Муҳаммад Пайгамбарнинг Сайр мўъжизаси ҳақида хабар бериш билан бошланади. Шу боисдан суранинг номи «ал-Исро» (Тунги сайр) деб аталгандир.

АЛИФ الف [a] – араб алифбосининг биринчи ҳарфи бўлишидан ташқари, мажозий маънода Аллоҳ тушунчасини – ҳамма нарсанинг ибтидосини ҳам англатади. Оламда Аллоҳ зуҳр этганидек, алиф (бир) ҳам ҳамма сонларда мавжуд. Ҳамма сонлар алифдан бошланади. 28 та ундош товуш деб аталган арабча алифбонинг биринчиси ундош эмас, унли эканлиги ҳам юқоридаги фикрга ишора қилади.

АЛЛОМА علامه [a] – энг билагон олим, зўр олим, мамлакатнинг, замонасининг етук донишманди.

АЛЛОҚА علاقه [a] – салла печи, салланинг олдга ёки елқадан орқага чиқиб турадиган қисми, биринчи учи.

АЛЛОҲ الله [a] – барча мавжудот – борлиқни яратган, азалий ва абадий барҳаёт, ибтидо ва интиҳосиз, ҳамма нарса ни билувчи, кўрувчи, эшитувчи, ҳамма нарсага қодир, мутакаллим (ҳамма тилларни билувчи), ҳеч нарсага ўхшамас (ўхшаши йўқ) каби субутий сифатларга эга бўлган олий Зот (қ.: Илова: «Исми Олий»).

АЛЛОҲ СУБҲОНАҲУ ВА ТАЪОЛО الله سبحانه و تعالى [a] – Аллоҳ энг олий ва покдир. Бу ҳам – Аллоҳни сифатловчи атама.

АЛЛОҲ ТАЪОЛО الله تعالى [a] – энг юқори, олий, юксак зот; Аллоҳни эъзозловчи, сифатловчи ибора – атама.

АЛЛОҲ! АЛЛОҲ! الله ، الله [a] – кутилмаган бирор воқеликнинг юз бериши ёки эшитилиши билан боғлиқ айтилади; таажуб, ҳайрат, ҳаяжон ифодалайди. Бу истилоҳ жонли нутқда, хусусан, Алишер Навоий асарларида фаол қўлланилган.

АЛ-МАСЖИД АЛ-АҚСО المسجد الأقصى [a] – узоқдаги масжид, Қуддус шаҳридаги масжиди жомеъ – катта масжид. Қуръони каримда шу ном билан тилга олинган. Муҳаммад пайғамбар меърож тунида (қ.: Лайлат ул-меърож) аввал *масжиди Ақсо*га бориб, икки ракъат намоз ўқиб, кейин Аллоҳ хузурига парвоз қилганлар. Исломдан олдин араблар, ундан кейин мусулмонлар *ал-масжид ал-ақсо* томонга қараб ибодат қилганлар. 624 йилда Маккадаги Каъбага қараб ибодат қилинган (қ.: Қибла).

АЛ-МАСЖИД АЛ-ҲАРАМ المسجد الحرام [a] – бегоналар, номаҳрамлар кириши мумкин бўлмаган, таъқиқланган муқаддас жой – масжид. ал-Масжид ал-ҳарам – Маккадаги Каъба ибодатхонаси, Қуръони каримда шу ном билан тилга олинган, 630 йилда мусулмонлар Маккани эгаллагач, ал-Масжид ал-ҳарам Ислом динининг маркази, энг муқаддас ибодатхонаси сифатида тан олинган. Ҳозир дунё ҳожилари шу масжидда ибодат қиладилар.

АЛМИСОҚ الميثاق – арабча сўз бўлиб, шартнома, келишув, ваъда, байъат, аҳду паймон, қавл: *мавсуқ* эса мисоқдан яратилган бўлиб, қатъий, ишонч, собитлик, бандалик демақдир, Ёки *алмисоқ* – инсон руҳи яратилган кун азалият, Аллоҳнинг холиқлиги, рўзнинг махлуқлиги эътироф этилган, тасдиқланган иқрор бўлинган рўзи аввал. Мана, шу воқеа акс этган анъанавий диалог: “Маънии алмисоқ нима?” “Хитоб шулки, замонеки Аллоҳ Таъоло руҳни пайдо қилиб нидо қилдики: «Аласту Раббукум», яъни оё эмасманму сизларнинг парвардигорингиз? Анда руҳлар айдиларки, «қолу ба-ло», яъни ори (ҳа), Парвардигоримиз – Сан, жумлаи жаҳониён

Худосидурсан, ҳар шайъини (хамма нарсани) Холиқи ва Розики-
дурсан (қ.: «Чор китоб» ёки «Ҳазор саволга». 109-б.)

Ўзбек тилида (луғатларимизда ҳам) «Алмисоқдан қолган» ибориси эски замондан қолган, *кўхна, эскирган, айтилавериб увадаси чиққан* фикр, гап, нарса ёки бирор буюмга нисбатан ҳам ишлатилди. (қ.: Илова: «Нега алмисоқдан қолган деймиз?»)

АЛОМАТ УЛ-ВАҚФ **علامات الوقت** [a] – вақф аломатлари, тўхтим, тиниш белгилар, Куръони каримни ўқишда амал қилиниши кечик бўлган Тажвид қоидалари.

АЛ-РАББОНИЯТ **الربانيات** [a] – кечки намоз (қ.: Хуфтон намози).

«АЛ-ТАКОСУР» **التكائر** [a] – моддапарастлик, ортиқча мол-дунё тўшлаб кўпайтиришга ружуъ қўймоқ. Бошқача айтганда, сурада Аллоҳга ибодат қилиш ўрнида бутун умрини – то қабрга боргунча бойлик тўплаш билан ўтказиб, охиратини барбод қиладиган бандалар баён этилганлиги учун сура «Такосур» деб аталган. Бу халқ тилида биринчи оят билан «Алҳақум ут-такасур» ҳам дейилади.

АЛ-ФИРОҚ **الفراق** арабча *фарақа* феълининг «бир-биридан айирди» маъноси билан боғлиқ ҳосил қилинган бўлиб, *айрилмоқ, видолашув, хайрлашув, жудолик* маъноларини англатади. ал-фироқ ибодатда жумладан, рўзаи рамазоннинг тугаб, охирлашиб бораётганлиги муносабати билан, таравихларда (хайрлашув, видолашув маъносида) охирида «*Алфироқ! Алфироқ! Алvido! Алvido*» тарзида жўр бўлиб айтиладиган матннинг атамасидир.

АЛҚОИДА **القاعدة** [a] – қоида ёки ақидапараст, илк ислом ақидачилигини, масалан, халифалик мафқурасини тарғиб қилувчи оқим.

«АЛ-ҚОРИЪА» **القارعه** [a] – қалбларни қаттиқ қоқувчи, яъни «қиёмат» деган маънони англатади. Сурада инсон қалбининг бундай титраб-қақшаб кетиши, қиёмат билан – тоғларнинг жундай титилиб, инсонларнинг капалакдай тўзғиб кетиши каби жараёнлар билан боғлиқ юз бериши баён этилган.

АЛ-ҚУРЪОН **القران** – арабча «қараъа» феълининг «ўқиди» маъноси билан боғлиқ ҳосил қилинган бўлиб, *ўқиш, ўқимоқ* демакдир. Ал-Қуръон ўзбек тилида аниқлик юкламаси (“*al*”сиз ҳам «Қуръон» шаклида келади) самовий – муқаддас китоб маъносини англатади. Ал-Қуръон Муҳаммад пайғамбарга 23 йил (мелодий 610–632- йил-

лар) давомида ваҳий оркали нозил бўлган, 114 сурадан иборат охирги самовий китоб бўлиб, у мусулмонларнинг ижтимоий-сиёсий, оилавий, шахсий ҳаётини тартибга солиб турувчи ва ҳидоятга бошловчи диний, ҳуқуқий қондалар, қонунлар тўпламидир.

АЛҲАМДУЛИЛЛАХ الحمد لله [a] истилоҳи – ал (аниклик юкламаси) + ҳамд (мақтов, мадҳ, шукур, ташаккур) + Аллоҳ (Яратган, Холик) унсурларидан ташкил топган бўлиб, Аллоҳга иймон келтирмоқ, ҳамду сано, раҳмату ташаккур айтмоқ, миннатдорлик изҳор қилмоқ учун қўлланадиган калимаи кудсия – тасбеҳдир.

АЛҲАЗАР الحزر [a] – қутилмаганда юз берадиган ноҳуш, номақбул, тухмат ёки бирор ғайритабий, ғайриқонуний воқеликлардан нафратланмоқ. Шу билан бирга улардан сақланмоқ, ҳазар қилмоқ, ҳатто ўзни ва ўзгаларни сақлаш учун Аллоҳга илтижо қилмоқ каби маъноларда қўлланади: *Алҳазар, Алҳазар! Кўпирар томирларда қон* (Ғ.Ғулом).

«**АЛ-ҲАҚҚА**» الخافه [a] – сура номи. Унда Аллоҳнинг, Куръони каримнинг, Муҳаммад с.а.в.нинг, қиёмат Кунининг ҳақлиги – муқаррарлиги қайта-қайта (1-, 2-, 3- оятлар) таъкидланганлиги учун сура «ал-Ҳаққа» (ҳақиқат, рост, муқаррар маъносида) деб номланган.

АМИЙН امين [a] – шундай бўлсин, тинчлик, омонлик бўлсин, сақласин. «Фотиҳа» сурасидан кейин муқтадийлар (қ.: Муқтадий) махфий равишда 6-, 7- оятларнинг мазмунидан келиб чиқиб: *Амийн!* дейишади. Ёки бирор дуои хайрдан кейин имом Амийн! деганда, бошқалар ҳам Амийн! (шундай бўлсин, ижобат бўлсин маъносида) дейишади.

АМИН УЛ-ВАҲИЙ امين الوحي [a] – қ.: Рухул амин.

АМИН امين [a] – сақловчи, омонатга хиёнат қилмовчи, ишончли, посбон, хавфсиз.

АМИР АЛ-МУСЛИМИН امير المسلمين [a] – мусулмонлар амири – бошлиғи, йўлбошчиси, чаҳорёрлар лақаблари.

АМИР АЛ-МУЪМИНИН امير المؤمنين [a] – муъминлар, мусулмонлар амири, раҳнамози. Муҳаммад с.а.в. дан кейинги тўрт халифа (Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али)нинг унвони, лақаби, бошқача айтганда, *амир ал-муъминин* атамаси халифа, имом, амир атамалари ўрнида қўлланилган. Бу унвонни дастлаб Умар олган, кейин барча халифалар шу унвон билан юритилган.

АМН امن [a] – омон, тинч, осойишта, ишонч.

АМНИЯТ امنيت [a] – омонлик, тинчлик, осойишталик.

АМОМА امامه [a] – салла, бошга чандиб боғланадиган дастор.

АМРИ МАЪРУФ امر معروف [a] – яхшиликка чорлаш, ундаш, тигуликка йўналтириш; шаръий аҳком ва арконлар томонидан илгари сурилган ғоя ва фикрларни қўллаб қувватламок, уларни тартиб ва ташвиқ қилмок.

АНАЛҲАҚ انا الحق [a] – ано (انا) мен, ал- (-ال) аниклик юкламаси, артикл; ҳақ (حق) – Худо, Аллоҳ. Демак, Аналҳақнинг зоҳирий тиржимаси мен *Ҳақман*. Аналҳақ таълимотининг асосчиси Ҳусайн ибн Мансур Халлож «Аналҳақ» дегани учун уламолар фатвоси билан 922 йил Боғдодда дорга тортилган. Ҳолбуки, *Аналҳақ* тасаввуфий маънода *Аллоҳ васлига восил бўлган*, ўзида ўзлигини эмас, Аллоҳни кўрган, яъни ўз сиймосида, қалбида, руҳида Аллоҳ яшаётгани; менлигини, ўзлигини йўқотган (к.: Ваҳдат ул-вужуд) зотлардир.

АНБИЁ انبياء (бирл. набий نبي) [a] – қ.: Пайғамбар.

«АНБИЁ» الانبياء [a] – сура номи. Унда бошқа илоҳий таълимотлар билан бирга Исҳоқ, Яъқуб, Лут, Нух, Довуд, Сулаймон, Айюб, Исмоил, Идрис, Зул-кифил, Зуннун, Закариё ва Ийсо а.с.лар тўғрисида ҳам хабар берилгани учун у «Анбиё» (пайғамбарлар) деб аталган.

АНИМИЗМ – лотинча, anima, animus (жон, рух) сўзидан ясалган бўлиб, ибтидоий халқларнинг табиатдаги ҳар бир нарсада, жумладан, одамда ҳам жон, рух бор деб ишонишлари, шу муносабат билан табиатга сиғинишлари, шу ҳақдаги қараш.

«АНКАБУТ» العنكبوت [a] – сура номи. Ундан ўзлари қўллари билан ясаб олган бутларга сиғиниб, улардан нажот кутадиган мушриклар худди ўзи тўқиган тўридан паноҳ истайдиган ўргимчакка ўхшашлиги тўғрисидаги оят ҳам ўрин олгани учун у «Анкабут» (ўргимчак) сураси деб номланган. Бунда мушриклар ўргимчакка, бутлар ўргимчак тўрига ташбеҳ қилинган.

АНКАР УЛ-АСВОТ انكر الاصوات (бирл. صوت) – энг ёқимсиз овоз, куй ёки қироятни бузувчи овоз. *Ўз овозларингиз билан Қуръони каримни безанг* (Ҳадисдан).

«АН-НОС» الناس [a] – сура номи. Инсонлар, яъни инс-жинс, шайтон кийёфасидаги инсонлар, ёмонлик кучлари, гапирувчи махлуклар. Сурада мана шу кучлар хавфидан қочиш, из ўчириш; Аллоҳга сиғиниш, дарғоҳига интилиши, паноҳ сўраш, нажот топиш ғояси баён этилганлиги учун унинг номи «инсонлар» деб аталган.

АНОНИЯ(Т) انانیت [a] – ўзлик, манманлик, шахсият, ғурур, такаббурилик. Диний-гасаввуфий таълимотга кўра, инсон ўзидаги нуқсонларни («анониятни») баргараф қилиб, комиллик касб этади, Ҳаққа яқинлашади.

АНСОР انصار [a] – ёрдамчилар, дўстлар, ҳамдамлар; Маккадан Мадинага кўчиб борганларни яхши кутиб олган ва ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаган мадиналиклар ансор, ансорийлар (диндошлар) деб аталган.

АНСОРИЙЛАР انصاريلا [a+ўзб.] – ёрдамчилар, фидойилар, дўстлар. Муҳаммад с.а.в. Мадинага кўчиб борганларида (622) шаҳар эшигини очиб, таъзим-тавозеъ, завқ-шавқ, тўй-томоша билан кутиб олган ва хизмат қилганлар, ислом тараққиёти йўлида курашганлар.

«АНФОЛ» الانفال [a] – сура номи. Бу сўз, асосан, жанг ҳақида бориб, уруш ва тинчлик ҳолатлари ҳамда шариати исломиядаги асир ва ўлжа олиш хусусидаги ҳукмлар баён қилинган. Бу суранинг «Анфол», яъни «Ўлжалар» деб номланиши сабаби ҳам шудир.

«АНЪОМ» الانعام [a] – сура номи. Бу сурада жуда кўп муаммолар билан бирга, яна чорва ҳайвонлари ва улар ҳақидаги ҳукмлар ҳам баён этилгани учун у «Анъом» – «Чорвалар» деб аталган.

АПОСТОЛЛАР اٰپستالار – Исо пайғамбар сафдошлари, унинг ғоясини тарқатувчи, химоя қилувчи 12 кишидан иборат ғоявий издошлари. Улар *ҳаворийюн* атамаси билан Куръони каримга ҳам киритилган (қ.: Ҳаворийюн).

АРАФА عرفه [a] – учрашув, танишиш демакдир. Зулҳижжанинг 9- куни ҳожилар катта ҳаж маросимини ўтказиш учун бир кун олдин арафот тоғида тўпланиб учрашадилар, бир-бирлари билан танишадилар. Шу сабаб бу кун «Арафа» деб аталади. Уламолар Одам ва Ҳаво жаннатдан тушгандан кейин охирида Арафот тоғида бир-бирлари билан кўришиб, Муздалифада дийдорлашганликлари сабабли у кун *арафа* деб аталганлигини таъкидлайдилар.

АРБАЪИН اربعين [a] – қирк. Қирк ҳадисни ўзичига олган асар, рисола. Алишер Навоий асарининг номи.

АРВОҲ ارواح (бирл. روح) [a] – рухлар. Одам жисм ва рух (тан ва жон)дан иборат; жисм – оби гилдан, рух илоҳий нафас – нурдан. Одам ўлгач, жисм – ерники, рух (жон) – Аллоҳники, чунки жон Аллоҳнинг омонати. Шу сабаб рух рухлар оламига кетади, жисм тупрокка айланади. Рух – абадий бўлиб, Аллоҳ олдида жавоб беради.

АРВОҲ КАПАЛАК ارواح كپلك [a+ф] – кечаси чироқ ёруғига оқадиган катта кўнғир капалак. Диний тасаввурга кўра марҳум руҳи ўч уйига шу капалак суратида келади. Шу сабаб удумга кўра ушбу озор берилмайди, аксинча, ўтганлар руҳига Қуръон ўқилиб, катто кўз ёш қилинади.

АРВОҲ УРҒАН ارواح اورگان [a+ўзб.] – иши юришмаган, негадир омадсиз, бахтсиз, иши ўнганмайдиган киши. Арвоҳ тутган, арвоҳ кайишган, арвоҳ норози иборалари ҳам марҳумнинг қариндеш уруғларидан кимидир кўндан бери бемор, тузалиб кетмапти хаттиолиларида қўлланилади.

АРВОҲИ ҚУДСИЙ ارواح قدسى [a] – муқаддас, пок руҳлар, фаришталар, малаклар, фариштаи муқаррабинлар (қ.: Фариштаи муқаррабин).

АРКОНИ ДИН ارکان دين [a] – ислом динининг беш асоси, устун: Аллоҳнинг ягоналигига Муҳаммад с.а.в. Алллоҳнинг куллини элчиси эканлигига ишонмоқ; беш вақт намоз ўқимоқ; рамазон рўзасини тутмоқ; закот бермоқ; Каъбани зиёрат қилмоқ.

АРОСАТ – арабча *арса* عرسه (кўп. عراسه) сўзининг кўплиги (манҳум от) бўлиб, «майдон», «макон» демакдир. Ўзбек тилида бу сўз қиёмат (қ.: Қиёмат) бўлганда, барча вафот этганлар тирилиб тўнланадиган, Аллоҳ олдида ҳисоб берадиган кўркинчи, чексиз илохий, самовий дашт маъносини англатади. Айрим бандалар, чушончи, мунофиқлар жаннатга ҳам, жаханнамга ҳам боролмай шу даштда (аросатда) абадий қолиб кетадилар. Шу сабаб икки кема-нинг бошини тутиб, бирданига икки томонга қўл чўзиб омадсизликка, бахтсизликка учраб, мақсадига етолмай ора йўлда қолганларга нисбатан ҳам мажозий маънода аросат (арасот)да қолмоқ ибораси қўлланилади.

АРШ عرش – арабча «араша» феълининг «кўтарди», «баланд срга жойлади» маъноси билан боғлиқ ясалган бўлиб, «баландлик» демакдир. Аршнинг *тахт* маъноси кейинчалик «баландлик» маъносидан ўсиб чиккан. Арш, хусусан, «арши аъло» (عرش اعلى) бирикмасида «Осмоннинг энг юқори қисмидаги тахт маъносини англатади ва бу Аллоҳга нисбат берилади». Арши курси (курси мажозий 9 қат осмон) сўзи билан бирга (*Арши курси* шаклида) келиб, манбаларда оламнинг асоси, таянчи, Арш поясида жойлашганлиги, унинг Аршнинг ҳад-худудсиз қиёси йўқ илохий, қаср, маконлиги баён этилган. Фаришталарнинг: Эй Раббимиз, Аршдан ҳам каттароқ,

буюкрок нарса яратганмисан? деган саволларига Аллоҳ: – «Акл» деб жавоб берган. Инсон руҳи ҳамиша бандаликка – Арши аълога интилганлигидан бўлса керак, шоир Бобораҳим Машраб «Етти оҳим *арши аълога*», «Арш кунгурасига кўйдим оёғим» дейди. Ёки *Жони Арши аълога кетди* (ўлди, Аллоҳ ҳузурига кетди маъносида).

АРШИ АЪЛО *عرش اعلى* [a] – энг юкори арш (қ.: Арш, Арши курси).

АРШУ КУРСИ *عرشو كرسي* [a] – етти қат осмон, осмоннинг энг юкори, олий қати, табақаси, илоҳий макон. Ўн саккиз минг оламнинг таянч нуқтаси, маркази (қ.: Арш).

АСКЕТ [юнон.] – аскетизм (қ.: Аскетлик) ёки аскетлик ғоясини тарғиб қилувчи, зоҳид ёки таркидунёчи.

АСКЕТЛИК // АСКЕТИЗМ (аскет юнонча – asketes, askeo – машқ қилмоқ, кўникмоқ) – Илоҳ йўлида дунёвий ҳаётдан узоқлашиш, тарки-дунёчилик ғоясини тарғиб қилувчи оқим.

«АСР» *العصر* [a] – замон, вақт; сура номи. *Вал-асри* – аср билан қасам: *в* – қасам ҳарфи, *ал* – артикль, *аср* – вақт, замон. Бунда вақт номлари (тонг, сахар, зухур, кеча кундуз каби)нинг муқаддаслиги ҳам таъкидланган. Сурадаги 1- оятнинг юзага келишида *аср* номи асос бўлганлиги учун бутун сура “Аср” деб аталган. Халқ тилида «Аср» сураси «Вал асри» деб ҳам аталади.

АСРИ ЖАҲОЛАТ *عصر جهالت* [a] – нодонлик, билимсизлик, жоҳиллик асри, Арабистон тарихининг исломгача бўлган даври, яъни уруш, қулчилик, фоҳишлик, фосиклик, майхўрлик, рибохўрлик, мушрикийлик, ҳатто чақалоқ қизларни тириклайин кўмиш каби маънавиятсизликларнинг авж олган даври. Шу сабаб бу даврни Муҳаммад с.а.в. *асри жаҳолат* ёки *жоҳилия замони* деганлар.

АСРИ СОДОТ *عصر سادات* (бирл. сайид *سيد*) [a] – сайидлар, яъни Муҳаммад с.а.в. ва унинг авлодлари асри. Бу аср – сўнгги пайғамбарларнинг келиши, Қуръони каримнинг нозил бўлиши, исломнинг шаклланиши, мушрикийликка қарши кураш, яккаҳудолик (вахдоният) ғоясининг мафкура сифатида пайдо бўлиши ва бу инсониятни жаҳолат ботқоғи – залолатдан ҳидоятга, икки дунё бахтига мушарраф этиш асридир.

АС-САКАРОТ УЛ-МАВТ *السكرات الموت* [a] – ўлим олдидаги жон талвасаси, жон бермоқ, ҳушсизлик ҳолат, мастлардек алаҳсираш.

АС-САЛОТ УЗ-ЗУХУР *الصلاة الظهر* [a] – ўн рақбат ўқиладиган пешин намози, кун ярида ёки ундан ўтганда, кун оғганда ўқиладиган намоз.

АС-САЛОТ УЛ-АСР الصلوات العصر [a] – куёш ботмасдан олдин ўқиладиган тўрт ракъатлик аср намози, *намози дигар* (намоздигар).

АС-САЛОТ УЛ-ИШОЪ الصلوات العشاء [a] – 9 ракъат (3 ракъатли шир билан бирга)лик хуфтон намози, *намози хуфтон*.

АС-САЛОТ УЛ-МАҒРИБ الصلوات المغرب [a] – беш ракъатлик *намози шом*, шом намози.

АС-САЛОТ УЛ-СУБҲ الصلوات الصبح [a] – тўрт ракъат ўқиладиган бомдод намози (субҳ, фажр – тонг, тонг саҳар).

АС-САЛОТ УЛ-ФАЖР الصلوات الفجر [a] – тонг намози, бомдод *намози*.

АС-САЛОТ УЛ-ҒУРУБ الصلوات الغروب [a] – қ. Ас-салот ул-аср.

АС-СИЁМ УЛ-РАМОЗОН الصيام الرمضان [a] – рамазон рўзаси, рамазон ойида тугиладиган 30 кунлик фарз ибодати.

АСТАҒФИРУЛЛОҲ استغفرالله [a] – Бу иборанинг биринчи қисми «Ғафара» феълидан ясалган бўлиб, бутун ҳолда Аллоҳдан афв, кечирим сўраш, бошқача айтганда, «астағфируллоҳ» калимаси – тасбеҳи гуноҳлар учун Аллоҳдан кечирим сўрашдан ташқари, тавба қилиш, иймон келтириш, ёмонликлардан сақланиш мазмунидаги ундов гап вазифасида ҳам қўлланилади ёки *астағфируллоҳ* – кечир, Аллоҳ демак, мўминларнинг ҳар дам, ҳар он, ҳар кун айтадиган калимаи қудсияси: хатога йўл қўйилганда, гуноҳ содир қилганда, ҳатто бехосдан кўрқиб кетганда, чўчиб тушганда, ибодатда, зикр-санода, тасбеҳда айтиладиган тавба, калимаи афвнома.

АСФАЛАССОФИЛИН اسفل السافلين [a] – аслида бирор жой, маконнинг қуйи, чуқур қисми, пастки табақаси. Истилоҳий маънода дўзахнинг еттинчи – пастки қисмининг номи. Асфаласофилинга жўнатилди; асфаласофилинга кетди иборалари еттинчи дўзахга тушди маъносида қўлланилади.

АСҲОБ اصحاب [a] – пайғамбаримизнинг суҳбатдошлари (қ.: Саҳоба).

АТЕИЗМ (юнонча) – *a* – инкор элементи, *теост* – дин, яъни даҳрийлик, худосизлик; ҳар қандай диний эътиқодни рад этувчи дунёқараш.

АТЕИСТ [юнон.] – *a* – инкор элементи, *те(о)* – худо, *-ист* – шахс ясовчи элемент. Демак, *атеист* – худосиз, худони инкор қилувчи, даҳрий, динсиз киши.

АТ-ТАСВИБ التسويب [a] – бомдодда азон матнида айтиладиган «Ас-салоту хойрул мин ан-навм» – талаффузда «хойрумминан

навм» (намоз – уйкудан афзал) гапи, яъни чақирик ёки даъватининг қисқарган рамзий атамаси.

АТ-ТАҲИЙЁТ التحيات (бирл. таҳийя *تحية*) [a] – салом, дуо, макташ, танишиш, табриклаш, тириклик, ҳаёт бериш, учрашиш каби маънолар билан боглик қўлланилади. Саломлашиш ва танишишнинг биринчи олий ва илохий намунаси Муҳаммад с.а.в.нинг «Меърож туни»даги Аллоҳ билан учрашув ва саломлашув муносабати билан: «Ат-таҳиййату лиллаҳи вас солавату ват-таййибату (оламлар Роббисига беадад ҳамду сано, салому саловатлар бўлсин) деб берган саломига Аллоҳ: «Ас-салому алайка, йа аййухан набий ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу; ассаламу алайна ва аъла ибадиллаҳис солиҳийн» (Эй пайғамбарим, Сизга барча солиҳ бандаларимга парвардигорингизнинг раҳмати ва баракати ёгилсин) деб берган жавобидир. Бу воқеани бевосита кузатиб турган Жаброил а.с. ҳайратомуз тарзда: «Ашҳаду ал ла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва русувлуҳ» (гувоҳлик берамангки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг қули ва расулидир) деб юборади. Бу жараёнлар ижроси «Ат-таҳиййат», «Таҳиййат», «Ташаҳҳуд» истилоҳлари орқали намозларимизда фарз-суннат сифатида муҳрланиб қолган.

АФУВ (ал-Афув *العفو*) [a] – гуноҳларни афв этувчи; Аллоҳнинг исми сифатларидан бири.

АШУРО *عشراء* [a] – ўн кунлик. Шиаларда ўтказиладиган мотам маросим кунлари. Ҳазрат Алининг ўғли Имом Ҳусайн Ироқдаги Карбало даштида жангда ҳалок бўлганлиги муносабати билан ҳар йили Муҳаррам ойининг дастлабки ўн кунлигида мотам тутиб диний юриш қиладилар, «Шоҳ Ҳусайн, воҳ Ҳусайн» (адабиётларга «шаҳей, воҳей» номи билан кирган) деб фиғон чекадилар, ўзларига азоб бериб кўчаларга чиқадилар. Муҳаррам ойининг ўнинчи куни шиа такъя-хоналарида мотам йиғилиши ўтказадилар.

АЪЛАМ *اعلام* [a] – билагон, шариат қонун-қоидаларини яхши билган уламо киши – *Валлоҳу аълам биссаवоб* гапи “Аллоҳ ҳамма нарсани билувчи” демакдир.

АЪЛИМ *عليم* [a] – Аллоҳнинг субутий сифатларидан. Аллоҳ ўн саккиз минг оламнинг, барча жонли ва жонсизларнинг сиру асрорини англовчи, ... «Аълимул ғойби вашшаҳадати», яъни барча яширин ва ошқора нарсаларни билувчи («Ҳашр» сураси 22- оят) демакдир. Ёки «Валлоҳу аълам биссавоб», «Садақаллоҳул аъзим» ибора-

ширида ҳам Аллоҳ ҳамма нарсанинг тўғрилигини билувчи деган ғоя ифодаланган.

«АЪЛО» الاعلى [a] – сура номи. Унинг аввалида барча нарсадан Олий ва Юксак бўлган Зот – Аллоҳ таъолонинг пок тутишга амр этилади. Бу – суранинг «Аъло» (энг олий зот) деб номланишига асос бўлган.

АЪРОФ اعراف [a] – тўсиқ. Девор. Қиёмат куни жаннатга ҳам, дўзахга ҳам тушмай ўртада турадиган жой – жаннат билан дўзахни ажратиб турадиган илоҳий тўсиқ – Аросат (к.: Аросат). Аросатдагилар, яъни аърофийлар дўзахда азоб чекаётганларни ҳам, жаннатда роҳат қилаётганларни ҳам кўриб турадилар (к.: «Аъроф» сураси).

АКИДА عقيدة (кўпл. Ақоид عقائد) [a] – эътиқод, ишонч, ихлос, тушунча, қоида; муайян ижтимоий, фалсафий қоидалар жамланган шакл ва арконлар акс этган конунлар йиғиндиси. Ислом ақидаларининг асоси Куръони карим ва Ҳадиси шарифда акс этган.

АҚИҚА عقيقه [a] – оилада «янги меҳмон», бола тузилганига етти кун тўлгач, жонлиғ (бандаларда қиз бўлса бир қўй, ўғил бўлса икки қўй) сўйилиб, сочига қайчи урилиб, рисолабоп исм танланиб, кулоғига азон айтилиб ўтказиладиган фарз амал.

АҚЛ عقل [a] – Аршдан ҳам катта, илоҳий кашфиётларнинг биринчиси инсоннинг яратилишида асос бўлган олий, илоҳий инъом. Жаброил а.с. Ақл, Иймон ва Ҳаёни одамга олиб бориб, булардан қайси бирини оласан деганда, Одам Ақлни танлади. Жаброил: Эй Иймон ва Ҳаё, сизлар энди кетинглар, деди. Иймон айтди: мен Ақлдан ажрай олмайман. Ҳаё айтди: мен эса Иймондан ажрай олмайман. Шу сабаб ақлсиз махлуқда Иймон ва Ҳаё мавжуд эмас.

АҚЛИ ЖУЗЪ عقل جزء [a] – Дунё сир-асрорларини фан тажриба кучи билан ҳам тўла англаш имкониятига эга бўлмаган, чегараланган ақл – инсон ақли. Инсон ақли ҳаёт сирларидан воқиф бўлса-да, бироқ у кўп нарсаларни, чунончи қиёмат кунини, ўлим сониялари кабиларни олдиндан айтиб бера олмайди. Зотан бу ақли куллнинг вазиғасидир.

АҚЛИЙ ДАЛИЛ عقلى دليل [a] – шаръий ҳукмларда ўз аксини топмаган бирор ҳаракатнинг тўғри, нотўғрилиги, бирор нарсанинг ҳалол, ҳаромлиги кабиларни ҳал этишда мужоҳидлар томонидан қўлланадиган исбот усули, мантиқий асос. Масалан, *чақалоқлигида ўлган кофир боласи дўзахий эмас*, каби.

АҚЛИ КУЛЛ عقل كل [a] – борлиқнинг барча сиру синоатларини мукамал англовчи, билиб турувчи ақл – ақли илоҳий. Бу «Валлоху аълам» (Аллоҳ билувчи), «Содақоллоҳ ул-аъзим» (ҳақиқатни билувчи улуғ Аллоҳ) каби ибораларда ҳам акс этган.

АҚЛИ МАОД عقل معاد [a] – маод қайтиб бориладиган жой, борар жой, охират, бокий олам; ақли маод – инсонни охиратдан огоҳ қиладиган илоҳий ва ирфоний ақл.

АҚЛИ МАОШ عقل معاش [a] – маош тирикчилик, яшашга керакли нарсалар. Ақли маош диний истилоҳ маъносида ҳаётни англашга хизмат қиладиган кичик ва мажозий ақл ёки ақли жузь – инсоний ақл.

АҚОИД عقائد [a] – ақида, акидат, мафкура, ғоя, таълимот. Муллаваҷчаларга мадрасаларда ақоид дарси ўтилган.

АҲАД احد [a] – бир (вахидун) маъносидан ташқари якка, ягона, ёлғиз тушунчаларини ҳам англатади. Аллоҳга кўчирилган мана шу кейинги маъно *Аҳад* лексемасининг истилоҳ сифатида шаклланишига асос бўлган. Сонларнинг ибтидоси бир, ҳамма сонларда бир мавжуд, бирсиз сонлар йўқ бўлганидек, Аллоҳ ҳам мавжудотнинг бошланиши, аввали, Яратувчиси – халлоки; У ҳамма нарсада мавжуд *Аҳадо*, Самадо муродимни бер менга, илтижосида Аҳад ва Самаднинг истилоҳий маъноси намоён бўлган. Луғатда келтирилган *Ваҳдат*, *Ваҳдоният* истилоҳлари ҳам Аҳад тушунчалари билан боғлиқ.

«**АҲЗОБ**» الاحزاب [a] – сура номи. Ундан Мадинада янги барпо бўлган Ислому давлатини йўқ қилиб юбориш ғаразида турли фирқалар бирлашиб қилган хужумлари ва бу жанг воситасида Аллоҳ мўъминларнинг иймон-этиқодини яна бир бор синовдан ўтказгани ҳақидаги оятлар ҳам ўрин олгани сабабли у «Аҳзоб» (ҳизблар, фирқалар) деб номланган.

АҲКОМИ ШАРЪИЯ احكام شرعية [a] – истилоҳи остида фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубох, ҳаром, ҳалол, макрух, муфсид амаллари, уларни фарқлашдаги ҳукмлар англашилади.

АҲЛ УЛ-КИТОБ اهل الكتاب [a] – китоб аҳли, яъни ўз самовий ва мукаддас китоблари («Забуру», «Таврот», «Инжил»)га эга бўлган халқлар: насронийлар ва яҳудийлар будпараст ва оташпараст халқлардан фарқли ўларок, *аҳл ул-Китоб* деб атаганлар.

АҲЛИ БАЙТ اهل البيت [a] – Муҳаммад с.а.в. хонадони вакиллари ва авлодлари: Али, Фотима, Ҳасан, Ҳусайн.

АҲЛИ БОТИН اهل باتن [a] – яширин сирларни билувчилар, авшлар, тасаввуф аҳли.

АҲЛИ НУШУР اهل نوشور [a] – Маҳшарда сур чалиниши билан Улиқларнинг тирилиши ёки тирилувчилар.

АҲЛИ СУННА ВАЛ-ЖАМОА اهل السنة و الجماعة [a] – шия мазҳабидан фарқли ўларок, Муҳаммад с.а.в.нинг ҳадиси шарифлари, суннатлари ва умуман, таълимотларига таянувчи, асосланувчи муулмонлар; ёки шу таълимот байроги остида жипслашган – бирлишган уммат, қавм.

АҲЛИ ЯҚИН اهل يقين [a] – Аллоҳни таниб етганлар, ориф муҳқиққак сўфийлар.

АҲЛИ ҚУБУР اهل قبور [a] – дунёдан ўтганлар, қабрда ётганлар, Улиқлар.

АҲЛИ ҲОЛ اهل حال [a] – тасаввуфий маънода, Ишқ йўлида, Аллоҳ васли учун ўзини йўқотадиган ҳолатларга тушадиганлар, сўфийлар.

«**АҲҚОФ**» الاحقاف [a] – сура номи. Унда Ҳуд пайғамбарнинг Яман юртидаги қумтепаларни маскан тутган Од қабиласини ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга даъват этганлари, улар эса даъватни инкор қилганликлари оқибатида халокатга дучор бўлганликлари ҳақида хабар берилади. Суранинг «Аҳқоф» (қумтепалар) деб номланишининг боиси шудир.

Б – ب

БАДИЪ (ал-Бадиъ البدع) [a] – яратувчи, ихтиро қилувчи зот. Аллоҳнинг исми шарифларидан бири.

«**БАЙЙИНА**» البئينة [a] – сура номи. Унда аҳли китоблар: яҳудийларга, насронийларга бериладиган азоблар; эзгу амал соҳиблари оладиган мукофотлар, Муҳаммад с.а.в.нинг келиши ҳақидаги оятлар аниқ ҳужжат эканлиги таъкидланганидан, сура «Баййина» – аниқ ҳужжат деб номланган.

БАЙТ УЛ-МАЪМУР بيت المعمور [a] – обод уй, тўртинчи осмондаги фаришталарнинг саждагоҳи, ривоятга кўра Каъба шунинг («байт ул-маъмур»нинг) тархи – нусхаси. Бу аслида Одам а.с. бино қилган Байтуллоҳ бўлиб, Нуҳ пайғамбар замонларида рўй берган тўфон балосидан сақлаб қолиш учун Аллоҳнинг амри билан фаришталар уни еттинчи осмонга олиб чиқиб кетган эканлар. Унинг «Байт ул-Маъмур» (Обод уй) деб аталишига сабаб, уни ҳар куни етмиш минг фаришта тавоф қилишидир.

БАЙТ УЛ-МАҒФИРАТ بيت المغفرت [a] – мағфират қилинадиган, гуноҳни кечирадиган уй; Каъба каби зиёратгоҳ ва масжидлар.

БАЙТ УЛ-МУҚАДДАС بيت المقدس [a] – муқаддас уй; Қуддус шаҳридаги қадимдан мавжуд бўлган ибодатхона. Шу билан боғлиқ Қуддус шаҳри ҳам *Байтул Муқаддас* деб ном олган.

БАЙТ УС-САЛОТ بيت الصلوات [a] – намоз ўқиладиган уй, жой, макон, масжид, намозгоҳ.

БАЙТУЛЛОҲ بيت الله [a] – Аллоҳнинг уйи; Макка ислом динининг марказига айлангандан кейин Каъбага берилган ном (қ.: Байтуллоҳ тарихидан).

БАЙЪАТ بيعت [a] – аҳду паймон, қасамёд, келишув, сулҳ. Байъат ҳаётнинг ҳамма соҳаларига доир: иқтисодий, ижтимоий, маданий, мафкуравий, сиёсий муаммолар (хоҳ у диний, хоҳ дунёвий бўлсин) ечими бугун ёки келажакда ҳал қилиниши керак бўлган можаролар олдини олиш билан боғлиқ томонлар, социал гуруҳлар, шахслар, давлатлар ўртасида тузиладиган, бажарилиши катъий талаб қилинадиган битимдир. *Байъат* истилоҳ сифатида Қуръони карим ушланиб, Аллоҳ номи билан, ўнг қўл чап қўл устига қўйилиб, жамоат ўртасида ижро этилади. Байъатнинг буюк намунаси ислом тарихида «Байъат ул-ризвон» («Аллоҳ рози бўлган байъат») номи билан Қуръони каримда ҳам акс этган («Фотиҳ» сураси), Макканинг қўлга киритилишига сабаб бўлган байъат ёки сулҳномадир (қ.: «Худайбия сулҳи тарихидан»).

БАЙЪАТ УЛ-РИЗВОН بيعت الرزوان [a] – Аллоҳ рози бўлган байъат (қ.: Байъат) милодий 627 йилда Худойбияҳ сулҳи муносабати билан Муҳаммад с.а.в. бошлиқ Макка мушрикларига қарши қаратилган саҳобаларнинг қасамёди, аҳду паймонлари (қ.: «Худайбия сулҳи тарихидан»)

«БАЛАД» البلد [a] – сура номи. Унда неча-неча пайғамбарлар, хусусан, Муҳаммад с.а.в.нинг она Ватанлари бўлмиш Маккаи мукаррамага қасам келтирилгани учун сура «Балад» (шаҳар, Макка шаҳри) деб номланган.

БАЛОҒАРДОН بلاگردان [a.+ф.] – Нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд бало ва офатларни қайтариш, даф этиш, енгилш каби фазилатларга эга бўлганлиги учун шундай аталган.

БАНДА بنده [ф] – Аллоҳ яратган, унга тобе, қул, унинг амру фармони шаксиз бажарадиган, ҳамма яхши-ёмон кунларига қалбани итоат этиб тавба қиладиган махлуқ, зот.

БАНДАЛИК باندلیک [ф.+ўзб.] – ўлим билан боғлиқ бу истилоҳ ўлим ҳаммининг бошида бор, ўлмай одам қолмайди, бу Худонинг иши шак келтириш керак эмас, маъноларида қўлланади (қ.: Таъзия билдирмоқ).

БАПТИЗМ (юнонча – baptiso – чўқинтираялман) – насроний дини мазхабларидан бири. Баптизм насроний черковининг бир қатор қоида ва расм-русумларини рад этади. У кишиларнинг улғайтишидан кейин чўқинтирилишини талаб қилади.

БАПТИСТ ёки **БАПТИСТЛАР** – баптизм мазхабининг тарғибдорлари (қ.: Баптизм).

БАРАКАЛЛА برك الله [а] – табрик, ундов сўзи аслида баракаи Аллоҳ ёки баракат ул-Алоҳ изофали бирикмаларининг соддалашган – сўзлашган шакли бўлиб, Аллоҳ сизга файзу баракат, мўл-қўл, ризку рўз ато этсин маъносигадаги олқишдир.

БАРР (ал-Барр البر) [а] – яхшилик ва эҳсон соҳиби. Аллоҳнинг исми сифатидан бири.

БАСИР (ал-Басир البصير) [а] – кўрувчи, ўтқир кўзли, ўта сезгир (Аллоҳнинг сифатий исмларидан); ҳамма махфий ва ошқора нарсаларни кўрувчи зот. Қуръонда ҳам «Аллоҳ барча бандаларини кўриб турувчидир» («Валлоху басирум бил ибод») дейилган. Бирорта зарра, хаттоки, чўлок бир чумоли ҳам Аллоҳ назаридан ташқари эмас.

БАСМАЛА بسملة [а] – «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм»нинг қискартирилган, рамзий атамаси. Бу – тасмия (қ.: тасмия) ҳам дейилади. Басмала, яъни Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм Қуръони каримнинг ҳамма суралари (9- сурадан ташқари) бошланишидан олдин айтиладиган муқддас ибора. Ҳар қандай эзгу иш-ҳаракат, воқеълик (оятлар, сўзбоши, нутқ, маърузалар, расмий ҳужжатлар, тасаввуфий асарлар, ибодатлар ва х.к.) басмала (Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм, яъни раҳмдил ва меҳрибон Аллоҳ номи) билан бошланади. «Аллоҳнинг исми билан бошланмаган ҳар бир эслиг иш ўқсукдур».

БАХТ ҚУШИ بخت قوشى [ф.+ўзб.] – Ҳумо, Анқо, Семурғ каби илоҳий қушлар бўлиб, улар ривоятларга кўра, Боғи Эрам, Қўшикофда яшайдилар. Агар инсонга яқинлашса, соя солса, «кўнса», инсон буюк бахт ва омадга эришади. Шу сабаб эзгу ният билан подшоҳлар тожида бахт қушининг рамзи акс эттирилган. Бугунги

* Алийбег Рустамий. “Бисмиллоҳ”нинг маъноси. – Тошкент: Чўлпон, 1993. Б.3.

тилимизда ҳам бахт-омад маъносида бахт қуши кўнган; бахт-сизлик, омадсизлик маъносида бахт қуши учган иборалари қўлланади. *Давлат кўнса бир чивиннинг бошига Хумо қушлар салом берар қошига* (фольклордан) мисраларида ҳам Хумо билан давлат, бахт тушунчасининг боғлиқлиги акс этган.

БАХШ بخش [ф] – хисса, улуш, парча, бўлак, қисм. Бахш лексемаси форс-тожик тилида аслда ниманидир (масалан, гуноҳни) ёки нимадандир (масалан, қарздан) кечиш, кечирим маъноларини англатган.

БАХШАНДА بخشنده [ф] – берувчи, бахшиш қилувчи, бахш, инъом-эҳсон этувчи, ниманидир, кимнидир кечирувчи (масалан, гуноҳ ва айбларни).

БАХШИДА بخشده [ф] – бағишланган, инъом-эҳсон этилган, ҳадя қилинган.

БАШОРАТ بشارت [а] – олдиндан бериладиган хушхабар ёки умуман, Ҳаққа етганлар (пайғамбар, авлиё, роҳиб, кохин кабилар) томонидан келажак воқеъликлари ҳақида бериладиган хабар ва баёнлар.

«**БАҚАРА**» البقره [а] Қадимда Бани Исроил қавмидан бўлган бир киши ўлдирилади. Аммо унинг қотилини топа олмайдилар. Шунда Аллоҳ Мусо а.с.га: «қавминга айтгин, бир сигир сўйиб унинг бир бўлаги билан ўликни урсинлар» деб буюради. Аллоҳнинг буйруғини бажо қилганларида ҳалиги ўликка жон кириб, қотилнинг кимлигини айтади. Шу сабаб сура (ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраганлигига қарамай) «Бақара» («сигир») деб аталган.

БАҚО بقاء [а] – мангулик боқийлик, абадий, доимий. Олами бақо – боқийлик, охират, илоҳий олам (қ.Дорул бақо).

БАҒИШЛОВ بخشلاو [ф+ўзб.] – Аллоҳ йўлида муқаддас жойлар, пайғамбару азиз авлиёлар ота-онаю болалар номларига атаб ўтказиладиган расмий-диний тадбирлар: мол-мулк ҳадя қилмоқ, хайр-садақалар қилмоқ, Хатми Куръон бағишламоқ каби.

БЕБИСМИЛЛОҲ БЎЛГАН بيسم الله بولگان [ф+[а] – +ўзб.] – аслида бисмиллоҳ айтилмай шариат одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинмай қўшилишдан пайдо бўлган, мажозий маънода эса ақли, одоб-ахлоқи жойида бўлмаган ношуд бола.

БЕВАФО ДУНЁ بوفى دنيا [ф.+а.] – инсонга вақтинча яшаш, меҳнат қилиш, покланиш, қисқаси, Аллоҳ томонидан синов майдонни қилиб берилган, вақти келиб йўқ бўлиб кетадиган фоний дунё (зидди дунёи бақо, охират).

БЕНАМОЗ **بينماز** [ф] – намоз ўқимайдиган; тоат-ибодат қилмайдиган; фосик, нопок, ёлғончи, ишончсиз, гапида турмайдиган, шадбоз шахс.

БЕТАВФИҚ **بيتوفيق** [ф+а] – эзгу, савоб ишларга ёрдами тегмайдиган, диний ақидаларга амал қилмайдиган, ишончсиз киши.

БЕТАХОРАТ **به طهارت** – ювуқсиз, ҳаром (қ.: Бенамоз).

БЕЧИРОҚ **بچراق** [ф] – фарзандсиз, дунёдан ўтганнинг чирогини ёкиб-эслаб юрувчиси – давомчиси йўқ киши. Диний удумга кўра ўтганлар руҳи (хусусан, ҳар жума оқшоми) чирок, фонус, фонар (свет эмас), яъни кўй ёғи шимдирилган чий (қамиш)га ўралиб тийёрланган пилта пилик ёкилиб, унинг атрофида ўтирилиб ибодат ва тиловат билан эсланади, гуноҳини авф этиш Аллоҳдан сўралади. Бу одат халқнинг «фалонча» дунёдан бечироқ ва бетуёқ ўтди гашида акс этган.

БЕШ ВАҚТ НАМОЗ **بيش وقت نماز** [ўзб.+а+ф] – бир кунда ўқиладиган бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон, намозлари.

БЕШ ФАРЗ **بيش فرض** [ўзб.+а] – тавҳид (иймон), намоз, рўза, закот, ҳаж.

БЕШИК ТҶҲИ **بيشيك تويى** [ўзб.] – бола таваллудига етти кун тўлгач, кулоғига азон айтилиб исм кўйиш удуми. Бу удумнинг мумтоз намунаси Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида чақалокка Фарҳод номининг кўйилишида намоён бўлган.

БЕҲИШТИЙ **بہشتى** [ф+а] – қ.: Жаннатий.

БИБИСЕШАНБА **بىبى سيشنبه** [ф] – кўп асрлардан бери Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида Баҳоуддин Нақшбанднинг холаи бибилари номи билан боғлиқ (ҳозир бир оз нутиллаётган бўлса-да) аёллар томонидан ўтказиладиган хайрия удумидир. Бунда одатда угра ош тайёрланиб беваю бечора, ғарибу гурабо, етим-есирларга берилади. Шу муносабат билан Аллоҳдан ўзларига бахт-саодат, охиратларини обод қилишини сўраб, дуо илтижолар қиладилар. Биби сешанба ҳақидаги қиссалар ўқилиб, дуо қилинади.

БИБЛИЯ – юнонча (biblio, biblion – китоб) насроний ва яҳудийларнинг муқаддас китоби, *библиотека* ҳам шу сўз билан ўзакдош.

БИДЪАТ **بدعت** [а] – янги, янгидан расмийлашган, кейин кўшилган одат; муайян диний ақидалар, шаръий аҳком-арконларни тан олган ҳолда маълум манфаат ва эҳтиёжларни назарда тутиб

маросимларни янгича талқин қилиш; аслида ақидаларга хилоф бўлган янгилик, урф-одат киритиш: Ўлим куни кўй сўйиб гўшт-хўрлик қилиш, ўлганнинг жонини қутқариб қолиш учун катта миқдордаги мол-пул бериш – кафолат тўлаш, кабрига ҳайкал қўйиш кабилар бидъатдир.

БИНОЙ МУСУЛМОН بِنَاء مُسْلِمَان [a] – қ.: Беш фарз.

БИРОҲМАТИКА Ё АРҲАМАР РОҲИМИН بِرَحْمَتِكَ يَا اَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ [a] – марҳум гуноҳларини афв этишни Аллоҳдан сўраб дуолар охирида айтиладиган илтижо ибораси, яъни Парвардигорим, бандангни раҳмату марҳаматингга олгин ёки раҳмату марҳаматингдан ноумид қилма демак.

БИСМИЛЛАҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ [a] – би + исм + ал-Аллоҳ + ал-Раҳмон + ал-Раҳим калималардан ташкил топган бўлиб, сўзма-сўз Раҳмдил ва Меҳрибон Аллоҳ номи билан демакдир. Бунда Аллоҳ, Раҳмон, Роҳим сўзларининг кетма-кетлигида ҳикмат бор: Аллоҳ – оламнинг ибтидоси – Яратувчининг номи; Раҳмон ва Раҳим – Аллоҳнинг сифатий номи, яъни Раҳмон Аллоҳнинг бу дунёдаги раҳмдиллилик, Раҳим – охиратдаги меҳрибонлик, кечирувчанлик сифати. Шу сабаб барча хатти-ҳаракатлар Аллоҳ ва унинг номи билан боғланади (қ.: А.Рустамий «Басмала»).

БИҲАМДИЛЛАҲ بِحَمْدِ اللّٰهِ [a] – Худога шукур, Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин демоқ.

БИҲИШТ بِهَيْشَت [ф] – муаттар ва турфа гулу гулзор, боғу бўстон билан безатилган, сувлари сутдан оқ, асалдан ширин булок, ҳовуз, дарёлар оқиб турадиган, юз минг хил мевалар доимий товланиб турадиган, юз минг хил ноз-неъматлар тайёрлаб турадиган ҳури-ғилмонлари бор, ҳурлари абадий, мангу яшайдиган, ўлим, қайғу ғам, қарилик кўрмайдиган, муҳими, ибодатхонлар дунёси – илоҳий макон.

БОБО ДЕҲҚОН بَابَا دَهقان (ўзб.+ф.) – аслида деҳқонларнинг пири, устози, биринчи ер очиб, қўш ҳайдаб, дон сочиб, ҳосил олган зот – Одам Атодир (қ.: «Деҳқончилик рисоласи»). Қўшиқда бекорга: *Бисмиллоҳ деб дон сепмоқни Одам Атодан ўргандим, Ватан богин беамоқни Чаман ародан ўргандим* дейилмаган. Ўтмишдагина эмас, ҳозир ҳам Бойсун тоғ қишлоқларида баҳор ишлари бобо деҳқон, яъни Одам Ато руҳларига дуо ўқилиб, ош дамлаш тадбирлари билан бошланади. Ўримнинг охири ҳам *Аввал Одам Сафийulloҳ, Дуввум Нуҳ Набийulloҳ, Севум Иброҳим Халилulloҳ, Чаҳорам Муҳаммад Мустафо*, деб тугатилади.

БОИС (ал-Боис الباعث) [a] – сабабчи, ҳамма воқеликларнинг сабабчиси; Аллоҳнинг сифатий исмларидан бири, пайғамбарларлар юборувчи, ўлгандан кейин қайта тирилтирувчи.

БОЗБАНД بازيند [ф.] – бало-қазо, ёвуз куч ёки умуман, ёмонликлардан сақланиш учун муллалар томонидан муайян дуою оятлар ёзиб тайёрланган, бўйинга ёки кўпинча, қўлтиқда (кийимга тикилиб) ўзи билан олиб юриладиган ҳимоя – тўсик воситаси.

БОМДОД بامداد [ф.] – тонгда, эрта саҳарда ўқиладиган тўрт ракъатли (икки ракъат суннат, икки ракъат фарз) намоз – намози бомдод; арабча салот ус-субҳ, салот ул-фажр, субҳ, фажр – тонг саҳар (қ.: Салот ус-субҳ, Салот ул-фажр).

БОРИЪ (ал-Бориъ الباریء) [a] – Аллоҳ исмларидан бири бўлиб, яратувчи, кашф этувчи демак.

БОСИТ (ал-Босит الباسط) [a] – (Аллоҳнинг исми сифатларидан) кимларгадир кенг, мўл-кўл ризқ берувчи, руҳ бағишловчи зот.

БОТИН (ал-Ботин الباتن) [a] – Ўзи мавжуд, лекин сезги воситаларимиздан махфий зот, зоҳирнинг зидди (Аллоҳнинг исми сифатларидан бири).

БОҚИЙ (ал-Боқий الباقى) [a] – доимий, абадий мавжуд зот. Аллоҳнинг гўзал исмларидан бири. Аллоҳ одам яратилмасдан олдин ҳам бор эди. Барча яратилганлар йўқ бўлиб кетгандан кейин ҳам бўлади.

БОҚИЙ ДУНЁ, ДУНЁИ БОҚИЙ باقى دنيا [a] – азалий ва абадий мавжуд дунё, нарғи дунё ёки у дунё, руҳий олам, фоний дунёнинг акси (қ.: Фоний дунё).

БОҒИ ЭРАМ باغ ارام [a] – ривоятларга кўра Шаддод, Намруд худолик даввосини қилиб жаннатмонанд боғ яратган. Охирида, ҳатто, ўзига ҳам кириш насиб этмаган («Шаддод, Намруд етолмади мурода». Ф. Саккизинчи жаннат ушбу боғ номи билан Боғи Эрам деб аталган. *Сўрогин солиб ҳар сари, Кўрсам Сулаймон манзари,*

Кўҳи Қофда деви пари, Эрам гулзорин кўрсам («Қиссаи Иброҳим Адҳам»дан).

БУДДА [ҳинд. нурланган, покланган] – Буддизм (қ.: Буддизм)нинг асосчиси, пайғамбар, халоскор Будда деган шахснинг номи.

БУДДИЗМ (Будда дини) – эрамиздан 6 аср илгари Ҳиндистонда пайдо бўлган, Ҳиндистон, Бирма, Таиланд, Цейлон, Мўғулистон, Япония ҳамда Хитойда кенг тарқалган дин. Буддавийликда олам уч босқичли. Булар: куйи (ер), ўрта (Бодисатва – жаннат),

юқори (Нирвана – мутлок осойишталик, сукунат) оламлар. Будда таълимотига риоя қилганларгина Нирванага кўтарила оладилар.

БУДИСТ, БУДДАВИЙ – будда динига сиғинувчи, эътиқод килувчи одам.

БУДУЪ بودوع [a] – ювиниш, таҳорат олиш.

БУРОҚ براق [a] – кўзи, боши, тана ва туёқлари гавҳар, зумрад ва забаржаддан бўлган, Муҳаммад пайғамбар Меърож тунида (қ.: «Лайлат ул-Меърож») минган илоҳий, учар от. Манбаларда Жаннатда буроқлар орасида биттаси ўтламай, сув ичмай, бошқаларига қўшилмай, хаёлот ичида яшаётганлиги, Жаброил а.с. буроқ танлашга келганда, шу буроқни танлаганлиги, шу буроқ Муҳаммад пайғамбарни самоватга олиб чиқиш бахтига муяссар бўлганлиги ҳам баён этилган.

«БУРУЖ» البروج [a] – сура номи. Унинг охирида Қуръони мажид осмон буржлари каби муқим ҳеч қачон бирор ҳарфи ўзгармайдиган, бузилмайдиган, «Лавҳ ул-Маҳфуз»да нақшланган китоб эканлиги уқтирилади. Шу сабаб сура номи «Буруж» деб аталган. Сўзлашувда «Вассамаи зотил буруж» деб ҳам аталади.

БУТ بوت [ф] – ганч, ёғоч каби ҳар хил нарсалардан одам кифасида ясалган, сиғинилиши керак бўлган илоҳлар. Буларга сиғинувчилар бутпарастлар дейилади.

БУТПАРАСТ بوتپرست [ф] – қ. Бут.

В – و

ВАДУД (ал-Вадуд الودود) [a] – Аллоҳ исмларидан бири, дўст, хайрихоҳ, маҳбуб.

«ВАЗ-ЗОРИЁТ» الذاريات [a] – сура номи. Унда, аввало, Шамол, Ёмғир, Булутларга қасам билан қиёматда қайта тирилиш, охират ҳисоб-китоби, жазо ёки мукофот муқаррарлиги таъкидланади. Сўнгра сура ҳам ана шу мазмун билан боғлиқ «Ваз-зориёт» (суриб кетувчи шамолларга томонларга қасам) деб аталган.

«ВАЗ-ЗУҲА» الوضحى [a] – сура номи. Анча муддат ваҳий тўхтаб қолгандан кейин, «Ваз-зуҳа, Вал-Лайли иза Сажа» деб бошланувчи сура туширилади. Унда Аллоҳ «Чошгоҳ» ва «Кеча»га қасам билан ўз Пайғамбарини унутмаганлиги таъкидланган. Шу муносабат билан суранинг номи ҳам «Ваз-Зуҳа» – чошгоҳ, ёруғлик (ваҳий келишига ишора) деб аталган.

ВАКИЛ (ал-Вакил الوكيل) [a] – Аллоҳнинг исми сифатларидан бири, ҳамма нарсани ўз зиммасига, қафолатига олувчи зот.

ВАЛАДИЗИНО ولد زنا [a] – ноқонуний, беникоҳ туғилган бола.

ВАЛИЙ (ал-Валий الوالى) [a] – дўстларига дўст, мададкор, шонли зот (Аллоҳнинг исми сифатларидан бири).

ВАЛИЙУЛЛОҲ ولى الله [a] – Аллоҳнинг билимдон, комил, тукко бандаси, авлиёси.

«**ВАЛ-ЛАЙЛ**» و الليل [a] – сура номи. Унда икки қарама-карши тоғ – яхшилик ва ёмонлик, яхшилар мукофотга сазовор, ёмонлар аюбга гирифтор бўлишлари ва шу билан боғлиқ қоронғулик ва ёруғлик тушунчалари акс этган. «Вал-Лайли иза яхша; Вал-Наҳари иза тажалла», яъни борлиқни ўраб келаётган кечага қасам; Ёришиб кўринган кундузга қасамки, ёмонлар абадий қоронғуликда, яхшилар абадий ёруғликда қоладилар. Мана шу мазмунлар билан боғлиқ сура «Вал-Лайл» деб аталган.

ВАЛЛОҲУ АЪЛАМ БИС САВАБ بالله اعلم بالصواب [a] – Аллоҳ тугрисини, ҳақиқатини билувчидир. Фикрлашда (нутқда) ақлимиз етмаган, аниқ билмайдиган воқеликларни Аллоҳга ҳавола қилмоқ. *Аллоҳ билади* демок.

ВАЛЛОҲУ АЪЛАМ والله اعلم [a] – кўпроқ диний нутқларда сўзловчи бирор воқелик ҳақида хабар бераётганда «Худо билувчи», «Бунинг аниғини Худо билади» (нутқий камтарлик) дейиш ўрнида «Валлоҳу аълам», «Валлоҳу аълам биссаваб» кириш иборасини қўллайдилар.

«**ВАЛ-МУРСАЛОТ**» المرسلات [a] – сура номи. Унда Қиёмат кунининг, ҳисоб-китобнинг ҳақлиги Шамол ва Бўронларга, Булут ва Ғаришталарга қасам орқали таъкидланган ва сура ўзининг илк ояти номи билан «Вал-мурсалот» (юборилган шамолларга қасам) деб аталган.

«**ВАЛ-ОДИЁТ**» والعاديات [a] – сура ўзининг илк ояти билан яъни «Вал-одиёт» – чопқир отларга қасам деб номланади. Бунинг сабаби кейинги оятларда очилиб боради: от инсонга буюк неъмат қилиб берилганлиги, унинг инсоннинг Аллоҳ йўлидаги барча эзгу ишлари, жумладан, жиҳод ва ғазотлардаги ғалабаларининг таъминланишидаги беқиёс ўрни борлиги, шу билан бирга отнинг эъзозланиши зарурлиги кабилар баён этилади.

«**ВАЛ-ФАЖР**» الفجر [a] – сура номи. Унда Аллоҳ тонгга, кечакундузларга қасамки, мўъминлар мукофотга, золимлар Од ва Самуд қавми каби ҳалокатга кетадилар деб хабар берилади. Сўнгра сура ўзининг илк ояти билан «Вал-фажр» (тонгги қасам) деб номланади.

«ВАН-НАЖМ» النجم [a] – сура номи. У ўзининг илк ояти номи билан «Ван-нажм» (юлдузларга қасам) деб аталган.

«ВАН-НОЗИОТ» والنزعت [a] – сура номи. Унинг илк оятлари Аллоҳнинг: кофирлар жонларини ич-ичидан қаттиқ суғириб олувчи фаришталарга қасам; мўъминлар жонларини осонлик билан осон, тез олувчи фаришталарга қасам ибратлари билан бошланганлиги учун сура «Ван-нозиот», яъни жон олувчи фаришталарга қасам деб аталган.

ВАРАЪ ورع [a] – шариат ман қилган ишлардан чекиниш, парҳез ва такво (қ.: Такво). Вараъ – маънавий зарар келтирадиган шубҳали ҳаракатлардан сақланиш. Шиблийнинг кўрсатишича, вараънинг уч кўриниши бор: тилни сақлаш, яъни бемаъни гаплар учун ишлатмаслик, гийбат-туҳматга берилмаслик; кўз вараъси – шубҳали нарсалардан сақланиш, беҳаё, ношаръий нарсаларга бокмаслик; қалб вараъси – нохуш қилиқларни қилмаслик; тамаъдан сақланиш. Хуллас, тилга, кўзга, дилга, кулоққа, оёққа, қўлга «банд» солиш – тийиш («Тасаввуф». 1- китоб, 26- б.).

ВАСАТИЙЛИК وسطىليك [a+ўзб.] – ўрталик, ўртаҳол, ўртамиёна, мўътадил; истилоҳий маъноси – инсоннинг ўртаҳол яшаши, ўртамиёна ҳаёт кечириши. Образли айтганда, қозикнинг боши ҳам, учи ҳам эмас, ўртаси бўлиш. Бу ғоя Қуръони каримда ҳам акс этган. Иймон ва соғлиқни сотиб, керагидан ортик мол-дунё тўплаш – ҳаром.

ВАСИЯТ وصيت [a] – ўлим олдидан айтиладиган гап, охириги сўз. ҳаётликда улгурмаган ишларнинг ижроси ёки мол-мулк тақсимоли кабилар ҳақида фарзандларга, васийларга, валиаҳдларга махсус «Хат», «Васиятнома»лар ёзиб қолдириш.

ВАСЛ وصل [a] – (қўшл. Василят **وصلية**) тасаввуфий маънода Аллоҳнинг кўрки, жамоли, юзи. Сўфийлик таълимотга кўра Аллоҳнинг васлига восил бўлмоқ учун солиқ умр бўйи ибодат қилмоғи, тасаввуфнинг шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат босқичларидан ўтиб покланиши Аллоҳ васлига етиши.

ВАСЛИГА ВОСИЛ БЎЛМОҚ وصلیگه واصل بولماق – Аллоҳнинг жамолини кўрмоқ (қ.: Васл).

ВАССАЛОМ والسلام [a] – мактуб (бирор ёзув) ёки нутқ (ваъз)-нинг тамом бўлганлигини англатувчи, унинг охирида қўлланувчи калом. Шу сабаб халқ тилида «вассалом, сўз тамом» ибораси ҳам қўлланади.

«ВАС-СОФФОТ» الصَّافَات [a] – сура номи. У Яратганнинг барча бурунларини дарҳол ижро этиш учун саф тортиб турадиган ҳақиқий иймон-этикод эгалари номига қасам ичиш билан бошлангани сабабли у «Вас-соффот» (саф тортиб турувчиларга қасам) деб аташган.

«ВАТ-ТИЙН» الثَّيْن [a] – сура номи. Унинг «Ват-тийни; вазийтуни; ва Тури синийна; Ва ҳазал баладил амин» оятлари билан бошланиши: 1) анжир, зайтун, Тури Сино тоғ номи ва Макка шаҳрининг муқаддаслигини – илоҳий объект эканлигини; 2) Анжир сура номи сифатида танланганлигини таъкидлашдир.

«ВАТ-ТУР» الطور [a] – сура номи. У ўзининг илк ояти номи билан «Ват-тур» (Тур тоғига қасам) деб номланган.

«ВАШ-ШАМС» الشَّمْس [a] – сура номи. Унда Аллоҳ ўзи яратган бир қанча мавжудотга ва ўз Зотига қасам билан, жонини иймон билан пок тутган киши нажот топиши, уни куфр билан хор қилган кимса эса номурод бўлиши ҳақида хабар беради. Сўнгра ана шундай ҳалокатга учраган қавмлардан Самуд қабиласи мисол қилиб келтирилади. Сура ўзининг илк ояти билан «Ваш-Шамс – Қуёшга қасам» деб номлангандир.

ВАЪЗ وَعْظ [a] – маъруза, доклад, суҳбат, панд-насихат.

ВАЪЗХОН وَعْظَان [a+ф] – жамоат олдида диний-мафкуравий ёки дунёвий тарғибот, ташвиқот олиб борувчи, диний-ахлоқий қонун-қоидалар ижросига даъват этувчи шахс.

ВАҲДАТ УЛ-ВУЖУД وَحْدَتِ الْوُجُود [a] – ўн саккиз минг олам (олами кубро ва олами суғро)нинг ягоналиги бир бутунлиги (вахдоният), чунончи, бу дунё ҳам (қасрат олами) Аллоҳнинг кашфиёти, зухриёти, тажаллиси (жилваланиши) эканлиги, демак, ваҳдат ул-вужуд асоси Аллоҳнинг мавжудлиги ва ш.к.

ВАҲДАТ УЛ-ВУЖУД, ВАҲДОНИЯТ وَحْدَانِيَّةُ الْوُجُود [a] – вужуд бирлиги, мавжудотнинг, борлиқнинг икки оламнинг ягоналиги, моддий олам руҳий олам (Аллоҳ)нинг тажаллиёти, Аллоҳ оламини ўз жамоли ва камолини намоиш этиш учун яратганлиги, инсон билан Аллоҳ (руҳий олам билан моддий олам) алоҳида ҳодисалар бўлмай, бир ипнинг икки учидек вобаста, бир-бирига икки томонлама интилувчи – тортилувчи ҳодисалар эканлиги ва ҳ.к.

ВАҲИЙ وَحْي [a] – Худо сўзи, хабар, билдириш, сездириш; Муҳаммад пайғамбарга Аллоҳ томонидан Жаброил фаришта орқали юбориб турилган хабар. Куръони карим оятлари 23 йил давоми-

да ваҳий қилинган, хабар бериб бўлинган. Ваҳий нозил бўлмоқ – ваҳийни – Аллоҳ буйруғини ерга туширмоқ демакдир.

ВАҲОБИЙЛИК **وہابیلیک** [a.+ўзб.] – XVIII асда Муҳаммад ибн ал-Ваҳҳоб асос солган диний-сиёсий оқим. Ваҳобийлик ғоясига кўра исломни тозалаш, Муҳаммад пайғамбар давридаги асл ҳолига келтириш, масалан, ваҳдоният (яккахудолик) ғоясини пок саклаш, ширк (қ.: Ширк)ка қарши кураш ва б. Мана шу ғоя асосида Абд ал-Азиз ибн Сауд раҳбарлигида (1920–1930- йилларда) Саудия Арабистони ташкил топди. XX ас сўнггида бу ном остида ғайриқонуний ҳаракатлар содир қилувчи оқимлар тушунилан.

ВАҲҲОБ (ал-Ваҳҳоб **الوهاب**) [a] – Аллоҳнинг исми сифатларидан бири бўлиб, ўз неъматларини махлуқотларга текин ато этувчи, бахшида қилувчи зот – Аллоҳ.

ВИДОЪ (ВАДОЪ) **وداع خطبىسى** [a] – Расул Акрам с.а.в. Байтуллоҳга қилган охириги зиёратлари вақтида Муздалифада (Оқ туя устида туриб) саҳобаларга қарата айтган ваъзлари – васиятлари; саҳобалар, тобеинлар, умуман, уммат риоя қилиши зарур бўлган дастур ул-амал.

ВИТР **وטר** [a] – тоқ, жуфтсиз, фарз намозларидан бошқа, қўшимча ўқиладиган намозлар номи. Масалан, хуфтандан кейин ёки унинг охирида ўқиладиган уч (тоқ) рақъатлик намоз – намози витр.

ВОЖИБ **واجب** [a] (кўпл. **واجبات**) – бажарилиши зарур, шарт ҳисобланган шаръий ҳукм. Шу жиҳатдан у фарзга яқин – фарз ҳукмида. Вожиб тушунчаси диний, маънавий, руҳий ибодатларнигина эмас, подшоҳ, амир, бек, хон, ота, она қабиларнинг шаръий амри, фармонлари билан боғлиқ дунёвий ҳаракатларни ижро этишни ҳам тақозо қилади.

ВОЖИД (ал-Вожд **الواجيد**) [a] – Аллоҳнинг исми сифатларидан, Аллоҳ истаган нарчасини топувчи зот.

ВОИЗ **واعظ** [a] – ваъз айтувчи, яъни жамоат, масжид-мадраса, дорулфунунларда муайян диний ахлоқий ижтимоий-сиёсий қонунқоидаларга аҳком ва арконларга риоя қилишга даъват этувчи, панднасихат қилувчи шахс (қ.: Ваъзхон).

ВОЛИЙ (ал-Волий **الوالى**) [a] – барча ишларни тасарруф этувчи, қудрат билан бошқарувчи ҳаким. Ал-Волий Аллоҳнинг исми сифатларидан бири.

ВОРИС (ал-Ворис **الوارث**) [a] – борлиқни мерос қилиб олувчи зот. Аллоҳнинг исми сифатларидан бири. Инсонлар яратилмасдан

олдин, барча инсон ўлгандан кейин ҳам бутун борлик Аллоҳники
оди ва шундай қолади. Инсонларнинг ер юзида ворислиги вақтин-
чидир.

ВОСЕЪ (ал-Восеъ الواسع) [a] – Аллоҳнинг сифатий исмларидан
бири, мулки, раҳмати, қудрати кенг ва бепоён зот – Аллоҳ.
«Валлоҳу васеъун алим» (Аллоҳнинг билими кенг ва бепоён).

«**ВОҚЕА**» الوقعة [a] – сура номи. Унда Қиёмат куни кишилар
уч тоифага (дўзахий, жаннатий, аросатийларга) бўлиниб қолишлар-
и ҳақида хабар берилади ва сурада ҳар бир тоифанинг топажак
окибатлари баён қилинади. Шунинг учун ҳам у «Воқеа» (воқеъ
бўлгувчи, қиёмат воқеъ бўлиши) деб номланган.

ВОҲИД (ал-Воҳид الواحد) [a] – Аллоҳнинг гўзал исмларидан
бири. У биру бор, яккаю ягона. Ҳамма нарса бир (воҳид)дан бош-
ланади, бир (Аллоҳ) мавжудотнинг эгаси.

ВУЖУДИ ВОЖИБ وجود واجب [a] – мавжудлиги муқаррар
бўлган зот – Аллоҳ.

ВУЖУДИ МУМКИН وجود ممكن [a] – ақл, жон, шакл, модда,
осмон.

ВУЗУЪ وضوع [a] – Ислом ақидаси талабига биноан тозаликни
диний, рухий покланиш; намоздан олдин юз, кўз, қўл, оёқни ювиш
– таҳоратнинг енгил шакли, яъни кичик таҳорат.

ВУСЛАТ وصلة [a] – Аллоҳга етишиш, бирлашиш, ибодат аҳли-
нинг мана шу олий мақом вуслатга, яъни Аллоҳ васлига восил бў-
лиш учун бажариладиган амаллари, саъйи-ҳаракатлари.

ВУҚУФИ АДАДИЙ وقوفى عددى [a] – ҳисоб-китоб манзили. Бу
мақом солиқдан маълум вақт ичида бажарган ибодатининг миқ-
дори (неча йил, неча ой, неча кун, неча соат) орқага қайтиб фикр
юрйтиш, эришган ютуқлари, нуқсонлари ҳақида ўзи олдида, фикр-
ран Аллоҳ олдида ҳисоб беришини талаб қилади.

ВУҚУФИ ЗАМОНИЙ وقوفى زمانى [a] – вақт манзили. Бу мақом
солиқдан ҳар вақт, ҳар сония, ҳар нафаснинг қадрига етмоқни,
исроф қилмай ундан унумли фойдаланмоқни, маърифат касб этиб,
ориф даражасига етишга улгурмоқни талаб этади. Шайх Баҳоуддин
Нақшбанд томонидан саккиз рашҳа (томчи)нинг давоми сифатида
киритилган.

ВУҚУФИ ҚАЛБИЙ وقوفى قلبى [a] – қалб манзили. Бунда солиқ-
нинг умри давомида (берилган вақт ичида) Аллоҳ манзили бўлмиш
қалбини қай даражада поклай олганлиги, комиллик касб этиб,

вуслат билан қай даражада яқинлаша олганлиги тушунилади. Шайх Баҳоуддин Накшбанд томонидан киритилган.

Г – گ

ГАБР گبر [ф] – оташпараст, ўтга сиғинувчи, мажусий диндаги шахс, мажусий.

ГЕНОТИЗМ (юнон.) – икки худолик. Ҳар бир қабила ўз худосига, бутларига эга бўлган ва айни замонда, янада кучлироқ худо (илох)га ишонган (мушрикийлик), яъни кўп худолик билан бир худолик ўртасидаги диний дунёқарашлик.

«**ГУЛСАЙРИ**» گلسير [ф+a] – кимса вафотидан кейин биринчи келган баҳорда мархум хотираси учун далага чиқилиб, гуллар саралаш, қабри устига гулдасталар келтирилиб қўйиш удуми. Қисман йўқолиб бораётган бу удум халқ тилида «Гулсайри» деб аталади.

ГУМРОҲ گومراح [ф] – йўлдан озган, йўлини йўқотган, ҳаётда янглишган маъноларидан ташқари, ношаръий йўлларга кириб қолган, гуноҳларга ботган, савоб ишлардан узоқлашган, осий банда маъноларида ҳам қўлланилади.

Деди ул гумроҳни судраб келтуринг,

Хизматимга келтуриб бўйун узинг. (Алишер Навоий)

ГУНОҲ گناه [ф] – инсоннинг жамият қонун-қоидаларида, ахлоқ-одоб, аҳком ва арқоннинг ақидавий талабларга зид, яъни ғайриқонуний, ғайриилоҳий, ғайриахлоқий ёки ғайришаръий хатти-ҳаракати, қилмиши, тамағирлик, порахўрлик, судхўрлик, талончилик, фоҳишалик, қотиллик, муртадлиқ, фосиқлик, алдамчилик, ёлғончилик, ширк қабилар (қ.: Гуноҳи қабира).

ГУНОҲИ АЪЗИМ گناه عظيم [a] – катта, улуғ гуноҳ (қ.: Гуноҳи қабира).

ГУНОҲИ КАБИРА گناه كبيره [ф+a] – ёлғон сўзлаш, ёлғон гувоҳлик бериб, Ҳақ (Аллох)ни ноҳақ қилмоқ; бировнинг мол-мулкани тортиб олмоқ, талон-тарож қилмоқ, оиласини бузмоқ, зино, қотиллик, ширк (қ.: Ширк) қаби жазо талаб қиладиган катта гуноҳ, гуноҳи азим.

ГУНОҲИ САҒИРА گناه صغيره [ф+a] – Аллох ёки жамият тавба билан кечирishi мумкин бўлган, билиб-билмай қилинган кичик гуноҳлар: бировни ёки оила аъзоларини хафа қилиб қўймоқ, ибодатга сусткашлиқ қилмоқ, таомни ҳаддан зиёд емоқ, керак жойда салом бермаслик, бибисмиллох таом емоқ, ота-она юзига тик боқиш,

үмидвор бўлиб турган беморлар ахволидан хабар олмаслик, номаҳ-
рим жойларга қарамоқ ва бошқалар.

ГУСТОҲ گوستاخ [a] – адабсиз, андишасиз, тортинмайдиган,
тортинмас. Билиб-билмай гуноҳ ёки ношаръий ишлар қилиб
кўювчи.

ГҶР АЗОБИ گور عذابي [ф+а] – қ.: Азоби қабр.

ГҶРДАН ХАБАР ОЛМОҚ گوردن خبر الماق [ўзб.] – диний одоб
ёки удумга кўра, руҳларга меҳр-окибат юзасидан, марҳумнинг
гўридан тонг қоронғусида кетма-кет уч кун хабар олинади; қабр
бошида Куръон ўкилиб руҳи шод этилади. Бундан тириклар (хусу-
сини, азадорлар) кўнгли ҳам тасалли топади.

ГҶЯНДА گوينده [ф] – гапирувчи, айтувчи, хабарчи каби реал
миғноларидан ташқари, ўлим, мотам-маросимларда марҳумни васф
этиб, Аллоҳга илтижо қилиб, аза даврасида бошқалар жўрлигида
диний қўшиқ (марсия)лар айтувчи яккахон шахс. Гўяндачилик деб
атаган бу одат, асосан, гўянда аёл томонидан ижро этилади.

Д – д

ДАВОД دواد [a] – сиёҳдон, қалам – давод – қалам ва сиёҳдон.

ДАЖЖОЛ دجال [a] – *дажжала* феълнинг «ёлғон гапирди»,
«алдади» маъноси билан боғлиқ ҳосил қилинган бўлиб, «ёлғончи»,
«фирибгар» демақдир. Кейинчалик энг ярамас ва энг ваҳший, инсо-
нийат душмани – уни динидан оздирадиган махлуқ маъносини англ-
латадиган бўлган. Дажжол манбаларда охир замонда пайдо бўла-
диган, яъни онадан соқолли, тишли бир қиёфада, гапирадиган ҳо-
латда туғиладиган, тез улғайиб, худолик давосини қиладиган, халқ
орасида юриб гўё бир қўлида жаннат, бир қўлида дўзах манзараси-
ни намоён қилиб, уни тан олиб, унга эргашганларга жаннат; эргаш-
маганларга дўзах ваъда қиладиган, шу туфайли Аллоҳнинг лаъна-
тига учрайдиган (Дажжоли лаъин) ёвуз куч.

ДАМ СОЛМОҚ دم سالماق [a.+ўзб.] – беморни ўқимоқ; муайян
миқдордаги дуо ва оятлар ўқилгач, тўпланган нафас билан касалга
дам солмоқ, куф-суф қилмоқ (қ.: Куф-суф). Халқ буни *ушқурмоқ*
ҳам дейди: *бир ушқуриб қўйинг* – бир дам солиб қўйинг маъносида.

ДАМИ ҶТКИР دمی اوتكیر [ф.+ўзб.] – ибораси азойимхон, қаси-
дахон, девхон, парихон, яъни илми-амали кучли, ўқиса касал туза-
либ кетадиган, кироатхон, хофиз муллаларга нисбатан қўлланилади.

ДАМСУВИ دم سوی [ф.+ўзб.] – Беморлар ичиб шифо топиши учун
муайян оят, дуолар ўкилиб дам солинган, «куф-суф» қилинган сув.

ДАРВИШ درويش [ф] – дунёдан кечиб, Аллоҳни, охиратни ихтиёр қилган, баъзан дарбадар юриб ҳаёт кечирувчи фақир, ҳудожўй, камбағал кишилар, сўфийлар.

ДАРВИШОНА درويشانه [ф] – сўзининг маъноси уч босқичли: 1) дарвишларча, дарвишларга ўхшаб юрадиган, ҳаёт кечирадиган одам; 2) ўтмишда савоб учун дарвишларга атаб қилинадиган ош; 3) турли сабаб: офат, вабо, очарчилик, уруш қабилар билан боғлиқ ёки уларнинг олдини олиш дафъ этиш мақсадида аҳоли маблағи ҳисобидан ҳар йили Аллоҳ йўлида ўтказиладиган халқона тадбир. Дарвишона сўзи кейинги маъноларда истилоҳдир (к.: «Дарвишлик ва дарвишоши тарихидан»).

ДАРВИШОШИ درويش آشي [ф] – Аллоҳ йўлида, ҳар хил мақсадлар билан ўтказиладиган оммавий-диний тадбир. (к.: Дарвишона; «Дарвишлик ва дарвишоши тарихидан»).

ДАРГОҲ درگاه [ф] – диний матнларда дуо ва жонли сўзлашувларда реал маъноси (эшик, остона, бўсаға, умуман, кишилар турар жойи)дан ташқари, илоҳий макон, жаннат, Аллоҳ ҳузури, васли, раҳмати каби маъжозий маъноларда ҳам (диний истилоҳ) фаол қўлланилади: *Даргоҳингга сизиндим, Даргоҳингдан ноумид этмагайсан, Даргоҳи кенг* каби.

ДАСТОР دستار [ф] – салла, бошга чандиб боғланадиган маълум ўлчамдаги мато (к.: Аллоқа).

ДАЪВАТ دعوت [а] – ундаш, ташвиқот, тарғибот. Даъват халқни эътиқодли бўлишида ишонтиришнинг, уларда рағбат, завқ-шавқ уйғотишнинг асосий усулларида бири бўлиб хизмат қилган. Даъват натижасида кофирлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб иймон келтиганлар ва ҳ. к.

ДАҲА دهه [ф] – ўн кунлик. Маълум мақсад билан масжид ва хонақоҳ ёки уйларда ўтказиладиган ўн кунлик тоат-ибодат маросими. Даҳада ўтирадиганлар пиру муршидлардан панд-насихат тинглаб, дуо ўқиб, намозхонлик қиладилар, атрофдан айри яшаб, муҳитдан ажралиб, ўзларини товлаб покланадилар. Бу маросим ЎТИЛда қуйидагича ёзилган: «Даҳа Рамазон ойида ўтказиладиган ўн кунлик ибодат ва у билан боғлиқ маросим» (216- б.). Пиллачиликда қўлланадиган даҳа (даҳага кирмок) ҳам, даҳбошидаги даҳ ҳам ўн тушунчаси билан боғлиқ.

ДАҲЁРИ БЕҲИШТИ ده يار بهشتى [ф] – ўнта жаннатий зот: Абу Бакр Сиддик, Умар, Усмон, Али, Талҳа, Зубайр, Абдурахмон бин-

ни Анф, Саъд бинни Ваккос, Зайд ибн Собит ва Абу Убайда. Ман-
биларда Фотима, Ҳасан, Ҳусан ва Билолнинг ҳам жаннатийликлари
қавлида ишоралар мавжуд.

ДАҲМА دهمه [а] – азизлар жасади дафн этилган зиёратгоҳ жой,
абр.

ДАҲРИЙ دهرى [а] – дунёпараст, бу дунё, яъни реал борлиқ-
нинг мавжудлигини тан олувчи, моддиюнчи (материалист); охират-
нинг, илоҳий ва руҳий оламни – Аллоҳни инкор қилувчи муртад
(қ. Муртад), худосиз.

ДЕВ ديو [ф] – диний мифологияга кўра жуда зўр, баҳайбат
қўрқинчли шаклда тасаввур этиладиган мавҳум бир махлук. Диний
манбаларда Сулаймон пайғамбар ўзбошимча, инсонларга зарар қи-
лувчи девларни бандга солиб қўйган, Сулаймон вафотидан кейин
улар эркин нафас олганлар. Сулаймон ўлиб девлар қутилди гапи
шундан қолган. «Дев ургур» қарғиши ҳам шу билан боғлиқ.

ДЕВОНА ديوانه [ф] – истилоҳ маъносида (жинни, ақлдан озган
маъносида эмас), Аллоҳ йўлида ўзлигидан, дунёвий мулк ва лаззат-
дан воз кечиб, ҳатто оила курмай, афтода ҳол ҳаёт кечирувчи, «Ё
Ҳақ! Ё Аллоҳ!» деб, қишлоқ шаҳарларни кезиб, хайр-эхсон сўраб,
горларда тунаб кун кечирувчи шахс ёки дарвишлардир: Баҳоуддин
Нақшбанд ёки машраблар ҳам девона лақаби билан аталганлар.

ДИЁНАТ ديانت [а] – дана феълининг илоҳий кучга сиғинди маъ-
носи билан боғлиқ ясалган от бўлиб, диндорлик, диний эътиқод де-
макдир. Ўзбек тилда диёнат отидан ясалган сифати диндор, дини-
диёнатли, эътиқодли маъносидан ташқари, иймонли, виждонли,
инсофли, муруватли (шахс) маъноларида ҳам қўлланилади.

ДИЛ БА ЁРУ ДАСТ БА КОР ديل با يار دست با کار (ф.) – Аллоҳ
дилинда, кўлинг ишда бўлсин шиори аслида сўфийликнинг узвий
боғланган иккита кўшалок «кўш қанот»ли мақоми (Дил ба ёр – у
дунё, даст ба кор – бу дунё) бўлиб, бунда Шайх Баҳоуддин Нақш-
банд Ҳазрат пайғамбаримизнинг «исломда таркидунёчилик йўқ»,
«У дунёни деб бу дунёни, бу дунёни деб у дунёни унутманг», «Сиз-
нинг энг яхшиларингиз дунё ишини деб охиратни, охиратни деб
дунё ишини тарк қилмайдиган ва бошқаларга оғирлик туширмай-
диган-ларингиздир», «Охират учун эртага ўладигандек, дунё учун
ҳеч қачон ўлмайдигандек яшанглар» деган ҳадисларига асосланган;
ҳар бир инсон: солиқми, сўфийми, шайхми ризқ, мол-пул, дунё
топиш учун ишлаши, айниқса, ҳунар ўрганиши кераклиги, умуман

айтганда, бу таълимотда дунёни севиб охиратни; мол-пулни севиб, ҳисоб беришни; халқни севиб, Холикни; гуноҳ қилиб, тавбани, қаср куриб, қабрни унитмаслик ғояси илгари сурилади.

ДИЛ ЗИКРИ **دیل زکری** [ф+а] – ибодатда Аллоҳни тилдагина эмас, қалбан ёд этмоқ, у билан боғланмоқ, ундан ҳузурланмоқ, ҳаловат топмоқ, руҳни кучайтириб комиллик касб этмоқ. Зикр Аллоҳни тилдагина эмас, қалбда жо этмоқ – муҳрламоқдир. «Зикр ул-лисони, – дейдилар ҳаким Термизий, би ғайри зикр ул-қалби лақлақатун; зикр ул-қалби би ғайри ҳузур ур-робби васвасатун» (қалб зикрисиз тил зикри – куруқ лақиллаш; Аллоҳ ҳузурисиз қилинаётган дил зикри ҳам васвасалиқдир (Ж.Омонтурдиев. Ал-Ҳақим ат-Термизий таълимоти. –Тошкент: Университет, 2000. Б.50).

ДИЛИ ПОК **دیل پاک** [ф] – зикр орқали кўнгилдан барча дунёвий ёки ғайри шаръий фикрларни қувламоқ, дилни Аллоҳ розилигига мосламоқ, қалбда савоб ва эзгуликни жо қилмоқ.

ДИН **دين** [а] – асли «итоат қилди» маъносини англатувчи «дана» феълининг «илоҳий кучга сифинди» маъноси билан ҳосил қилинган. Яъни Илоҳий куч ва у билан боғлиқ шаклланган, унинг аҳком ва арконлари акс этган ижтимоий-сиёсий, фалсафий, маънавий-ахлоқий қарашлар – мафкура.

ДИНДОР **دندار** [а+ф] – Аллоҳнинг биру борлигини, Пайғамбарнинг барҳақлигини ҳам тилда, ҳам дилда тасдиқловчи, диннинг аҳком ва арконларига риоя қилувчи, эътиқодли, худопараст, акси худосиз (к.: Атеист).

ДИНИЙ БАҒРИ КЕНГЛИК **دینی بغری کینگیلیک** [ўзб.] – динлараро низолашмаслик, барча динларни, уларнинг пайғамбарларини ягона Аллоҳ номи билан эътироф этиш, ҳурмат қилиш ва б.

ДОМУЛЛА (домла) **دامنه داملا** [а] – аслида дояи мулла (форсий изофали бирикма) шаклида бўлиб, кейинчалик дояи сўзидан – *йа* ва изофа белгиси – *и* тушган, «домулладан» ҳам -ул қисми қисқарган: Морфологик соддаланиш юз бериб, янги лексема – *домла* шаклланган. Домла (ёки домулла) атамасида ҳозир ҳам олдинги маъноси (имом, мулла, пир, мурид)дан ташқари, муллалар дояси, тарбияловчиси, пешвоси, мураббийси, катта мулла, олийгоҳ, маъҳад ўқитувчиси, муллалар мулласи каби маънолар англашилиб туради.

ДОР УЛ-БАҚО **دار البقاء** [а] – боқийлик, абадийлик уйи; у дунё, одам вафот этгандан кейин мангу яшайдиган макон, дунё.

ДОР УЛ-МАЪМУР دار المعمور [a] – ободлик уйи ерда фаришталар томонидан қурилган биринчи Каъба, тўфон туфайли тўртинчи осмонга олиб чиқилган фаришталарнинг каъбаси – зиёратгоҳи.

ДОР УЛ-НАЖОТ دار النجات [a] – охират уйи, бахт-саодат ва озаблот уйи. Инсоннинг бу дунёдаги бахти нисбий, мажозий, ўткинчи бўлиб, ҳақиқий, абадий бахти бақо оламдир. (қ.: Дор ул-бақо.)

ДОР УЛ-ТИЛОВАТ دار التلاوت [a] – қироатхонлик уйи. Қироат вақтининг пайғамбар даври тарзини (етти қироатни) сақлаб қолиш, риножлантириш, таъсирчанликни янада ошириш мақсадларида қорни ёки муқрийлар тўпланишиб машварат, ким ўзарга қироатхонлик кўрсатдиган махсус уй, қироатхона, қорихона. Ҳозир ҳам Шаҳриабдида Амир Темур томонидан қурилган Дор ул-тиловат биноси мавжуд.

ДОР УЛ-ФАНО دار الفنى [a] – фанийлик, яъни ўткинчи уй, будунё. Дор ул-баконинг зиди (қ.: Дор ул-бақо) бу зид тушунча «дор ул-фанодан дор ул-бақога рихлат этди» ганида акс этади.

ДОР УЛ-ҲУФФОЗ دار الحفاظ [a] – қорихона, Қуръони каримни қўлайдиган, баланд овоз билан қироат қилдирадиган уй (қ.: Дор ул-тиловат).

ДОР УС-САЛОМ دار السلام [a] – тинчлик, саломатлик уйи, жаннатдаги бир боғнинг номи. Аллоҳга шукр қилган бандалар тўпланадиган, яшайдиган боғи сафо.

ДУЛДУЛ دلدل [a] – Ҳазрати Алига Муҳаммад пайғамбар торғиқ этган учар от. Дулдул билан Зулфиқор (қ.: Зулфиқор) Алининг жангу жадалларида, юрт химоясида, кофирларга қарши курашда, уларни мавҳ этишдаги асосий, илоҳий қуроли. «Фаттоҳ Иллоҳ, Йа Алию Зулфиқор, ҳар балою, ҳар қазою дафъ кун Парвардигор»! дуоси ана шу асосда яратилган.

ДУНЁЙИ БЕВАФО دنياى بوفى [a.+ф.] – вафосиз, вақтинчалик, ўткинчи дунё (қ.: Бевафо дунё).

ДУО دعا (қўпл. ادعية) [a] – Аллоҳга ёлвориб ўзи ёки бошқалар – мўмин-мусулмонлар учун яхшилик сўрамоқ, нажот тиламоқ, илтижо қилмоқ учун қўлланадиган маънавий-руҳий воситалар, ёзма, оғзаки матнлар тўплами.

Дуога ёри берса ҳар мусулмон,

Ўлар вақтида элтгай нури иймон (Аҳмад Яссавий).

Дуо билан эл кўқарар,

Ёмғир билан ер кўқарар (Мақол).

ДУОГУЙ دعاگوئى [a+f] – фарзанлари бахтини Аллоҳдан сўраб илтижо қилувчилар – ота-оналар; ёки шогирдлари, муридларига яхшилик, омад, иймон-эътиқод, тинчлик сўраб дуога қўл очувчи пирлар, улуғлар.

ДУОИ БАД ҚИЛМОҚ دعاء بد قيلماق [a+f+ўзб.] – кимгадир ғайри ахлокий, ноинсоний хусусиятлари учун Аллоҳдан ёмонлик, бахтсизлик, ўлим тиламоқ, сўрамоқ.

ДУОИ БАД دعاء بد [a+f] – ёмон дуо, ғазаб, нафрат ифодаланган бахтсизлик, фожеаларга сабаб бўлувчи дуолар.

ДУОИ БАДГА УЧРАМОҚ دعاء بدگه اوچراماق [a+f+ўзб.] – қарғишга, бахтсизликка, омондсизликка учрамоқ.

ДУОИ ДАФН دعاء دفن [a] – Бисмиллоҳ, миллати Иброҳим Халилуллоҳ ва уммати Муҳаммад расулуллоҳ. «Иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи рожиун» (Аллоҳим, биз сеники эдик, сенга қайтамиз).

ДУОХОН دعاخان [a+f] – дуо ўқувчи, дуо билимдони, дуо қилувчи: Дуо орқали сеҳрловчи, касалларни ўқиб тузатувчи; жоду ёки «иссиқ-совуқ» қилувчи шахс.

ДУРУД درود [a] – мактов, дуо, салом, яхшилик тилаш; пайғамбарларни мадҳ этиш, макташ, шарафлаш муносабати билан айтилдиган сўз, ибора ва нутк матни – дуолар.

ДУСАЛАВОТ دو صلوات [f+a] – Аллоҳга ҳамду сано, салом ва салавот айтмоқ, намозда (қаъдада) Муҳаммад пайғамбарга Аллоҳдан Иброҳим пайғамбар саодатини, ундан-да аъло рутбаълар ато этишини истаб, тилаб дуо қилмоқ; шу мақсадни ўзида акс эттирган «икки салавот»ни, яъни «Аллоҳумма, солли аъло ...» ва «Аллоҳумма барик аъло...»ни ўқимоқ. Бошқача айтганда, «Дусалавот» – икки мадҳия матнининг рамзий атамаси (истилоҳи).

«ДУХОН» الدخان [a] – сура номи. У Қуръони каримнинг кадр кечасида нозил бўлгани ҳақида хабар бериш билан бошланади. Сўнгра бу мукаддас китобдан шак-шубҳада бўлган мушриклар осмондан «тутун» – ғубор ёғиладиган кун билан оғоҳлантирила-диларки, суранинг «Духон» (тутун) деб номланиши шундандир.

ДУХУЛИ ВАҚТ دخول وقت [a] – намоз вақти, намозни ўз вақтида, вақти бўлганда – вақти келганда ўқимоқ.

ДУЪЗАХ نوزخ [ф-т] – қ.: Жаҳаннам.

ДУЪЗАХИЙ نوزخى [ф+a] – умрини гуноҳ, фаҳиш амаллар билан ўтказган, шаръий аҳком ва арконларни топтаган, Аллоҳ ва пайғам-

бирларни рад этган, иймонга келмай дунёдан ўтканлар. Шайтони Лаъин ана шундайлардан.

Е – ى

ЕВЕНГЕЛИЕ *ايونگليه* [юнон.] – насронийларнинг Иусус Христос (Исо) ҳаёти ва таълимоти тўғрисида ҳикоя қилувчи асосий диний китоби Инжил (қ.: Инжил).

ЕПИСКОП – episkopos (кузатувчи) сўзидан олинган бўлиб, насроний черкови рухонийларининг энг юқори унвони ва шу унвонни олган рухоний.

ЕТТИ ШАРИФ *بىئى شريف* [ўзб.+а.] – мусулмон халқларида тўзозланган етти кадрли азиз нарса ёки жой номи: Каломи шариф, Ҳадиси шариф, Бухорои шариф, Мозори шариф, Қуддуси шариф, Шоми шариф, Рамазони шариф.

Ё – يا

Ё ҲАЁТ, Ё МАМОТ *يا حياة يا ممات* [а] – ё яшаш (тириклик), ё ўлим. Ҳаёт-мамот учун кураш – жон олиб – жон бериш маъносида.

ЁВУЗ КУЧЛАР *ياووز كوچلار* [ўзб.] – диний истилоҳ маъносида жин, дев, пари, алвасти, зиён, шайтон, дажжол, яъжуж-маъжуж кабилар.

ЁВУЗ РУҲЛАР *ياووز روچلار* [ўзб.+а.] – инсониятнинг эзгу, яъни ҳидоят сари ҳаракатига тўсқинлик қилувчи, карши турувчи ёмонлик кучлари: Шайтони лаъин, Дажжоли лаъин, Дев, инс-жинс ва б.

ЁЛҒОН АРАФА *يالغان عرفه* [ўзб.+а] – хайитдан икки кун олдинги кун.

ЁЛҒОН ДУНЁ *يالغان دنيا* (ўзб.+а) – вафоси йўқ, алдовчи, йўқ бўлиб кетадиган дунё.

Ё РАМАЗОН *يا رمضان* [а] – рўзанинг дастлабки уч кунда (баъзи жойларда охирида ҳам) эшикма-эшик юриб рўза закотини сўраш (закот йиғиш) удуми. Бизнинг кунларимизда йўқолиб бораётган бу удум (бу билан ҳозир, асосан, болалар шуғулланади) аслида катталар томонидан ижро этилган. “Ё Рамазон”га махсус тайёргарлик кўрилган, рўзанинг моҳияти билан бирга закот тўплаш акс эттирилган шеърлар ёзилиб маълум оҳангда кўшиқ қилиб айтилган. Рўзадорлар рамазончиларни яхши кутиб олиб, закот берганлар.

«Ё Рамазон» дан намуналар:

Рамазон айтиб келдик эшигингизга

Кўчқордай ўғил берсин бешигингизга;

*Бой айтади: қўтандан қўй бераман
Бойвичча айтади: бўҳчадан тўн бераман
Рўзани учини тутиб,
Закотини бизга беринг.
Ё Рамазон, Ё Рамазон...*

Шу удум билан боғлиқ ҳолда «Ё Рамазон» махсус адабий жанр сифатида шаклланган.

ЁСИН ТУШИРИШ *ياسن توشيريш* [a.+ўзб.] – одам лойдан ясашиб тайёр бўлганда илоҳий амрга қарамай, жон танага киролмай туради. Аллоҳ буйруғи билан Жаброил а.с. дутор чалиб «Ёсин» су-расини ўқийди ва жон жисмга кириб кетганини билмай қолади. Шу сабаб инсоннинг ўлими олдида ҳам жон осон чиқсин учун «Ёсин» ўқилади. Бу халқ тилида «Ёсин тушириш» дейилади.

«ЁСИН» *يس* [a] – сура номи. У Қуръони каримга қасам ичилиб Муҳаммад с.а.в.нинг ҳақ пайғамбар эканликларини тасдиқлаш билан бошланади. Сўнгра ўзининг илк ояти «Ёсин» номи билан аталади. Муҳаммад с.а.в. «Албатта, ҳамма нарсанинг қалби бордир. Қуръони каримнинг қалби «Ёсин»дир. Мен бу сурани умматимдан ҳар кишининг қалбида бўлишини истар эдим» деган эканлар.

Ж – ج

ЖАББОР (ал-Жаббор *الجبار*) [a] – Аллоҳ исмлиридан бири, қудратли, бандалари ишини ислоҳ этувчи, керак бўлганда, жабр-зулм қилувчи демақдир.

ЖАБРОИЛ *جبرائيل* [a] – элчи, хабарчи; Аллоҳнинг амри фар-монини ерга – пайғамбарларга етказувчи, хабар – ваҳи келтирувчи фариштаи муқарраб (қ.: Фариштаи муқарраб). Бу фаришта Рух ул-Амин ҳам дейилади (қ.: Рух ул-амин).

ЖАВОБНОМА *جواب نامه* [a+ф] – ўлим олдидан пурсанда (мункар-накр)лар берадиган саволларга бериладиган жавобларни осонлаштириш ниятида ёзиб тайёрланган ва марҳум бошида қўйи-ладиган муайян мазмундаги матн.

ЖАЗАВА *جزوه* [a] – диний истилоҳий маъноси зикр тушиш маросимларида, зикри самоъларда, таважжухларда солиқ ёки сў-фий ёки аҳли ҳолларнинг Аллоҳ васли огушига берилиб кетиб ўз-ларини йўқотишлари, «маст», «сархуш» ҳолатга тушишлари, ил-ҳомлари жўш уриб (илоҳий илҳом келиб) хуружга келишлари. Бу тасаввуфда ҳол, суқр (экстаз) ҳам дейилади.

ЖАЗМ **جزم**[a] – ибодат қилиш, намоз ўқиш ёки бошка бирор нусхаву савоб ишлар ижросига қатъий киришмоқ. Намозда такбир айтилиши, салом бериш каби ҳолатларнинг ижроси – аниқ оҳангларда таъриффуз этилиши ҳам жазмдир.

ЖАЛИЛ (ал-Жалил **الجليل**) [a] – Аллоҳнинг исми сифати бўлиб, У (Аллоҳ) барча сифатлари мукамал, улуғ зот демақдир.

ЖАЛСА **جلسه** [a] – икки сажда орасидаги бироз ўтириш, ҳаракат тўхташи.

ЖАННАТ **جنة** [a] – қ.: Биҳишт.

ЖАННАТИЙ **جنتي** [a] – барча гуноҳлардан, жумладан, нафс, дунёвий ҳирслардан холи, пок, Аллоҳ амрини бекаму кўст адо этадиган, Яратган раҳматига сазовор бўлган зотлар, масалан, фаришта-малоиклар, пайғамбарлар. Ана шундай фазилатларни ўзида муҷассамлаштирган маъсум ва маъсумаларни ҳам халқ рамзий, қиёсий маънода жаннатий одам дейишади.

ЖАНОБАТ **جنابت** [a] – ғуслга, чўмилишга сабаб бўладиган, жинсий алоқа, эҳтилом, ҳайз-нифос билан боғлиқ нопокликдир.

ЖАНОЗА **جنازه** [a] – ўлим билан боғлиқ ўтказиладиган мотам-маросим, дафн йиғини; дафн олдидан ўқиладиган чор такбир (тўрт рақъат) намоз. Кимдир вафот этгач, одатда қишлоқ, маҳалла бўйлаб, оммавий равишда «фалончаникига жанозага-а-а!!!» тарзида хабар қилинган ва ҳозир ҳам кўшни хонадонларга хабар қилинади (қ.: Чор такбир).

ЖАҲАННАМ **جهنم**[a] – еттига бўлиб, ҳар қайсиси ўз номига эга: Жаҳаннам, Сақар, Саир, Лаззо, Ҳутома, Жаҳим, Ҳовия. Улар бандаларнинг гуноҳига яраша азоб билан тўлдирилган, масалан, минг йил қиздирилган қора бўлган, минг йил қиздирилган қизил бўлган, минг йил қиздирилган оқ бўлган азоб занжирлари бор бўлган илоҳий азоб макони. Манбаларда *Жаҳаннамдан игна кўзидек тешик очилса. бу дунё кулга айланади* дейилади.

ЖАҲР НАМОЗИ **جهر نمازی** [a] – бомдоднинг кейинги, шом ва хуфтоннинг аввалги икки рақъатли фарзларини овоз чиқариб (очик, ошқора, равшан, баланд овоз билан) қироат қилмоқ.

ЖАҲР УЛ-АЗКОР **جهر الاذكار** [a] – такбир, тасмия ва саломни баланд овоз билан айтмоқ ёки ошқор айтиладиган зикрлар.

«**ЖИН**» **الجن** [a] – жанна феълининг «яширди» маъноси билан боғлиқ ҳосил қилинган. Жинлар ҳам Аллоҳ томонидан оловдан яратилган кўзга кўринмас махлуқлардир. Муҳаммад с.а.в. инсга

ҳам, жинга ҳам пайғамбар қилиб юборилганлар. Худди инсонлар орасида бўлгани каби жинлар орасида ҳам у зотнинг пайғамбар эканликларига иймон келтирганлари ва иймон келтирмаганлари ҳам бор.

*Сенга текди соней Ҳақдин бу рисолат манзари,
Тобей ўлди барча сенга жин ила деве пари.*

(“Киссаи Иброҳим Адҳам”дан)

Жинлар айрим кишилар ўйлаганидек, инсонларга бирор фойда ёки зарар етказишга, ё ғайб сирларини билишга қодир эмаслар. Уларнинг ичида яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам, мусулмонлари ҳам Иблиси лаин каби кофирлари ҳам бор. Уларда инсонга ҳар хил қиёфада кўриниш «чалиб» кетиш имконияти йўқ (қ.: «Жин» сураси).

ЖИНОН چنان (а., бирл. – жаннат) – жаннатлар, жинон равзаси, жинон гулшани, жаннатлар боғи.

ЖОДУ جادو [ф] – диний истилоҳий маънода ҳозирги фокус, кўзбоғлашлик эмас, балки дуои илм кучи билан сеҳрлаш, оғир дардга гирифтор қилиш, бахтини боғлаш, ҳатто ўлимга олиб бориш амали. Ўтмишда Жодуни очувчи, қайтарувчи мулалар ҳам бўлган. Жоду тушган; жоду қилинган; жодуни қайтарган; жодудан ўлган гаплари шу асосда пайдо бўлган.

ЖОДУГАР جادوگر [ф] – бунда фирибгар маъносида эмас, жоду қилувчи (қ.: Жоду), кимнидир дуо, илми амал кучи билан ғайритабиий ҳолатга олиб борувчи шахс.

ЖОЙИ ПОК جاي پاک [ф] – намозгоҳ, намоз ўқиладиган жой, масканнинг тоза бўлиши.

ЖОЙНАМОЗ جاي نماز [ф] – устида намоз ўқиладиган маълум миқдордаги матодан тайёрланган тўшама, арабча сажжода (қ.: Сажжода). Жойнамоз ибодат вақтида инсонни бу дунёдан ажратиб турувчи восита деб ҳам таърифланади.

ЖОМИЪ (ал-Жомиъ الجامع) [а] – тўпловчи, Қиёмат куни ҳалойиқни Маҳшарда жамъ этувчи зот (Аллоҳнинг исми сифатларидан).

ЖОН БЕРМОҚ جان برماق [ф+ўзб.] – дунёвий маънода – ўлмоқ тушунчасини англатишдан ташқари, маълум муддат бандасига инъом этилган омонат (жон)ни вақт (ажал) етиши билан яна эгаси (Аллоҳ)га қайтариб бермоқ (қ.: Жон).

ЖОН ТАЛВАСАСИ جان تلواساسي [ф+а] – жон беришдаги қаттиқ безовталиқ, руҳий ғалаён, истироб, қаттиқ ҳаяжон (қ.: Сакарот ул-мавт).

ЖОН ТАСЛИМ ҚИЛМОҚ جان تسليم قيلماق [ф+a+ўзб.] – жон бермоқ (к.: Жон бермоқ).

ЖОН جان [ф] – тирикликни, жисмни ҳаракатга келтириб турувчи илохий нафас; инсонга омонат берилган, ўлимдан кейин жисмни тарк этиб, рухий оламга, Аллоҳга – аслига қайтувчи мукаддас, абадий мавжуд илохий нур.

ЖОРУЛЛОҲ جار الله [а] – Аллоҳнинг қўшниси. Маърифат ва илм илоҳиятда камолга етган айрим буюк зотлар мажозий худога якин маъносида жоруллоҳ деб аталган.

«**ЖОСИЯ**» الجاسية [а] – сура номи. Унинг ниҳоясида қиёмат кунда рўй берадиган аҳвол тасвирланади ва у кунда ҳар бир уммат тиз чўккан ҳолда Аллоҳ тарафидан бўладиган ҳукмга кўз тутиб туриши баён этилади. Суранинг «Жосия» (тиз чўкувчилар) деб аталишининг сабаби шудир.

ЖУВОНМАРДИЯ جوان مريدية (ф.) – халққа хизмат қилиш ҳақидаги фалсафий-ахлоқий ғоя (к.: «Футуват»; «Футувват одоби» луғат маколаси).

ЖУЗУВДОН جزودان (а.+ф) – қоғоз ва ёзувлар солинадиган (чармдан ишланган) кичкина папка ёки *жузгур* ҳам дейилган.

«**ЖУМЪА**» الجمعة [а] – сура номи. Унда Жумъа намозининг аҳкомлари, савоб ва мукофотлари баён қилинганлиги учун сура «Жумъа» деб аталган.

ЖУНУБ جنوب [а] – одамнинг жинсий алоқа қилган ё тушида эҳтилом бўлган ёки аёл кишининг ҳайз ва нифосдан халос бўлиб, ғусл қилмаган – чўмилиб покланмаган ҳаромлик ҳолати.

ЖУРМ جرم [а] – гуноҳ, жиноят, аҳли журм – гуноҳкорлар (к.: Гуноҳ).

ذ ز ض ظ - 3

ЗАБУР زبور [а] – Довуд пайғамбарга туширилган самовий-мукаддас китоб.

ЗАВОЛ НАМОЗИ زوال نمازی [а+ф] – бу баъзилар айтганича, қуёш ботиши олдидан ўқиладиган (аслида қуёш чиқиши, тиккага келиши, ботиши билан бир вақтда намоз ўқилмайди) аср намози бўлмай, балки қуёш ботиши олдидан унинг даҳшатли бир тусга кириши (бу қуёш куйиши, тутилиши ҳам дейилади), осмон кўрқинчли ҳолатда кўриниши билан боғлиқ Аллоҳга илтижо қилиниб, азон айтилиб ўқиладиган икки ракъатлик илтижо намозидир.

ЗАВОЛ زوال [a] – йўқ бўлиш, сўниш, ботиш, кўринмай қолиш, тугаш. Диний истилоҳ маъносида намоз ўқилиши нодуруст, номакбул ҳисобланган вақт. Оташпарастлар мавжудотнинг асоси, бошқарувчиси Қуёшдир деб тушунганликларидан, у (Қуёш)нинг чиқиши (кўриниши) Тангри юзи (висоли)нинг намоёни дея унга (шарққа), ботиши билан ҳам унга (ғарбга), тепага (тик) келганда ҳам унга қараб ибодат қилганлар. Шу сабаб завол мусулмонларнинг ибодат қилиш вақтлари эмас. Ҳозирги тилимизда завол *охир бўлмоқ, йўқ бўлмоқ* маъноларини ифодалашда (завол топмоқ шаклида) ҳам қўлланади.

ЗАКОТ زكوة – арабча *зака* феълидан *-ат* қўшимчасини кўниш орқали ҳосил килинган бўлиб, тозалик маъносини англатади. Закоат – мусулмонларнинг бажариши керак бўлган учинчи шарт, фарзи айн, яъни ҳар йили умумий бойлигининг қирқдан бири миқдорига бериши шарт бўлган диний бож-хирожи, рўза вақтида бева-бечораларга, камбағал-қашшоқларга бериладиган хайр-садақаси, фитри (қ.: Фитр).

«**ЗАЛЗАЛА**» الزلزله [a] – сура номи. Қиёмат кунида замин (ер) зилзилага тушиб, титраб ёрилиб кетиши каби воқеалар билан боғлиқ келиб чиққан атама. Бу сура оғзаки тилда «Иза зулзилат» ҳам дейилади ва ер қимирлаганда ҳам ўқилади.

ЗАЛОЛАТ ضلالت [a] – мавҳум оти залил (хор, тубан), зиллат (хорлик, тубанлик, пастлик), зилл (соя, тубанлик, йиқилиш, паса-йиш) сўзлари билан ўзақдош бўлиб, мажозий адашиш, тўғри йўлдан – ҳидоятдан чиқишлик, гумроҳлик, залол аҳли (адашганлар, йўлдан озганлар); Аллоҳ йўлидан чиқиб дину диёнатни тарк этиб, разолатга (қ.Разолат) юз тутиш, Шайтон йўлига кириш.

ЗАМЗАМА زمزمه [ф] – 1. Майин товуш билан хиргойи қилиб, оҳиста айтиладиган ашула, хониш. 2. Намозда гаплашмаслик. Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний ёзади: «Замзама фаҳмланадиган сўз билан эмас, имо-ишора билан гапиришдир. Бунга сабаб шуки, намозхон қачонки намоз ўқиб ва Худога тасбеҳ айтиб, уни муқаддас тутсалар, шу ўртада (узоқ намоз ёки ибодат ўртасида) овқатланиб оладилар. Намоз ўртасида уларнинг гапиришлари мумкин бўлмаганлиги учун «ҳимм-ҳимм» деб ишорат қиладилар» (Асарлар. 1- т, «Фан», Тошкент, 1968, 258-б.).

ЗАМ СУРА ضم سورة [a] – зам – кўшиш, жамлаш, юклаш; зам сура намознинг ҳар бир ракъатида «Фотиҳа» сурасидан кейин, унинг устига бир сура (зам сура) ёки камида уч оят қўшиб ўқимок.

ЗАРДУШТ زردشت (асл номи – Сепитома) зардўштийлик (қ.: Зардўштийлик)нинг жаҳонда яккахудоликка ясосланган диннинг асосчиси, вориси, пайғамбари.

ЗАРДУШТИЙЛИК زردشتيلىك [ф+ўзб.] – эрадан олдинги VII–VI асрларда Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжонда шаклланган, Зардўшт пайғамбар томонидан асосланган. Асримизнинг VI асрлари (Ислом) гача ўз моҳиятини сақлаб келган. «Авесто»дек муқаддос китобига эга бўлган дин.

ЗАРР (аз-Зарр الزر) [а] – хоҳлаган бандаларига, кавмга офат, зарар ва мусибат етказувчи зот. Аллоҳнинг сифатий исмларидан бири.

ЗАМЗАМ زمزم [а] – Макка шаҳридаги (Хонаи Каъба яқинида) шохий, муқаддас чашма номи, замзам булоғи. Сафо ва Марва теналиги орасида ташна чакалоғига сув излаб юрган Хожар узоқдин ер (қум) тепиб йиғлаётган чакалоғи оёғи остидан қайнаб чиқибган сувни кўриб, югуриб келади ва сувга: «Замзам!» «Тўхта!» дейди. Шу сабаб булоқ номи *Замзам* аталиб қолган.

ЗАҚҚУМ زقوم [а] – 1) меваси жуда аччиқ бир дарахт; 2) заҳар, оғу; 3) истилоҳ маъносида жаҳаннамнинг ўртасида ўсувчи дарахт, Жаҳм, яъни Жаҳаннам заққуми («Инна шажаратун тахружу фи аслил жаҳим», Васофот сураси, 64, 68- оятлар). Агар дунё денгизларига заққумнинг бир томчиси тушса, дунё аҳлининг бутун ҳаётини бузади.

ЗИЁ زيا [а] – истилоҳий маъноси (реал-дунёвий маъноларидан ганшқари) одам ва оламни ҳидоятга бошловчи, қалбини, қабрини, охиратини обод ва мунаввар этувчи илоҳий-исломий нур, Нури Муҳаммад, Зиё ул-Ҳақ – Аллоҳ ёғдуси.

ЗИЁРАТ زيارت [а] – аввал Аллоҳ ва руҳлар розилиги учун, сўнгра ҳар хил мақсадларда: савоб, омад ва бахт истаб турли жойларга, чунончи, Каъба, Пайғамбар равзалари, авлиёю анбиё, пиру муршид, ота-она, қабру мақбараларига бориш, зиёрат қилиш, уларнинг руҳларини ёд этиб Куръон ўқиш.

ЗИЁРАТГОҲ زيارتگاه [а+ф] – зиёрат қилинадиган, сиғинадиган муқаддас ер, авлиёлар мақбараси, қадамжо (қ.: Қадамжо).

ЗИЁРАТХОНА زيارتخانه [а+ф] – зиёратгоҳнинг зиёратчилар сиғинадиган, тавоф қиладиган биноси, хонаси, қабр жойлашган жойи.

ЗИКР ذكر [а] – Аллоҳни ёд этмоқ, хотирламоқ, баён қилиш, унинг «Гўзал Исмлари» («Асмо ул-хусна») ва сифатларини айтиб илтижо қилмоқ, тасбеҳ айтиб ибодатда бўлмоқ.

ЗИКРИ АЛОНИЯ ذكر علانية [a] – ошкора ёки жаҳрия зикр (қ.: Зикри жаҳрия).

ЗИКРИ ЖАҲРИЯ ذكر جهريه [a] – Аллоҳни ёдлаш, мадҳ этиш калималарини ошкор, баланд овоз билан айтмоқ. Зикри жаҳрия ўрнида *зикри ошкора*, *зикри алония* истилоҳлари ҳам қўлланилади.

ЗИКРИ САМОЪ ذكر سماء [a] – Аллоҳни ёд этиб, сифатларини тилда жорий қилиб, баланд овоз билан ижро этиш, диний ғазаллар айтиб рақсга тушиш.

ЗИКРИ ХУФИЯ ذكر خوفيه [a] – Аллоҳни овоз чиқармай, кўнгилда, қалбда махфий ёд этмоқ. Зикрнинг бу турига нисбатан зикри махфия, зикри қалбия истилоҳлари ҳам маънодош терминлар сифатида қўлланилади.

ЗИНДИҚ زينديق [a] – динга ишонмайдиган, худосиз. Ўрта асрларда ислом таълимотини рад этган хурфикрли фалсафий оқимлар, дуалистлар, мохийлар ва хуррабийлар таълимотининг вакилларига берилган умумий ном. Зиндиклар доимо таъкиб остига олинган қўлга тушганда қаттиқ жазоланган, ҳатто қатл қилинган.

ЗИНО زنا [a] – ҳаром йўл билан ғайриқонуний қилинадиган, гуноҳи кабира ҳисобланадиган жинсий алоқа. Зинодан туғилган бола – ҳаромий (қ.: Ҳароми).

ЗОВИЯ زاويه [a] – бурчак, хужра, хилват, холи жой. Сўфий, дарвишу девона ва мусофирлар тўхтайдиган, яшайдиган манзил. Араб мамлакатларининг баъзиларида работ, баъзиларида зовия деб аталган бундай жойлар Эрон ва Афғонистонда *такъя* (қ.: Такъя), Туркияда *текка*, Ўрта Осиёда *хонақоҳ* (қ.: Хонақоҳ) дейилади.

ЗОДИ РОҲИЛА زاد راحله [ф] – йўл озиғи, озиқ-овқат, маънавий-руҳий озиқ, мангулик, охират озиғи; реал маънода ҳожиларнинг Каъбага бориб келишлари учун ўзлари билан олиб жўнайдиган маблағлари. Бу халқ тилида *йўлтўша* ҳам дейилади.

ЗОКИР ذاكر [a] – зикр қилувчи, Аллоҳни ёд этувчи шахс.

ЗОТ ذات [a] – бирон нарсанинг асли, асоси, жавҳари, моҳияти, мутлақ руҳ – Аллоҳ. Олий зот ёки зоти олийлари атамаси аслида инсонга, шоҳларга, авлиёю анбиёларга эмас, Аллоҳга нисбатан қўлланилиши керак.

ЗОҲИД زاهد [a] – дунёвий ишлардан юз ўгириб, тоат-ибодат билан машғул бўлган киши, шайх.

ЗОҲИР (ал-Зоҳир الظاهر) [a] – борлиги, мавжудлиги ҳамма нарсада бутун оламда зуҳр етувчи, жилваланиб турувчи зот, Аллоҳнинг исми сифатидан бири.

ЗУЛЖАЛОЛ ذو الجلال [a] – Аллоҳ сифати: Азамат ва энг буюк, буюклик эгаси. Шу сабаб дуоларда ё зулжалу вал икром (шафқат бер) деб илтижо қилинади.

ЗУЛ ЖАЛОЛИ ВАЛ ИКРОМ ذو الجلال والاکرام [a] – Аллоҳ исми сифатларидан бўлиб, *шараф ва карам эгаси* демакдир.

ЗУЛКИФЛ ذو الکفل [a] – асл исмлари Бишр, Айюб пайғамбарнинг ўғиллари, номлари Куръони каримда зикр қилинган. Оталари шифотидан кейин Румга пайғамбарлик қилганлар. Зулкифл (кафонт эгаси) деб аталишига сабаб ваҳийга кўра умматларига ўзлари хоҳлагунларича яшашларига кафиллик қилганлар (кафолат берган-шр).

ЗУЛФИҚОР ذو الفقار [a] – зу (эга) + ал (артикл) + *фиқор* (ўткир, тешиб ўтувчи, хабар қилувчи) унсурларидан ясалган; Ҳазрат Алининг Муҳаммад пайғамбар томонидан инъом этилган икки дамли қиличи; сеҳрли кучга эга бўлган илоҳий қурол. «Жангнома»ларда зулфиқор қинга солса, бир қулоч, қиндан чиқса, қирқ қулоч дейилади. Шу сабаб ўғил болага Зулфиқор деб ҳам ном қўйилган.

«**ЗУМАР**» الزمر [a] – сурасида яхши амаллар қилиш билан яшаб ўтган мўъминлар тўп-тўп бўлган ҳолда жаннатга, кофирлар тўда-тўда қилиниб жаҳаннамга ҳайдалиши ҳақида хабар берилади. Суранинг «Зумар» (гуруҳлар) деб номланишининг боиси шу.

«**ЗУХРУФ**» الزخرف [a] – сурасида дунё моллари – олтин-кумуш ва зебу зийнатлари инсонлар охиратини обод қилмаслиги, бойлик қандай ишларга сарф қилиниши баён этилган. Шу сабаб сура «Зухруф» (зеб-зийнат) деб номланган.

ع - ۱

ИБН УЛ-ВАҚТ ابن الوقت [a] – айнан вақт боласи ёки вақт бандаси; мажозан, вақтдан Аллоҳ йўлида исроф қилмай фойдаланувчи такводор, сўфийлар тушунилади. Зотан, вақт инсонга икки дунё бахтига мушарраф бўлиши учун берилган илоҳий инъом ва имкониятдир. Алишер Навоий ҳазратлари *Умрингни зое этма, меҳнат қил, Меҳнатинг саодатнинг калиди бил деган*, дқб ёзган.

ИБОДАТ عبادت [a] – ўзаги абд (عبد – қул, банда) бўлиб, бундан ибод (عباد – абднинг кўплиги – қуллар, бандалар) ҳосил қилинган ва «ибод»га -ат, -т (-ات, -ت) қўшимчаси қўшилиб ибодат (عبادت – сифиниш, топиниш) мавҳум оти ясалган.

ИБОДАТ ҚИЛМОҚ عبادت قىلماق – Аллоҳга сифинмоқ, фарз ва суннат намозларини ижро этмоқ, тавба қилмоқ ва б. Ибодат тушун-

часи кейинчалик кенгайган бўлиб, бу истилоҳ орқали мутасаввифлар Аллоҳга куллик – бандалик қилмоқ, топинмоқ, сиғинмоқ, яъни рухий ибодат (шариат аҳком ва арконларини ижро этмоқ) билан бирга эзгу ва савоб ишларни бажармоқни ҳам тушунадилар. Хожа Баҳоуддин ҳазратлари «Ибодат ўн қисмдан иборат, унинг ўндан тўққиз қисми ҳалол касб талабига амал қилишдир; ўндан бир қисми рухий ибодатдир (намоз, рўза кабилар)» дейди (Насафий (Е.Е.Березиков). Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд. Тошкент: Мерос, 1992. Б.43).

ИБОДАТГОҲ عبادتگاه [a+ф] – қ.: Ибодатхона.

ИБОДАТХОНА عبادتخانه [a+ф] – Аллоҳга ёки умуман, илоҳларга, бутларга (ва ҳ.к.) топинувчи барча соҳа диндорларнинг сиғинадиган жойлари, саждагоҳи, масжид, черков, бутхона каби.

«**ИБРОҲИМ**» ابراهيم – сура носи. Унда Иброҳим а.с.нинг Маккага келишлари ва у ерда Аллоҳ таолага қилган дуо-илтижолари хусусида ҳам муфассал хабар берилганлиги учун сура «Иброҳим» деб аталган.

ИДА, ИДАТ عده عدا [a] – эридан ажралган ёки эри ўлган хотинга ҳомиладорлиги аниқ бўлгунча шариат бўйича эрга тегишман қилинган юз кунлик муддат; ёки уч ҳайз кўриш вақти. Шу вақт ичида хотинлар турмушга чиқа олмайдилар. Чунки бу даврда аёлнинг раҳми батамом тозаланади, яъни боланинг бор-йўқлиги аниқ бўлади.

ИЖМОЪ اجماع [a] – бир даврда яшаб мужтаҳид (қ.: Мужтаҳид) мақомига эришган уламоларнинг яқдиллик билан бир масала, чунончи, бирор нарсанинг ҳалол-ҳаромлиги, маъқул-номаъқбуллиги юзасидан бир умумий хулосага келишлари. Бу шаръий ҳукмларга яқин бўлиб, *ижмоъ ҳукми* дейилади.

ИЖОБ اجاب [a] – икки ёшни қонуний – шаръий бир-бирига боғлаб қўйиш, яъни турмуш куриш учун ўтказиладиган никоҳ сулҳи (қ.Никоҳ). Ижобли – никоҳли, ижобсиз – никоҳсиз.

ИЖОБАТ اجابت [a] – қабул қилиш, маъқуллаш, рози бўлиш; (мустажоб ижобат билан ўзакдош); талаби қабул этилган, қабул бўлган; Мустажобуд даъво (مستجاب الدعوه) – дуоси қабул бўлган, Аллоҳ оҳини эшитган.

ИЙД АЛ-АДҲА عيد الاضحى [a] – байрам (қ.: Қурбон ҳайити).

ИЙД АЛ-КАБИР عيد الكبير [a] – катта ҳайит, Қурбон ҳайити.

ИЙД АЛ-САҒИР عيد الصغير [a] – рамазон рўзаси байрами, ҳайити.

ИЙД АЛ-ФИТР عيد الفطر [a] – рамазон рўзаси байбрами муносабати билан ёки умуман, рўза муносабати билан камбағал мискинларга бриладиган садақа, тухфаси, инъом ёки муайян миқдордаги шкот.

ИЙМОН ايمان [a] – ишонч, этиқод, инонмоқ, тасдиқламоқ; Иймон Аллоҳнинг биру борлигига қалбан ишонмоқ, тилда Калими таййиба ва Калимаи шаҳодат билан «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулulloҳ; Ашҳаду алла илаҳа иллалаҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу» (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг пайғамбаридир; Шаҳодат бераманки, Аллоҳ битта, Муҳаммад унинг қули ва элчисидир) деб тасдиқламоқ.

ИЙМОНИ МУФАССАЛ ايمان المفصل [a] – комил иймон, комил ишонч; «Аманту биллаҳи ва малаикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи вал явмил ахири вал қадари хайриҳи ва шарриҳи мин алллоҳи тибала вал баъси баъдал мавти» (Аллоҳнинг биру борлигига, унинг фаришталарига, китобларига, элчи (пайғамбар)ларига, охират кунларига, яхши ва ёмон тақдирларига, ўлгандан кейин тирилишга, қиёмат кунларига ишонаман, иймон келтираман, тасдиқлайман) демоқ.

ИЛАҲ اله [a] – аслда кўпхудолик динидаги атама бўлган бўлсада, Алишер Навоий тилида ҳам ҳозирги ўзбек тилида ҳам якка Худо – Аллоҳ маъносида (Илоҳим, илоҳо шаклларида) ҳам қўлланади.

ИЛЁС الياس [a] – Хизрга ўхшаб оби ҳаёт ичган, мангу тирик пайғамбар. Хизр қурукликда, Илёс эса сувда кишиларга ҳамроҳлик қилади.

ИЛМИ ЛАДУНИЙ علم لدنى [a] – урунмасдан машаққат чекмасдан олинган, Худо томонидан бандаларига берилган, инъом этилган илм.

ИЛМИ ҒАЙБ علم غيب (кўпл. Илми ғойибот **علم غايبات**) – илоҳий илм ёки руҳий олам ҳақидаги фан. Бу фан (илм) билан шуғулланувчи сирларни англовчилар, яъни кўзга кўринмайдиган нарсаларни кўрувчилар, муҳаққак олимлардир. Ғийбат – (истилоҳий маънода) аслида реал бўлмаган, кўринмаган суҳбат асносидан ташқарида юз берадиган воқеликлар ҳақида хабар бериш. Ғийбатнинг ҳозирги (жузъий) маъносида бировдаги бор фазилатни инкор қилиб, йўқ сифатларни тасдиқлаш. Булар тухмат ва бўҳтон бўлиб гуноҳи кабирадир.

ИЛМИ ҚОЛ علم قال [a] – илми ҳолнинг зиди, дунёвий ёки зохирий илм (бунинг акси – ботиний); жамият ва табиат қонунларини ўргатувчи фан.

ИЛМИ ҲОЛ علم حال [a] – тасаввуфий таълимот, илоҳиёт, руҳият илми. Бу илми ботиний деб аталади.

ИЛМ УЛ-ЯҚИН علم اليقين [a] – тасаввуф фалсафасининг билиш назарияси. Бу назария уч босқичли: илм ул-яқин, айн ул-яқин, ҳаққ ул-яқин. Биринчи босқичда одам воқеликни ақлий далил ва ҳужжат (аргумент) келтириш билан идрок этади. Айн ул-яқинда эса билиб олинган, исботланган воқеликни бевосита мушоҳада этади: учинчи босқич (ҳаққ ул-яқин)да воқеликни ёки ҳақиқатнинг ўзини кўради – унга эришишга муяссар бўлади. «Бу бамисоли куёш шуъласи ва хароратини далил келтириш билан исботлаш (илм ул-яқин), куёшни кузатиш орқали аниқлаш (айн ул-яқин) ва куёшнинг мусаффо нурдан иборат эканини қалбан идрок этишдай (ҳаққ ул-яқин) гап» (Н.Комилов) ёки масалан, сўфий тасаввуфнинг шариат босқичида Аллоҳнинг борлиги ва бирлигини (илм ул-яқин), тариқатда унинг моҳиятини (айн ул-яқин) англаб этади. Қолган босқичларда эса у Аллоҳни кўради, ҳақиқатга – вуслатга эришади. Бу ҳаққ ул-яқин ёки *ваҳдоният босқичи*.

ИЛОҲИЯТ الاهيت [a] – Худо ва дин ақидалари ҳақидаги диний таълимотлар мажмуи, фан, илм.

ИЛТИЖО التّجاء [a] – гуноҳлари авфи учун Аллоҳга сиғиниш, ёлвориш; Илтижо қилмоқ – Аллоҳдан паноҳ тилаб мадад, нажот сўрамоқ ёки бандаларининг Аллоҳдан, илоҳий кучлардан мадад тилаб, ёвуз кучларни қайтариш ёки турли бахтсизлик ва омадсизликлардан сақлаш учун қилинадиган мурожаат.

ИЛҲОД الحاد [a] – диндан қайтмоқ, Худони инкор қилмоқ.

ИЛҲОМ الهام [a] – одатдаги шоирона илҳомдан ташқари (тасаввуфий истилоҳ маъносида) Аллоҳ ишқи билан боғлиқ киши қалбида пайдо бўладиган туғён, илоҳий-руҳий ҳолат, беҳудлик (сукра).

ИМОМ امام (кўпл. аимма *ائمة*) [a] – пешво, намозда олдинда турувчи, мусулмонларнинг доимий раҳбари, намозни бажарувчи.

ИМОМА امامة [a] – салла, дастор.

ИМОМАТ امامت [a] – имомнинг (қ.: Имом) мавҳум кўплиги; мамлакат бошқаришдаги диний-мафкуравий, сиёсий идора, имомия, ҳокимият. Пайғамбар вафотларидан кейинги халифалик.

Бугунги имомат тушунчаси фақат диний-шаърий ишларни бошқарувчи идорани англатади.

ИМОМИЯ اماميه [a] – Али ибн Абу Толиб авлодидан тарқалган шиа мазхабидаги ўн икки имом.

ИМОМ ХАТИБ امام خطيب [a] – Хутба ўқувчи имом. Имом олиндида турувчи, бошловчи; Хатиб «хатаба» феълидан ясалган бўлиб «ваъз айтувчи» демакдир.

ИНЖИЛ (яхудийча – хушхабар) – Исо пайғамбарга туширилган самовий муқаддас китоб.

«**ИНСОН**» الانسان [a] – сура номи. Унда Аллоҳ одамни азизу мукаррам, яъни ўзига халифа қилиб: нутфа, алақ ва музғамдан яратганлиги, шу сабаб улар тоат-ибодат қилиш билан покланиб, Аллоҳ васлига восил бўлишлари кераклиги баён этилган. Шу мазмун билан боғлиқ сура «Инсон» деб номланган.

ИНСОТ انصاف [a] – Имом кироат қилганда бошқалар (муқаддийлар)нинг сукут сақлаб, жим эшитиб туришлари.

«**ИНФИТОР**» الإفطار [a] – сура номи. Ёрилиш, бузилиш, вайрон бўлмоқ маъноларида. Сура қиёмат Кунида Осмон ёрилиб – очилиб қолиши хусусидаги оят билан бошлангани учун у «инфитор» (ёйилиш) дейилган. Баъзан сура ўзининг 1-ояти («Изас – самаун фатарат») номи билан ҳам аталади.

«**ИНШИҚОҚ**» الإنشقاق [a] – сураси аввалида Қиёмат қойим бўлган кунни само ёрилиб, замин ёйилиб, теп-текис бўлиб қолиши баён этилади. Шунинг учун ҳам бу сура «Иншиқоқ» («Ёрилиш») деб ном олган.

ИНШООЛЛОҲ ان شاء الله [a] – Худо хоҳласа. Одатда сўзловчи бажариши керак бўлган бирор ишнинг ижроси ҳақида олдиндан қатъий ҳукм қилиш ё хулоса чиқаришга шошилмаслиги, камтарлик ва «бандалик» билан исломий ахлоқ-одобдан келиб чиққан ҳолда, «Иншооллоҳ», яъни худо хоҳласа, фалон ишни бажараман дейиши. (қ.: «Иншооллоҳ»).

ИОДА اعاده [a] – намоз бирор муносабат билан бузилганда қайта ўқиш.

ИРОДА اراده (кўпл. Иродат ارادات) [a] – Аллоҳнинг субутий сифатларидан. Бунда барча воқеликлар, жумладан, инсон тақдири, бахту бахтсизлиги, Аллоҳнинг хоҳиш-истаги (иродаси) билан юз бериши назарда тутилади.

*Қадалса бир тикан, ё тушса бир қил,
Иродасиз эмас ҳеч иш, яқин бил.*

*Агар мўре қўяр ер устига по,
Ва гар бир заррача қум бўлса бежсо,
Булардин ё кичикдур, ё зиёда*

Эмасдир ҳеч нимарса беирода. (Сўфи Оллоҳёр)

ИСИРИҚ ايسىرىق [ўзб.] – кўп йиллик доривор, шифобахш ўсимлик. У ҳар хил касалликларни даволашда: микробларни ўлдириш, шамоллашни олдини олиш, инс-жинс, кўз суклардан ҳимоя қилишда ишлатилади. Тутатилганда, яъни исириқ солинганда хушбўй ис таратганлиги учун *исириқ* дейилган (к.: Ҳазорисбанд) ва илоҳийлаштирилган ҳам. Исириқ солинаётганда:

*Исириқ Усмон дейдилар,
Ҳазрат Луқмон дейдилар,
Минг бир бало дардларга,
Ўзим қалқон дейдилар.*

Такрор айтилиб турилиши мумкин.

ИСИТМА-СОВУТМА ايسىتمه - سواتمه [ўзб.] – к.: Иссиқ-совуқ.

ИСЛОМ اسلام [а] – муслим, таслим, салом лексемалари билан ўзақдош (слм – سلم) бўлиб, тўғри, пок, итоат, бўйсунмок, содик каби маъноларни англатади. Ислом – Куръони карим, Ҳадиси шариф ақидалари – таълимотларига асосланган дунё мусулмонларининг муқаддас дини ва мафқураси.

ИСЛОМИЙ اسلامى [а] – Ислом дини таълимоти ва ақидаларига мос, мувофиқ келадиган воқеликлар, қилинган ва қилиниши лозим бўлган ишлар, амаллар.

ИСЛОМ МОДЕРНИЗМИ – модернизм французча moderne (замонавий) сўзидан ясалган бўлиб, ҳаётдаги барча воқеликлар (фан, санъат, маънавият, мафкура, инсоннинг яшаш тарзи, урф-ода-ти кабилар) янгиланиб, реформа қилиниб, замонавийлаштирилиб борилиши. Шу билан боғлиқ, *Ислом модернизацияси* деганда ҳам илк, ортодоксол (к.: Ортодоксал) Ислом ақидаларини замон талабига мослаштириш, эскирган аҳком ва арконларни янгилаш шу асосда у жамият тараққиётини бошқарувчи ғоявий қурол-дастур эканлигини исботлаш.

ИСЛОМ ШАРИАТИ АСОСЛАРИ – қ.: Адиллаи шаръия; Рукн.

ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ – қ.: Беш фарз.

ИСМИ АЪЗАМ اسم اعظم [а] – улуғ, катта, буюк исм, ном. қ.: ал-Асмо ал-Ҳусно.

ИСНОД اسناد [a] – тиргак, асос, манба, далил. Хадиснинг асл манбаъсини аниқлаш, уни биринчи бўлиб айтган, эшитган кишидан бошлаб, тўпловчигача, барча шахсларнинг исмлари такқосланиб, шу йўл билан хадисларнинг ҳаққоний ёки сохталигини аниқлаш, кискаси, Иснод – хадис матнининг соҳибига (Расулуллоҳга) исботи билан етказиш (қ.: Муснад).

ИСО//ИЙСО عيسى [a] – бир нафас билан ўликни тирилтирувчи, бир қараш билан беморларни тузатувчи, самовий китоб («Нижил») туширилган, душманлари томонидан «Хоч» (азоб тахтен)га михланган ва осмонга чиқиб то қиёмат тирик яшаётган насронийлар пайғамбари.

ИСОВИЙ عسوى [a] – насроний динидаги шахс (қ.: Иасроний; Тирсо).

ИСО НАФАС عيسى نفس [a] – бемору дардмандларга шифо берувчи, яъни моҳир шифокор инсонларга нисбатан қўлланадиган атама: *Исо нафас мулла, эшон, шайх* каби (қ.: Исо).

ИСРО اسراء [a] – Пайғамбаримизнинг сайр тунлари «Лайлат ул-Қадр» кечалари билан боғлиқ. Намоз фарз қилинган кеча: бир кеча-ю кунда аввал 50 вақт, кейин 5 вақт намоз ўқиш фарз қилинганлиги воқеаси.

ИСРОИЛ اسرائيل [a] – Ёқуб а.с.нинг яна бир оти бўлганлиги учун, бу сулоладан тарқалганларни Ёқуб, яъни Исроил ўғиллари ёки Бани Исроил дейилади. Ёқубнинг катта ўглининг оти Яхуд бўлганлигидан улар (бани исроиллар) яхудийлар ҳам дейилади. Иижилга кўра Иброҳим а.с.нинг ўғли.

ИСРОФИЛ اسرافيل [a] – илоҳий сур чалувчи фариштаи муқарраб. Бу фаришта Аллоҳ амри билан қиёмат кунида сур чалади. Ўлганлар абадият уйқуларидан уйғониб аросатда тўпланадилар (қ.: Аросат).

ИССИҚ-СОВУҚ ساوق-ايسسوق [ўзб.] бир-бирини севмайдиган, севгиси юришиб кетмайдиган қиз-йигит, келин-куёв, эр-хотин ёки умуман бемехр қариндош-уруғларнинг муайян дуолар орқали (бирор нарсага дам солиб едириш, тумор, бозбанд бериш каби) бир-бирига яқинлаштирилиши (иситилиши), ёки аксинча, бир-бирини яхши кўриб қолганларни муайян мақсад билан бир-биридан ажратиш, узоқлаштириш (совутиш). Тилимизда иссиқ-совуқ қилмоқ, иссиқ-совуқ едирмоқ иборалари мана шу этнографик удум билан боғлиқ пайдо бўлган.

ИСТИЖОБ استجاب [a] – ўқилган дуолар, қилинган илтижоларнинг Аллоҳ даргоҳига макбул ва қабул бўлиши – ният ва мақсадларнинг амалга ошиши.

ИСТИЛОҲ اصطلاح [a] – (кўпл. истилоҳот اصطلاحات) – муайян касб-ҳунар, машғулот, илм-фан билан боғлиқ шаклланган, соҳа эгаларининг тилига хосланган, маълум сиёсий-ижтимоий, ахлоқий, маърифий тушунча ифодалайдиган, мутахассислар томонидан бир хил тушуниладиган, кўпинча изоҳ талаб қилинадиган, матн ёки нутқнинг асоси (таянчи), фикр объекти бўлиб хизмат қиладиган термин характеридаги сўз ва иборалар. Аниқ соҳа, масалан, Ислом дини истилоҳлари ҳақида гап кетганда, истилоҳ тушунчаси остида, сўзнинг ҳар хил маънолари (этимологик, бош, реал, кўчма, услубий каби) эмас, балки Ислом таълимоти: аҳком, арконлари талаби асосида пайдо бўлган, деярли, тил фактига айланган бирликлар тушунилади.

ИСТИНЖО استنجاء [a] – нажосатдан покланиш, халога боргандан сўнг, ювиниш, аврат (фарж, закар, олот, махраж)ни, яъни орқа чиқарув ва жинсий аъзоларни тозалаш.

ИСТИНШОҚ استنشاق [a] – таҳоратда бурунга сув тортиб қоқиш.

ИСТИРОҲАТ استراحت [a] – икки ракъат намоз ўқилганда ўтириш, тин олиш.

ИСТИСҚО استسقاء [a] – оммавий тарзда далага чиқилиб (ёки мачитда тўпланиб) ёмғир сўраб қилинадиган дуо, ўқиладиган 2 ракъат илтижо намози.

ИСТИХОРА استخاره [a] – диний тушунчага кўра кўнгилдаги мақсаднинг ҳосил бўлиш ёки бўлмаслигини билиб олиш тилагида туш кўриш учун ният қилиб ухлаш, туш орқали фол кўриш ёки муроқабага кетиш (қ.: Муроқаба).

ИСТИҚБОЛИ ҚИБЛА استقبال قبله [a] – намоз вақтида ростланиб, эътиқод билан қиблага қараб турмоқ.

ИСТИҒРОҚ استغراق [a] – ибодатда, намозда фикрга чўмиш, ғарқ бўлиш, диққатни бир нарсага – Аллоҳга қаратиш.

ИСТИҒФОР استغفار [a] – Худодан гуноҳни кечиритишни сўраш, тавба изҳор этиб авф сўраш, *Астағфируллоҳ!* демоқ, истиғфор келтирмоқ.

ИСТИҲСОН استحسان [a] – Яхшилаш, маъқуллаш, бир нарса ва воқеъликнинг яхши томонларини ёмон томонларидан фарқлаш.

Абу Ҳанифа манбалар асосида чиқариш мумкин бўлган хулоса ёки ҳукмлардан мусулмонлар жамоаси учун маъкулроғи, фойдалироғини қабул қилиб ҳаётга тадбиқ этган.

ИСҚОТ اسقاط [a] – бирор ортикча нарсани чиқариб ташлаш, чиқим, сарф-харажат. Диний-истилоҳий маънода марҳум таъзияси-ни ўтказиш учун сўйиладиган жонлиқ, сарфланадиган мол-пул. Молинг исқотингга сўйилсин; исқотингга кетсин қарғиши ҳам шу билан боғлиқ пайдо бўлган.

ИУСУС ХРИСТОС [яхудийча] – насроний динининг асосчиси, Исо Масих, яъни Исо пайгамбар. *Христос* сўзи қадимги яхудийча «Машиах» – Масих (муқаддас ёғ сурилган шахе) сўзининг юнонча таржимаси (қ.: Исо).

ИФТОР افطار (арабча «фатара» فطر феълидан) – рўза тутишни тўхтатмоқ, нонушта қилиш, рўза кунлари ўтказиладиган «оғиз очиш» («Оғизочар») маросими; шу ойда фитр бериш (фитри рўза ҳам ифтор билан боғлиқ). Ифтор ва фитр сўзларининг ўзаги – асоси битта – фтр.

ИФТОРЛИК افطارلىك [a+ўзб.] – ҳар бир мусулмон, хусусан, рўзадорлар рўза ойида ўтганлар руҳини ёдлаб ёки умуман Худо йўлида баҳоли қудрат такводор муслимларни уйига ёки масжидга чорлаб таом бериш, оғиз очириш (ифторлик қилдириш) одат ва анъанаси.

ИФТОР ДУОСИ افطار دعاسى [a] – «Аллоҳумма лака сумту...» деб бошланадиган дуони (жамоа бўлса) мулла ёки пешво томонидан ошқора ўқимоқ.

«ИХЛОС» الاخلاص [a] – Аллоҳ ва унинг сифатларини танитувчи. «Қуръон»нинг учдан бирига тенг келувчи, Ваҳдат ва унга қандай ихлос, эътиқод қилишни («ихлос» – шаҳодат сураси ҳамдир) ўргатувчи сура бўлганлигидан «Ихлос» (Иймон – эътиқод маъносида) деб аталган. «Ихлос» сураси халқ тилида «қул ҳуваллоҳ», «қул ҳуваллаҳу аҳад» деб ҳам юритилади.

ИХТИЁРИЙ РЎЗА اختيارى روزه – мусулмон одам Аллоҳ таолога яқинлик қилиш нияти ва мақсадида тутадиган, аммо вожиб бўлмаган рўза.

ИЧИТКИ ichitki [ўзб.] – маълум дуолар ёзиб бериладиган қоғоз сувда ивигилиб сувининг беморга ичирилиши. Бу эзиб ички ҳам дейилади.

ИШОРАИ САББОБА اشاره سبابه [a] – кўрсаткич бармоқ ишораси. Намозда (қаъдада) тапаххуд ўқилиб, «Ашҳаду алла ила-

ха иллаллаҳу...» калимасига келганда *ишораи саббоба* қилинади. Бу намоз тамом бўлганлигидан далолат – хабар бериши демакдир.

ИШРОҚ اشراق [a] – офтоб чиқиб бўлгандан кейин икки рақъатдан саккиз рақъатгача ўқиладиган намоз (Ишроқ намози).

ИШТИБОҲ اشتباه [a] – гумон, шубҳа. Ақлга сиғмайдиган, сиғдириш қийин бўлган воқеликларни *Аллоҳ билгувчидир* демоқ (қ.: Валлоҳу аълам биссаवоб).

ИШҚ (ИШҚИЙ ИЛОҲИЙ) عشق [a] – сўфийликда Аллоҳ жамолини кўриш, васлига восил бўлиш, у билан бирлашиш, боқий бўлиш мақсадида дунё лаззатларидан узоқлашиб, умрни тоат-ибодат билан ўтказмоқ, риёзат чекмоқ (қ.: Риёзат ва риёзат чекмоқ) Алишер Навоийнинг куйидаги мисраларида илоҳий ишқ тушунчаси ҳуруфи далолат усулида (ишқ عشق сўзи асосида) акс этган:

*«Айн»ин айлагил бўйнима тавқ,
«Шин»ин қил жонима шуълаи шавқ,
«Қоф»ин айла менга кўҳи андуҳ,
Ғамини кўнглима кўҳ ба кўҳ;
Уч нуқтасини шарора айла,
Иккисиники икки хора айла,
Керак ул шуълага шарора ҳам
Бу тоққа дағи хора пора ҳам
Жонимга сол ушбу шарорани
Бошима ур ушбу хорани
Ғами-ла кўнглимни тўқ айла ё Раб,
Ишқ ичра мени йўқ айла ё Раб.*

ИШҚИЯ عشقيه [a] – илоҳий ишқ ғоясини илгари сурувчи, тарғиб қилувчи оқим. Ишқия оқимининг вакиллари Аллоҳ учун Вуслат (қ.: Вуслат)га етиш учун савоб ишлар қиладилар. Масалан, шайх Муҳаммад Содик Лангар ота қабри устида макбара қурдирган ва ҳ.к.

ИЪШО عشاء [a] – кечки намоз – хуфтон. Салот ул-иъшо – хуфтон намози.

ИҚОМАТ اقامت [a] – аслида бир жойда барқарор, жойлашиб яшаб туриб қолиш (истиқомат қилмоқ) маъносини англатса-да, кейинчалик намозда тикка (муқим, қиём) туриб такбир (иқомат) айтмоқ тушунчасини англатадиган бўлган.

ИҚТИДО ҚИЛМОҚ اقتداء قيلماق [a+ўзб] – намози жамоада имомга тобе бўлиб, унга эргашиб намоз ўқимоқ.

ИХРОМ احرام [a] – намозда қўлни кулокка олиб бориб: «Аллоҳу акбар!» демоқ. Бу эҳром такбири ҳам дейилади.

ИҲТИБО احتبا [a] – имом хутба ўқиётганда тингловчининг тиззаларини тикка қилиб ёки кучоқлаб думба устига ўтирмоғи (бундай ўтиришни Пайғамбаримиз с.а.в. маъқул кўрмаганлар).

ИҲФОЙЛ АЗКОР اخفاء اذكار [a] – паст овоз билан айтиладиган шикрлар.

К – ك

КАБИР (ал-Кабир الكبير) [a] – Аллоҳнинг сифатий исмларидан бири бўлиб, улуғ, катта, ҳар жиҳатдан юқори демақдир.

КАВСАР كوثر [a] – мўл-кўл демақдир. Жаннатдаги суви сутдан оқ, асалдан ширин ҳовуз (ҳавз ал-Кавсар). Диний таълимотга кўра барча дўзахийлар гуноҳини ўтаб бўлгач, ҳавз ул-Кавсарда чўмилиб, покланиб ҳур бўладилар. Кавсар ҳавузи Жаноб пайғамбаримизга атаб яратилган (к.: Кавсар сураси).

«КАВСАР» الكوثر [a] – сура номи. Мушриклар Мухаммад с.а.в.нинг ўғилсизликларини писанда қилиб: сен абтар – «орқаси кесик» давомчиси йўқсан дейишгандан кейин эй Мухаммад, Роббиз сизга «Қуръон»ни тушурди; Сизга атаб «Кавсар» ҳовузини яратди; Сизни абтар деганларнинг ўзлари абтар мазмунидаги оятлар тушурилиб, «Кавсар» номи билан аталди. Халқ тилида «Кавсар» сураси «Инна аътайна» ҳам дейилади.

КАЗЗОБ كذب [a] – ёлгон, иймонсиз, мунофиқ. Бирор мақсад, манфаат, тамаъ йўлида муқаддас нарсалар, ҳатто Аллоҳ номини рўқач қилиб, ноҳақни ҳақ, тўғрини нотўғри деювчилар. Бундай кишилар учун Қуръони каримда «Ла ясмауна фиҳа лағван ва ла киззаба. Жазаан мин Роббика атоъан ҳисаба» (Набаъ сураси, 30, 31-оятлар) тарзида жазоланиш ва ҳисоб бериш белгиланган.

КАЛИМА كلمة [a] – реал маъноси (сўз, нутқ)дан ташқари, мусулмонликни исботлаш, иймон келтириш учун айтиладиган, ёддан билиш лозим бўлган. Муқаддас иборалар – *калимаи таййиба*, *калимаи шаҳодат* ва б.

КАЛИМАИ МУФАССАЛ كلمة مفصل [a] – «Аманту биллаҳи...»ни ўқимоқ, яъни Аллоҳнинг бирлиги, малоиклари, китоблари, пайғамбарлари, қиёмат куни, яхши ва ёмон кунлари, тақдирнинг азалий эканлиги, ўлгандан кейин яна тирилишига иймон келтирмоқ – ишонмоқ.

КАЛИМАИ ТАВҲИД **كلمه توحيد** [a] – Аллоҳни битта деб билиш, ёлғизлигига ишониш, якка деб ҳисоблаш (қ.: Калимаи тоййиба, Калимаи шаҳодат, Калимаи иймон).

КАЛИМАИ ТАЙЙИБА **كلمه طيبه** [a] – “Ла илаҳа иллалаҳу Муҳаммадур расулуллоҳ”, яъни Аллоҳнинг бирлиги, Муҳаммад унинг элчиси эканлигини ҳам тилда, ҳам дилда эътироф этмок. Бу *иймон калимаси* ҳам дейилади. Исломга, яъни иймонга киришнини биринчи шарти, рукни, устунни калимаи таййибадир.

КАЛИМАИ ТАМЖИД **كلمه تمجيد** [a] – «Субҳон Аллоҳ, валҳамду лиллаҳ...» деб бошланадиган тамжид матнини (дуони) тилда жорий этиб дил билан тасдиқламок.

КАЛИМАИ ТАСБИҲ **كلمه تسبيح** [a] – белгиланган миқдорда ёки тасбиҳ воситасида “Субҳон Аллоҳ, валҳамду лиллаҳ, Аллоҳу акбар” каби *калимаи қудсия*лар орқали Аллоҳни ёд этмок.

КАЛИМАИ ШАҲОДАТ **كلمه شهادت** [a] – “Ашҳаду алла илаҳа иллаллаҳу ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу”, яъни Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига, Муҳаммад Аллоҳнинг расули – элчиси эканлигига гувоҳлик бераман демок. Бу ҳам Калимаи тавҳиддир (қ.: Тавҳид).

КАЛИМУЛЛОҲ **كلم الله** [a] – калим ва Аллоҳ сўзларидан ҳосил қилинган. Калим (калима, калом лексемалари билан ўзакдош **كلم**) нозик ва нафис, таъсирчан сўзловчи, нотик демақдир. Мусо пайғамбарнинг лақаби. Калим – сўзловчи, ҳамсуҳбат, ҳамгап дегани. Мусо пайғамбар қирк кунлик чилла ибодатидан кейин Тур тоғига чиқиб Аллоҳ билан гаплашгани, роз айтгани (сирлашгани) учун Мусо Калимуллоҳ (Аллоҳ билан гаплашган) лақаби унинг номига қўшиб айтиладиган бўлган.

КАЛОМ **كلام** [a] – мажозий маънода Аллоҳнинг сўзи, гапи, нутқи. Каломмуллоҳ (Аллоҳ сўзи)нинг қисқаргани бўлиб, сўзлашувда Куръони карим маъносига қўлланилади. Шу сабаб одамлар «Куръон» ёки «Каломмуллоҳ» урсин ўрнида «Калом» урсин иборасини қўллашади.

КАЛОМУЛЛО(Ҳ) – арабча калом ул-Аллоҳ (**كلام الله**) иборасининг қисқарган, жонли сўзлашувдаги шакли бўлиб, Аллоҳнинг сўзи, яъни Куръони карим (қ.: «Куръон») демақдир.

КАЛТА (ҚИСҚА) НАМОЗ **كالتة نماز** [ўзб.+ф] – маълум сабаб, чунончи, мусофирлик муносабати билан намоз суннатини ўқимаслик, фарзини қисқартириб ўқиш (қ.: Қасир намози ёки Салот ул-қасира).

КАРИМ (ал-Карим **الكريم**) [a] – Аллоҳнинг исми сифатидан бири бўлиб, карамли, саховатли, шафқатли, кечиримли демакдир.

КАРОМАТ **كرامت** [a] – Аллоҳга яқин кишилар, чунончи, иншиёлар томонидан олдиндан айтиб бериладиган хабар, мўжизавий фаолият, каромат кўсатмок.

КАРОҲАТ **كراهت** [a] – ибодат ёки намоз жараёнида йўл қўйилмайдиган хато, номақбул амаллар. Масалан, таҳоратсиз азон айтмок; ишон айтгач (намоз ўқилмасдан олдин), масжиддан ташқарига чиқмок; намоз ўқиётган одамнинг олдидан кесиб ўтмок; муаззиннинг ишон учун ҳақ олмоғи (ва б.) кароҳатдир.

КАСРАТ ОЛАМИ **كسرت عالمي** [a] – бу дунё, олами суғро (қ.: Олами суғро), моддий дунё, олами кубро (қ.: Олами кубро)нинг – Аллоҳнинг зуҳриёти, инъикоси, яъни йўқолиб кетувчи олам.

КАТОЛИК – католицизм мазҳабидаги киши (қ.: Католицизм).

КАТОЛИЦИЗМ (юнонча, **katholikos** – умумий, асосий) – христовий динининг Рим папаси бошчилигида католиклар мазҳаби ва унинг Римдаги черков ташкилоти.

КАТТА ҲАЖ **كته حج** [ўзб.+a] – ҳожиларнинг Миқотда эҳромга киришларидан тортиб, зиёрат нияти билан «Аллоҳумма Лаббайка ҳажжан» (Аллоҳим, мен ҳаж қилиш учун ҳузурингдаман) дея «Лаббайка» (қ.: Лаббайка) айтганича ҳажга йўл олиши: – Каъба зиёрати, Иброҳим мақомида намоз ўқиш, Сафо ва Марва ўртасига қадам ранжида қилиш, одимлаш, Арафотда, Минода, Муздалифада бўлиш, Ақаба тошларини Шайтонга отиш, қурбонлик сўйиш, Пайгамбаримиз Равзаларини зиёрат қилиш, Масжиди набавийда бўлиш, Каъбатуллоҳ билан хайрлашиш каби амалларни бажариш.

КАФОРАТ РЎЗА **كفارت روزه** [a+f] – имконияти бўла туриб, рўза тутмаганлар бир ой ўрнида икки ой рўза тутиб бериши, буни қилмаса, эвазига бир кул ёки бир асирни озод қилиши, ё бўлмаса 60 нафар мискинни бир кун овқатлантириши ёки пулини бериши кераклиги.

КАФОРАТ **كفارت** – гуноҳни ювиш, гуноҳ кечирилиши учун бериладиган ёки тўланадиган бадал, фидя, мол-мулк. «Дар бадали кафорат, Як солаю савму салот...» ибораларининг мазмунида марҳум умрининг ҳар йили учун қазо қилган намози, рўзаси эвазига кафорат (бадал, фидя) берилиши тушунчаси мавжуд.

КАЪБА **كعبة** [a] – мусулмонлар қибласи (қ.: Қибла). Каъбанинг тарҳи зулқаъда ойининг бешинчисида одамга осмондан туширил-

ган. Бунинг асли Байтул маъмур бўлиб, у тўртинчи осмонда, фаришталарнинг ибодатгоҳи. Одамнинг тавбаси шу жойда (Каъбада) қабул қилинган. *Ҳазрати Одам дуоси бўлди мақбул Каъбада* (“Қиссаи Иброҳим Адҳам”дан). Кейин Иброҳим ва ўғли Исмоил томонидан Каъба пойдевори кўтарилган.

«КАҲФ» **الكهف** [a] сура номи. Унда «Асхоб ул-каҳф» қиссаси ҳам келтирилган. Унда золим ҳоким (Дакёнус) истибдодидан дину иймонларини сақлаб қолиш учун ўз жонларини фидо қилган йигитларнинг бир каҳфга – ғорга паноҳ тортиб киришиб, у жойда уч юз йил қолиб кетгани ҳақида ҳикоя қилинади. Суранинг «Каҳф» («ғор») деб номланишига сабаб шудир. Ғорда ётган йигитлар эса «Ғор дўстлари» дейилади.

КИННА **کینه** ўзбекча кирна (кирмоқ) сўзидан бўлиб, бировнинг кўзи, нигоҳи, назари орқали бошқаларга йўналтирилган куч-биоток. Бу *суқ* ҳам дейилади.

КИННАЧИ **کينچی** [ўзб.] – кинна ёки суқ (қ.: Кинна) кирганда беморни силаб, ўқиб куф-суф қилиб тузатувчи шахс. Ўзбек тилида кинна солдирмоқ ибораси нотўғри кириб қолган. Чунки кинначи кинна солмайди, балки уни ўқиб танадан “чиқаради”.

КИРОМ УЛ-КОТИБАЙН **کرام الکاتبين** [a] – Икки елкадаги савоб ва гуноҳ ишларни ёзиб боровчи икки фаришта – малак ул-хайр ва малак ул-башар. Намозда бериладиган салом шуларга қаратилган.

КИТОБИ АНСОБ **کتاب انساب** [a] – ровийларнинг насаблари – авлодлари ҳақида маълумот берувчи китоб.

КИЧИК ҲАЖ **کچیک حج** [ўзб.+a] – қ.: Умра.

КИЯ **کيه** – кишининг ўз қилмишлари, чунончи, бирор нарсанинг қадрига етмаслиги, оёқ ости қилиши билан боғлиқ юз берадиган бахтсизлиги, ношукурчилиги туфайли тортиши керак бўлган жазо, бахтсизлик. Мана шундан ҳазар қилиш маъносида халқ тилида кияси (касофати) ўзига урсин, киясига қолмоқ, кияли одам каби иборалар қўлланилади (қ.: Наҳс.).

КОМИЛЛИК **کامل لیک** [a.+ўзб.] – Ҳакка етмоқ. Тасаввуфий маънода комиллик шариатини ўрганиб (қ.: Шариат) мулла, тарикат (қ.: Тарикат)да товланиб сўфий, маърифат (қ.: Маърифат)га эришиб ориф, ҳақиқат (қ.: Ҳақиқат)ни англаб муҳаққақ (қ.: Муҳаққақ) бўлмоқдир. Мана шундай фазилат, яъни комиллик касб этган инсон – комил инсондир. Бироқ Аллоҳ – мутлақ комил; инсон комиллиги – нисбий.

КОСАГАРДОН گاسه گردان [ф+т] – касалликнинг сирини, бемор гирифтор бўлган дардни (кўзми, сукми, киннами, пари текканми, жин урганми) аниқлаш учун игна, туз ташланган, сув билан тўлдирилган коса сувини махсус чўп билан айлантиравериш унга (коса сувига) тикилиб туриш ва шу аснода касалликни айтиб бериш одати.

КОФИР كافر (кўпл. كفار) [а] – танимовчи, инкор этувчи, жумладан, худога, динга ишонмайдиган ғайридин тушунчасини англашишдан ташқари, куфирога неъмат (кофир неъмат – шукронага неъматнинг зиди) ношукур, кўрнамак, неъматни қадрламовчи, яхшиликни билмовчи, бандаликни – мўминликни бажо қилмайдиган кимса, *муртад*. Ёки Аллоҳнинг ягоналигини тан олмайдиган, ислом динини эътироф этмайдиган, яъни номусулмонлар.

«**КОФИРУН**» الكافرون [а] сура номи. Унда исломнинг ривожини ва унинг мафкуравий куч сифатида равнақ топаётганлигини кузатаётган кофирлар бутпараслик билан исломни келиштирмоқчи, бирлаштирмоқчи бўлганликлари, Муҳаммад с.а.в.нинг: Эй кофирлар, ҳар кимнинг ўз дини бор, биз фақат ёлғиз Аллоҳга сиғинамиз, деган ғоялари акс этганлиги учун сура «Кофирун» – “Эй кофирлар” номи билан нозил бўлган.

КОҲИН كاهن [а] – ғойбдан хабар берувчилар, турли воқеликларга, чунончи, жонивор ва қушлар овозига қараб фол очувчилар. Коҳинлар ўзларини осмон билан ер, яъни самовий кучлар билан халқ ўртасидаги воситачи, илоҳий буйруқларни ердагиларга тушунтирувчи илоҳий шахслар деб билганлар, ҳаттоки махсус «тил»да – сажъ орқали гапирганлар. Кўпинча, мутанаббийлар (к.: Мутанаббий) шулардан чиққан. Коҳинлик, хусусан, политеистик динларда катта мавқе эгаллаган.

КРЕСТ//KRIST (рус. < қадимги нем. chriz < krist – Xristos) – насронийларнинг сиғиниш предмети (к.: Хоч). *Насроний*, *христос* лексемалари ҳам *крест* (krist)дан шаклланган: крестга сиғинувчилар насроний деб аталган, крест (хоч) шакли Исо тарзида тасаввур қилинган. Насронийликни тарғиб қилиш учун крест кўтариб юрилганлигидан, бу юриш «крестовой поход» дейилган. Рус тилидаги *кресный отец*, *кресная мать* тушунчалари ҳам *Христос* номи билан чўқинтирган ёки бола қилиб олган ота ва она маъноси билан боғлиқ.

КУН ФАЯКУН كُن فَيَكُن [а] – Аллоҳ аввал «кун» («бўл», «пайдо бўл!»), сўнгра «фая кун!» деди, бўлди, пайдо бўлди. Бу «Ёсин»

сурасининг 82-оятда куйидагича акс этган: «Аллоҳ бирон нарсани ирода этган вақтида, унинг иши фақат «Бўл!» демакдир, бас, шу нарса бўлур, вужудга келур». Демак, борлиқ Аллоҳнинг «Кун фаякун!» хитобидан яратилган. Бироқ «Кун фаякун» бугунги ўзбек тилида аксинча йўқ бўлмоқ, оёқ ости қилиб кетмоқ маъносида қўлланилади.

КУСУФ **كسوف** [а] – қуёш тутилиши, нурсизланиши, қоронғулашиши. Қуёш тутилганда одатда мусулмонлар Аллоҳга илтижо қилиб, тавба ва истиғфорлар айтиб, жойларда, масжидларда икки рақъатлик нафл ёки кусуф намози ўқиши. Бу ҳодисадан Ғ.Ғулум образли қилиб, «Кусуфга учради умрим қуёши» тарзида фойдаланган.

КУФ-СУФ **كوف سوف** [ўзб.] – дуо ўқиб беморга ёки унга бериладиган нарсага дам солганда чиқариладиган товуш, шу йўл билан беморни даволаш. Куф-суф қилмоқ одам (бемор)ни ўқитмоқ маъносида ҳам қўлланади: *Мулла Яхшибой куф-суфга (одам ўқишга маъносида) тенги йўқ эди* («Чағаниён»).

КЎЗА **كوزه** [ф] – рўза тутмаган киши.

КЎЗ ТЕККАН, КЎЗИККАН **كوزيكن، كوز تيكن** [ўзб.] – инсон назари – кўзидан йўналган биоток, биоэнергия таъсирига тушиб қолмоқ, ҳолати разум бўлмоқ, касалланмоқ, кундалиқ иш фаолияти сусайиб, омонсизликка учрамоқ.

КЎЗ ТУМОР **كوز تومار** [ўзб.+а.] – инсондан, жумладан, унинг кўзидан ёвуз ният, ҳасад билан боғлиқ йўналадиган биомайдондан сақланиш мақсадида муайян дуо ва оятлар ёзилиб, уч бурчак шаклида тайёрланган бўйин ёки қўлтиқда тақиб юриладиган ҳимояловчи нарса.

КЎРГУЛИК **كورگوليك** [ўзб.] – азалдан инсон тақдирида ёзиб қўйилган, инсон кўриб кечириши муқаррар бўлган нохуш воқеликлар.

КЎЧИРИҚ **كوجيريқ** [ўзб.] – дам, оят ва дуо кучи билан касалнинг руҳидан париларни, жисмидан жинларни ҳайдаш, кўчириш йўли билан уни, беморни даволаш тадбири.

Кўкка учганлар, булут қучганлар, девмисан, паримисан, жинсмисан, зиёнмисан, захматмисан, Кўч!

Кўчмасанг, ўқурман,

Кўргошиндай эритурман,

Насабингни қуритарман, Кўч!

матнлари ҳам мана шу кўчириқ билан боғлиқ шаклланган.

КЎҲИҚОФ كوه قاف (кўх ф. – тоғ, қоф а. – тоғ) кўҳи қоф бирик-мисининг соддалашган – битта атамага айланган шакли. Кўҳиқоф ривоятларга кўра, Ерни ўраб олган, уни тутиб турувчи қозик (миҳод, автод). Бу ғоя «Алам нажалил арза миҳодан, валжибала шитодан» («Набаъ», 6–7-оят) оятларида ҳам акс этган. Анқо қуши, Деву парилар ҳам шу илоҳий маконда.

Сўрогин солиб ҳар сари, Кўрсам Сулаймон манзари, Кўҳиқофда деву пари Эрам гулзорин кўрсам («Қиссаи Иброҳим Адҳам»дан) мисраларида ҳам шу фикрга ишора қилинган.

Л – ل

ЛАББАЙКА لبيك [a] – аслида биров чақирганда: ҳозирман, тийёрман, буюринг маъноларида қўлланадиган сўз. Энди Лаббайка Каъба зиёратчиларининг Аллоҳ таоло шаънига айтадиган мадҳияларининг истилоҳи: «Лаббайка Аллоҳумма лаббайка, ла шарика лака, Лаббайка иннал ҳамда, ва ан неъмата лака ва ал-мулка лака ла шарийка лака» (умумий мазмуни: Аллоҳим, мен ҳузурингдаман, эй Аллоҳим, сенинг шерининг – жуфтинг йўқ, барча мулку неъматлар сеники – сенга тобеъ, сенга ҳамду санолар бўлсин, сен яккаю ягонасан). «*Каъба қурилиб тайёр бўлгач, Аллоҳдан нидо келди: «Эй Иброҳим, халойиқни зиёратга чорла!»*. Иброҳим Халилуллоҳ: «*Парвардигорим, мен бир киши, халойиқ кўп қандай чорлайман», деди. Даъват – сендан, нажот – мендан деган овоз эшитилди. Сўнгра Иброҳим Кубайс тоғига чиқиб халойиқни ҳаж зиёратига чорлади. Шунда ҳатто ота пуштидаги, она раҳмидаги барча бўлажак мусулмлардан «Лаббайка..» мадҳи эшитилди»*

 (қ.: Қиссаи Рабғузий. Б.82).

ЛАВҲ УЛ-МАҲФУЗ لوح المحفوظ [a] – бирикмаси таркибидаги лавҳ, лавҳа – тахта, ёзув тахтчаси; маҳфуз – муҳофаза қилинган, сақланган, беркитилган, хотирага, ҳисобга олинган, ёдланган каби реал маънолар англатса-да, диний истилоҳ сифатида «тақдирнома», «азалнома» (азалий битик), яъни инсон руҳи яратилган кун (алми-соқ) даноқ унинг тақдири, номаи аъмоли қудрат қалами-ла ёзиб қўйилган уммулкитоб (китобларнинг онаси)дир.

ЛАВҲУ ҚАЛАМ لوح قلم [a] – оддий реал маъноси – ёзув тахтаси (лавҳ, лавҳа) ва қалам; диний истилоҳий маъноси – ҳамма нарсадан олдин яратилган, илоҳий буйруқ билан ибтидодан интиҳогача инсон тақдири, яъни номаи аъмолини ёзиш учун хизмат қил-

ган илоҳий қурол, восита. Диний таълимотга кўра қалам Аллоҳ хитобига бардош бера олмай, боши ёрилган (шақ бўлган), қамиш қалам бошининг иккига ажралиш сабаби ана шундандир.

ЛАИН لعين [a] – лаънати, лаънатланган. Истилоҳий маънода Аллоҳ қаҳру ғазабига учраганлар, жумладан, Шайтон ва Дажжол номига кўшиб айтиладиган (Шайтони Лаин, Дажжол Лаин тарзида) сўз, лақаб, тахаллус.

ЛАЙЛАТ УЛ-МЕЪРОЖ ليلة المعراج [a] – бирикмаси Лайл (кеча, тун, қоронғулик) ва меърож (нарвон, шоти, кўтарилиш, чиқиш) сўзларидан тузилган бўлиб, юқорига чиқиш, кўкка кўтарилиш маъносини англатса-да, диний таълимотда Муҳаммадга (40 ёшга тўлганда) пайғамбарлик рутбаси (рисолат) берилиши муносабати билан унинг Жаброил фаришта раҳномолигида, Буроқда (қ.: Буроқ) Аллоҳ хузурига қилган ташриф туни, яъни аввал Қуддусга, сўнгра самоватга кўтарилиш, етти осмонни кезиш, Сидрат ул-мунтоҳага етиш (қ.: Сидрат ул-мунтоҳа). Аллоҳ хузурда бўлиб, унинг амри фармонларини олиб тушиш кечаси, тунидир (қ.: «Меърожнома»).

ЛАЙЛАТ УЛ-ҚАДР ليلة القدر [a] – «Қадр кечаси» ёки «Такдир туни» деб аталадиган бу кечада Куръон («Икраъ» сураси) нозил бўлган. «Қадр кечаси минг ойдан афзалдир» («Лайлатил қадр хойрум мин алфи шаҳри», «Қадр» сураси, 3- оят) дейилади. Бу кеча рамазоннинг қайси туни эканлиги ихтилофли: баъзилар ўн етинчи, баъзилар ўн тўққизинчи, баъзилар йигирма тўртинчи, баъзилар йигирма етинчи кеча дейдилар (Бу муқаддас ой ва кеча ҳақида тўлароқ маълумот учун қ.: «Лайлат ул-Қадр»).

ЛАМЯЗАЛ لم يزل [a] – қ. Лоязал.

ЛАТИФ (ал-Латиф اللطيف) [a] – юмшоқ, мулойим, гўзал, келишган, ёқимли. Ал-Латиф Аллоҳнинг исми сифатларидан бўлиб, Аллоҳ бандаларига сездирмай, ўз лутфи эҳсонини етказиб берувчи демакдир.

ЛИФФОФА لفافة [a] – мурданинг бош ва оёғидан бир қарич узун бўлган, биринчи, яъни устки қават кафан.

ЛОМАКОН لا مكان [a] – йўқ манзил, илоҳий макон. Аллоҳнинг манзил – маъноси сўралмайди, қидирилмайди. Арши аъло – Аллоҳнинг рамзий манзили. У (Аллоҳ) инсон қалбида азалий ва абадий мавжуд. Диний матнларда *ло маконда учратдим* (Аллоҳни) ибораси мавжуд.

ЛОТ-МАНОТ لات-منات [a] – исломдан олдин араблар чўқинган бутлар (худодлар)нинг бошликлари. Лот-Манот (эркак ва аёл) номи ошан касамёдлар қилинган.

ЛОЯЗАЛ لايزال [a] – абадий ва азалий мавжуд, сўнги йўк, иб-нидо ва интиҳосиз (Аллоҳни сифатловчи калима).

ЛОЯМУТ لايموت [a] – ўлмас, ўлим кўрмайдиган, абадий ва азалий мавжуд (Аллоҳни сифатловчи калима).

«**ЛУҚМОН**» لقمان [a] – сура номи. Ундан Луқмони ҳаким тўғ-рисидаги хабар ва унинг ўз фарзандларига қилган ўғитлари ҳам ўрин олгани сабабли, у «Луқмон» сураси деб номланган.

М – м

МАБДАИ НУР مبدء نور [a] – Муҳаммад пайғамбарнинг сифатий атамаларидан бири. Бунда Муҳаммаднинг асли биринчи яратилган нур эканлиги, барча мавжудот, икки олам ана шу нурдан офарида қилинганлиги назарда тутилади. “Мабдаи нур” асари тасаввуфий руҳда ёзилган бўлиб, у Бобораҳим Машрабга нисбат берилди.

МАВЗОЛЕЙ (лотин. – юнонча) қабр устига қурилган монументал архитектура иншооти, мақбара. Мавзолей биринчи марта Эрадан олдинги IV асрада яшаган машҳур юнон подшоси Мавзолнинг қабри устига қурилган ва шундан кейин қабр устига қурилган бинолар *Мавзол номи* билан боғлиқ, *мавзолей* деб аталадиган бўлган.

МАВЛУД مولد [a] – *валада* феълнинг «янги туғилган фарзанд», «чақалоқ» ёки умуман, туғилиш, дунёга келиш каби маъноларни англатади. Мавлуди набавия эса Муҳаммад Пайғамбарнинг туғилган кунлари (Рабиал аввал ойининг 12-си) руҳларига Куръон ўқилиб, дуо, мадҳиялар айтилиб нишонланадиган диний байрам.

МАВЛУД АЛ-НАБИЙ مولود النبي [a] – Муҳаммад Пайғамбарнинг таваллуд тошган йили, ой, куни (милоднинг 570- йили, рабиъал аввал ойининг ўн иккинчиси душанба кечаси, саҳар вақти) билан боғлиқ ўтказиладиган улуғ ва муборак анъанавий байрам.

МАВЛУД ЎҚИШ مولود اوقيش (a+ўзб.) Муҳаммад с.а.в.нинг туғилган кунлари ёки мучал, ё пайғамбар ёшига кириш мунсабати билан ўтказиладиган диний-маърифий тадбир, тўй (қ.: Мавлуд). Бунда Пайғамбаримизнинг таржимаи ҳоллари, фаолиятлари, сифатлари ёзилган «Мавлуди Набавийа» китоби гўзал ва ўқсук

овозда ўқилади. Бошқалар жўрлигида «Салавот» айтилади. Яъни ҳар бандда: *Ассалоту ассалому алайка ё Расулulloҳ, Ассалоту ассалому алайка ё Ҳабибуллоҳ, Ассалоту ассалому алайка ё хайри халқуллоҳ* деб турилади ва б.

МАДИНАТ УЛ-НАБАВИЯ *مدينة النبويه* [a] – Мадинанинг олдинги атамаси *Ясриб* бўлган. Ҳижратдан кейин Муҳаммад пайғамбарга нисбат берилиб, пайғамбар шаҳри (мадина – шаҳар) деб аталган.

МАЖЗУБ *مجزوب* [a] (*жазба* атамаси билан ўзакдош) – илоҳий илҳомга (*жазбага*) эга бўлган, илоҳий ишқ оғушига тушиб қоладиган сўфий, солиқ, авлиё шоир ва бошқалар.

МАЖИД (*ал-Мажид المجيد*) [a] – шарафли, шонли, қадрли; Аллоҳ исми сифатида неъмат ва эҳсон бепоеъ маъносини англатади.

МАЖУСИЙ *مجوسى* [a] – ўтга топинувчи, оташпараст.

МАЖУСИЙЛИК *مجوسىلىك* [a] – оташпарастлар дини. (қ.: Оташпарастлик)

МАЗМАЗА *مززه* [a] – таҳоратда бурунга уч марта сув тортиб чайқамок.

МАЗҲАБ *مذهب* [a] – луғавий маъноси ҳамсуҳбат, бирга юрувчи; истилоҳий маъноси диний-ғоявий, фалсафий, мафкуравий оқим. Тўрт мазҳабнинг бири, масалан, Имоми Аъзам (Нўъмон Ибн Собит) мазҳаби: *Худо бандам десин, Муҳаммад умматим десин, Чаҳорёрлар дўстим десин, Иброҳим Халилуллоҳ миллатим десин, Имом Аъзам мазҳабим десин* (дуодан).

МАКРУҲ *مكروه* [a] – ёқимсиз, кўнгил айнитадиган, жирканч, истеъмол этилиши лозим кўрилмаган нарсалар; Аллоҳ Таоло тарафидан наҳи қилинган, маън этилган амаллар: бебисмиллоҳ таом емоқ, нос отмоқ, ичиш (ароқ), чекиш кабилар. Намознинг макруҳлари – 27 та: намозда ўнг ва сўлга қараш, узрсиз кўз юмиш, гапириш, дунёвий воқеликларни ўйлаш, кийим-бошни ўйнаш, тўғрилаш, туфлаш, бош яланг ёки ҳожати қисталганда ўқиш ва шу кабилар.

МАЛАК УЛ-МАВТ *ملك الموت* [a] – Аллоҳ амри билан барча тирикликнинг жонини олувчи тўрт фариштаи муқаррабнинг бири (қ.: Азроил), шлим фариштаси.

МАЛАК *ملك* [a] – (кўпл. малоик) фаришта, *малоика* (қ.: Фаришта, хурлар). *Малаксан, ё башар, ё ҳури гилмонсан, билиб бўлмас* (Машрабдан).

МАЛИК (ал-Малик الملك) [a] – барча мавжудот ва мулклар исми. Қиёмат кунининг подшоҳи («Малики явмиддин»).

МАЛИК УЛ-МУЛК (ал-Малик ул-мулк الملك الملك) [a] – Ашноҳнинг исми сифати, мулк салтанати соҳиби, икки олам подшоҳи, хукмдори.

МАЛОЛИ ҚАВМ ملالى قوم [a] – жамоа ибодатлари ёки намоз-ширида жамоанинг раъйи ҳисобга олинмаслиги, имом намозни меъёридан ортиқ чўзиб юбориши, қабр бошида «Мулк» сурасидан кейин яна оятлар ўқилишини ҳаддан ошириш кабилар малоли қавмдир. *Малол* сўзи арабча салбий таъсир қилмоқ; *қавм* – намозхонлар бирлашмаси – жамо[a] Имом ўзининг баъзи ҳаракатлари билан жамоага – намозхонларга салбий таъсир кўрсатмоғи, ноқуний, нохуш вазиятни юзага келтирмоғи ва шу кабилар.

МАМОТ ممات [a] – ўлим, вафот.

МАНКУҲА منكوحه [a] – никоҳдаги хотин, никоҳ билан расмийлашган хотин.

МАНОҚИБ مناقب (а. бирл. манқабат مناقبت сифат) – бирор шахс, чунончи, авлиё ва анбиёларнинг фазилат ва сифатлари мактаб ёзилган китоб, рисола. Масалан, *Баҳоуддин Нақшбанд маноқибларида айтилмишики, ул зотнинг оталари ҳам матога гул (нақиш) босиши ила машгул бўлмишлар* (Насафий)

«**МАОРИЖ**» المعارج [a] – сура номи. Унда Аллоҳ осмоннинг барча поғона қаватлари соҳиби эканлиги, қиёмат қойимда барча фаришталар бир зумда барча поғоналарини босиб ўтишиб Аллоҳ ҳузурига тўпланишлари каби хабарлар берилиши муносабати билан сура «Маориж» («Поғоналар», «Осмон қаватлари» маъносида) деб аталган.

МАРАКА معركة [a] – ўлим, мотам муносабати билан ўтказиладиган хайрия, тадбир.

МАРДУД مردود [ф] – рад этилган, ҳайдалган, қувилган. Шайтон Одамга сажда қилмагани – такаббурлиги учун жаннатдан маҳрум қилинган.

«**МАРЯМ**» مريم [a] – сура номи. Унда Марям ва унинг беота дунёга келган ва бешикда ётган чоғларидаёқ тилга кириб, ўзининг кимлигини айтган фарзанди – Исо қиссаси ҳам ҳикоя қилинганлиги учун сура «Марям» деб аталган.

МАРҚАД مرقد [a] – қабр, гўр: *Алининг марқадлари Нажафдадир.*

МАРҲУМ مرحوم [a] – бирор кимсанинг ўлганлигига, гўё Аллоҳ раҳматига олганлигига ишора қилувчи, хурмат билан унинг номини тилга олиб, айтиладиган атама (қ.: Раҳматли).

«**МАСАД**» المسجد [a] – сура номи. Унда исломнинг ашаддий душмани бўлган Абу Лаҳаб (лақаби «Дўзах ўтининг отаси») ва унинг хотини (лақаби «ўтин кўтарувчи») диний адоват ва разолат оловини ёқувчи; охиратда эса улар кўтарган ўтинлари билан ўзлари тушган дўзах оловини кучайтирувчи, ўтинининг ипи эса бўйинларига ғул, занжир, қўл-оёқларига темир арқон бўлиб тушгувчидир дейилган. Шу сабаб сура «Масад» – пишик тола, рамзий маънода темир арқон деб аталган. Бу сура халқ тилида «Таббат» ҳам дейилади.

МАСБУҚ مسبوق [a] – имомга аввалги рақъатга улгура олмай кейин келиб қўшилган, кечикиб иқтидо қилган киши.

МАСЖИД مسجد арабча «сажада» феълининг «сиғинди» маъноси билан боғлиқ ясалган от бўлиб, мусулмонларнинг жам бўлиб намоз ўқийдиган, Аллоҳга сиғинадиган муқаддас жойи ибодатхонаси.

МАСЖИД АЛ-АҚСО مسجد الاقصا [a] – узоқдаги Масжид, Қуддусдаги муқаддас жомеъ масжиди. Муҳаммад а.с. меърож туни аввал ал-Ақсода тўхтаб, барча Пайғамбарлар билан бирга (руҳлари йиғилишади) икки рақъат намоз ўқийдилар. Ҳижратдан кейин бир қанча вақт (Қаъба қибла бўлгунга қадар) Қуддусга қараб намоз ҳам ўқиганлар.

МАСЖИДИ ЖОМЕЪ مسجد جامع [a] – кўп одам (намозхон)лар тўпланадиган жой, марказий масжид, ибодатгоҳ.

МАСЖУД مسجد [a] – барча сажда ёки ибодат қилувчиларнинг раҳнамоси – устози. Азозил Шайтон (ронда ёки мардуд) бўлгунга қадар кўкда барча малоикларнинг масжуди бўлган.

МАСИҲ, МАСИҲО مسيح، مسيحا [a] – Исо пайғамбарнинг лақаби. Аллоҳ таоло Исо а.с.га ўз нафаси билан ўликни тирилтириш, жон бағишлаш имкониятини берган. Шу сабаб адабиётда – шеърятда севгили ва унинг лабини жонбахшлик юзасидан *масиҳ*, *масиҳо* (Исо)га ўхшатилади ва *масиҳонафас*, *масиҳодам*, *масиҳваш* тавсифлари берилади.

Эй масиҳодам бегим, бирдам бирла бергин шифо,

Шева бирла кўзларинг жонимни бемор айлади

(Адишер Навоий)

МАСЛАК ماسلك кўпл. масолик ماسلك [a] – ўзига хос ақидалари, гоя ва мақсадлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, ижтимоий-сиёсий, илмий ёки диний йўл, оқим.

МАСЛАКДОШ [a+ф] – маслаги, дунёкараши бир бўлган, ҳаммаслак. Масалан, насроний ва мусулмонлар алоҳида ўз маслакларига эга маслакдошдирлар.

МАСЛАКСИЗ ماسلكسىز [a+ўзб.] – муайян маслаги, ақидаси бўлмаган, яъни маслаксиз, мақсад, гоясиз кишилар.

МАСҲ مسح – арабча суртиш, силаш, сув текизмок; таҳоратда бош, бўйин, кулоқ, қўл, оёқ панжалари орасига сув олмоқ, ювмок; оёқда маҳси, этик, қалин пайпоқ кабилар бўлса (булар эрталабки таҳоратдан кейин кийилган бўлса) бошқа таҳоратларда устидан – наstdан юқорига томон масҳ тортмок (оёқ ювилмайди). Бу муқимлар учун бир кечаю кундуз, мусофирлар учун уч кечаю кундуз амал қилади.

МАТИН (ал-Матин المتين) [a] – Аллоҳнинг исми сифатларидан бири, кувватли, матонатли зот.

МАШААЛЛОҲ ماشاءالله [a] – тасодифан кўрқиб кетганда, кутилмаганда ғайритабиий вазиятга тушганда, Аллоҳдан мадад сўраш, куч-ирода ато этишни илтижо қилиш билан боғлиқ айтиладиган қалимаи қудсия – *Машааллоҳ* демок.

МАШОЙИХ مشايخ (бирл. шайх شيخ) – шайхлар (қ.:Шайх).

МАЪБУД معبود [a] – ибодат қилинадиган, топиниладиган Тангри, Худо, Аллоҳ. Маъбуда – аёл образида тасаввур қилинган Худо. Масалан, Афродита – муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси. Маъбуд, маъбуда – политеизм (кўпхудоликка) нисбатан қўлланилган атамалар, худолар номи.

МАЪРАКА معركة [a] – ўлим билан боғлиқ ўтказиладиган гадбир. Масалан, етти, йигирма, қирқ, йил («ақсолар») ёки хайри худойилар ўтказиш ва ҳ.к.

МАЪРИФАТ معرفت [a] – билди, таниди маъносини англатувчи «арафа» феълидан бўлиб, *билмок* маъноларини англатади. Тасаввурнинг маърифат босқичида сўфийлар Аллоҳга яқинлашаётган, уни таниб билган, маърифатга эришган, умуман айтганда, орифликка етишган бўлади.

МАЪРИФАТУЛЛОҲ معرفت الله [a] – Худони таниш; сўфийликда ибодат ва риёзат орқали Аллоҳга яқинлашмок, васлига восил бўлмок.

МАЪСИЯТ معصية [a] – ибодатга, намоз ўқишга итоатсизлик килмоқ, бўйин товламоқ, намозни ташламоқ, гуноҳга ботмоқ.

МАҚБАРА مقبره [a] – қабр устида қурилган бино, мавзолей.

МАҚОМ مقام (а. кўшлиги мақомат مقامات) – манзил, макон, ўрин, даража; шахснинг ҳаётдаги мавқе-мартабаси, солиқнинг ҳолда ёки сўфийликда етишган даражаси: сўфийлик, шайх, шайхулислом, кутбулавлиё, валиуллоҳ.

МАҚОМАТ مقامات [a.+ф.] – қ.: Мақом.

МАҚОМИ АЪМАЛИЙ مقامى عملى [a] – Меҳнат мақоми. «Дил ба ёру даст ба қор» шиори Баҳоуддин Нақшбанд илгари сурган ўн битта мақомни ўзида бирлаштиришдан ташқари, ўзи ҳам алоҳида ўн иккинчи мақом – меҳнат мақоми (мақоми аъмалӣ) эканлигини эътироф этиш керак. Чунки унда руҳ ва вужуд бирлиги, вужудсиз меҳнат, руҳсиз ибодат, айни замонда, меҳнатсиз, риёзатсиз ибодат йўқлиги ҳам акс этган.

МАҚОМИ ИБРОҲИМ مقام ابراهيم (а) – Иброҳим турган жой. Каъба девори одам бўйидан юқори кўтарилгач, Иброҳим а.с. бир қаттароқ тошни оёғи остига қўйиб, девор қурилишини давом эттирганлар. Бу тошга Аллоҳ амри билан Иброҳим а.с. оёқларининг излари тушиб қолган. Кейин бу тош *Иброҳим мақоми* (турган жойи) деб аталган. Ҳозир ҳар бир ҳожи аввал шу жойда икки ракъат намоз ўқиши суннат бўлиб қолган.

МАҚСУРА مقصوره [a] – аслида қисқартирилган, чегараланган маъноларни англатса-да, кейинчалик масжиддаги махсус ажратилган бино, хутба ўқиладиган ва ибодат пайғида олий ҳукмдор ўтирадиган жой маъносини англатган.

МАҒФИРАТ مغفرت [a] – кечирим, авф; мағфират килмоқ – гуноҳларни кечирморқ, авф этмоқ.

МАҲДИЙ مهدى [a] – Ислом эътиқодида 12 имомнинг охиргиси бўлиб, қиёмат яқинлашганда тирилиб келиб, Дажжолни лаъинга қарши курашади дейилади.

МАҲДИЙЛИК مهدىلىك [a.+ўзб.] – иккинчи имом Ҳасан ал-Аскарӣ (вафоти 873)дан кейин унинг ёш ўғли Муҳаммад 12-имом деб тан олинган. Бироқ Муҳаммад 874–878 йиллар орасида йўқолади. Сўнгра имомийлар томонидан у яширинган, яъни Маҳдий деб эълон қилинган. Бунда шиалар қарашича, замон охир бўлганда Муҳаммад, яъни Маҳдий охир замон қайтиб келади, Дажжолни ўлдиради, ислом ғалабасини тўла амалга оширади, ерда адолат ўрна-

тади, қирқ йил подшоҳлик (имомлик) қилади, фаровон ҳаёт май-
вони келади ва б.

МАҲРАМ محرم [a] – қариндош, уруғлар, эр-хотинлар, яқин
дўст-биродорлар, подшоҳлар ҳарамиди яшовчи ички ходимлар ва
хизматчилар (номаҳрамнинг зидди).

МАҲШАР محشر арабча ҳашар, ҳашр, ҳашротий, ҳашарот, ша-
ҳар сўзлари билан ўзакдош, яъни ҳшр (حشر) ўзаги орқали ясалган
бўлиб, жуда, ғуж, гурух; тўпланиш, йиғин, йиғилиш; аниқроғи,
қиёматда ўлганларнинг тирилиб, Аросатда бир-бирлари билан уч-
рашиб, тўпланадиган, Аллоҳга роз айтадиган, илтижо, мурожаат
қилнадиган куни, яъни рўзи маҳшар, маҳшар куни. *Агар маҳшарда
оқ ўрсам, Беҳишти жовидан ўртар* (Машраб). *Маҳшар куни дий-
дорингни излайман* (“Қиссаи Иброҳим Адҳам”дан).

МЕЗОН ميزان [a] – тарози, илоҳий ўлчам. Қиёмат куниси ҳар
бир банданинг гуноҳ ва савабларини, яхши ва ёмон амалларини би-
рор зарраси камайтирилмай ўлчанадиган: савоб палласи оғир кел-
са-жаннатий, гуноҳ палласи оғир келса-дўзахийлигини аниқлаб бе-
рийдиган илоҳий мезон – адолат тарозиси. Бу ҳолат оятда ҳам акс
итган: «Фамай яъмал мисқола зарратин хойрон ярах ва май яъмал
мисқола зарратин шаррай ярах» («Залзала» сураси, 7-, 8-оят), яъни
Қиёмат куниси бандаларнинг барча яхши ва ёмон амаллари ҳар бир
мисқоли ва заррасигача ўлчанади. Дуоларда ҳам: «Саққил миза-
нана явм ал-қиёмати би азамат ал-Қуръон» – *Парвардигорим, «қиё-
мат» куниси «Тарози»да буюк Қуръоннинг ҳурмати билан саво-
бимни оғир қил* («Якра» дуоси) дейилади.

МЕҲРОБ محراب арабча «ҳараба» (жанг килди), «ҳариба» (қаҳр-
ланди) феълларидан ясалган бўлиб, муқаддас демақдир. Ўзбек ти-
лида масжид биноси ичида – қибла томонида имом учун махсус ку-
рилган гумбаз ёки кунгарасиймон гирдишли, ёй шаклидаги жойни
англади. Аслида меҳроб имомнинг (у қайси дин вакили бўлган-
лигидан қатъи назар) ёвуз кучларга, шайтон шаръига қарши кура-
шадиган жанг қилиб мусулмонлар иймонини сақлаб қоладиган
жой, макон тушунчасини англатган. Эндиликда меҳроб масжидда
имом турадиган, сажда қиладиган, тепаси ёйсиймон жой демақдир.

МЕҲРОБХОН محراب خوان [a+ф] – мадраса минбарисида ёки мас-
жид меҳробида туриб Қуръони карим оятлари, диний маърузалар,
тасаввуфий шеърларни гўзал, ёқимли қилиб ўқийдиган қорилар,
имомлар, ҳофизлар, воизлар ва нотиклардир. Алишер Навоий «Ма-

жолис ун-нафоис»да Ҳофиз Жалолоддинни «Қудсия» масжиди жомеъининг ҳожиб ва имоми, ҳамда яхши меҳробхон ҳофизидир» дейди.

МИЁН میان (ф.) – ўрта, ўрталик, бел. Миён ёки миёнлар муайян диний табақа. Тарихи: савдо билан Шомга борган Ҳазрат Умарнинг ўғли Баҳром бир яхудий қизга анкал бўлиб, улардан тарқалган насл-насаб миёнлар деб аталган (отаси – зодагон, онаси – яхудий). Миёнларни кимлардир оқсуяк, зодагон сифатида ҳурмат қилади, назр беради; кимлардир йўқ.

МИКОИЛ ميكائيل [a] – Аллоҳ амри билан инсонларга ризқ улашувчи, қор, ёмғирларни бошқарувчи фариштаи Муқарраб.

МИЛАЛ ملل (бирл. миллат) – арабча динлар, мазҳаблар. Байналминал – миллатлар, динлар, мазҳаблараро демакдир.

МИН БАЪД من بعد [a] – шундан кейин, шундан сўнг. Бу ибора арабий матндан туркий матнга ўтилганлигини англатишдан ташқари, икки хил маттни (нутқни) туташтирувчи, боғловчи восита ҳамдир. Бу кўпроқ ўзбек тилида диний арбобларнинг маърузалари, воизларнинг ваъзларида қўлланилади.

МИНБАР منبر – арабча «набара» феълидан ясалган бўлиб, сахнага нисбатан баландроқ қилиб қурилган жой – кафедра, трибуна. Минбар воизнинг ваъз айтиши, маъруза (доклад) қилиши учун хизмат қилади.

МИРХОЖИЙ ميرحاجي – Маккага, ҳажга борувчи мусулмонларни – ҳожиларни бошлаб борувчи, йўлбошчи.

МИРЪОТ УС-САФО مرات الصفا [a] – софлик, тиниқлик, поклик ойнаси. Мажозий маънода Аллоҳ нури жамоли. «*Миръот ус-сафода кўрмасам ўзни...*» (Алишер Навоий).

МИСВОК مسواك [a] – тиш тозалагич. Бўйи бир қарич, йўфонлиги бармоқча келадиган хушбўй ҳидли ёғочдан махсус ясалган, тутилиши, ишлатилиши суннат ҳисобланган воситадир.

МИССИОНЕР (лотинча missio – миссия, миссионерлик, комиссия сўзлари билан ўзакдош бўлиб, юбориш, жўнатиш маъносида) ҳар хил мақсадларда, кўпроқ черков томонидан (ҳукумат ёрдамида) бошқа диндаги халқлар ўртасида диний ташвиқот юргизиш, бошқа диндагиларни ўз динларига киргизиш уларни мафкуравий жиҳатдан ўзларига ағдариб олиш, тобе қилиш, ҳатто улардан жосус сифатида фойдаланиш учун юборилган кишилар. Ҳозирги кунда ҳам Ўрта Осиёнинг айрим чекка жойларида миссионерлик – насронийликни тарғиб қилиш, яъни миссионерлик кузатилмоқда.

МИСТИК [юнон.] – диний – мистик оқим, дунё қараш вакили, таркидунёчи.

МИСТИКА (юнон. *mystika* – сирли) инсон илоҳий олам ва илоҳий кучлар билан ўраб олинган, дунё сирларидан иборат, уни билиб бўлмайдиган ғояни тарғиб қилувчи диний қараш. Мистик қарашнинг асосида руҳий тушқинлик, умидсизлик, таркидунёчилик кайфиятлари ётади.

«**МИФТОҲ УЛ-ЖИНОИ**» مفتاح الجنان [a] – «Жаннат калити» юмли диний-дидактик асарнинг мажозий номи бўлиб, аслида жаннатий бўлишнинг йўл-йўриқлари, шартлари, мусулмонларнинг амал қилиши керак бўлган илоҳий ақидалар акс эттирилган китоб.

МОДДИЙ ОЛАМ مادی عالم [a] – Моддият олами, яъни одамзот, ҳайвонот, наботот, ҳашорот, еру сув, ҳаво, кеча, кундуз, фалакиёт, коинот кабилар узвийлигидан ташкил топган олам, борлик, касрат олами, олами суғро (қ.: Олами суғро).

МОЖИД (ал-Можид الماجد) [a] – улуғ, машҳур, карамли ва шавқатли зот. Аллоҳни сифатловчи исмлардан бири.

МОЗОРИ ШАРИФ مزار شريف [a] – улуғ, буюк, шарофатли, зиёратгоҳ, қабр, мақбара, қадрли мазор; Афғонистон худудидаги вилоят номи, топонимик жой. Мазори шариф атамаси Ҳазрат Али ибн Абу Толиб билан боғлиқ келиб чиққан. Халифа Али диний муҳолиф (душманлар) томонидан суиқасд уюштирилиб Боғдодда ўлдирилгач, Майити Нажаф шаҳрида дафн этилган; кейин жасадни душманлардан сақлаб қолиш мақсадида махсус сандуққа солиниб, Ислом ҳимоячилари ёрдами билан, туя карвони воситасида Афғонистонга келтирилиб, махфий дафн этилган ва шу жой, ҳудуд Мозори шариф деб аталган, яъни мазор, қабр номи топонимга айланиб қолган (қ.: «Тафаккур» журнали, 1999, 2- сон, 66- б.).

«**МОИДА**» المائدة [a] – сура номи. У ҳаётга – дунё ва охиратга қадар деярли барча муаммаоларни ўзига қамраган. Яна Исо а.с.га берилган мўъжизалардан бири – осмондан моида (дастурхон) тушгани воқеаси билан боғлиқ. Суранинг «Моида» деб аталишининг сабаби шудир.

МОМОШИ ماماشى [ўзб.] – Болалар бирданига тиззалари оғриб ё оқсаб, ёки шайтонлаб қолганда, кул босибди, кул тепа ёки култўдада ўйнабди, жин чалган (жин гўё Култўда ёки Култтепада яшармиш) дейишиб, Момоши, яъни угра ош қилишиб, супра ёзиб, чирок ёқиб момоларга (жиннинг эвфемик номи) бағишлаб, сиғиниб аёл-

лар томонидан ўтказиладиган этнографик удум. Бунда отинойи момага:

*Жиги-жиги момолар,
Сиз ҳам бизнинг холалар,
Сизни бориб босганлар,
У ҳам сизнинг болалар.
Жиги-жиги момолар,
Айланайин момолар,
Айланайин холалар,
Бу ҳам сизнинг болалар* байтларини айтади.

МОНАСТИР [юнон.] – тарки дунё қилган насронийларнинг ўз ер-мулки, сармоясини бўлган диний жамоаси. Шундай жамоага қарашли муассаса, ташкилот.

МОНАХ [юнон.] – таркидунё қилиб монастирда яшовчи диний жамоа аъзоси, роҳиб.

МОНАШКА [юнон.] – монастирда яшовчи, таркидунёчи аёллар, роҳиба.

МОНИЪ (ал-Мониъ **المانع**) [a] – дўстларини химоя этувчи, но-лойиқларга ўз неъматини ман этувчи зот (Аллоҳ сифатларидан бири).

МОНОТЕИЗМ юнонча, *монос* – бир, *теос* – худо ва *-изм* элементларидан тузилган бўлиб, яқкахудолик, фақат битта Худога сизгинувчи, биргина Худони эътироф этувчи, диний эътиқод, поли-теизмнинг акси (қ.: Политеизм).

«**МОЪУВН**» **الماعون** [a] – сурасида мусулмонларнинг хўжа-кўрсин қабилдаги сохта хатти-ҳаракатлари, масалан, қўни-қўш-ниларига уй-рўзғор буюмларини бериб турмайдиган зотлар ҳақида зикр қилинган ва сура «Моъувн» (Идиш-товок, болта-теша маъ-носида) деб номланган.

МУАВВИЗАТАЙН **معونتين** [a] – икки сура: “Кул аъувзу би Роббил фалак...” ва “Кул аъувзу би роббин нас...” ёки «Фалак» ва «Нос» сураларининг умумий атамаси.

МУАЗЗИН **مؤذن** [a] – *тинглади* маъносини англатувчи «аз-зана» феълидан ясалган бўлиб, бугунги ўзбек тилида азон айтувчи, сўфи (қ.: Азон) демақдир.

МУАККАДА **مؤكده** [a] – бажарилиши таъкидланган, такрор қувватланган суннатий амал (қ.: Суннати муаккада). Масалан, на-моз суннатлари ижроси ёки болани хатна қилиш қабилар суннати муаккададир.

МУАХХИР (ал-Муаххир **الموخر**) [a] – Ўзидан узоқ этувчи, уюкдаштирувчи зот (Аллоҳ сифатларидан).

МУБДИЪ (ал-Мубдиъ **المبدع**) [a] – Аллоҳнинг исми сифатларидан бири, илохий ижод, қудрат эгаси, йўқдан бор қилувчи, яратувчи зот.

МУБОҲ **مباح** [a] – шаръий ҳукмлардан бўлиб, рухсат этилган иш; қилса, қилмаса ҳам бўладиган амал; қилса-қилмаса савоб ҳам, гуноҳ ҳам эмас.

МУБҲАМ **مبهم** [a] – чигал, ноаниқ, мужмал; яширин, сирли. Муайян қоидалар, шаръий ҳукмлар орасида ҳали у қадар ўзлашиб кетмаган, ижроси очик қолдирилган, ҳаракатлар, ишлар.

МУВАҲҲИД **موحد** [a] – якка, бир Худога ишонувчи шахс.

МУВОЛОТ **موالات** [a] – намознинг бир амали тамом бўлиши билан унинг бошқа амалларини қила бошлаш, узлуксиз, кетма-кет бажариш, давом эттириб тугаллаш.

МУДАРРИС **مدرس** арабча «дараса» (ўқитди) феълидан ясалган от бўлиб, бугунги тилда – мадраса, мактаб, маҳадларда дарс берувчи муаллим, олим, устоз.

«**МУДДАССИР**» **المُنْتَر** [a] – сурасида Мухаммад с.а.в. Ҳиро қорида ваҳий фариштасини кўриб, титраб кетганликлари, уйларига келиб, «Мени ўраб қўйинглар!» деганликлари, энди бурканиб ётганларида: «Эй бурканиб олган зот, туринг, инсонларни охира тазовидан огоҳлантиринг» деб бошланган оятлар нозил бўлганлиги ҳақида хабар берилади. Шу сабаб сура «Муддассир» (Либосига бурканган зот) деб номланган.

МУДРИК **مدریک** [a] – намоз вақтидан хабардор, имомга кечикмай иқтидо қиладиган киши, намозхон.

МУЖАВВИД **مجود** [a] – яхшиловчи, ҳарфларни тўғри талаффуз қилиб, тажвид қоидаларига асосан Қуръон ўқувчи шахс.

МУЖДА **مجده** [a] – хушxabар; пайғамбарларнинг келиши, самовий китобларнинг инсонни хидоятга бошловчи оятларнинг нозил бўлиши ва бошқалар.

МУЖИБ (ал-Мужиб **الموجب**) [a] – сабаб, сабабчи, боис, туфайли; Аллоҳнинг сифатий исмларидан бири бўлиб, ҳар қандай, ҳар бир иш ва ҳаракатнинг юзага келишига сабаб бўлувчи, дуо ва илтижоларни қабул қилувчи зот – Аллоҳ.

«**МУЖОДАЛА**» **المجادلة** [a] – сурасида бир аёл ўз эрининг қилмиши тўғрисида шикоят қилиб келиб, Мухаммад а.с. билан муно-

зара қилгани баён этилади. Суранинг «Мужодада» (мунозара) ата-лишининг сабаби шудир.

МУЖОҲИД مجاهد [a] – саъй ва ғайрат кўрсатувчи, поклик ва дин учун курашувчи, бирон урушни Ислом руҳонийлари жиҳод (ғазоват) деб фатво бергандагина ана шу уруш катнашчилари мужоҳид ҳисобланган.

МУЖРИМ مجرم [a] – айбдор, гуноҳкор.

МУЖТАҲИД مجتهد [a] – Мусулмон факихлари (қ.: Факих) ва илоҳиётчилари (қ.: Илоҳиёт).

«МУЗЗАММИЛ» المزمّل [a] – сураси моҳиятан «Муддассир» сурасига ўхшайди. Унда «Қуръон» энди нозил бўлаётганида мушриқлар таъйиқи кучайганлигидан Пайғамбаримиз с.а.в. ғамгин бўлиб, уйларида кийимларига ўранган ҳолда ётиб олганлари, Жаброил фаришта: «Эй кийимларига ўралиб олган зот, туринг бедор бўлинг, Қуръонни халойиққа тартил билан ўқинг» мазмунидаги оятларни олиб келганликлари хабар берилади. Шу сабаб сура номи «Муззаммил» (Кийимига бурканган зот) деб аталган.

МУЗИЛЛ (ал-Музилл المنل) [a] – Аллоҳ сифатларидан бўлиб, кимларнидир хору залилл қилувчи зот.

МУИД (ал-Муид المعد) [a] – Аллоҳ исми сифатларидан бири бўлиб, ҳаётдан ўлимга, ўлимдан яна ҳаётга қайтарувчи зот.

МУИЗЗ (ал-Муизз المعز) [a] – Аллоҳнинг исми сифатларидан. Суйган бандаларига иззат-икром кўрсатувчи, азиз қилувчи, кадрловчи зот.

«МУЛК» الملك [a] – сураси оламлар мулки – подшоҳлиги ўз қўлида бўлган Аллоҳ буюк – барокатли зот эканини таъкидлаш билан бошланади. Шу боисдан у «Мулк» деб номлангандир. Халқ тилида уни «Таборақ» сураси деб ҳам атайдилар. Айрим манбаларда «Таборақ» Қуръоннинг чироғи ҳам дейилади.

МУЛЛА ملا [a] – диний ишларни бажарувчи, жумладан, ибодат, намоз, рўза, ўлим билан боғлиқ маросимларни бошқарувчи шахс, руҳоний. Шу ўринда «Ислом. Справочник»да баён этилган «мулла» сўзини келтиришни лозим кўрдик. «Мулла арабча яқинлашган, яқин одам сўзидан. Илк ислом даврида бу динни қабул қилган бошқа халқ вакиллари бирор араб қабиласи вакилларига яқинлашиб, уларнинг хизматларини қилиб кун кечирган. Улар кабила аъзоллиги составига киритилмаган. Лекин қабилага яқин деб танилган ва унинг аъзолари ҳимоясида бўлган. Ана шундай киши-

нар дастлаб Мавло (якин одам, муштарий) деб аталган. Кейинчалик унинг шакли ва мазмуни ўзгариб бир томондан мавлоно шаклида олим ва шоирларга мурожаат этиладиган иборага айланган. Иккинчи томондан, оддий рухонийларга, кейинроқ ўқимишли ва саводхон кишиларга нисбатан ишлатилган. Бунинг домумла шакли йирик рухонийлар, мадраса муаллимлари, имом ва бошқаларга нисбатан ишлатилган. Кейин домлага ўтган» (Тошкент, 1989. Б.192–193).

МУЛҲИД ملحد [a] – худосиз, даҳрий, кофир сўзларининг синоними.

МУМИТ (ал-Мумит الممت) [a] – Аллоҳнинг исми сифатларидан бири бўлиб, ўлдирувчи, ўлим берувчи зот.

«**МУМТАҲАНА**» الممتحنة [a] – сурасида мушрикларнинг қўлларидан қочиб, Мадинага ҳижрат қилиб келган ва ўзлариининг мўъмина эканликларини билдирган аёлларнинг иймонларини имтиҳон қилиб кўриш буюрилади. Суранинг «Мумтаҳана» (Имтиҳон қилинувчи аёл) деб номланишининг боиси шудир.

МУНКАР-НАКР منكر نكير [a] – Кишини қабрда сўроқ (савол-жавоб) қиладиган, гуноҳ ва савобларига яраша жазо ёки мукофот белгилайдиган икки фаришта.

Бандаси гуноҳсиз бўлса, фаришталар дерлар:

Гуноҳинг йўқ экан зарра чигитдай,

Қиёматгача ётгин қаллиқ ўйнаган йигитдай (Аҳмад Яссавий)

МУНОЖОТ مناجات («нажа» نجى феълидан) [a] – Аллоҳга пинҳона илтижо қилмоқ, тазарру, ҳамда сано ўқимоқ. Ўз сирини, гуноҳларини ошкор қилмоқ, ундан нажот сўраб, мадад кутмоқ. (А.Навоийнинг 66 та илтижодан иборат «Муножот» асарига қаранг).

МУНОФИК منافق [a] – Исломни оғзаки қабул қилиб, қабилавий динга, ўз худоларига сиғинувчилар ёки исломий ақидаларни тилда жорий қилиб, дил билан тасдиқламайдиганлар (қ.: «Мунофиқун» сураси).

«**МУНОФИҚУН**» المتاففون [a] – сурасида тиллари билан диллари бошқа-бошқа, устларига Ислом тўнини кийиб олишиб, одамларни исломдан қайтарувчилар, яъни мунофиқлар ҳақида хабар берилган. Шу сабаб сура «Мунофиқун» (Мунофиқлар, Иккиюзламачилар) деб аталган.

МУНТАҚИМ (ал-Мунтақим المنتقيم) [a] – гуноҳкор бандаларидан ўзи олувчи, жазоловчи зот. Аллоҳнинг исми сифатларидан бири.

МУРАББИЙ مربى [a] – Рабб (Аллоҳнинг сифат исми)дан ясалган, Раббана, арбоб сўзлари билан ҳам ўзакдош. Мураббий дастлаб эга, хўжайин; пир, муршид, пешво; ҳозир эса раҳбар, устоз, тарбиячи, оталик каби маъноларда фаол қўлланилади.

МУРДАХОНА مرده خانه [ф+т] – ўликхона, одам ўлган уй. Сурхондарёнинг кўп жойларида ўликхона ёки одам ўлган уй ибораси ўрнида мурдахона атамаси қўлланилади. Мурдахонага бормоқ, ётиб қолмоқ каби. Уйнинг мурдахона бўлсин қарғиши ана шу воқелик билан боғлиқ пайдо бўлган.

МУРДАШҲЎЙ مرده شوى [ф] – ўлик ювувчи, покловчи (қ.: Ғассол).

МУРДОР مردار [ф] – нопок, ҳаром; тилда (зоҳиран) мусулмонликни эътироф этиб, ботинан барча ношаръий, нопок, ноқонуний ҳаракатларни ижро қилувчилар.

МУРИД مرید [a] – ўрганувчи, талаба, истовчи, мурод-мақсадга интилувчи, муршид ёки пирга қўл берувчи, эргашувчи шахслар. Муриднинг муршиди бўлганидек, муршиднинг ҳам муриди бўлади. Муршид ва мурид устоз ва шогирдга маънодош.

МУРИД ОВЛАШ مرید اولش [a.+ўзб.] – Ўрта Осиёда муайян ҳудуд ёки вилоятларда яшовчи аҳолининг ўзлари қарашли бўлган эшон ва пирлари бўлган. Эшонлар вақти-вақти билан эл кезиб халифалари билан бирга муридларидан назр-ниёз (маблағ, садақа) тўплаганлар. Мана шу халқ тилида *мурид овлаш* дейилади. Бу одат ҳозир ҳам у ёки бу шаклда мавжуд.

МУРОҚАБА I مراقبه [a] – кузатиш, мулоҳаза қилиш. Намозхон қаъдада ўтириб, ўзидаги руҳий ўзгаришларни, ҳолатларни кузатиши, илоҳий мўъжизотларни мулоҳаза қилиб, маънавий, руҳий қониқиш, комиллик ҳосил қилиши.

МУРОҚАБА II مراقبه [a] – Одам (хусусан, шайх, авлиёлар)нинг илоҳий олам сирларидан хабардор бўлиш умидида бу оламдан, бутун борлиқдан мосуво бўлиб (ажралиб, узилиб), руҳан Аллоҳ билан боғланиши, яъни муроқабага кетиши.

МУРСАЛ مرسل (кўпл. мурсалин *مرسلين*) [a] – элчи қилиб юборилган, элчи, пайғамбар. 124 минг пайғамбардан 113 таси мурсал ёки мурсал дейилади манбаларда.

МУРТАД مرتد [a] – айниган, қайтган, диндан қайтган, худосиз.

МУРШИД مرشد [a] – тўғри йўлга солувчи, йўл кўрсатувчи, илм-маърифат эгаллаган, комилликка эришган шахс, пир (қ.: Пир).

МУСАВВИР (ал-Мусаввир **المسور**) [a] – Аллоҳ исмларидан бири: Махлуқот ва мавжудотларга шакл, жумладан, Еру кўкка ҳусн берувчи зот.

МУСАННАФ **مصنف** (кўпл. мусаннафот **مصنفات**) – танланган ҳадис, саралаб жамъ қилинган асар; Ҳадис асарларининг махсус тури. Унда ҳадислар Муснад (қ.: Муснад) туридаги тўпламлардан фирқланган ҳолда маълум мавзуга доир саралаб тўпланган бўлади. Демак, Мусаннафда керакли Ҳадисни кидириб топиш осон бўлган. Мусаннаф Муснаддан кейин вужудга келган.

МУСАННИФ **مصنف** – муаллиф, таълиф қилувчи мусаннаф тузувчи (қ.: Мусаннаф).

МУСИБАТ **مصوبت** [a] – инсон бошига тушадиган алам, ғам, кулфат, кўргулик, ўлим, мотамсаро, бахтсизлик каби маъноларни ишлатади. *Дуст бошига мусибат тушганда билинади.* (Нақл)

МУСЛИМ **مسلم** [a] – бўйсинган, таслим бўлган, эгилган, итоат қилган, яъни Ислом динига кирган, эътиқод қилган шахс.

МУСНАД **مسند** [a] – ҳадисларни жамлаган китоб; ҳадис матнларини санади билан (қ.: Санад) ўз ичига олган ҳадис китоби санади узилмай Расувлуллоҳгача борган ҳадис. Ишончга сазовор ҳадис ёки ҳадис китоби.

МУСТАЖОБ **مستجاب** [a] – эзгу ниятлар билан қилинган илтижо, дуо, мақсаднинг амалга ошмоғи, қабул бўлмоғи, мустажоб бўлмоқ.

МУСТАФО **مصطفى** [a] – ёруғлик, равшанлик, порлоқлик, хурсандлик, танланган, сайлаб олинган; Муҳаммад пайғамбарнинг сифати, таҳаллуслари: Муҳаммад Мустафо. *Мустафого мотам тутиб ер остига кирдим мано* (Аҳмад Яссавий).

МУСТАҲАБ **مستحب** [a] – қилса савоб, қилмаса гуноҳ ҳам бўлмайдиган шаръий ҳукмлардан бири.

МУСТАҲИҚ **مستحق** [a] – муносиб, лойиқ, ҳақли. Аслида жанозадан олдин майитнинг гуноҳлари учун бериладиган бадал, мол, пул, садақайи хайротга вакил бўлиб ўтирадиган ва мулла билан муомала қиладиган, рози-ризолик берадиган шахс – майит мутаваккили бўлса-да, эндиликда мустаҳиқ истилоҳи остида садақа учун қўйилган мол, пул, ашёлар тушуниладиган бўлган.

МУСУЛМОН **مسلمان** [a+f] – Аллоҳнинг ягоналигини қалбан эътироф этган ва тилда тасдиқлаган, яъни ташахҳуд ўқиб, Ислом динига кирган, унинг ақидаларига – аҳком ва арконларига амал

қиладиган шахс (қ.: Муслим). Мусулмон *муслим+он* унсурларининг форсий талафуздаги бузулган шакли бўлиб Эрон ва Ўрта Осиё мусулморлари нутқида бирликда қўлланилади: Мусулмон сўзидаги – *-он* (-лар) кўплик англатмайди. Форс-тожик тилида мусулмон сўзининг кўплик шакли мусулмонон, кейинги *-он* кўплик шакли, Араб тилида муслим – бирлик. Муслимин – кўплик.

МУСҲАФ مصحف [a] – Қуръон қадимий қўлёзма нусхаларининг умумий номи. Дастлаб Қуръоннинг 651 йилда халифа Усмон буйруғи билан тўпланиб, таҳрир қилинган нусхаси *Мусҳаф* деб аталган. Кейинчалик Қуръоннинг ҳар қандай қўлёзма нусхасини *мусҳаф* деб аташ одат бўлган. Ҳозирги вақтда Мавароуннаҳр мусулмонлари кутубхонасида сақланаётган Қуръоннинг қадимий қўлёзмаси (7- аср) ҳам мусҳаф нусхаларидан биридир (Ислом. Справочник, 201- б.).

МУСҲАФИ УСМОН مصحف عثمان [a] – халифа Усмон буйруғи, фидойилиги, ҳомийлиги туфайли 651 йилда Куфа ёзувида мусҳаф шаклига келтирилганлиги учун Қуръон қўлёзмаси «Мусҳафи Усмон», «Усмон Қуръони» номлари билан аталган. Усмон Мусҳафи нусхаси Ўзбекистон мусулмонларининг кутубхонасида сақланмоқда.

МУТААББИД متعبد [a] – ибодат қилувчи, ибодат билан кўп шуғулланувчи шахс.

МУТААСИБ متعصب [a] – сўфийликда ёки бирор фалсафий дунёқарашда муайян ғояга асоссиз, далилсиз ёпишиб олиб, уни қаттиқ туриб ҳимоя қилувчи, «қотиб қолган», нодон, фанатик шахс.

МУТАВАККИЛ (муваккил, вакил) متوكل [a] – ҳам дунёвий, ҳам илоҳий маънода муайян соҳага масъул жавобгар шахс. Масалан, Жаброил а.с. ваҳий келтирувчи; Азроил а.с жон олувчи; Исрофил а.с. сур тортувчи; Микоил қору ёмғир ва халойиқ ризкига муваккил ва б.

МУТАКАББИР (ал-Мутакаббир المتكبر) [a] – Аллоҳ исмларидан бири, барча буюклик ва улуғлик (катталиқ)лар кашфиётчиси, яратувчиси.

МУТАКАЛЛИМ I متكلم [a] – Аллоҳнинг субутий сифатларидан. Ул зот беном, безабон, беҳарф, беовоз, барча тилларда сўзловчи, ўзи хоҳлаган бандасига (Ҳаққа етганларга) ҳол тил бирла хитоб, нидо қилувчи, ваҳий орқали мулоқатга киришувчидир.

Мусо пайғамбар Тур тоғида Аллоҳ билан роз айтишганлигидан, «Килимуллоҳ» ном олган.

Калом ҳадис эмасдур қадим бил,

Ани айгон сўзи бекому бетил.

Худойимнинг каломин яхши бил боз,

Сўзининг зотида йўқ ҳарфу овоз (Сўфи Оллоҳёр).

МУТАКАЛЛИМ II متكلم [a] – му+та+калом, калима, сўз унсурларидан ясалган бўлиб, аслида сўзамол, нотик, суҳандон, гиндон; диний истилоҳий маънода эса Калом илми ва ислом ақоиди аҳкомларининг билимдони. Мутакаллимлар Куръонни қатъий қоида (тажвид) асосида ёдлаб, оҳанги билан беҳато талаффуз қилувчилар – қироатхонлар бўлиб, оятларни айнан англовчи, қоидашраст, ақидапараст, схоластик, консерватив ислом фалсафаси оқими вақллари, тарафдорлари. Бу оқимнинг илк намояндаси ал-Литъарий (873-935) (қ.: Мутакаллимия ва Мўътазилия).

МУТАНАББИЙ متنبى [a] – сохта пайғамбар. Дин тарихида сохта пайғамбарлик, авлиёлик, қоҳинлик даъвосини қилганлар кўп бўлган. Масалан, VI асрнинг охири, VII асрнинг бошларида Арабистонда Пайғамбарлик ҳаракати юзага келган. Ямомада – Муслилайма, Яманда Асвад, Марказий Арабистонда Сажжаҳ исми аёл, Мадина (ясриб)да Ибн Сайёдлар пайғамбарлик даъвосини қилиб чиққанлар (А.Ҳасанов. Кўрсатилган асар. Б.65).

МУТАОЛ (ал-Мутаол المتعال) [a] – улуғ, олий мартабали зот, Аллоҳнинг исми сифатларидан бири.

«МУТАФФИФИН» المطففين [a] – сурада мол олса арзон гаровга оладиган, сотса ўта қимматга сотадиган; тарозу бўлса кам ўлчиб берадиган, олса оғир қилиб оладиган нокас кимсалар тортиши керак бўлган жазолар ҳақида хабар берилади. Шу сабаб сурага «Мутаффифин» (бировлар ҳақини уриб кетувчилар) деган ном берилган. Зотан, «Вайлун лил мутаффифияна» ёки *Бировнинг ҳақига киёмат қилгувчиларнинг номи «Вайл» дўзахидадир.*

МУТТАҚИЙ متقى [a] – ҳаромдан сакланувчи, парҳезкор, тақводор. Гуноҳ ва ношаърий ишларидан узоқ юрувчи.

МУФАССИР مفسر [a] – тафсир қилувчи: Куръон матнини изохлаб, тушунтириб берувчи.

МУФЛИС مفلس [a] – рўза, намоз каби исломий амалларни ижро этиш билан бирга, кимларнидир уриб, сўжиб, обрўсини тушуриб, молини ўғирлаб, ҳатто қотиллик қилиб, киёматда гуноҳи

қўлигидан жаҳаннамга кетадиганлар (қ.: Абу Ҳомид Ғаззолий
Ўлимдан сўнг. Б. 41–42). *Муфлис* сўзи ифлос сўзи билан ўзакдош.

МУФСИД مفسد [a] – зарарли, бузувчи, фасодчи; ношаръий
хаёлларга бориб, бирор гуноҳ иш ижросига рағбат билдирувчи
шахс. Намоз рукнари ижросидаги бўладиган лоқайдлик, юмалок
ёстиқ қилиб «ўқиш» ҳам муфсидликдир.

МУФТИ مفتى [a] – ҳукм чиқарди маъносидаги «фатва» феъ-
лидан ясалган бўлиб, бугунги тилимизда фикҳ илми – шариат қо-
нунларини тафсиру талқин қилувчи ва шу асосда ҳукм чиқарувчи,
фатво (фатво ва муфти сўзлари ўзакдош) берувчи юридик шахс.

МУХАЙМИН (ал-Мухаймин المَحْمِين) [a] – Аллоҳнинг исми
сифатларидан бири, У (Аллоҳ) икки оламни, борлиқни эгаллаб,
коллаб турувчи демакдир.

МУХОЛАФАТ مخالفت [a] – келишмовчилик, қарама-қаршилик;
синфий, диний, мафкуравий зиддият, масалан, мазҳаблар ўртаси-
даги келишмовчилик ва ҳ.к.

МУХОСАБА محاسبه [a] – намозхоннинг ўзини ўзи кузатиши,
ўзи устидан назоратни кучайтириши.

МУШКУЛКУШОД مشکل كُشَاد [a+f] – касалманд бўлган,
омадсизликка учраган, иши юришиб кетавермайдиган кишилар
мушкулини осон қилиш, ишини юргизиш мақсадида таомлар
тайёрлаб ёки қон чиқариб махсус отинойилар томонидан дуолар
ўқилиб, Биби мушкулкушод онага сиғиниб ўтказиладиган удум –
аёллар тадбири.

МУШРИК مشرك [a] – Аллоҳнинг ягоналигини тан олмай-
диган, бирдан ортиқ Худога ишонувчи, шахс. Мушрикийлар бир
худоликларга – мусулмонларга (монотеизм) қарши ўлароқ кўпху-
доликлар (политеистлар) ёки кофирлар деб аталганлар. Муҳаммад
пайғамбар даврларида мушрикийлар билан мусулмонлар қаттиқ
мафкуравий кураш олиб борганлар (қ.: Ширк).

МУЪТАЗИЛА معتزله [a] – исломдаги суннийликдан ажралиб
чикканлар, узоклашганлар. Муътазилийлар Қуръон ва Қуръон ғоя-
ларини ақл кучи – ақлий далиллар билан мантиқ воситасида ан-
лаш, айна пайтда, ҳаётга татбиқ этиш, замонавийлаштириш (мо-
дернизация қилиш) тарафдорлари. Бу оқимнинг дастлабки асос-
чиси – Восил Ибн Аъто (699-784) (қ.: «Мутакаллимия ва
Муътазилия»).

МУҚАДДИМ (ал-Муқаддим المقدم) [a] – Ўзига яқин қилувчи
зот; Аллоҳнинг исми сифатларидан бири.

МУҚАРАНАТ УЛ-ИМОМ **مقارنت الامام** [a] – муқорана–яқин-дашшиш, ёнма-ён туриш; муқоран – яқин турган, ёнма-ён турган, уланган, боғланган. Демак, муқоранат ул-имом истилоҳи имом бинин хамжихат, хамнафас бўлмоқ, биргаликда ҳаракат қилмоқ. Аникроғи, Муктадий (қ.: Муктадий) ҳар бир амални Муктадо (қ.: Муктадо)нинг, яъни имомнинг амалига (ҳаракатига) мосламоғи, имомдан олдин ҳам кетмаслиги, кейин ҳам қолмаслиги акс ҳолда бу ҳолатларнинг макруҳлиги.

МУҚАРРАБ **مقرب** [a] – Аллоҳнинг дўсти, энг яқин фариштаси (қ.: Жаброил а.с.).

МУҚИТ (ал-Мукит **الموقيت**) [a] – Аллоҳ исми сифатларидан бири, бандаларига моддий ва маънавий озик берувчи зот.

МУҚОБАЛА **مقابله** [a] – азон эшитилганда муаззин айтаётган қисималарни айтиб, такрорлаб турмоқ.

МУҚРИЙ **مقرى** [a] – Қуръони карим оятларини кироат қилувчи, қори.

МУҚСИТ (ал-Муксит **المقسط**) [a] – Аллоҳнинг сифатий исмларидан, адолатли, адил демақдир.

МУҚТАДИР (ал-Муктадир **المقتدر**) [a] – Аллоҳ сифатларидан бири, қудратли ва қодир зот.

МУҚТАДО **مقتدا** [a] – намозни бошқарувчи кимса, имом, пешво. Имомга тобеланиб, бўйсиниб намоз ўқиган шахс, муктадий (қ.: Муктадий) дейилади.

МУҒНИЙ (ал-Муғний **المغنى**) [a] – бойитувчи, комиллик сари етакловчи (Аллоҳ исмларидан бири).

МУҲАДДИС **محدث** [a] – ҳадис йиғувчи, тўпловчи, ҳадисгўй-ҳадис айтувчи, ҳадиснавис-ҳадис ёзувчи шахс.

МУҲАММАД **محمد** [a] – олдинги самовий китобларда (қ.: Самовий китоблар) номи (Аҳмад) келтирилган, башорат қилинган, 40 ёшида пайғамбар (наби)лик инъоми берилган, 23 йил давомида наҳий қабул қилган ва пировардида Қуръони Карим, Исломни тасослаган буюк зот.

«**МУҲАММАД**» **مُحَمَّد** [a] – сурасида Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш, ҳар бир мўъмин Ислом ривожига ҳисса қўшиши, Аллоҳ ҳар бир мусулмон билан бирга эканлиги ҳақида хабар берилади. Бу сура Пайғамбар а.с. номлари билан «Муҳаммад» деб аталгандир.

МУҲИЙ (ал-Муҳий **المحي**) [a] – Аллоҳнинг исмий сифатларидан, тирилтирувчи, ҳаёт бахш этувчи зот.

МУҲОЖИРЛАР مهاجرلار [a+ўзб.] – Маккадан Мадинага кўчиб келган Мусулмонларнинг Ислом тарихидаги атамасидир. Бу сўз ҳозирги кунда бир давлатдан иккинчи давлатга келиб қолганлар, келгиндилар маъносида ҳам қўлланилади.

МУҲРИМ محريم [a] – Каъба зиёрати муносабати билан маълум муддатда эҳром киядиган ҳожи.

МУҲРИ НУБУВВАТ مهر نبوت [a] – пайғамбарлик муҳри. Муҳаммад пайғамбарнинг икки елкалари ўртасида зангори рангли нор – илоҳий муҳр изи бўлганлиги, уни ким кўрса азоби қабрдан халос бўлиши ҳақида ҳам ривоятлар мавжуд.

МУҲСИЙ (ал-Муҳсий المحسّى) [a] – барча мавжудот ва махлуқотларнинг ҳисоб-китобини яхши билувчи; Аллоҳнинг исми сифатларидан бири.

МУЎЖИЗА معجزه, кўпл. – мўъжизот معجزات [a] – Ақл бовар қилмайдиган – ақлий далиллар асосида исботлаб бўлмайдиган, ғайриодатий, ғайритабиий юз берадиган воқеа-ҳодисалар. Мўъжизалар илоҳий – руҳий куч, қувватга эга бўлган зотлар томонидан воқеъ бўлади. Масалан, Муҳаммад Пайғамбаримизга келган ваҳийлар (қ.: Ваҳий), дарахтларнинг эгилиб салом бериши, идиш сувларининг тугамаганлиги, ойнинг иккига ажралиши, Абу Бакр Сиддиқ билан қочиб бориб ҳиро ғорига кирганларида ғор оғзи бирданига ўргимчак уяси билан қопланганлиги ва х.к. Театр, циркларда кўрсатиладиган фокуслар. Ҳозирги замонда компьютер сайтлари орқали бутун дунёни кузатишлар илоҳий мўъжиза эмас, балки инсоннинг реал фаолияти, яъни «мўъжизасиз мўъжиза»лардир.

МУЎМИН I (ал-Муъмин المؤمن) [a] – Аллоҳ исмларидан бири бўлиб, У (Аллоҳ) иймон келтирганлар (мўъминлар) билан бирга, уларни ҳифзу ҳимоясида сақловчи демакдир.

МУЎМИН II مؤمن [a] – динга ишонган, иймон келтирган, мусулмон; Аллоҳни дилида жо қилган, тилда ҳам тасдиқловчи, шариат ақидалари, ахлоқ-одобларига тобеланиб, ўзини паст, фақир тутувчи шахс.

«**МУЎМИНУН**» المؤمنون [a] – сураси Аллоҳнинг борлигига, Муҳаммад с.а.внинг охир замон пайғамбарлигига иймон келтирган мўъминлар билан бошланганлиги учун «Муъминун» (Мўъминлар) деб аталган.

МУЎТАЗИЛИЙЛАР معتزليار [a+ўзб.] – Қуръон ғояларини ақл кучи, мантик ёрдамида англаш тарафдорлари; улар инсон ирода

қирғиға эга; Аллоҳ инсонга ақлини мустақил фикрлаш учун ато этган ақлини фикрларни илгари сурувчилардир.

Н – ن

«НАБАЪ» النِّبَاء [a] – «Хабар» сурасида ўлгандан кейин қайта оғрилиш, қиёмат ва у кунда мўъминлар етажак мангу бахт-саодат, ҳамда кофирлар дучор бўлажак абадий азоб ҳақидаги хабарлар ўз аксини топган. Шу сабаб сура «Набаъ» («Хабар») деб аталган. «Набаъ» сураси бошланиш сўзи билан «Амма» сураси ҳам дейилади.

НАБИЙ نَبِي [a] – хабар берувчи пайғамбар (қ.: «Набаъ»).

НАЗАР БАР ҚАДАМ نَظَرَ بِرِ قَدَمِ [a.+ф.] – сулукот рукнларидан бири бўлиб, бу рукн сўфий ҳаракати маълум мақсадга йўналтирилган бўлишини, хусусан, ҳар бир босган қадами назорат остида (бунда Аллоҳ нигоҳида ҳам) бўлишини, нопок, номаҳрам жойларга қидам босмаслик ношаръий ҳаракат қилмаслик, қолаверса, такводор, камтар, фақир бўлиб ерга (рамзий маънода пастга, оёққа) қариб юриш кабиларни ҳам талаб қилади.

НАЗАР ТЕККАН نَظَرَ تَيْكَاَن [a+ўзб.] – диний истилоҳ сифатида: Худо берган (одарённий) азалий иқтидор, талант, илоҳий илҳомга эга бўлган, ҳамма ҳам билавермайдиган муаммолар ечимини осонлик билан топадиган; ёки муқаддас руҳлар тарбиялаган (увайсий) шахс тушунчасини англатади (қ.: Увайсий).

НАЗР РЎЗА نَزَرَ رَوْزَه [a] – назр – аҳд: бирор иш ижросини ўзига шарт, шарт қилиш, бажаришга қарор қилиш; Аллоҳга яқинлик қилиш мақсадида инсон ўзига ўзи ваъда бериб тутиб бериладиган рўзадир. Мусулмон қайси куни ва неча кун рўза тутишни аҳд қилган бўлса, унга худди ўша кунлари рўза тутишлик вожибдир. Чунки Аллоҳ таоло: «Назрларига вафо қилсинлар» деб ваъдага вафо қилишликни амр қилган.

«НАМЛ» النَّمْل [a] – сурасида Аллоҳ таъолонинг энг заиф ва заҳматкаш маҳлуқларидан бири бўлган чумоли ҳақида ҳам зикр қилингани сабабли, у «Намл» (чумоли) сураси деб аталган.

НАМОЗ ВАҚТИ (вақти намоз) اَوْقَاتِ الصَّلَاةِ [a] – ибодат, жумладан, намоз кунининг белгиланган сония ёки соатларида ўқилиши шарт қилиб қўйилган вақт.

НАМОЗ نَمَاز [ф] – ҳар куни беш маҳал ўқилиши фарз қилинган ибодат ёки исломнинг иккинчи рукни (устуни)дир. Намоз – поклик, тўғрилиқ, зуҳд, такво демақдир. Бенамоз киши иборасида мана

шу фазилатларнинг инкори англашилади. «Қалб хузурисиз килинган намоз намоз бўлмайти» (Ҳадисдан). Намоз инсоннинг ҳам маънавий (ички, руҳий), ҳам жисмоний (ташқи, шаклий) ҳаракат бирлигидан иборат, яъни намозхон мохиятни шакл (қиём, рукуъ, сужуъ, қаъда каби) ҳаракатлар билан безайди ва ш.к. (қ.: «Намоз – нажот»).

НАМОЗИ АСР **نماز عصر** [ф+a] – куёш ботишига яқин вақтда ўқиладиган тўрт ракъатлик фарз намози.

НАМОЗИ БОМДОД **نماز بامداد** [ф] – тонг саҳарда ўқиладиган тўрт ракъатлик намоз.

НАМОЗИ ДИГАР **نماز ديگر** [ф] – қ.: Намози аср.

НАМОЗИ ЖАНОЗА **نماز جنازه** [ф+a] – майитга дафн олдидан ўтказиладиган тўрт такбир (чаҳор такбир): ният, сано, ду салавот, жаноза дуоси. Бундаги тўрт такбирли дуолар тўрт ракъат намоз ўрнини коплайди.

НАМОЗИ ЖУМЪА **نماز جمعه** [ф+a] – мусулмонларнинг ҳар ҳафтада – жума куни масжиди жомийга тўпланишиб, имом раҳбарлигида (икки ракъатлик таҳийяти масжид намозидан ташқари) ўн ракъатлик намозни адо этишидир.

НАМОЗИ ИСТИҒФОР **نماز استغفار** [ф+a] – ҳар хил ҳолатлар, чунончи, билиб-билмай йўл қўйилган гуноҳларни кечиритиши учун Аллоҳга илтижо ва тавба қилиб ўқиладиган намоз.

НАМОЗИ МАЙИТ **نماز ميت** [ф+a] – ўлган кишига ўқиладиган чор такбирли намоз, жаноза намози, солати жаноза.

НАМОЗИ НАФЛ **نماز نفل** [ф+a] – одатдаги фарз ва суннат ёки витр вожиб намозларидан ташқари ҳар хил муносабат ва мақсадлар билан Худо йўлида ўқиладиган қўшимча намозлардир.

НАМОЗИ ПЕШИН **نماز پيشن** [ф] – кун ярмида ўқиладиган ўн ракъатлик намоз.

НАМОЗИ СУННАТ **نماز سنت** [ф] – Пайғамбар ибрати, ижроси, номи билан адо этилиши зарур бўлган Суннати муаккада (қ.: Муаккада) намози.

НАМОЗИ ФАРЗ **نماز فرض** [ф+a] – Аллоҳ йўлида Аллоҳ номи билан ўқилиши – адо этилиши мутлоқо шарт, қарз қилиб белгиланган, ўқилмаса гуноҳи кабира ҳисобланадиган намоз.

НАМОЗИ ХУФТОН **نماز خفتان** [ф] – осмон қоронғулашиб, аτροφ кўринмай қолганда ўқиладиган тўққиз ракъатлик (уч ракъатлик витр вожиб намози билан бирга) намоз.

НАМОЗИ ЧОШ نماز چاش [ф] – куёш кўтарилганда (чошгоҳда) ҳар хил мақсад билан ўқиладиган икки ракъатлик намоз. *Агар ринқим бўлсин десанг зиёда, ўтириб ўтказ ду ракъат намози чоша* (Сўфи Оллоҳёр).

НАМОЗИ ШОМ نماز شام [ф] – кечкурун, куёш ботиб, атроф қоронғулаша бошлаганда ўқиладиган беш ракъатлик намоз.

НАМОЗИ ШУКРОНА نماز شکرانه [ф+a] – яхши кунлар, воқеалар, хушxabарлар, тушлар, фарзанд кўриш, ислом лашкарларининг ғалабаси, тасодифий, мўъжизавий ўлмаи қолиш, узок сафардин Ватанга омон қайтиш каби муносабатлар билан Аллоҳ йўлида ўқиладиган намозлардир.

НАМОЗИ ҚАЗО نماز قضاء [ф] – намознинг ўз вақтида ўқилмай қолиши; ўқилмай қолган намознинг фарзи (фарз намози) имкон бўлганда, масалан, хуфтондан кейин ёки кечаси тонггача ўқиб адо қилинадиган намоз.

НАМОЗИ ҚАСР نماز قصر [ф+a] – ҳар хил зарурият билан, масалан, мусофирчиликда намоз муайян шаръий қоидага асосан қисқартирилиб ўқилади (Чунончи, тўрт ракъат фарзни икки ракъат қилиб ўқиш каби). Бундай ўқишни *намози қаср* дейилади.

НАМОЗИ ҲАЙИТ نماز عيد [ф+a] – Намози рўза (рўза намози), Намози қурбон (қурбон намози) – ҳар иккаласи ҳам намози ҳайит истилоҳи билан аталади ва ҳар йили мусулмон дунёсининг энг улуғ байрами тарзида нишонланадиган намоз. Намози рўза (Рамазон) ҳам намози қурбон ҳам мўъмин-мусулмонларнинг масжиди жомеъларда тўпланиб ўтказадиган икки ракъатлик вожиб намозларидир.

НАРЗУ НИЁЗ نرز نیاز [a] – ниёз – ялиниш, илтижо. Нарзу ниёз Аллоҳ йўлида бериладиган садақа, бирор мушкулотнинг бажарилиши, яхши тугаши муносабати билан қилинадиган хайри худойи.

«НАСР» النصر [a] – сура номи. Ёрдам, кўмак, ғалаба, зафар. Ушбу сурада Аллоҳ таоло исломга мадад, ғалаба, ривож берганлиги, учун ул Зотга ҳамду сано айтиш ва маърифат сўраб, тавба-тазарруъ қилиш ҳақида таълим берилган. Шу сабаб «Наср» – «Ёрдам» деб аталган. Бу сура халқ тилида «Иза жааъ...» деб ҳам аталади.

НАСРОНИЙ نسرانی [a] – мусулмон эмас (қ.: Тарсо).

НАУЗУ БИЛЛАХ نعوذ بالله [a] – нутқ жараёнида ҳар хил нохуш, ноҳақ, кўринчли гап-сўз ёки воқеликлардан сақланиш муносабати билан Аллоҳдан паноҳ сўраш (Худо сақласин, ўзинг сақла, асра маъноларида) учун қўлланадиган илтижо истилоҳидир.

НАФС نفس – арабча нафиса феълининг «эга бўлиш учун интилди» маъноси билан боғлиқ бўлиб, умуман, интилиш, ғурур, ҳирс каби тушунчаларни англатади. Ўзбек тилида ҳам нафс – турли моддий, маиший, маънавий орзу ҳавас ва эҳтиёжга бўлган табиий майл.

НАФС УЛ-АММОРА نفس الاماره [a] – инсоннинг барча омадсизлиги ва бахтсизлигига сабаб бўлувчи, охиратда уни жаҳаннамга бошлаб борувчи «ёвуз куч», қаттол душман. Нафс ул-амморани енгмоқ шайтон устидан узил-кесил ғалаба қилмоқ, бироқ бу ўрмондаги ёввойи шерни енгмоқдан ҳам мушкул эканлиги диний манбаларда таъкидланган. Алишер Навоий нафснинг буюк иллат эканлиги, у енгилмагунча, яъни нафсоният устидан руҳоният ғолиб келмагунича диллар шод, халқлар озод, мамлакат обод, эркинлик бўлмаслигини қуйидагича баён этган:

То ҳирсу ҳавас хирмони барбод ўлмас,

То нафсу ҳаво қасри барафтоҳ ўлмас.

То жабру зулм жонига бедод ўлмас,

Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Эркин ул ким сайд этиб нафсоният

Ғолиб ўлса умрида руҳоният.

Зотан сўфийликда инсон, солик.

(қ.: Солик) шайтоний нафсини мавҳ этмагунча руҳ ғолиблигига эришмагунча комиллашмаслиги, поклана олмаслиги ва Аллоҳ васлига восил бўлолмаслиги уқтирилган. Нафс ул-аммолага қарши кураш тасаввуфнинг шариат (қ.: Шариат) босқичида амалга оширилади.

НАФС УЛ-ЛАВВОМА نفس اللوامه [a] – инсонни ўз гуноҳи учун маломатга тортиб, уни покликка ундовчи нафс – сулуклар нафси. Бу нафс тариқат (қ.: Тариқат) босқичида кечади, шаклланади.

НАФС УЛ-МУЛҲАМА نفس الملهمه [a] – инсонни илоҳий нур билан руҳлантириб, Ҳақни англатувчи, кўнгилларни илҳомлантирувчи, юмшатувчи орифлар нафси бўлиб, тасаввуфнинг маърифат (қ.: Маърифат) босқичида шаклланади ва амал қилинади.

НАФС УЛ-МУТМАИННА نفس المطمئنه [a] – Обидни ёмон сифатлардан тозалаб, Илоҳга яқинлаштириб хотиржамликка олиб келадиган нафс. Бу ҳақиқат (қ.: ҳақиқат) босқичида кечади ва бунда тинч, осуда ҳаёт, ором олиш бошланади.

НАФС УЛ-ҲАСАНА نفس الحسنه [a] – гўзал нафс. Бу инсоннинг шариат одоб-ахлоқлари доирасида ҳаракатланиши, яшаши билан боғлиқ бўлган нафс.

НАФСИ МАРЗИЯ نفس مرضيه [a] – Аллоҳ ризосини козонган ва ўзини маъқул бўлган нафс.

НАФСИ МАРҲУМА نفس مرحومه [a] – ўлик нафс, жиловланган нафс.

НАФСИ РОЗИЯ نفس راضيه [a] – Аллоҳ рози бўлган нафс.

НАЪТ نعت [a] – Пайгамбарни намозда, ибодатларда тавсифлаш, унгулаш, эъзозлаш, мадҳ этиш учун айтиладиган дуруд, дуои салотлар.

НАҚИБ نقيب [a] – у ёки бу жамоа ёки кабиланинг билимдон, ингор, эътиборли кишиси. У футувватга (жавонмардия таълимотига) кирувчи (фатий)ларни сараловчи, эл орасида юриб имтиҳон қилувчи. Уларнинг иймон-эътиқоди, ахлоқ-одоби ва истеъдодини аниқлаб пир ҳузурига олиб келувчи масъул шахс.

НАҚЛИЙ ДАЛИЛ نقلی دليل [a] – шаръий аҳкомларда ўз аксини неботини топган, ҳамма томондан эътироф этиладиган далил. Масалан, арақ – ҳаром, чунки у Куръони карим оятлари орқали ҳаром қилинган ёки ҳар қандай маст қилувчи ичимлик ҳам «Киёс» ҳукмига кўра ҳаром ва б.

НАҲИ МУНКАР نهی منکر [a] – *наҳи* – ман этиш, *мункар* – рад этиш, инкор қилиш. Демак, наҳи мункар амру маъруф (қ.: Амру маъруф)нинг зидди бўлиб, инсонларни ёмон, номақбул, ношаръий ишлардан қайтариш.

«**НАҲЛ**» النحل [a] – сурада жуда кўп илоҳий ақидалар билан бирга Ҳақ таолонинг ожиз ва мўъжаз махлуқи бўлмиш асалари хусусида, унинг ибратли ҳаёт тарзи ҳақида ҳикоя қиладиган оятлар ҳам ўрин олгани учун у «Наҳл (асалари) сураси» деб аталган.

НАҲС نحس [a] – беғусул, ювуқсиз, жунуб, ҳаром, ифлос, попок, наҳс босган ибораси, ювуқсиз, гуноҳкор, ҳаром; шу туфайли наҳс иши атамаси иши юришмаган, шумқадам, бошқаларнинг оmodсизлигига, залолатга кетишига сабаб бўлувчи шахс, наҳс босган одам маъносида қўлланилади.

НЕЪМАТ نعمة [a] – ҳозирги ўзбек тилида инсон тўқ, фаровон яшаши учун ишлаб чиқиладиган, тайёрланадиган озиқ-овқат (ноз-неъмат) маҳсулотларини англатса-да, унинг диний-истилоҳий маъноси жуда кенг. Масалан, одам ва унга ҳадя этилган Рух (жон), Ақл-идрок, Тил ва дил, Муҳаббат, фарзанд ва ҳоказолар ҳам – неъмат (илоҳий неъмат). Инжилда ҳам «Тил – Аллоҳнинг бандаларига ато этган ҳадяси, буюк неъмат» («Язык – божественный дар чело-

веку») дейилган. Шу сабаб «Шукронаи неъмат» иборасида инсон азиз ва мукаррам қилиб яратилганлиги («Ва лакод каррамна бани адама»), ноз-неъматлар билан ризклантирилганлиги учун Аллоҳни ҳамду сано айтмоғи таъкидланган ва ҳ.к.

НИКОҲ ХУТБАСИ نكاح خطبى [a] – қиз-йигитга амру маъруф қилиниб, уларнинг розилиги олингандан кейин «Алҳамдулилла ҳиллазий жаъалан никаҳа...» деб бошланадиган матни «Никоҳ хутбаси» (Хутбаи никоҳ)ни ўқиб эшиттирмак.

НИКОҲ نكاح [a] – Аллоҳ амри, Пайғамбар суннати билан икки мусулмон (эркак ва аёл)нинг ўзаро хоҳиш ва ишончига асосан, мулла ва муслимлар гувоҳлигида эр-хотин бўлиш маросимлари.

НИМБИСМИЛ نيم بسمل [ф.+а.] – ярим бисмиллоҳ. Бисмиллоҳни айтиб-айтмай, чала ё ярим айтиб сўйилган молга, ёки бибисмиллоҳ бўлган бола (ҳомила)га нисбатан қўлланиладиган атама (кўпроқ сўзлашувда).

НИСО النساء [a] – сурасида нисбатан аёлларга Шариат ҳукмлари кўп ва батафсил баён этилганлиги сабабли унга «Нисо» – «Аёллар» номи берилган.

НИЯТ نيت [ф] – бирор иш-ҳаракат (хоҳ диний, хоҳ дунёвий бўлсин) чунончи, рўза тутиш, намоз ўқиш, масжид ё мактаб, кўприк куриш, бог қилиш каби ғояларнинг кишида пайдо бўлиши.

НИЯТИ НАМОЗ نيتى نماز [ф] – намозни адо этмоқ учун, аввало, фикран, қалбан ният қилинади (қ.: Нияти қалбий) ва сўнгра тилга кўчади: ният қардам бигузoram ду рақъат суннати намози бомдод... Бу – «Холисан лиллаҳи таоло, Аллоҳу акбар» (эй улуғ Аллоҳим, ушбу намозни сен учун беминнат ўқийман) ибораси билан тугатилиб (ният матни ҳамма тилда айтилиши мумкин) намозга киришилади.

НИЯТИ ҚАЛБИЙ نيتى قالىى [ф+а] – намозга, аввало, руҳан, тайёр бўлмоқ, Аллоҳни қалбда жо қилиб, сўнг ибодатга киришмоқ.

НОИСЛОМИЙ نا اسلامى [ф+а] – ислом таълимоти ва ақидаларига мос, мувофиқ келмайдиган ношаръий ишлар, амаллар; исломийнинг акси (қ.: исломий).

НОМАИ АЪМОЛ نامه اعمال – нома [ф] – хат, ёзув; аъмол [a] – ишлар, амаллар; инсоннинг тирикликда қилган яхши-ёмон, гуноҳ-сазоб ишлари илоҳий қалам, қудрат қўли билан ёзилган «Дафтар» қиёматда, яъни Маҳшарда Аллоҳ ҳузурда, фаришталар гувоҳлигида «Номаи аъмол» таҳлил қилиниб, шу асосда банданинг жаннатий ёки дўзахийлиги ҳал этиладиган «Тақдирнома».

НОМАХРАМ نامحرم [ф+а] – диний ақидага кўра яқин ворилошлик алоқаси бўлмаганлиги сабабли бир-бирини кўриш ёки бир-бирига кўриниш ман этилган эркак ва аёллар (махрамнинг шидди).

НОМУС УЛ-АКБАР ناموس الاكبر [а] – буюк, улуғ қадрият, виждон, орият, иззат-икром соҳиби бўлмиш Жаброил а.с.; Аллоҳнинг амрини ерга – пайғамбарларга етказувчи (вахий ташувчи) буюк фаришта, Фариштаи муқарраб.

НОРАВО ناروا [ф] – раво эмас, номақбул, мумкин бўлмаган ёки шаръий ҳукмларга, ислом ақидаларига тўғри келмайдиган ҳаракатлар (равонинг зидди), масалан, ака-сингил, тоға-жиян, ака-уканинг хотини, хола-аммалар ўртасида никоҳнинг ман этилганлиги, ҳаромлиги кабилар.

НОУМИД ШАЙТОН ناميد شيطان [ф+а] – Азозил Аллоҳнинг Одамга сажда қилиш ҳақидаги амридан бош торганлиги, такаббурилик қилгани учун шайтон номи билан Жаннатдан чиқарилган, роида, яъни Аллоҳ раҳматидан абадий маҳрум (ноумид) қилинган. Шу сабаб *Шайтон* – ноумид, банда – умидвор дейилади.

НОФИЛА РЎЗА نافيله روزه [а+ф] – фарз қилинмаган, ортиқча рўза тутиш.

НОФИЪ (ан-нофиъ النافع) [а] – хоҳлаган бандаларига манфаат ва фойда етказувчи зот. Аллоҳнинг сифатий исмларидан бири.

НОШАРЪИЙ ناشرئى [ф+а] – шаръийнинг акси (к.: Шаръий).

НУЗУЛ نزول [а] – уруж (к.: Уруж)нинг зидди, тушиш, юқоридан пастга тушиш, кўниш; таназул сўзи билан ўзақдош (назала – пастга тушди). Рухлар, фаришта ва малакларнинг Аллоҳ амри билан Ерга, инсониятга томон тушиб ёки эниб келиши (к.: «Лайлат ул-Қадр»).

НУР I (ан-Нур النور) [а] – ўз-ўзидан борлиги аён, равшан, борликни ҳам намоён қилувчи, ёритувчи зот. Аллоҳнинг сифатий исмларидан бири.

«НУР» II النور [а] – сура номи. Унда, биринчидан, Аллоҳ Еру Осмонларнинг нури – асл ижодкори эканлиги хусусидаги оятлар ўрин олганлиги, иккинчидан, инсонларнинг бахтли-саодатли ҳаёт кечиришлари учун нур каби зарур бўлган, уларнинг йўлини ёритиб турувчи Илоҳий аҳкомлар мавжуддлиги сабабли сура «Нур» деб аталган.

«НУРНОМА» نورنامه [а+ф] – Имом Ғаззолий (1058-1111) давридаёқ ислом дунёсида машҳур бўлган. Мулла Заҳириддин бин

Мулла Мусокори исмли зот тарафидан рисола (сеҳрли дуола- р мажмуаси) шаклига келтирилган, мукаддаслаштирилган, ҳамма то- монидан эъозланиб, ўкилиб келинган ёдгорлик. Китобча «Нур- нома» дуоси билан бошланади. Бунда Нур Муҳаммад пайғамбар нури эканлиги, 18 минг олам шу нурдан ярагилганлиги, «Нур- нома»ни ўқиганлар ёки эшитганлар барча балолардан омон, икки жаҳон бахтига мушарраф, Аллоҳ васлига восил бўлишлари (ва ҳақозо) баён этилган.

«НУХ» نوح [a] – сура номи. Унда Нух а.с.нинг қиссалари, пайғамбар қилиб юборишларидан тортиб то қавмлари тўфон балосига грифтор бўлгунича (950 йил пайғамбарлик қилганлар) бўлган воқелик ҳикоя қилинади. Шунинг учун бу сура «Нух су- раси» деб аталади.

О – Ў

ОБИ ПОК آب پاک [ф] – таҳорат ёки ғул учун оқмайдиған кўлоб сувлар ёки очиқ-сочиқ қолган, ҳайвон ва даррандалар оғзи теккан сувлар эмас, балки оқар сувлар, қудук, булок, кран сувла- ригина оби пок (тоза сув) ҳисобланади.

ОБИ РАҲМАТ I آب رحمت [ф+a] – маълум сабабга кўра майит (мурда)ни чиқариш бир кун ёки бир кеча кечиктирилса (баъзан кечиктирилмаган тақдирда ҳам), одатда ювишга қадар махсус сув тайёрланиб, ипор солиниб чўмилтирилади. Бу сув *оби раҳмат* дейилади. *Майитни оби раҳматга олмоқ* ибораси шу билан боғлиқ қўлланилади. Бу савоб ҳисобланади.

ОБИ РАҲМАТ II آب رحمت [ф+a] – баҳор олди ёғадиган баҳор- нинг яхши келишига, экин-текинларнинг, ризқ-рўзнинг мўл-кўл бўлишига сабаб бўладиган ёмғир, яъни Аллоҳнинг бандаларига қилган раҳмату марҳамати.

ОБИ ТАҲОРАТ آبى طهارت [ф.+a.] – қ.: Таҳорат сув.

ОБИ ХУДОЙИ آب خدای [ф] – мешкэбчилар, яъни савобталаб- ларнинг бозор, гузар, карвон саройларда булоқлардан сув олиб юриб ташналарга текинга (Оби худойи! деб) сув ичириш одатлари.

ОБРУЎ(Й) آبروي [ф] – мусулмонларнинг умри давомида камида бир марта (имкон бўлса бундан кўп) тириклигида ўзига охират оши – хайрот бермоғи халққа пул-мул улашмоғи. *Обруў* сўзи диний тад- бир, истилоҳий маъносида ҳозир ҳам кўп жойларда қўлланилади.

ОГОҲ آگاه [ф] – бирор дунёвий воқеликдан хабардорликдан ташқари, истилоҳий маънода, банданинг Аллоҳ олдидаги бурчи ва

унинг ижроси, умуман, умр мазмунидан вокифлиги, ғафлатда эмаслиги.

ОЗАРПАРАСТ *آزپرست* [ф.] – ўт ёки оташпараст. Ўтга сиғинувчи. Мажусийликка дахлдор шахс.

ОЛАМ *عالم* [а] – азалий ва адабий барҳаёт ва қоим (хайюл кнум) чексиз кудрат эгаси бўлмиш Аллоҳ томонидан йўқлик (идам)дан бор қилинган бутун махлуқот, мавжудот, коинот, ўн сиккиз минг олам...

ОЛАМИ КУБРО *عالم كبرى* [а] – катта олам, асос олам ёки боқий, илоҳий, руҳий олам – олами бако.

ОЛАМИ СУҒРО *عالم صغرى* [а] – кичик олам, дунё, моддий олам; олами суғро олами Кубронинг инъикоси, зуҳриёти, тижаллиси, фано олами.

«ОЛ-И-ИМРОН» *آل عمران* [а] – сура номи. Унда кўпгина мисалаларга муносабат, чунончи, насронийларнинг Исо а.с.ни Худо деб эътиқод қилишлари хато, куфр эканлиги очиқ баён этилган. Марямнинг отаси бўлмиш Имрон ва унинг аҳли оиласи ҳақидаги қисса ҳам зикр этилган. Кейинги фикр муносабати билан сура «Ол-и-Имрон» (Имрон хонадони) деб аталган.

ОЛИМ УЛ-ҒАЙБ *عالم الغيب* [а] – инсонга номаълум, у билмайдиган сирларни билувчи, яъни Аллоҳ.

ОЛҚИШ *القيش* [ўзб.] – эзгу, савоб, яхши амаллар, ният ва мақсадлар ижроси, унинг амалга оширилиши билан боғлиқ ёки Ҳақ йўлида қилинадиган саъй-ҳаракатлар ижботи учун Аллоҳдан сўраб қилинган дуои илтижолар. *Олтин олма дуо ёки олқиш ол* (мақол). *Элнинг олқишини (дуосини) олган.* Бунинг зиди – қарғиш теккан.

ОРИФ *عارف* [а] – Аллоҳни таниган, илоҳият сирларидан воқиф, огоҳ, илоҳий маърифатга эришган киши; Орифлик тасаввуфнинг маърифат босқичида амалга ошади.

ОРИФИЙ *عارفى* [а] – такводор, гуноҳ ишлардан сақланувчи, порсо (к.: Персо), сўфий шахс.

ОСИЙ *عاصى* [а] – гуноҳкор, гумроҳ, Аллоҳни унутган, инкор қилган ёки Худога, шариатга зид ҳаракат қилган, шак келтирган киши ёки қавм: Осий банда – гуноҳкор банда, рўйи сиёҳ (к.: Рўйи сиёҳ).

ОСТОНА *آستانه* [ф.] – эшик, бўсаға, пойгак, кириш йўлак каби маънолари (к.: Даргоҳ)дан ташқари диний, яъни муқаддас манзил,

зиёратгоҳ жой, мазор маънолари ҳам мавжуд бўлган. Ҳозир ҳам кўп жойларда, масалан, Бойсун томонларда Остона атамаси билан (остона урсин тарзида) қасамёд қилиш, остонани (эшикнинг пастки ёғочини) босмаслик, остонада тикка турмаслик, кўришмаслик уни ҳадлаб ўтиш каби удумлар ҳозиргача сақланиб қолганки, бунинг сабаблари бор, албатта.

ОТАШГОҲ **اتشگاه** [ф] – қ. Оташқада.

ОТАШҚАДА **اتشكده** [ф] – оташпарастрлар сиғинадиган, доимий олов ёниб турадиган махсус бино. Зардуштийликда олов мукаддас ҳисобланиб, унга сиғинганлар. Ҳар бир шаҳар ва кишлокда оташқада ва оташбонлар бўлган.

ОТАШПАРАСТЛИК **اتشپرستلىك** [ф.+ўзб.] – оловга сиғинувчилар дини ва этикоди. Оташ – ўт, олов; оташак – ёлқин, барқ, яшин. Олов тўрт мукаддас унсурнинг бири сифатида кашф этилиши биланок илоҳийлаштирилган; ўчирилмай оташқадаларда оташбонлар томонидан сақланган, бегона қабилаларга, ҳагто бадбин одамларга берилмаган. Оловни Прометей осмондан ўғирлаб олиб тушганлиги учун Зевс томонидан тоққа михлаб ташланган. Оловга (куёшга ҳам), унинг худосига сиғинувчилар оташпарастрлар деб аталган. Оташпарастрлик бир худолик динларигача ер юзида энг кўп тарқалган ибтидоий дин бўлиб, унинг колдиклари бугунги кунда ҳам мавжуд.

ОТИН **اتين** [ўзб.] – (отинойи, отинбиби, отинча) ўтмишда диний мактаблардаги қизлар, муаллимаси. Отинлар аёллар ўртасидаги диний-маърифий маросимларни ўтказганлар, таълим-тарбия ишлари билан шуғулланганлар.

ОФИЯТ **عافية** [а] – яхшилик, тинчлик, омнлик тилаб қилинадиган дуо; Аллоҳдан офият сўраш.

ОХИР (ал-Охир **الاخر**) [а] – ҳамма нарсадан боқий, охири чексиз. Аллоҳнинг исми сифатларидан.

ОХИР ЗАМОН **اخّر زمان** [а] – дунё поёни, тугаши, охири; ҳар бир нарсанинг Аллоҳдан бошқа боши (ибтидоси), охири (интиҳоси) бўлганидек дунёнинг макон ва замоннинг ҳам боши ва охири бор, яъни охир замон бўлади (Охир замон бўлиши ва аломатлари ҳақида исломий манбаларда ёзилган) Одам ва олам яратилгандан бери 124 минг пайғамбар ўтган. Шулардан Мухаммад а.с. охир замон пайғамбаридир. Замон, яъни дунё қиёматнинг (қ.: Қиёмат) бошланиши фалакиёт ер-осмон сайёраларнинг ёрилиб, сочилиб

нинг тўзон ва кўпикка айланиб йўк бўлиб кетиши (қ.: «Инфитор», 1-, 2- оят, «Иншиқоқ», 1- оят).

ОХИРАТ ОШИ آخرت آشى [a+ўзб.] – ўлимини кутиб ётган беморлар вафоти олдидан, кўп ҳолларда бир чехра очиб (буни халқ «тул очибди» ўлади дейди), овқатланади. Бу *охират оши* дейилади. Ўировнинг ҳақини еган кишини ҳам «егани охират оши бўлсин» деб қарғашади.

ОХУНД // ОХУН آخوند [a] – аслида ака-ука, қариндош маъносидаги сўз бўлиб, кейинчалик ўқимишли, билимли киши, бахши, мулла маъноларида (истилоҳ) қўлланиладиган бўлган. *Бозор Охунд* (Машираб устози).

ОШИҚ عاشق [a] (кўпл. ушшоқ عشاق) – Аллоҳ жамоли (вуслул)га эришиш учун саъй ҳаракат килувчилар, риёзат чекувчилар (қ.: Ишқ): солиқ, шайх, сўфи ва б.

ОЯТ УЛ-КУРСИ آية الكرسي [a] – Қуръон оятларидан бири; кўрқанда, ваҳима босганда, масалан, ётиш олдида, ёлғиз қолганда ўқиладиган, бало-қазолар, зиён-заҳматлардан ҳимояланишда восити бўлган оят.

ОЯТ آية (кўпл. оёт آیات) – арабча «айа» феълининг «паноҳ тоғиди» маъноси билан боғлиқ ясалган от бўлиб, белги, мўъжиза, нишон; Аллоҳнинг сўзи, амри, буйруғи, ижроси фарз бўлган илоҳий таълимотдир. Қуръони карим сура (қ.: Сура)лардан, суралар оятлардан ташкил тошган.

ОҚПАДАР آقپدر [ўзб.+ф] – отаси томонидан оқ қилинган, ҳайдалган, лаънатланган, Худо олдида, эл ичра бадном бўлган ўғил.

ОҚСУЯК آقسويك [ўзб.] – мажозий маънода жамиятнинг юқори табақа вакиллари: зодагон, аристократ, эшон, хўжа, сайид авлодларига нисбатан (оддий фуқаро, яъни «қора» халққа зидлаб) қўлланилган атама.

ОҚФОТИҲА آق فاتحه [ўзб.+a] – улуғлар, пирлар, устозлар, оналарнинг ўз фарзандларини, шогирдларини, бошқаларни ҳам узоқ сафарга, жангу жадалларга кузатиш ё бирор касб-ҳунарни эгаллашга киришиши ёки фарзандлар уйланишларига розилик бериши каби муносабатлар билан уларга омад, бахт-саодат, оқ йўл тилаши, дуолар ўқиб Аллоҳга илтижо қилиши.

ОҒЗИНИ БОҒЛАМОҚ آغزىنى باغلاماق [ўзб.] – 1) оғзини латта билан боғламоқ, 2) пора бериб ёки кўрқитиб гапиртирмай қўй-

моқдан ташқари (диний истилоҳ маъносида), бирор кимсани дуо илми амал, сеҳру-жоду кучи билан айтиш керак бўлган гапларни айтмайдиган, очиши керак бўлган сирларни очмайдиган, илон чаёнларни чақмайдиган, бўриларни қўйларга текмайдиган қилиб қўйиш: *Эри бир оғиз гапиролмайди. Хотини жодугар, оғзини боғлатиб ташлаган* (жонли сўзлашувдан).

ОҒИЗОЧАР *اَغِيْز اَچَار* [ўзб.] – рўзаи рамазон кунларида, шом пайтида ўтганларни ёдлаб ёки Аллоҳ йўлида мусулмонун мискилар, беваю бечоралар, ғарибу ғураболар, етиму есирларни чорлаб, уларни таомлантирмоқ, ифтор қилдирмоқ (қ.: Ифтор, ифторлик).

П – پ

ПАДАРВАКИЛ *پدر وکل* (вакилота) [ф+а] – никоҳ вақтида қизнинг отаси номидан иш кўрадиган – муомала қиладиган, ҳатто, бўлажак келиннинг иффати билан боғлиқ каби маъсулиятларни ҳам ўз устига олувчи шахс.

ПАЙШАНБАЛИК *پيشنباليک* [ф+ўзб.] – муллавачча (талаба)лар томонидан мулла ёки мачитга олиб бориладиган маблағ, совға-саломлар.

ПАЙҒАМБАР *پيغمبر* [ф] – Худонинг элчиси, бандаларига (паём, пайғом – дарак, хабар) етказувчи, уларни дин йўлига солувчи – ҳидоятга бошловчи, расул, элчи каби. Пайғамбар сўзи шеърятда қисқартириб паямбар шаклида ҳам қўлланилади.

ПАЙҒАМБАРИ МУРСАЛ *پيغمبر مرسل* (кўпл. Пайғамбари мурсалин) – элчи қилиб юборилган, элчи, пайғамбар. 124 минг пайғамбардан 113 таси *мурсал* дейилади. Мурсаллик махсус рутба ҳисобланади.

ПАНЖОТ *پنجات* [ф+т] – оят; Ўзбекистоннинг эронлашган халқлари тилида, кўпинча, оят ўқини ўрнида *панжот ўқини* ибораси қўлланилади.

ПАНИСЛОМИЗМ [pan – юнон. – ҳаммаси, асос; ислом арабча – бўйсунувчи ва -изм элементларидан] – XIX асрнинг иккинчи ярмида яқин шарқда пайдо бўлган ислом динидаги барча халқларни ислом байроғи остида, яъни бир етакчи, асос, марказга бирлаштириш тарғиб қилинган диний-сиёсий оқим. Панисломизм ғоясининг асосчиси Жамолиддин ал-Афғон (1831-1893). Панисломизм бутун дунёда тарқалган. Ҳозир ҳам араб мамлакатларида «Мусулмонлар биродарлиги», «Низоми исломий», «Жамоати исломий» каби ташкилотлар мавжуд.

ПАНТЕИЗМ [юнон.] – Худони табиат билан бир бутун деб қарайдиган, табиат Худонинг мужассамланган ҳолати, зуҳриёт деб қарайдиган, диний фалсафий таълимот.

ПАПА [лот. – рара, юнон. – pappos] – черковда ҳуқуқи чекланмаган, марказлашган черковлар фаолиятини бошқарадиган, руҳонийларнинг олий вакиллари коллегияси томонидан умрбод муддатга тайинладиган, бошқача айтганда, бутун дунё католик черковларини ва унинг кўпсонли ташкилотларига Ватикан (Рим папаси жойлашган резиденция, черков давлатининг маркази, қароргоҳи)дан сўриб раҳбарлик қиладиган олий ҳокимиятга эга бўлган диний давлат арбоби.

ПАРВАРДИГОР پروردگار [ф] – яратиб, сўнг парвариш қилувчи, кифзу ҳимоясида сақловчи – Аллоҳ.

ПАРИХОН پريخان [ф] – *пари* – рух, *хон* – ўқувчи, яъни кишига ширар этказган руҳларни дуо ўқиб хайдовчи шахс, мулла.

ПАСХА (яхудийча, раҳми келтирмақ маъносида) – насроний динининг асосчиси Христос Исонинг тириклигига бағишланган диний байрам. Пасха байрами бир ҳафта («Эҳтиросли ҳафта») рўза тутиш, гуноҳларни ювиш, ибодат қилишдан кейин бошланади. Юмалок нон ёпиш, сузмали ва пишлоқли пасха таомлари тайёрлаш, тухум бўйлаш уларни муқаддаслаштириш ниятида ибодатхонага олиб келиб, кейин оғзини очиш амалга оширилади. Пасха кунларидан *Иусис Христос* (ҳайит муборак маъносида) деб саломлашилади.

ПАТРИАРХ (юнонча patriarches – уруғ бошлиғи) проваслав черковида энг олий ҳуқуққа эга бўлган руҳоний унвони ва шу унвонга эга бўлган руҳоний.

ПЕШИН پيشين [ф] – «пеш» (олд) ва «шин» (ўтирмақ) унсурларидан ясалган бўлиб («пеш»дан «ш» товуши тушган), олдга яқин, рўпара келмақ, ўтирмақ. Кун қиёмга, одам тепасига келганда яқинлашади. Ана шу вақтда ўқиладиган ўн рақъатлик намоз (қ.: Намози пешин, намози зуҳр).

ПИР پير [ф] – муайян диний мактабни ўтаган, шариат аҳком ва арконларини, сўнгра тасаввуф таълимотини эгаллаган, халойиқни тўғри йўлга – ҳидоятга бошловчи руҳоний гуруҳ ёки сўфийлар бошлиғи, раҳнамози, эшон, шайх, масалан, Аҳмад Яссавий – пири Туркистон, Яқуб пайғамбар – пири Канъон.

ПИРИ ДАСТГИР پرى دست گير [ф] – муридлар қўлини тутувчи, уларни тўғри йўлга етакловчи йўлбошчи, муршид (қ.: Муршид).

ПИРИ ИХЛОС پر اخلاص [ф+a] – тўрт барҳаёт пайгамбар: Хитр, Илёс, Идрис ва Исо а.с.лар.

ПИРИ МАЗҲАБ پر مذهب [ф+a] – шариат коидаларини – фикр илмини асословчилар: Имом Аъзам, Имом Шофеъи, Имом Молик, Имом Аҳмад Ханбал раҳматуллоҳи алайҳлар.

ПИРИ МАЪРИФАТ پر معرفت [ф+a] – Жалолиддин Румий, Шамс Табризий, Шайх Саъдий, Шайх Аттор Валийлар.

ПИРИ ТАРИҚАТ پر طريقت [ф+a] – шариат аҳком ва арконларини ўрганиш, ўзлаштириш, ҳаётга – амалиётга тадбиқ қилиш йўллари – усулларини асословчилар, чохорёрлар: Абу Бакр Сиддик, Умар ибн ал-Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб.

ПИРИ ШАРИАТ پر شريعت [ф+a] – Аллоҳ амрини: шариат ибтидосини, аҳком ва арконларини бошлаб бергувилар, ер юзиди жорий қилувчилар: Одам Сафиуллоҳ, Нуҳи Набиуллоҳ, Иброҳим Халилуллоҳ ва Муҳаммад Мустафо с.а.в.

ПИРИ ҲАКИҚАТ پر حقيقت [ф+a] – тўрт фариштаи Муқарраб: Жаброил, Микоил, Арзоил ва Исрофил а.с.

ПИРХОНА پيرخانه [ф] – пирлар (қ.: Пир) турадиган хос жой ёки улар фаолият кўрсатадиган идора.

ПОКДОМОН پاکدامان [ф] – реал, тўғри маънода тоза, пок этак ёки ўнгир; либоснинг ерга тегиб, ифлос, кир бўлмаган қуйи қисми. Диний истилоҳ маъносида (мажозий маънода) пок, тоза, ор-номусли, иймону эътиқодли қалби «булганмаган», ишончли, худотарс шахс.

ПОКЛАНИШ پاكلىش [ф.+ўзб.] – тавба қилиб, ношаръий, номақбул ишлардан сақланмоқ, Аллоҳ розилиги, унинг васли умидида шахват ва нафс ул-амморани мавҳ этиб, руҳият ғалабасига эришмоқ, қалбни мусаффолаб гуноҳларни ювмоқ, комиллик касб этмоқ ва б.

ПОЛИТЕИЗМ (юнонча. Poli – кўп, teos – Худо ва -изм элементларидан) – ибтидоий дин шакли бўлиб, табиатни фетишлаштириш, яъни ҳамма соҳанинг инсон, ер, осмон, олов, ёмғир, момақалдирак, шамол, сув, ўсимлик, ҳайвон, кеча, кундуз кабиларнинг ўз худолари бошқарувчилари бор деб тушуниш ва ўшаларга сиғиниш, кўпхудолилик. Монотеизм акси (қ.: Монотеизм).

ПОП [юнон.] – насронийларнинг руҳонийси, черковда диний фаолият кўрсатувчи, диний жамоани бошқарувчи.

ПОРА پاره [ф] – бўлак, қисм, парча маъноларида Қуръони карим 30 пора ёки жузъдан иборат. Пора Қуръони каримнинг бир

боқми табақига тўғри келадиган қисми. Одатда, қорилар неча пора ўқитишигини ҳисоблайди.

ПОРСО پارسا [ф] – ёмон, гуноҳ ишлардан сақланувчи художўй, шов.

ПРОТЕСТАНТИЗМ (к.: Протестант) – ғарбий Европада XVI асрдан бошлаб католизмдан ажралиб чиққан насронийларнинг умумий номи. Насронийлик динининг католизм, православдан фарқли ўлароқ шаклланган бир мазхаби. Протестантизм (асосчиси Германиялик Монах Мартин Лютерн) католик черковларини реформа қилиш, католиклар таълимотидаги энг муҳим масалаларни, асосчи, Рим папасининг бирламчилиги, бегуноҳлиги, «Савоб ишлар» заҳираси борлиги, керак бўлса, гуноҳкорларни мана шу заҳирани ҳисобидан Худонинг аралашувисиз жаннатга жўнатишлари каби сиридиний ақидаларни рад этиш, унга қарши туриш пировардида, Германиядаги черковни Рим папасининг қарамоғидан озод этиш учун олиб борилган узоқ йиллик курашлар натижасида шаклланган мазҳабдир.

ПРОТЕСТАНТ [лот.+рус.] – қаршилик кўрсатувчи, протестантизм (к.: Протестантизм) оқимидаги, мазҳабидаги одам.

ПУРСАНДА پرسنده [ф] – қабрда банданинг увол-савобларини ҳисоб-китоб қилувчи фаришталар – мункар-накр.

Р – ر

РАВЗА روضه [а] – боғ, жаннат. Мажозий маънода муқаддас қабр, азиз авлиёлар, пайғамбарлар қабри.

РАВЗАИ МУБОРАК روضه مبارک [а] – қутлуғ, баракатли боғ, жаннат; мажозий: муқаддас қабр, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в)нинг мақбаралари, ҳожилар зиёрат қиладиган қабр.

РАВЗАИ ПОК روضه پاک [а+ф] – Муҳаммад пайғамбар (с.а.в)нинг мақбаралари. Равзаи покинга келдим, ё Муҳаммад мустафо, қабринг узра мавж урадур, раҳмати нури Худо (Иброҳим Адҳам).

РАВО روا [ф] – ижроси шаръий аҳкомлар, ислом ақидаларига мос, мувофиқ, дуруст, мақбул келадиган, қилиниши мумкин бўлган иш-ҳаракат ёки воқелик (норавонинг зидди).

РАДНОМА رننامه [ф] – иссиқ-совуқ (к.: Иссиқ-совуқ), сеҳру жоду (к.: Жоду)ни қайтариш ёки унинг кучини синдириш таъсирини қайтарувчи дуою оятлар ёзиб тайёрланган, ўзи билан олиб юриладиган ёки уйда сақланадиган ҳимоя воситаси.

РАЖО رجا [a] – умид, тилак. Киши билиб-билмай гуноҳ амаллар гирдобига гушиб қолган ҳолатларда ҳам келажакда тавба қилиб, эзгу ишлар билан шуғулланишни ният қилиши, Аллоҳ раҳматидан умид қилиши.

РАЗЗОҚ (ал-Раззоқ رزاق) [a] – Аллоҳнинг исми сифатларидан бири: барча мавжудотга ризқ улашувчи, ризқ етказиб берувчи зот.

РАЗОЛАТ رذالة [a] – разула феълидан бўлиб, қабихлик, ярамас, пасткашлик, тубанлик маъносидан ташқари, диний-мажозий маънода ёмон, гуноҳ ишлар, гумроҳлик разиллик демакдир. Масалан, разолат ботқоғига ботган гапи барча гуноҳ ишларни қилди маъносидадир.

РАКЪАТ ركعت [a] – намознинг бир қиём, бир рукуъ, бир сужуддан иборат бўлган қисми.

РАМАЗОН رمضان арабча «рамида» феълнинг «қийинчилик келтирди» маъноси билан боғлиқ ҳосил қилинган (Ўзбек тилининг этимологик луғати. Б.352). *Рамазон* атамаси аслида қийналмоқ, покланмоқ, чиниқмоқ, синалмоқ, тобланмоқ маъноларини ҳам англатган. Рамазон ўттиз кун рўза тугиладиган муқаддас ибодат оyi. Рамазон ҳижрий ёки қамарий йилнинг 9- оyi номи бўлиб, шу оyнинг биринчи кунда Иброҳим пайғамбарга Саҳифа, 6- сида Мусога Таврот, 12- сида Довудга Забур, 18- сида Исога Инжил, 24- сида Муҳаммадга Қуръони карим туширилган. Қадр кечаси ҳам шу ойда юз берган (к.: Абу Райхон Беруний. Кўрсатилган асарлар. Б.393).

РАМАЗОН ТУҲФАСИ رمضان تهنسى [a.+ўзб.] – рамазон оyiда бериладиган садақаи фитрдан ташқари, рўза оyiда диний уламолар томонидан махсус тайёрланган дастур асосида бериб бориладиган ирфоний руқн.

РАММОЛ رمال арабча рамл رمل – қум; қум билан ёки нуқта ва чизиқлар чизиб фол очувчилар (к.: Фол).

РАСУЛ رسول (кўпл. русул) – элчи, пайғамбар.

РАСУЛУЛЛОҲ رسول الله [a] – Аллоҳнинг элчиси, пайғамбари, Муҳаммад пайғамбар.

РАУФ (ар-Рауф الرؤف) [a] – Аллоҳнинг исми сифатларидан бири, *ўта меҳрибон, раҳмати кенг* деган маънода. Шу сабаб Рауф истилоҳи Қуръони каримда ҳам Раҳим исми билан маънодош бўлиб ёнма-ён ҳам қўлланилади: «Рауфур Роҳим» (Тавба сураси охири) тарзида.

РАФЪ УЛ-ЯДАЙН رفع يدین [a] – кўллар (икки кўлни) кўтармок; рафъ (رفع) кўтариш, ядайн (يدین) – икки кўл. Демак, Рафъ ул-Ядайн намозхоннинг «Аллоҳу акбар!» деб икки кўлини кулоғигача (юмшоқ жойига теккунгача, аёл кишининг кафти кўкраги устигача) кўтаришидир.

РАШИД (ар-Рашид الرشید) [a] – барча иш ва тадбирлари тўғри чиқувчи; икки оламни тўғри, бехато бошқарувчи зот. Аллоҳнинг сифатий исmlаридан бири.

«**РАЪД**» الرعد [a] – сурасида Аллоҳнинг бирлиги, қиёмат кунининг муқаррарлиги ҳақидаги илоҳий ақидалар билан бирга, табиат ҳодисалари, жумладан, момақалдиروق ҳам Аллоҳга тасбеҳ айтиб мўминларни ёмғирга – Аллоҳ раҳматига умидвор қилиб туриши ҳақида хабар берилади. Шу сабаб сура «Раъд» (момақалдиروق) деб аталади.

РАЪЙ رعى [a] – жавоби шаръий аҳкомлар (Қуръон, Сунна, Ижмоъ, қиёс ҳукми)да аниқ баён қилинмаган масалалар ечими учун қўлланадиган қоида. Раъйда Мужтаҳид (уламо, муфти, факих) ўз ақлий қобилиятига, мантиқий тафаккур қонунларига асосланади. Чунончи, кофир ёки бутпарастнинг янги туғилган боласи ўлса, у дўзахийми ёки жаннатий деган масала ечимида Раъй қоидасини қўллаш мумкин.

РАЪУФУР РОҲИМ رنوف الرحيم (a) – Қуръони каримдаги Пайгамбаримизга берилган сифат. Яъни Аллоҳ Муҳаммад пайгамбарни юмшоқ кўнгилли, раҳимдил инсон деб айтган (Тавба сураси, 128-оятдан).

РАҚИБ (ар-Рақиб الرقيب) [a] – Аллоҳнинг исми сифатларидан бири; Ҳамма нарсани кузатиб, назорат остига олибтурувчи зот.

РАҲИМ (ар-Раҳим الرحيم) [a] – жуда раҳмдил, шафқатли демакдир. Ар-Раҳим Аллоҳ исmlаридан бири. Аллоҳ ар-Раҳмон исми билан дунёда барча бандаларига (яхудми, тарсоми, муслимми) меҳр кўрсатади. Раҳим исми билан эса охиратда мусулмон-мўъмин бандаларига раҳм, шафқат қилади. Шу сабаб Аҳмад Яссавий: «Раҳим отлиқ номингдан умид қилар Хожса Аҳмад» дейди. Шу сабаб барча эзгу ишлар, Қуръони карим суралари ҳам меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳ номи билан бошланади.

РАҲМАТ! رحمت [a] – ундови бугунги тилимизда баракалла, яшанг, балли, ташаккур ундовлари билан вазифадош сифатида қўлланилса-да, у аслида Раҳмат ул-Аллоҳ (Аллоҳ раҳмати ёғилсин),

Раҳматуллоҳи ва баракотуҳу (Сизга Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлсин) тарзида айтиладиган дуои илтижо бўлган.

РАҲМАТ ВА МАРҲАМАТ ТУНИ رحمت و مرحمت تونی [a] – қ.: Лайлат ул-Қадр.

РАҲМАТЛИ رحمتلى [a+ўзб.] – ўлган кишининг номи ўрнида, Худо раҳмат қилсин, Аллоҳнинг раҳми келсин маъносида қўлландиган атама (қ.: Марҳум).

РАҲМОН I (ар-Раҳмон الرحمان) [a] – Аллоҳ исми бўлиб, меҳрибон, ғамхўр демақдир (қ.: Раҳим).

«**РАҲМОН**» II الرَّحْمٰن [a] – сура номи. У ўзининг илк оятида Аллоҳнинг Раҳмон, яъни меҳрибонлигини уктириб, у зотнинг ўз бандаларига кўрсатган энг катта марҳамати, уларга бутун ҳаётлари учун дастур ул-амал бўлган Қуръони каримни тушургани эканлигини таъкидлайди. Аллоҳ охиратда ҳам бандаларига меҳрибонлик кўрсатади. Шу сабаб сура «Раҳмон» (меҳрибон) деб аталади.

РИБО ربا [a] – фойда, судхўрлик. Маълум муддатга бериб туриладиган қарз ёки молга қўшимча ҳақ, фоиз олиш. Масалан, бир ой муддатга юз минг сўм олган қарздорнинг қарзини юз ўн минг сўм микдорида қайтариб бериши. Бу исломда *рибохўрлик* дейилади ва гуноҳ ҳисобланади.

РИБОТ رباط [a] – Аллоҳ билан боғланиш, намоздан, яъни бу намоздан у намозни (масалан, пешиндан кейин асрни) кутиш, ибодатдан узилмаслик.

РИБОХЎР رباخور [a+ф] – ношаръий фойда олувчи (қ.: Рибо).

РИДО ردا [a] – шайхлар, дарвишлар елкасига ёпиб ёки ташлаб юрадиган чойшабга ўхшаган нарса, дарвишларнинг устки кийими.

РИЁ رياء [a] – ўзини ёмонликлардан сақланган қилиб кўрсатиш иккиюзламалик. Риёкорлар – иккиюзламачи кишилар, тилда содиқдиди нопок мунофиқ (қ.: Мунофиқ).

РИЁЗАТ ЧЕКМОҚ رياضت چيکماق [a+ўзб.] – бирор мақсадга, чунончи, Аллоҳ васлига эришмоқ учун машаққат чекмоқ, азобларга бардош бермоқ, дунё маишатларидан воз кеча билмоқ, покланмоқ.

Риёзат чекмагунча ёр васлига (Аллоҳга) етиб бўлмас (Машраб).

РИЁЗАТ رياضت [a] – нафс хоҳиш қилган нарсалардан, ҳаромдан, ҳаловатдан воз кечиб, ўзини қийнаш, машаққат, азоб.

РИЁКОР ريباكار [a+ф] – ўзини ёмонликлардан холи қилиб кўрсатувчи, тили бошқа, дили бошқа, иккиюзламали шахс.

РИЗВОН رضوان [a] – кониқиш, розилик, хурсандчилик, мам-пушлик ёки исм (масалан, Ризвон хола) каби маъноларда қўллани- шдан ташқари, Аллоҳ рози бўлган суйган банда, жаннат фаиришта- шари, яъни хизматкорларни ҳам англатади. Равзаи, ризвон (к.: Ривза) бирикмасида ризвон жаннат ҳури маъносида қўлланилган.

РИЗО رضاء [a] – Аллоҳ томонидан инсон бошига тушадиган ҳар қандай ишга рози бўлмоқ, ҳеч нарсадан ғазаб, ҳаяжон, гина- кудрат ва хафаланиш бўлмаслиги.

РИСОЛА رساله [a] – ҳозирги тилда кўпроқ илмий-дунёвий ха- рикстердаги кичик ҳажмли китобча маъносини англатса-да, ўтмиш- да исломий ақида асосида ёзилган, унга амал қилиниши қатъий талаб қилинадиган йўриқнома. Бошқача айтганда, рисола ҳаётнинг ҳамма соҳаси, масалан, деҳқончилик, чорвачилик, темирчилик, кас- собчилик каби касб-ҳунарлар юритиш тартиб-интизомлари, ахлоқ- одоблари, унда ўқилиши керак бўлган ояти дуолар акс эттирилган китобчадир: деҳқончилик рисоласи, темирчилик рисоласи, қассоб- чилик рисоласи, чорвачилик рисоласи каби рисоалар мавжуд.

РИСОЛАБОП رساله باپ (рисоладигидай) [a+ф] – рисола (к.: Рисола)да акс эттирилган рисола талабидан келиб чиқиб, амалга оширилган, ижро этилган ишлар, халқ томонидан маъқулланган хатти-ҳаракатлар.

РИСОЛАТ رسالت [a] – расуллиқ унвони, мартабаси. Муҳаммад 40 ёшга кирганда пайғамбарлик унвони берилган. *Сенга текди бу рисолат манзари, Тобе ўлди барча сенга жин ила деви пари* (“Қиссаи Иброҳим Адҳам”дан). Рисолатнинг 10- йили Абу Толиб вафот этди (Муҳаммад пайғамбар тарихи 9- б.)

РИШВА, РИШВАТ رشوه رشوت [a] – пора, бир ишни битириш учун амалдорнинг яширин ва ноҳақ равишда оладиган пули ёки лшёси.

РОВИЙ راوى [a] – хикоячи, қисса айтувчи, хабар, маълумот берувчи, ривоят қилувчи, Пайғамбаримиз ёки саҳобаларидан эшит- ган гаплар (ҳадислар)ни айтиб ёки ёзиб қолдирган шахслар.

РОЖДЕСТВО [русча] – туғилиш куни. Исо пайғамбарнинг таваллуд куни муносабати билан ўтказиладиган диний байрам. Милодий йил ана шу кундан бошланади. Киев князи Владимир насронийликни расмий дин деб эълон этган (эрамизнинг 988 йили) X асрдан бошлаб Россияда Исо туғилган кун байрам қилинадиган бўлган.

РОЗ روز [ф] – сир, яширин, махфий. Роз (арзи дил) айтмоқ – бандалар, хусусан, пайғамбар ва авлиёларнинг самога бокиб Аллоҳга қалб сиру асрорлари, истак, ният ва мақсадлари ошкор баён этилган илтижою муножотлари. Мусо пайғамбарнинг Тур тоғига чикиб, 40 кун чиллада ётиб, Аллоҳга айтган розини эсланг. Ўзбек тилида *роз сўзи айтмоқ* феъли билан бирга қўлланади.

РОКИЪ راکع ёки راکى [a] – рукуъ қилувчи, киёмдан тиззагача эгилувчи киши, намозхон.

РОНДА رانده [ф] – қ.: *Мардуд*.

РОФИЪ (ал-Рофиъ رافع [a] – Аллоҳнинг исми сифатларидан бири; мўъминлар мартабасини кўтарувчи, юксалтирувчи.

РОҚИЙ راقى [a] – дуохон, азойимхон, афсунгар кишилар, беморларга руҳий мадад берувчилар.

РОҲИБ راهب [a] – насроний динидаги такводор, зохид, шайх, монах; «Инжил», «Таврот» орқали ёки умуман воқеаларни олдиндан билувчи шахс.

РУКН ركن (кўпл. аркон ارکان) – арабча ракана феълининг «суянди» маъноси билан боғлиқ ясалган бўлиб: 1) Устун, тиргак, суянчик, таянч, асос маъносини (гўё олти устунли бино); 2) давлатни бошқариб турувчи машҳур шахсларни (аркони давлат); 3) газета ва журналларда янги очилган саҳифа, бўлим, рубрикани (журналимизда янги рукн очдик); 4) Ислом шариати асослари – мусулмончиликнинг беш устунни ёки аркони шаръий (тавҳид, намоз, рўза, закот, ҳаж амаллари) ни англатади.

РУКУЪ ТАСБЕҲИ (тасбеҳи рукуъ) ركوع تسيحي [a] – киёмдан эгилиб, тизза ушлаганда уч марта «Субҳана робби ал-аъзийм» («Улуғ Аллоҳ, ўзинг поксан») демоқ.

РУКУЪ ركوع [a] – киёмдан тиззани ушлагунгача эгилмоқ.

РУКУЪИ МАСНУН ركوع مصنوع [a] – бармоқларини очиб тиззага таянмоқ, бошни орқа билан баровар, текис тутмоқ.

«**РУМ**» الرّوم [a] – сура номи. Рум ва форс давлатлари ўртасида бўлган урушлар, форсларнинг қўли устун келгани ҳақида хабар бериш билан бошланиб, яқин йиллар ичида румликлар ғалаба қилиши тўғрисида башорат ҳам қилади. Орадан етти йил ўтгач, бу илоҳий башорат ҳақ эканлиги маълум бўлади. Рум давлати форслар устидан ғалаба қозонади. Суранинг «Рум» деб аталишининг боиси шу.

РУҲ روح (а. кўпл. – арвоҳ ارواح, синиқ кўпл; руҳият روحيات – тўғри кўпл.) – илоҳий нафас, нур, асос, аслият, моҳият, азалий ва

абадий барҳаёт унсур бўлиб, фақат инсонга инъом этилган. Инсоннинг мавжудлиги, фаолияти, фикрлаши (Аллоҳни таниши ҳам) руҳ туфайли. Руҳ муқаддас ва омонат бўлганлиги учун у беғубор, пок сақланиши, шайтондан, нафсдан ҳимоя қилиниши, комил ҳолатда Аслига – Аллоҳга қайтарилиши фарз. Руҳ танадан ажралиб чиққандан кейин ҳам Рухий оламдан (қ.: Рухий олам) мустақил мавжуд. Инсон жисман йўқликка юз тутса-да, уларнинг руҳлари абадий яшайди. Руҳлар (арвоҳалар) тирикларни кўриб турар экан, тириклар ҳам унитмаслиги, дуойи хайр билан шод этиб, гуноҳларини авф этишни Аллоҳдан илтижо қилиб туришлари керак.

РУХИЙ ОЛАМ *روحى الم* [a] – бу, яъни фоний дунёдан ўтганларнинг руҳлари яшайдиган охираат олами, у дунё. Шу сабаб ўлган кишига нисбатан *Фалончининг руҳи дунёи фонийдан дунёи бақога (охиратга) рихлат этди* дейилади.

РУҲОНИЙ *روحانى* [a] – гуноҳ, ношаръий. Нопок ишлардан, тамаъ ва нафсдан ўзини олиб қочувчи, парҳезкор, фарзу суннат ижросида қоим, Аллоҳ васлига аниқ, маълум бир диний мақомга эришган мулло, эшон, сўфи, шайх, роҳиб. Алишер Навоийнинг: *Эркин ул ким сайд этиб нафсоният, Ғолиб ўлса умрида руҳоният* мисралари руҳонийликка тегишли.

РУҲ УЛ-АМИН *روح الامين* [a] – содиқ ишончли фаришта; омонлик, тинчлик элчиси, хушхабарчи (қ.: Жаброил).

РУҲ УЛ-МУТЛАҚ *روح المطلق* [a] – қудрати чексиз, ҳаракати ҳад-худудсиз руҳи, яъни Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло нисбаси сифати. *Шайхимиз жумъа кечаси Руҳ ул-Мутлақни ихтиёр этмиш.*

РУҲ УЛ-ҚУДДУС *روح القدس* [a] – муқаддас руҳ – Арзоил (қ.: Арзоил ёки Қобуз ул-Арвоҳ).

РУҲУЛЛОҲ *روح الله* [a] – Аллоҳнинг руҳи, яъни Исо пайгамбар Аллоҳ руҳидан, нафасидан бунёд этилганлиги учун Исо Рухуллоҳ деб аталган.

РЎЗА НАМОЗИ *روزه نمازى* [a] – рўза томом бўлган куннинг эртаси чошгоҳда жомеъ масжидлари ёки намозгоҳларда имом раҳбарлигида икки рақъатлик намоз. Рўза намози биринчи рақъатда санодан кейин уч марта, иккинчи рақъатда охирида зам сурадан кейин ҳам уч марта такбир (Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!) айтмоқ билан одатдаги намоздан бироз фарқланади.

РЎЗА СИНМОҚ *روزه سينماق* [ф+ўзб.] – фажр билан ифтор оралиғида сув ичмоқ, таомланмоқ, бирор нохуш, ношаръий ҳаракат

қилмоқ (масалан, эҳтилом бўлмоқ, аёлга яқинлашмоқ, ҳайз кўрмоқ, бурнидан қон келмоқ, қайт қилмоқ, чекмоқ каби).

РЎЗА ТУТМОҚ روزہ توتماق [ф+ўзб.] – мусулмонликнинг беш асосий шарти (руқни)дан бири бўлмиш рамазон ойининг 30 кунида рўзадор бўлмоқ, яъни тонг (фажр)дан то шомгача Аллоҳ учун таомланмай, сув ичмай, ношаръий ҳаракатлар қилмай, тоат-ибодатлар билан машғул бўлиб, ўзини покламоқ.

РЎЗА ҲАЙИТИ روزہ حیاتی [а] – рўзаи рамазон ойининг тугаши билан шаввол ойининг биринчи учунчи кунлари қилинадиган байрам.

РЎЗА روزہ [ф] – рўз – кун, рўза – кунлик (-а – ясовчи кўшимча), яъни ҳар йили Аллоҳ учун 30 кунлик тутиладиган рўзаи рамазон ибодатининг номи – истилоҳи, беш фарзнинг бири (қ.: «Рўза тарихидан»).

РЎЗАСИНИ ЕМОҚ روزہ سینی یماق [ф+ўзб.] – рўза тутолмай, овқат емоқ, сув ичмоқ.

РЎЗИ ЖАЗА // ЖАЗО روز جزی (ф.а.) – қиёмат куни, жазо куни, шу кунда бўладиган бетоқатлик, доду фарёд, қиёмат ғавғоси, банданинг Аллоҳ олдида ҳисоб-китоб берадиган куни (қ.: Ҳисоб-китоб). Бу воқеа “Қиссаи Иброҳим Адҳам”даги

*«Ҳақдин ўзга сен эрурсен ғавҳари қиммат баҳо,
Ҳам туфайлингдан яратти икки оламни Худо,
Руҳим қил офтодага, эй шоҳи жумла анбиё,
Иброҳимни қилмагил шармандаи Рўзи жазо»*

мисраларида акс этган.

РЎЗИ МАҲШАР روزی محشر [ф+а] – қ.: Маҳшар.

РЎЗИ СИЁҲ روی سیاه [ф] – мусулмонлик бурчини адо этмаган, гуноҳкор банда, юзи қора (қ.: Юзи қора).

РЎЪЯ// РЎЎ رنیا [а] – туш. (қ.: Туш)

ث س ص - س

«САБАЪ» سبَاء [а] – сура номи. Унда Аллоҳ ато этган ноз-неъматларга ношукрлик қилганлари оқибатида улардан маҳрум бўлган сабаъ қабиласи ҳақида ҳам ҳикоя қилинадик, бу суранинг «Сабаъ» деб аталишига сабаб бўлган.

САБР صبر [а] – чидам, тўзим, тоқат; Аллоҳнинг яхши-ёмон кунларига, синовларига, ҳаёт қийинчиликларига сабр қилмоқ, шукрона айтмоқ. Аллоҳнинг «Мен сабр қилувчилар билан биргаман» («Аллоҳу маас собирйн») деган оятини ёддан чиқармаслик.

САБУР (ас-Сабур **الصبور**) [a] – гунохкор, исёнкорларга жазо беришга шошилмайдиган зот. Аллоҳнинг сифатий исмларидан бири. Шу сабаб «Сабрли бандаларим билан биргаман («Қолаллоху мияссобирин»)» дейди Аллох.

САБҲА **سبحه** [a] – тасбеҳ, маълум микдордаги доналардан тилинган ҳалқа, ибодат воситаси.

САВМ **صوم** [a] – рўза, ҳар йили рамазон ойида тутиладиган 30 кунлик фарз ибодати.

САВОБ **صواب** [a] – Худо йўлида мусулмонлар манфаатларига мос, шаръий аҳкомлар талабига мувофиқ барча сайъ-ҳаракатлар, диний-ахлокий урф-одатларни бажариш ва уларга риоя қилиш кабилар.

САВОЛ-ЖАВОБ **سؤال جواب** [ўзб.] – қабрда иккита фаришта (қ.: Мункар-накр, пурсанда, сўроқчи) билан банда ўртасида бўладиган ҳисоб-китоб, яъни мункар-накр саволларига банданинг ўз қилмишлари: гуноҳ ва савоблари ҳақидаги жавоблари: *Одам ўгли ўлгуси, Ёр остига киргуси, Андин икки сўргучи, Кириб савол сўргувчи* (Аҳмад Яссавий).

САДАҚА **صدقه** [a] – аслида бадал, фидо, қурбон, сўнгги маъноси – хайр-эҳсон, садақа, умуман, қашшоқ ва мискинларга; шайх, дарвиш ва девоналарга, масжид, мадраса ва етимхоналарга, шунингдек, яхши кунлар шукронаси учун, ёмон кунларнинг даф этилиши муносабати билан Аллоҳ йўлида бериладиган мол – пуллар. Садақа берувчининг мушкулани осон қилади, руҳини поклайди, балолардан асрайди. «Садақа радди бало, бақовли расули Худо дуоси» садақа бериш билан боғлиқ яратилган.

САДАҚАИ ЖОРИЯ **صدقهء جارية** [a] – бунда жория сўзи ошкор, намоён, юзага чиққан, амалиётда, истемолда маъноларини англатади. Умуман, *садақаи жория* атамаси Аллоҳ йўлида халқ манфаати учун масжид, мадраса, хонақоҳ, шифохона, мусофирхона (меҳмонхона), етимхона, қариялар уйи, йўл, кўприklar қуриш, боғ барпо этиш, етим болаларни «хатна» қилдириш; китоблар ёзиш, солиҳ фарзандлар тарбиялаш кабиларни англатади.

САДАҚАИ ФИТР **فطر صدقهء** [a] – бадал, тўлов, эҳсон; рўза ойида рўза тутувчилар шаръий қонунларда кўрсатилган микдорда садақаи фитр беришлари.

САДАҚАИ ХАЙРИЯ **صدقهء خيرية** [a] – кўнгилдан чиқариб, Аллоҳ йўлида етим-есир, бева-бечора, ғарибу ғурабо, йўқсилу мис-

кинларга бериладиган мол-пул, нон-ош (қ.: Садақа), хайрия концертлари бериш, экасон – хайрия хизматлари кўреатиш, боқувчи сини йўқотган, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш ва бошқалар.

САЖДА سجده [a] – рукуъдан кейин жойнамоз устида ҳар ракъатда икки мартадан юзни, пешонани ерга теккизиб, ҳар дафъа уч мартадан сажда тасбеҳи айтмоқ, яъни «Субҳана Робби ал-аъло» демоқ.

«САЖДА» السجدة [a] – сура номи. Унда Қуръони каримнинг Аллоҳ каломи Муҳаммадни ҳақ пайғамбари, қиёматнинг барҳақлиги ҳақидаги хабарлар билан бирга унда сажда ояти борлиги таъкидланган ва у «Сажда сураси» деб номланган.

САЖДАГОҲ سجده گاه [a] – намоз ўқиладиган жой, масжид.

САЖДАИ САҲВ سجده سهو [a] – саҳв – хато, янгилиш, унутиш, фаромуш қилмоқ; намозда ибодат қоидаларининг бузилиши, йўл кўйилган хатолар: таъхири фарз, тарки вожиб қилиш, ёки масалан, ният қилган тўрт ракъатнинг икки ракъатида ўтирмаслик (ташаҳхуд ўқимаслик), аксинча, ният қилинган тўрт ракъатлик намознинг икки ракъатидан кейин ўтириб таҳийят, ташаҳхуд, ду салавотни ўқиб салом бериш каби ҳолатлар муносабати билан намозхоннинг Аллоҳдан авф сўраб қиладиган саждаи саҳв намозидир.

САЖДАИ ТИЛОВАТ سجده تلاوت [a] – Қуръоннинг ўн тўртта сураси («Аъроф», «Раъд», «Нахл», «Исрои», «Ҳаж», «Фурқон», «Сажда», «Сад», «Фусилат», «Нажм», «Иншиқоқ», «Алақ»)даги сажда оятлари ўқилганда сажда қилиш вожибдир. Бошқалар ҳузурда сажда оятларини махфий ўқиш мустаҳабдир. Акс ҳолда улар ҳам сажда қилиши зарур бўлади.

САЖДАИ ТИЛОВАТ ДУОСИ سجده تلاوت دعاسى – «Саждату лир роҳман ва аманту биррахман, фағфирли зунуби ё роҳман! Самеъно ва атаъна ғуфронака, Роббана ва илайкал масир».

САЖЖОДА سجاده [a] – намозда сажда қилиш учун тайёрланган махсус тўшама (қ.: Жойнамоз).

САЙИД//САЙИД سيد (a., кўпл. содот سادات) – бошлик, етакчи, раҳнамо, ҳидоят сари бошловчи; пайғамбар авлоди, авлоди сайид, сайидзода, оқсуяк; Расуллуллоҳ с.а.в. бир ҳадисларида фахрланиб, ҳазиломуз тарзда, сайидларнинг фақири мен, форсларнинг яхшиси Салмон, ҳабашларнинг яхшиси – Билол, китобларнинг яхшиси – Қуръони карим («Қуръон – уммул китоб»), ойларнинг яхшиси – Рамазон, кунларнинг яхшиси – «Жумаъ» деган эканлар.

САЙР ДАР ВАТАН **سیر در وطن** [a.+ф.] рукни остида: 1) солик ушғини намоён этиши ўз олами ва илоҳий оламда руҳан сайр этиши, ақл-идрок кучи билан қидирмай Аллоҳни топиши, синамай ҳусн бўлиши, кўрмай таниши, ғойибона ошиқ бўлиши, умуман, соликни аслига сайр қилиши; 2) илм-маърифат ҳақиқат излаб ватан кезиши (горизонтал ҳаракат, биринчиси вертикал ҳаракат) пиру мурид хузурида бўлиб покланиши, комиллик касб этиши тушунилди. Ҳазрат Пайғамбаримизнинг тунги сайрлари («ал-Исро» суриси) ёки Лайлат ул-меърож – вертикал, илоҳий сайр эди.

САЙҲА **صیحه** [a] – намозда уфламоқ, оҳ, уҳ деб овоз чиқармоқнинг, оҳ, туф қилмоқнинг макруҳлиги.

САКАРОТ УЛ-МАВТ **سکرات الموت** [a] – Сакарот (бирл. сакрат (سكرت) – хушсизлик, алаҳсираш, беҳуштлиқ, мастлик; мавт – ўлим. Демак, *сакаротул мавт* – ўлим талвасаси, жон талвасаси, жон беришдаги азоб ва қийинчиликлар. Жон беришни осон қилмоқ, азоб-ширдан сақламоқ билан боғлиқ: «ҳавиллана сакарот ул-мавти би ширрифил Куръон» («Якраъ» дуосидан), яъни Аллоҳим, Муқаддас Куръоннинг шарофати билан жон бериш – ўлим қўрқинчларидан сақла. Қийин жон берди, осон жон берди, яхши ўлим топди, ёмон ўлим топди гаплари ҳам *сакарот ул-мавт* тушунчаси билан боғлиқ шаклланган. Сўфийларнинг Аллоҳ васли билан боғлиқ беҳушлиқ, мастлик, сархушлиқ ҳоллари ҳам мажозий маънода суқр (سكر) дейилади.

САКТА **سکته** [a] – тўхтаб тин олмоқ, намозни бошлашдан олдин ёки қироатни тугатгандан кейин тўхтаб тин олмоқ, қисқа вақф (пауза) қилмоқ.

САЛАФ **سلف** [a] – илгари; илгари ўтган, олдин ўтган киши (Халафнинг зидди).

САЛИБ ЮРИШИ **صلب يوروشى** [a.+ўзб.] – насронийларнинг ҳар хил, чунончи, миссионерлик – бирор ўлкани кўриш, ўрганиш, кейин аста-секин босиб олиш мақсадида бўйинларига крест таққан ҳолда амалга ошириладиган оммавий диний юришлари. Бу рус тарихида «Крестовой поход» дейилади.

САЛОВАТ ёки **ДУСАЛОВОТ** **صلوات** ёки **دو صلوات** [ф+a] – қаъдада Муҳаммад пайғамбарга айтиладиган дуруд, дуои саломлар, яъни «Аллоҳумма солли аъло...», «Аллоҳумма бориқ аъло...» матнларининг қисқа, рамзий атамаси (истилоҳ).

САЛОМ I (Ас-Салом السلام) [a] – (Аллоҳ исмларидан бири) Аллоҳ, аввало, Ўзи барча бало ва офатлардан саломат; сўни раҳолдас, барча махлуқотни балою офатлардан сакловчи.

САЛОМ II سلام [a] – (намоз салом) намозда икки елка (киф) даги фаришталарга, яъни ўнг елкадаги савоб битувчи Малак ул-хайр, чап елкадаги гуноҳ битувчи Малак ул-башар (Хайр, Башар фаришталарнинг рамзий-вазифавий номлари)га қарата (жамон бўлса, намозхонларга ҳам тегишли) айтиладиган «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ» иборасининг шартли атамаси (истилоҳидир). Намоз саломида баъзан малоиклар номлари (махфий тарзда) қўшиб ҳам айтилади (Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу малак ул-хайр ёки малак ул-башар) баъзан «баракатуҳу» калимаси ҳам (махфий равишда) қўшиб айтилади. (Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу – Аллоҳнинг омонлиги ва раҳмати ва баракоти бўлсин маъносида). Намоз якка ўқилганда салом бериш жорий ёки махфий бўлиши мумкин. Аммо жамоа намозида салом имом томонидан жорий айтилади, муктадийлар махфий ижро қиладилар. Намозди ниёт қилинган рақъат (руқн)ларни тамом бўлганлигини ҳам аниқлади; намозхон салом бериб, намоздан чиқади. Бомдод – икки, пешин – уч, аср – бир, шом – икки, хуфтон – уч (салоти витр билан бирга), салом билан тугайди. Баъзи манбаларда намоз саломини: *салом муваққат*, *салом мутлақ* ёки *салом охира* (яқуний) деб, фарқлаб ҳам атайдилар.

САЛОМИ МУВАҚҚАТ سلام مؤقت [a] – кўп ниётли намозлар (бомдод, пешин, шом, хуфтон)нинг сўнгги (охирги) ниятигача бериладиган саломлар.

САЛОМИ ОХИРАТ سلام آخيرة [a] – бир ниётли намоз ҳам (масалан, аср) кўп ниётли намоз ҳам саломи охира билан тугайди. Саломи охира намозни тугаттирувчи саломдир.

САЛОТ صلات (қўпл. саловот *صلاوات*) [a] – намоз.

САЛОТИ ВУСТА صلات وسطى [a] – ўрта намоз, аср намози.

САЛОТИ ЖАНОЗА صلاة جنازة [a] – жаноза намози. Вафот этганга шарият бўйича жаноза намози (қ.: Чаҳор такбир) ўқилади. Намоз ўқишдан олдин одатда имом уч марта *салоти жаноза-а-а!!!* деб қичкириб, хабар беради. Жаноза намози фарзи кифоя (қ.: Фарзи кифоя) ҳисобланади.

САЛОТИ ХАМСА صلات خمسه (форсий изофа) Салот ул-хамса (арабий изофа) [a] – бир кунда ўтказиладиган беш вақт намоз.

САЛОТ УЛ-ЛАЙЛ صلاة الليل [a] – кечаси ўқиладиган, аниқроғи, таъажжуд намози (қ.: Таҳажжуд). Буни қиёми рамазон, яъни таровех намозига аралаштирмаслик керак (қ.: Таровех).

САЛОҲ صلاح [a] – нажод, ёрдам.

САЛСАБИЛ سلسبيل [a] – жаннатдаги тоза, пок, лаззатли, сўглиш оқ, асалдан ширин, бир булоқнинг номи. «Занжабила муҳшалада айнан фийҳа тусамма Салсабила» оятида ана шу булоқ касида гап кетади.

САМАД (ас-Самад السمد) [a] – Аллоҳнинг сифатий исмларидан бири, У (Аллоҳ) ҳеч нарсага мухтож эмас, аксинча ҳожатбарор зот.

САМЕЪ (ал-Самеъ السمع) [a] – Аллоҳнинг исми сифатларидан бири. Аллоҳ махфий ва ошқора гап ва шарпаларни, ҳатто дилдан ўттишларни, кўнгилга келган фикрларни ҳам эшитувчи зотдир. Имомздаги «Самеъ Аллоҳу лиман ҳамидах» иборасида ҳам Аллоҳнинг эшитувчилик сифати акс этган.

САМОВИЙ КИТОБЛАР سماوى كتابلار [a+ўзб.] – тўртта: «Таврот» Мусо пайғамбарга, «Инжил» Исо Пайғамбарга, «Забур» Довуд пайғамбарга, «Қуръон» («Фурқон») Муҳаммад пайғамбарга туширилган. Бошқа пайғамбарларга ҳам юзта саҳифа туширилган. Самовий китоб ва саҳифалар Ер ҳаётини бошқарувчи, инсоният охиратини обод қилувчи илоҳий дастурлардир.

САМОВОТ سماوات (а. бирл. само سما) – осмонлар – етти қат осмон «Меърожнома»да Муҳаммад с.а.в.ни 1-осмонда Одам а.с., 2-осмонда Исо ва Яҳё а.с., 3- осмонда Юсуф а.с., 4- осмонда Идрис а.с., 5-осмонда Ҳорун а.с., 6-осмонда Мусо а.с., 7-осмонда Иброҳим а.с. кутиб олганликлари баён этилган. *Самовот* Қуръони каримда ҳам: «Аллазий холақо сабъа самаватин тibaқо...» («Мулк» сураси, 3-оят), яъни етти осмонни устма-уст қилиб яратдик тарзида акс этган.

САМУРА سموره [a] – Арабистонда ўсадиган ҳикматли бир дарахт номи. Муҳаммад с.а.в. бошлиқ амалга оширилган ва ислом ривожига, Маккани фатҳ этишга йўл очган, Худо рози бўлган «Байъат ул-ризвон» (қ.: «Байъат ул-ризвон») шу дарахт тагида – соясида амалга оширилган.

САНАД سند [a] – таянч, ҳужжат, далил, ҳадис ривоят қилган ровийнинг силсиласи – ким ёки кимлар, ҳадис соҳиби: Пайғамбарми, саҳобами, тобеъинми, кимларга бориб тақалади ва ҳ.к.

САНАМ صنم [a] – ҳар хил нарсалардан: ёғоч, тош, ганч, лой, металл кабилардан ясалган, сиғиниладиган инсон қиёфасидаги бут, маъбуд.

САНГИ МУАЛЛАҚ سنگ معلق [ф.+а.] – Аллоҳ иродаси билан кўкдан – Беҳиштдан Қуддуси шарифга эндирилган, одамбўйи қўли етадиган баландликда ҳавода муаллақ (таянчсиз) ҳолатда турадиган, масжид ал-ақсо зиёратига келадиганлар ушлаб тавоф қиладиган (Шажар ул-асводга ўхшаш) тош (қ.: «Санги муаллақ»).

САНО ثنا [a] – намозда «Сураи Фотиҳа»дан кейин ўқиладиган, Аллоҳ ва унинг исми мақталган, мадҳ этилган «Субҳанаки Аллоҳумма...» дуосининг рамзий атамаси.

САНОХОИ ثناخان [а+ф] – Аллоҳнинг қудратини унинг гўзал исмлари («Ал-Асма ал-Хусна) орқали мадҳ, васф этувчи, мактовчи, чиройли оҳанг ва тил билан баён этувчи мулло ёки қори.

САРВАРИ КОИНОТ سرور کائنات [ф.+а.] – бутун борлиқнинг, махлуқотнинг йўлбошчиси, Муҳаммад пайгамбарнинг тахаллуси (қ.: Сарвари олам).

САРВАРИ ОЛАМ سرور آلم (ф.+а.) – оламнинг йўлбошчиси, сардори, умматни, инсониятни эзгуликка – ҳидоятга бошловчи (Муҳаммад пайгамбарнинг тахаллуслари).

САТРИ АВРАТ ستر عورت [a] – уят аъзоларнинг – номахрамларга кўрсатилиши мумкин бўлмаган аъзоларнинг либосли ёпиқ бўлиши (қ.: Аврат).

«**САФ**» الصّف [a] – сурасида Аллоҳ таоло ўзининг йўлида саф бўлиб курашадиган, саф бўлиб жиҳод қиладиган кишиларни суйиши таъкидланлиги учун, сура «саф» (бирлашиш, жипслашиш) деб аталган.

САФИЙ صفى , кўпл. асфийё اصفياء [a] – пок, тоза, танланган. Одам атонинг сифатлари Одам сафиуллоҳ – пок, тоза, танланган Одам демақдир.

САФИУЛЛОҲ صفى الله [a] – Сафий – пок, тоза, танланган; тонг, мусаффо маъноларида. Шу сабаб инсоният отаси бўлмиш биринчи Одам шу лақаб билан, яъни *Одам Сафиуллоҳ* (Аллоҳ танлаган пок, соф одам) деб аталган.

САФО صفا [a] – ёруғлик, равшанлик, порлоқлик; қалбни кибру ҳаво, гина-қудрат, ҳасад-ғазабдан пок тутмоқ – ибодатга, намозга тайёр бўлмоқ.

САФҲА صفحه (кўпл. сафаҳот صفحات) [a] – саҳифа, варақ, бет. Китоб нозил бўлмаган пайгамбарларга туширилган Аллоҳ амрлари.

Шундай сафҳалардан юзтаси туширилган. Агар сўрасалар осмон-
дан печта китоб туширилган? – жавоб берки тўрт китоб, юз сафҳа
туширилган («Чор китоб»дан)

САҚАР سقر [a] – дўзах, тамуғ, жаҳаннам.

САҒАНА سقنه [ф] – қабр атрофини ўраб, ихота қилиб тура-
лган, ёғоч ёки темирдан ясалган нанжарали тўсик. *Илоҳи, молинг
авананга кетсин* (Чорвадор қарғиши).

САҲАРЛИК ДУОСИ سحرليک دعاسى – «Навайту ан асума ас-
шима шахра рамазана мин ал-фажри илал мағриби, Холисан лил-
шхи таъоло Аллоҳу акбар» деб ният қилмоқ ва дуо қилиб «оғизни
ётмоқ».

САҲАРЛИК سحرليک [a+ўзб.] – рўза ойида тонг отмасдан ей-
шидиган овкат, рўза тутиш.

САҲАРХҲҮРЛИК سحرخورليک [a+ф+ўзб.] – к.: Саҳарлик.

САҲИХ صحيح [a] – соғлом, тўғри, хатосиз, дуруст демақдир
ёки ақл-идрокли зотлар томонидан ёзиб олинган олиму уламолар
томонидан ривоят қилинган, санади (к.: Санад) бешидан охиригача
узилмай мутгасил бўлган – санаднинг мунтаҳоси (тўхталган жойи
тянч нуқтаси) Муҳаммад пайғамбарга ёки бирор саҳоба ва то-
беъинга (к.: Тобеъин) бориб тақаладиган ақл билан ҳам тасдиқла-
надиган муснат ҳадислардир.

САҲОБА صحابه [a] – Муҳаммад Пайғамбарнинг суҳбатдош-
лари, дўстлари, ҳамроҳлари, маслақдошлари, фикрдош яқинлари.;
Пайғамбар таълимотларини, ҳадисларини, оятларини ёдлаб олиб,
халойиққа тарғиб қилувчилар. Пайғамбаримизнинг 33 минг саҳо-
балари бўлган.

СЕКТА [лот. sekte – ажралган, узилган] ҳукмрон диний
мазҳаблардан ажралиб чиққан кичик диний оқимлар, диний
жамоалар. Бу жамоа ёки секта аъзолари *сектантлар* дейилади.

СЕПИТОМА – жаҳонда яккахудолик динининг биринчи асос-
чиси ва вориси пайғамбар Зардуштнинг номи (Диншунослик асос-
лари. Тошкент, 1995. Б.46).

СИДРАТ УЛ-МУНТАҲО سدرت المنتهى [a] – таркибидаги
«сидра» еттинчи осмондаги энг баланд бир дарахт номи; Мунтаҳо
– бирор нарсанинг охири, чеки, сўнгги, ниҳоя, охир каби маъно-
ларни англатса-да, диний тасаввуфий истилоҳ сифатида еттинчи
осмонни ундан кейин кўтариладиган олий манзил – Арши аъло
(самовот уйи)дан ажратиб турувчи илоҳий объект, «чегара дарах-

ти» маъносидадир. Манбаларда айтилишича, Муҳаммад пайғамбардан бошқа бирорта набий, ҳатто фариштаи муқарраблар (қ.: Фариштаи муқарраб) ҳам шу чегарадан ўтмаган. «Лайлат ул-меърож»да (қ.: Лайлат ул-меърож) Жаброил а.с. Муҳаммад пайғамбарни Бурокда (қ.: Бурок) бутун самоватни кездириб, Сидрат ул-мунтаҳога етганда, бундан буёғига боришга унда руҳсат йўқлигини айтиб, Бурок билан қолиб кутиб турган.

СИДҚ صدق [а] – чин, ростлик, тўғрилиқ, ҳақиқат: аҳли сидқ – ростликни севувчи. Муҳаммад пайғамбар «Лайлат ул-меърож» воқеасини айтиб берганларида биринчи бўлиб қалбан иймон келтириб тасдиқлаганликлари учун Абу Бакрга Сиддик лакабини берганлар.

СИЁҲРҲӢ سپاه رو [ф] – юзи қора – гуноҳкор, гуноҳга ботган, бахти қора, бахтсиз, жиноятчи: *Юзим қорасин оқ айлагайсан, Муҳаммадни менга ёр айлагайсан* (Аҳмад Яссавий); *Беадаблигларни қилдим билмишам, Авфунг оллида сиёҳрӯ келмишам* (Навоий)

СИЙНАБАНД سينه بند [а] – мурданинг қўлтиғи остидан (кўкрагини қоплаган ҳолда) тиззаси пастигача ўралиши лозим бўлган аёлларнинг қафан қавати.

СИЛАИ РАҲМ صله رحم [а] – одамийликнинг олий фазилатларидан бўлиб, ота, онага, оила аъзоларига, қариндош уруғларга, дўст-биродарларга кўрсатиладиган меҳрибонлик, раҳмдиллик, ғамхўрлик, улар билан алоқани узмаслик, аксинча, ғамхўрлик қилиш, моддий-маънавий ёрдам бериб туриш. Силаи раҳми, яъни қон-қардошликни унутганларнинг тавбалари қабул бўлмайди.

СИЛАШ سيلش [ўзб.] – кинна кирган, кўзиккан, суқ кирган беморни нон, тиғ каби нарсалар воситасида силаш, қулогини тортиш (чўзиш), бошини босиб қўйиш удуми.

СИОНИЗМ [яхуд.] – Иеруссалим яқинидаги Сион тоғи номидан олинган бўлиб, дунёдаги барча яҳудийлардан ягона, буюк яҳудий миллати яратиш, бунинг учун дунё яҳудийларини бирлаштириш ғояси, бу ғояни амалга оширувчи мафкуравий оқим (Панисломизмга ўхшаш ҳаракат).

СИРОТ صراط [а] – кўприк, йўл, гузар; дўзахнинг устидан жаннатга ўтиладиган кўприк. Сирот ал-мустақим [а] – тўғри йўл, ҳақ йўли, ҳақиқат йўли, илоҳий йўл. Сирот қилдан ингичка, қиличдан тез, ўткир бўлишига қарамай, беғуноҳлар ундан яшиндек ўтиб, жаннатга дохил бўлгайлар, гуноҳкорлар эса қадам қўйиб жаҳаннам

сири йўл олгайлар («Қиёматномадан»). Сирот атамаси ўзбек тилида пул [ф+т], кўприк [ўзб.] сўзлари билан бирга (плеоназм) ҳам кўлланилади; *Сирот кўприги* (кўприк+кўприк), *пули сирот* (кўприк+кўприк), *пул кўприк* (кўприк+кўприк), *пули сирот кўприги* (кўприк+кўприк+ кўприк). Гуноҳкорлар, киши молини еганлар Сирот устида тутиладилар: *Дунё гамини ема, Ҳақдан ўзгани дема, Киши молини ема, Сирот узра тутаро...* *Бошим ёстиқда, жоним кетарда, Таним тор лаҳад ичра ётарда, Сирот отлиғ гузарингдан ўтарда, Қиёмат кун мени шарманда қилма* (Аҳмад Яссавий).

СИФАТИ САЛБИЯ *صفة سلبية* [a] – беком, безабон, белаб, бедандон, безан ва жуфтсиз» туғмаган ва туғилмаган («Лам ялид ва лам юлад» «Ихлос» сурасидан); бечун, бечунун, бешибҳ ёки беша-бих, яъни кимсасиз, ёлғиз, мислсиз, монанди, ўхшаши йўқ, жисм-сиз, тенгсиз, ибтидо ва интиҳосиз (азалий ва абадий), манзилу маконсиз (к.: Ломакон).

СИФАТИ СУБИТИЯ *صفة ثبوتية* [a] – Аллоҳнинг ўзгармас, барқарор саккизта сифатий номи: ҳаёт (тириклик), олим (билгувчи), самъ (эшитгувчи), басар (кўргувчи), иродат (хоҳлаган ишни қилгувчи), қудрат (ҳар нарсага қодир), мутакаллим (сўзловчи), таквин (барча махлукни яратувчи).

*Субутидир анинг саккиз сифоти,
Сифат зоти эмас, на гайри зоти.
Ҳаёту Илму Қудрат, ҳам Басир, Самъ,
Иродат Калому Таквиндир, эй шамъ.* (Сўфи Оллоёр).

СИҚО *سقا* [a] – ишончли ровий (к.: Ровий).

СИҒИНИШ *سيفينيش* [ўзб.] – диний истилоҳ сифатида Аллоҳ, Пайғамбар, авлиё, пири муршид ва мукаддас жойлар (масалан, Каъба)дан руҳий қувват, мадад олиш учун уларга тобеланмок, топинмок, сажда, тавофу зиёрат қилмок ва ҳ.к. Исломда Аллоҳдан бошқага сиғиниш қатъий ман этилади, ширк (к.: Ширк) ҳисобланади.

СКЕПТИК *سكپتيك* (юнон.) – шубҳаланувчи. Илоҳнинг бор-йўқлигига ишониб ета олмайдиган, ақл кучи билан уни тасдиқлаб ёки инкор қила олмайдиган файласуфлар. Бу фалсафий оқим скеп-тизм дейилади.

СОБИР *صابر* [a] – бошга тушадиган барча яхши ва ёмон кунларни Аллоҳдан деювчи, яхши кунларга шукур, ёмон кунларга сабр (к.: Сабр) қилувчи. *Аллоҳу маас собирун* (Аллоҳ сабр қилувчилар билан).

СОБОР [рус.] – насронийларнинг бош идораси томонидан ўтказиладиган регионал кенгаши ёки умуман, жаҳон форуми, симпозиуми, йиғини. Ана шундай диний йиғинлар ўтказишга мўлжаллаб махсус қурилган ҳашаматли бино (Москвадаги Сафия собори каби).

«СОД» ص [a] – сура номи. Ундаги исломий ақидалар ўз аксини топганлигидан ташқари, сура ўзи бошланган «сод» ҳарфи билан номланган.

СОЖИД ساجد [a] – сажда килувчи, намоз ўқувчи, тақводор киши.

СОИМ صائم [a] – рўза тутувчи.

СОЛИБ صلب [a] – насроний динидагилар бўйнига осиб юрадиган шакл, бут, крест. (қ.: Хоч)

СОЛИК سالک (кўпл. سالکين) [a] – сўфийлик йўлига, масалан, тариқатга (қ.: Тариқат) кирган киши.

СОЛИҲ صالح [a] – салоҳ, салоҳият сўзлари билан ўзакдон бўлиб, яхши, яхшилик, доно, донолик, эзгу, эзгулик, ақлли, ақллилик, салоҳиятли, иқтидор каби маъноларда қўлланилади. Солиҳ одам – ислом ақидаларини юксак даражада ижро этувчи, эзгулик ва яхшиликни ўзида мужассам этган тақводор шахс.

СУБҲА سبحة [a] – тасбеҳ ўқиладиган дуони санаш учун ипга тизиладиган 99 дона мунчок (қ.: Тасбеҳ).

СУБҲОНАЛЛОҲ سبحان الله [a] – Худо пок, бенуксон, беайб (қ.: Субҳон).

СУБҲОН سبحان [a] – тоза, пок, нури, ёруғ, мусаффо, бенуксон, Аллоҳнинг сифати (қ.: Субҳоналлоҳ).

СУЖУД سجود [a] – ҳар рақъатда «Субҳана рабби ал-аъло» деб уч марта пешонани жойнамозга теккизмоқ (қ.: Сажжда).

СУКР سكر [a] – сўфийларда вақти-вақти билан юз берадиган илоҳий илҳом (қ.: Жазба).

СУКУТ سكوت – арабча «саката» феълидан ясалган бўлиб, гапирмаслик, товуш чиқармаслик, индамаслик, жим турмоқ; намозда имом қироат қилганда, муқтадийларнинг сукут сақлаб туриши; ё рақъатлар охирида дуодан олдин ёки кейин бироз жим туриб қолмоқ ва шу кабилар.

СУЛТОН УЛ-ОРИФИН سلطان الأرفين [a] – орифлар (қ.: Ориф) султони, сўфийлар билимдони.

СУЛУК سلوك (кўпл. سلوكات) [a] – сўфийлик мактаби, бир ғоя атрофида, чунончи, Аллоҳга яқинлашиш мақсадида бирлашган, жамлашган, солиқлар (қ.: Солик), жамоаси – сулукот.

СУЛУКОТ سلوكات [a] – тариқат йўлига кирган сўфий ёки солиқларнинг махсус дастур ва низомга эга бўлган маънавий ва шифоқуварий ташкилоти, «жамияти» (қ.: Сулук).

СУММУЛ ЯДАЙНИ اسم اليدين [a] – Намозда кўл боғламок. Такбири тахримадан кейин («Аллоху акбар» дейилгач) ўнг кўлни чап кўл устида (киндикда), аёл киши кўкрак устида ушлаб турмок.

СУНАН سنن [a] – фикхий ҳукми қамраган ҳадислар тўплами, китоб, масалан, «Сунани Термизий».

СУННАТ ТҶҲҲИ سنت توى [a+ўзб.] – болани хатна қилиш муносабати билан ўтказиладиган тўй, маросим (қ.: Хатна).

СУННАТ سنت – арабча санна феълнинг «қонун-қоида жорий этди» маъноси билан ҳосил қилинган бўлиб, қонун-қоида, йўл маъноларини англатади. Ўзбек тилида ҳам Муҳаммад пайғамбар келтирган, амал қилган, аҳком ва арконлар, ҳадисларида баён этилган ҳулосалар, диний-ақидавий йўл – таълимот маъносида қўлланилади.

СУРА سورة [a] – тизма, қатор; сўзлар, гаплар тизмаси. Сура қуръоний термин. Сурани шартли равишда бобга таққослаш мумкин. Қуръон 114 сурадан иборат. Суралар узун-қисқалиги билан фарқланади. Энг узун сура «Бақара» – 286 оят, энг қисқаси – 3 оят («Кавсар» сураси). Ҳар бир суранинг махсус, муайян сабаб билан қўйилган номи (атамаси) бор. Масалан, 1- суранинг номи «Фотиҳа», 2- «Бақара», 4- «Нисо», 6- «Анъом», 8- «Анфол» ва ш.к. Қуръони карим сураи «Фотиҳа» билан бошланиб, сураи «Нос» билан тугайди.

СУРАТ УЛ-МАДИНИЯ سورة المدينة [a] – Муҳаммад пайғамбарнинг мадиналик даврларида (мил. 622–632 йилларда), яъни Мадинада нозил бўлган суралар ёки Мадина суралари.

СУРАТ УЛ-МАККИЯ سورة المكية [a] – Макка суралари; Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадалик даврларида (милодий 622 йил 16 июлгача), яъни Маккада нозил бўлган суралар.

СУТРА ستره [a] – беркитиш, ёпиш, тўсиқ; намоз олдидан ўтиш зарурияти туғилганда, намоз олдида ташланадиган бир газ чама-сидаги ёғоч.

СУҚ سوق [ўзб.] – қ.: Кинна.

СУҚ ТУМОР سوق طومار [a.+ўзб.] – қ.: Кўз тумор.

СУХУФ صحوف (а. саҳифа сўзининг кўплиги) – Қуръонм каримнинг дастлаб тўпланган илк кўлёмзмаси Муҳаммад с.а.в. вафотидан бир йил кейин – 633 йилда халифа Абу Бакр Муҳаммад с.а.в. тарғиботларини ёдда сақлаган кишилардан ва хилма-хил ёзувлардан йиғиб тўплашни, охириги даврларда унга котиб бўлиб хизмат қилган Зайд ибн Собитга топширган. Тайёрланган кўлёмза Сухуф деган ном олган. У сақланиб қолмаган. Кейинчалик 651 йилда мукаммалроқ тўплам Мухсаф ёзилгандан кейин халифалар фармони билан йўқотилган. Илк ислом тарихига доир манбаларда Сухуфда 110 та (кейинчалик қонунлаштирилган Қуръони карим матнларида 114 та) сура бўлганлиги кўрсатилган (Сухуф изоҳи «Ислом. Справочник»дан олинди. Б.249).

СЎРОҚ سوراق [ўзб.] – дунёвий сўроқ маъносидан ташқари, қабрда мункар-накр (қ.: Мункар-накр) билан бўладиган сўроқ-жавоб, қиёмат сўроғи, ҳисоб китоби.

СЎРОҚЧИ سوراقچى [ўзб.] – қ.: Пурсанда ёки Мункар-накр.

СЎФИЙ صوفى (кўпл. сўфиюн صوفيون) [ф+а] – муаззин, (қ.: Муаззин) намозхон, тақводор, (қ.: Тақво) тоза, пок маъноларини англатишдан ташқари, дунё нозу неъматлари, молу мулки, айшу ишратларидан узоқлашиб, покланиб, комиллик касб этиш, Аллоҳ васлига восил бўлиш мақсадида сўфийлик йўлига – сулуқотга кирган солиқ (қ.: «Сўфий сўзи тарихидан»).

СЎФИЙЛИК (сўфизм) صوفىلىك [а+ўзб.] – VIII–IX асрларда, Ислом дини асосида (заминида) пайдо бўлган ва XI–XII асрларда шаклланган, махсус дастур, низом ва мақоматларига эга бўлган фалсафий таълимот.

ت-ط

ТАБАРРО تبرا [а] – Аллоҳнинг душманидан, шайтони малъундан қочиш, барча ношаръий-ғуноҳ йўллардан четлашиш, юз ўгириш, ўзни олиб қочиш, нафратланиш.

ТАВАЖЖУХ توجه [а] – диққатни тўшлаб, зеҳни бир томонга йўналтирмақ, Аллоҳга тўлиқ тобеланмоқ, юз тутмоқ. Шайхлар бирор илоҳий сир ёки мўжизадан хабардор бўлмоқ учун у билан боғланиш мақсадида бутун диққатини ўша нарсага, масалан, буюк зотнинг руҳига қаратади, йўналтиради.

ТАВАККАЛТУ АЛ-АЛЛОҲ توكلت على الله (таваккали Худо) [а] – ўзни Аллоҳга, унинг паноҳига топширмақ (қ.: Таваккул).

ТАВАККУЛ **توكل** [a] – барча яхши-ёмон ҳодисалар, ишларни Худодан деб билиш; барча ҳолларда Аллоҳга суяниш, ўзни ҳам Худога топшириб қўйиш. Барча воқеликлар, яхши-ёмон қунилар Аллоҳ иродаси билан юз беришига иймон келтириш. Умуман айтганда, инсон қаерда бўлмасин, Аллоҳ нигоҳида эканлигини эътироф этмок.

ТАВАЛЛО **تولى** [a] – Аллоҳни дўст туғиш, унга ёлвориш, умид қилиш, нажот кутиш.

ТАВАҚҚУФ **توقف** [a] – тўхташ, тиниш, сабр қилиш, тек туриш, жим туриш; ибодатда иродани товлаш, синовдан ўтказиш, узок сукут сақлаб аллоҳни ёд этиш.

ТАВБА ВА ИСТИҒФОР НАМОЗИ **توبه و استغفار نمازی** [a] – гуноҳ қилиб, пушаймон бўлганда тавба қилиб, авф сўраб ўқиладиган икки рақъатлик нафл намози. Бир ҳаёт тарзини тарк этиб, инкинчисига: илоҳий эзгулик, тоат ибодатга, хайрли ишларга ўтишга аҳд қилмок, бел боғламок.

ТАВБА **توبه** [a] – қайтиш, яъни олий ахлоқий сифатларга қайтиш, тариқатга кирган солиқ Худога етишиш йўлига ғов бўладиган жамиики нарсалардан қайтишга касамёд этади, аввалги ҳаёт тарзидан бутунлай воз кечади. Тавба – куфрдан қайтиш, шариат ман этган ёмон ишлардан қайтиш; тавбанинг моҳияти – ўз нуқсонларини кўра билиш, кабиҳ ишлар, кабиҳ феъл-атвор ва фикрдан қайтиш, қилинган гуноҳларга иқрор бўлиш ва уни такрорламаслик.

«ТАВБА» **التوبه** [a] – сура номи. Қуръони каримда «Табук» жангига отланишдан айрим гуруҳлар ҳар хил баҳоналар билан бош тортиб, кейин тавба қилганликлари ва Аллоҳ уларнинг тавбаларини қабул қилганлиги ҳақида хабар берилганлиги учун суранинг номи «Тавба» (9-сура) деб аталган. «Тавба» сураси Бисмиллоҳсиз бошланган.

ТАВБОБ (ал-Таввоб **التواب**) [a] – тавбаларни қабул қилувчи, гуноҳларни кечирувчи зот. Аллоҳ исми сифатларидан бири.

ТАВОЗУЪ **تواضع** [a] – адаблилик, ўзни паст тутиш, факирлик; намозда ўзни Аллоҳга бутунлай тобе, таслим, паст, факир тутмок (қ.: «Намозда Тавозуъ ва Ҳушуъ»).

ТАВОФ НАМОЗИ **طواف نمازی** [a+ф] – буюклар қабрига (мақбарасига) борганларида, чунончи, ҳожилар томонидан «Мақоми Иброҳим»да туриб ўқиладиган икки рақъатлик намоз.

ТАВОФ طواف [a] – муқаддас, табаррук деб ҳисобланган нарсалар (масалан, Каъба, Қуръони карим, ота-она) ёки бирор жойни бориб кўриш, айланиш, юзга кўзга суриш (қ.: Зиёрат).

ТАВРОТ [юнон. – китоб] – Мусо пайғамбарга туширилган сивий муқаддас китоб.

ТАВФИҚ توفيق [a] – Аллоҳ йўлига иймонга киришлик, шарият аҳком ва арконларига амал қилишлик, инсоф, диёнат, иймон-эътиқод, тақводорлик.

ТАВФИҚЛИ توفيقلى [a.+ўзб.] – Аллоҳ йўлига кирган, инсофли, иймон-эътиқодли киши (қ.: Тавфиқ).

ТАВҚ УЛ-ЛАЪНАТ طوق اللعنت [a] – Тавқ – бўйинга боғланадиган боғ, айлана ҳалқа, айбдорнинг бўйнига солинадиган ҳалқадир, дор ҳалқаси, оёқ-қўлга кийдириладиган тақасимон занжир. *Айнин айлагил бўйнимга тавқ* (Алишер Навоий) бунда айнан тавққа ўхшатишган. Лаънат [a] – кучли нафрат, демак *тавқ ул-лаънат* диний мажозий маънода лаънат, нафрат ҳалқаси, дин-иймон, Аллоҳ душмани бўлмиш шайтонга кийдирилган илоҳий жазо воситасидир. Тавқ ул-лаънат азалдан Туби дарахтига осилганлиги, фаришталардан қачондир қайси бирининг бўйнига осилиши муқаррарлиги, бу ҳақда «Лавҳ ул-маҳфуз»да ёзиб қўйилганлигидан фаришталар ҳам хабардор эдилар (қ.: Шайтон).

ТАВҲИД КАЛИМАСИ توحيد كلمسى [a] – Аллоҳнинг бирлигини, Муҳаммад Аллоҳнинг расули ва кули (Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расуллulloҳ) эканлигини тасдиқловчи муқаддас жумла.

ТАВҲИД توحيد [a] – сўфийликда Аллоҳни битта (якка) деб билиш, ёлғизлигига ишониш; Аллоҳга етишиш учун риёзат чекиш. Киши руҳининг илоҳ, илоҳий руҳ билан қўшилиб, бирлашиб кетиши (сўфийликнинг бешинчи даври). Бир (Воҳид) ҳамма сонларда бўлганлиги учун ҳамма сонлар (маҳлукот) ҳам бир (холик)сиз яшай олмайди.

ТАЖВИД تجويد [a] – Қуръон кироатини, яъни илоҳий ибораларни тўғри ўқиш, талаффуз қилиш ҳақидаги қонун-қоидаларни ўргатувчи таълимот, қўлланма. Тажвид ўргатувчи мулла *тажвид-хон* дейилади.

ТАЖҲИЗ УЛ-АМВОТ تجهز الاموات [a] – ўлим жиҳозлари. Марҳумни ювиш, кафанлаш, охириги сафарга кузатиш, дафн этиш кабилар учун керак бўладиган ашё ва анжомлар.

ГАЗАРРУЪ *تضرع* [a] – ялиниш, ёлвориш. Ибодатда Аллоҳга тибелланиш, ундан мадад ва тавфиқ сўраш.

ТАЙЙИБОТ *طيبات* [a] – покизалик, софлик; намозхоннинг ҳам охиран (тани, либоси), ҳам ботинан (қалби, рухи) тозалиги.

ТАКБИР *تكبير* [a] – кабура феълидан: улуғлаш, эъозлаш, шиктов, «Аллоҳу акбар» демок.

ТАКБИРАТИ ИЙДАЙН *تكبيرات عيدين* [a] – Ийд намозлари (курбон ва рамазон намозлари)нинг ракъатларида уч мартадан такбир айтмоқ: 1-ракъатда санодан кейин, 2-ракъатнинг охирида (к.: Такбири завоид).

ТАКБИРИ ЗАВОИД *تكبير زوايد* [a] – ийд намозларида биринчи ракъатда санодан кейин уч марта, иккинчи ракъатнинг охирида ҳам «Аллоҳу акбар!» демок.

ТАКБИРИ ТАШРИҚ *تكبير تشریق* [a] – Ийди курбон арафа кунлари (уч кун)да беш вақт намоздан сўнг намози бомдоддан бошлаб, арифанинг учинчи куни, намози асргача ҳар бир намоз фарзини ўқиб салом бергандан сўнг, такбири ташриқ айтмоқ, яъни *Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Ла шлаҳа иллаллаҳу Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамд* демок.

ТАКБИРИ ТАҲРИМА *تكبير تحريمه* [a] – намозда Худодан бошқил ҳамма нарсани унутиб «Аллоҳ улуғ, буюк! деб икки қўлни кўтариб кулоқнинг юмшоқ жойига тегизмоқ, сўнгра тушириб қовуштирмоқ, чап ҳўл устига ўнг қўлни қўймоқ (қўл боғлаш).

ТАКБИРОТИ ИНТИҚОЛОТ *تكبيرات انتقالات* [a] – интиқол – кўчиш, айланиш, ўтиш; рукуъ ва саждага борганда, Аллоҳу акбар деганда гавда ҳаракатининг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга кўчиши, ўтиши.

ТАКВИН ЁКИ ТАМКИН *تكوين ياكى تمكين* [a] – Аллоҳнинг субутий сифатларидан. Таквин Аллоҳга хос оғирлик, чидам, сабрбардош, савлат, ҳайбат, барқарорлик ва буюкликдир. Аллоҳ инсонни яратиб, пайғамбарлар юбориб китоблар тушуриши, халойиқни хидоятга бошлашига қарамай, қилган гуноҳлари учун уларни жазолашга шошилмайдиган, тавбага, покланишга имкон берувчи, сабрли, кечирувчи олий зот ҳамдир.

«ТАКВИР» *التكوير* [a] – сураси қиёмат кунида бутун ер юзини ёритиб ва иситиб турадиган қуёш ҳам ўралиб, нурсизланиб қолиши хусусидаги оят билан бошланганлиги сабабли «Таквир» (ўралиш, букилиш, нурсизланиш) деб номланган.

ТАКЪЯ تَكِيه [a] – 1) ёстук, такъяи харатош, қаттиқ ёстук; 2) дарвишларнинг махсус турар жойи, такъягоҳи, ибодатхонаси (такъягоҳ, ибодатгоҳ). Такъя атамаси аслида араб тилида таййиат, такийя шаклларига эга бўлиб, мусофирхона, махсус турар жой, умумий ётокхона тушунчасини англатган. Ўзбек тилида шу маънолар билан боғлиқ ибодатхона, ибодатгоҳ маъноси пайдо бўлган. Такъя (Такийя) Хоразм шеvasида тўғридан-тўғри «тека» деб талаффуз қилинади. Ангор туманидаги «Такъя ато» (қишлоқ номи) шу тушунчалар билан боғлиқ.

ТАКЪЯГОҲ تَكِيه گاه [a+ф] – қ.: Такяхона

ТАЛБИЯ تَلْبِيه [a] – Каъба зиёратига борган ҳожилар томонидан ижро этиладиган дуо ва илтижо, ҳамду сано, яъни «Лаббайка-л-лохумма лаббайка, лаббайка ла шарика лака лаббайка инна-л-ҳамда, ван-неъмата лака вал-мулка ла шарийка лака». (қ.: Лаббайка).

ТАЛМУД تلمود – 3-5 асрлардаёқ яратилган дастлаб иудизм таълимотини ақс эттирган, кейинроқ кўпгина халқларнинг диний урф-одатлари ҳам баён этилган қонун китобдир. Исломда ҳам машхур талмудхонлар етишган.

ТАЛОҚ طلاق [a] – талақа феълининг «озод бўлди» маъноси билан боғлиқ ясалган бўлиб, никоҳни бекор қилиш, ажратиш, тушунчасини англатади. Эрнинг хотинини талоқ дейиши «Мен сени қўйдим, энди биз эр-хотин эмасмиз, мутлақ (мутлақ талоқ сўзи билан ўзакдош) ажралдик демақдир. *Сиддиқжон Шарофатга: эскичасига талоқсан, янгичасига қўйдим» деди* (А.Қаҳҳор). Исломияда бир талоқ, икки талоқ, уч талоқ фаркли бўлиб, бу ҳақда шаръий ҳукмлар мавжуд.

«ТАЛОҚ» الطلاق [a] – сура номи. Унда сўз, асосан, оилавий аҳволга тааллуқли шариат ҳукмларидан талоқ ва унинг қонун-қоидалари ҳақида боради. Шунинг учун у «Талоқ» (қўймоқ, ажралмоқ, озод қилмоқ) деб номланган.

ТАЛОҚНОМА طلاقنامه [a+ф] – талоқ қилинганлик ҳақидаги хужжат (қ.: Талоқ).

ТАЛОҚХАТ طلاق خط [a] – эр-хотиннинг ажралганлиги ҳақидаги маҳкама ёки идора томонидан берилган юридик хужжат – талоқнома.

ТАНМАҲРАМ تَن مَحْرَم [ф+a] – никоҳланган, шу туфайли танини бир-бирига бағишлаган, бир ёстиққа бош қўйган эр-хотинлар.

Шу сабаб никоҳда келин ва куёвда бир-бирларингизни тан маҳрамликка қабул қилдингизми деб сўралади.

ТАНОСУХ [ҳинд.] – жоннинг мавжудлиги, ўлмаслиги, одам шифотидан кейин ҳам бир тана (жисм)дан бошқа бир танага кўчиб ўтиб яшаши ҳақидаги таълимот.

ТАРВИҲА **ترويحہ** [a] – қ.: Таровиҳ.

ТАРЖИЪ **ترجع** [a] – Куръони каримни соддалаштириб, оҳанг билан ўқиш. Азонда шаҳодат калимасини такрорлаш орқали ҳам овозни уйғунлаштирмақ, кучайтирмақ, азоннинг мазмун-моҳиятини, таъсирчанлигини бўрттирмақ ва ш.к.

ТАРИҚАТ **طريقت** [a] – йўл, усул, маслак, сўфийлик йўли; сўфийликнинг ўз дастур низом ва макомларига эга бўлган иккинчи босқичи, мактаби.

ТАРКИДУНЁ **ترک دنيا** [a] – дунё ишларидан, нозу неъматларидан воз кечмоқ, тоат-ибодат билан узлатда, хилватнишинликда умр ўтказмоқ.

ТАРКИДУНЁЧИ **ترک دنياچى** [a+ўзб.] – дунёдан воз кечиб, умрини узлат (қ. Узлат)да, ўтказувчи, зоҳид, дарвиш.

ТАРОВИҲ **تراويح** [a] – рўза ойи (Ийд ал-фитр)да ҳар куни оғиз очилган (шом намозидан) кейин ўқиладиган 20 ракъатлик жамоа намози. Таровиҳ (қўпл. тарвиҳат **تراويحات**) сўзининг маъноси ором олиш, роҳатланмоқ, дам олмоқ бўлиб, 20 ракъатлик намознинг ҳар тўрт ракъати алоҳида-алоҳида тўхтаб, дам олиб ўқилади. Мана шу тўхтамлар билан ўқиладиган намоз қисмларига тарвиҳа номи берилган.

ТАРСО **ترسا** [a] – мусулмон эмас, насроний, исовий, Исо динидаги шахс.

ТАРТИБ **ترتيب** [a] – Намоз қисм рукнларини ўз ўрнига қўйиб, изчил ўқиш.

ТАРТИЛ **ترتيل** [a] – куй, қироат. Куръон оятларини тажвид қоидаларига риоя қилган ҳолда овозга зеб бериб, куй билан ўқи-моқ. «Авзид алайна ва раттил қуръана тартила» (Куръон оятларини ўз ўрнига қўйиб ўқинглар). «Аззайян ал-Қуръона би асватикум» (Куръонни ҳар ким ўз овозига зеб бериб ўқисин) ҳадис ва оятларида ҳам юқоридаги талаблар акс этган.

ТАСАВВУФ **تصوف** [a] – покланиш, комиллик ҳақидаги диний-фалсафий илм, фан, таълимот (қ.: Сўфийлик). Тасаввуф босқичдан иборат: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат. Мана шу босқичларни

босиб ўтган солик ёки сўфий Аллоҳ васлига восил бўлиши айтилади.

ТАСБИҲ НАМОЗИ تسبیح نمازی [a] – исталган вақтда ўқиладиган тўрт рақъатли намоз бўлиб, ҳар рақъат ичида («Фотиҳа» сураси билан бирга) «Тамжид» (тасбех) 75 марта ўқилади (қ.: Расулulloҳнинг 55 тавсиялари ва ўн насихатлари. Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. Б.9).

ТАСБИҲ تسبیح [a] – «Сабаҳа» феълининг «мақтади» маъноси билан боғлиқ ясалган бўлиб, Аллоҳни мадҳ этмоқдир. Тасбиҳ, Субҳ, Сабоҳ, Субҳон, Субуҳий сўзларининг ўзаги ҳам субҳдир. Аллоҳга Субҳон сифатининг берилишида ҳам тонгнинг, ҳаётнинг, ёруғликнинг бошланиши; тонгнинг пок, тоза, бокира, бенуқсонлиги асос бўлган. Сўнгра Аллоҳнинг 99 гўзал исми (ал-Асмаи ал-хусна) орқали мадҳ этувчи 99 мунчок донадай тизилган рамзий ҳалқа ҳам *тасбиҳ* дейилади.

ТАСБИҲИ РУКУЪ تسبیح ركوع [a] – рукуъда уч марта «Субҳана рабби ал-аъзим» (Аллоҳим, Сен пок ва буюксан) демоқ (қ.: Рукуъ тасбиҳи).

ТАСВИБ تثویب [a. – савоб, хайрли, яхши] – бомдод азонининг охирида «Ассолату хойрум минан навм» (Намоз уйкудан афзал, хайрли) деб айтиладиган нидо калимаси.

ТАСМИЪ تسمیع [a] – намозда рукуъдан қайтганда, “Самеъ-лаҳу лиман ҳамида” (ҳамма нарсани эшитувчи Аллоҳсан!) демоқ.

ТАСМИЯ تسمیه [a] – от ёки ном қўймоқ, аташ; тасмия қилмоқ, номламоқ. Шунингдек, Бисмиллаҳир Роҳманир Раҳимнинг – Бас-мала (қ.: Басмала)нинг қисқа ва рамзий истилоҳи.

ТАФСИР تفسیر [a] – шарҳ, изоҳ, тушунтириш, тавсиф, талқин; Умуман, тушунилиши қийин бўлган бирор илмий муаммони, чунончи, Қуръон матнларини, пайғамбар ҳадисларини, шунингдек, бошқа илмий-диний манбаъларни ҳам, изоҳлаш, таъвил қилиш (қ.: Таъвил) зоҳирий, ботиний маъноларини очиб бериш. Биргина «Қуръон» матни изоҳига бағишланган ўнлаб «тафсир»лар (китоблар) ёзилган.

ТАХРИЖ تخریج [a] – бирор ҳадисни ёки бирор китобда келтирилган ҳадисларни манбалардан топиш, уларни турли жиҳатан тадқиқ ва таҳрир қилиш.

ТАШАҲХУД تشهید [a] – манбаларда ташаҳхудга доир бир-биридан фарқланувчи таърифлар мавжуд: 1) ташаҳхуд – ҳар икки

рақъат оралиғида Аллоҳга айтиладиган ҳамду сано, пайғамбарга айтиладиган салават ва дурудлар; 2) намозда ўқиладиган шаҳодат салимасининг қискартирилган (рамзий атамаси); 3) ташаҳхуд тушунчаси аслида калимаи шаҳодат (*шаҳада*, яъни гувоҳлик бермок феълидан)ни англатса-да, диний-таълимий китобларда «Ат-таҳийят»ни ҳам ўз ичига олиши кўрсатилади. Шу нуқтаи назардан ташаҳхуд ҳар қаъдада «Аттаҳийят...»ни то «...Абдуху ва расу-духу»гача ўқимокдир.

ТАЪАВВУЗ *تعوذ* [a] – «Аузу биллаҳи минаш шайтонир ро-жийм» (Шайтон шаръидан кочиб, Сенинг ҳузурингга бораман. Сен (Аллоҳ)га интиламан) иборасининг рамзий, қискартма атамаси.

ТАЪБИР *تعبير* [a] – тупда, ёки реал ҳаётда юз берган, юз бе-ридиган воқеа-ҳодисаларнинг сир-асрорларини баён қилиш, ечиш, изохлаб бериш, таъбир қилиш. Мана шу жараён билан боғлиқ маш-хур таъбирчилар фолбинлар, авлиёлар етишиб чикқан; Таъбир-нома, Тақдирнома, Фолнома, Тольёнома каби китоблар яратилган.

ТАЪВИЗ *تعويض* [a] – кўз тегиш ва бошқа бадбинликларни, ёмонликларни қайтариш, ундан сақлаш учун дуо ёзилган тумор (к.: Тумор).

ТАЪВИЛ *تعويل* [a] – қ.: Тафсир.

ТАЪДИЛИ АРКОН *تعديل ارکان* [a] – намоздаги ҳар бир ҳаракатни – рукнларни меъёрида адо этмок.

ТАЪЗИМ *تعظيم* [a] – улуғлаш, хурматлаш; буюклар, ота-оналар, устозлар ва уларнинг руҳи олдида бош эгиш, тавозе кўрсатиш.

ТАЪЗИЯ *تعزية* [a] – аза, ўлим, мотам, ғам, қайғу, мусибат.

ТАЪЗИЯ БИЛДИРМОҚ *تعزية بيلديرماق* [a+ўзб.] – диний-дунё-вий удум бўлиб, мусибатга учраган хонадон аҳлига «Қайғунгизга кўшиламиз, шерикмиз, қайғудошмиз» бизнинг ҳам қайғу ғамимизи қабул қилинг иборалари билан эмас, «ўлим Аллоҳнинг ирода-си», «ўлим барҳақ», «ўлим ҳамманинг бошида бор», «ўлмай одам қолмайди», «Пайғамбар ҳам ўтдилар», «Иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи рожиун» (ҳамамиз Аллоҳники эдик ва Аллоҳга қайтамиз), – «Бардам бўлинг» каби азадорни тинчлантирувчи, унга далда берув-чи исломий ифодалар билан изҳор этмок.

ТАЪЗИЯДОР *تعزية دار* [a+ ф] – азадор, мотамзада, мотамли, азали, ғамли, қайғули.

ТАЪМИН *تأمين* [a] – сураи «Фотиҳа»дан кейин Муқтадий (қ.: Муқтадий)ларнинг: «Амин» (қ.: «Амийн») демоғи.

ТАЪХИР تأخير [a] – намозни бирор муносабат ёки сабаб билан кечиктириб ўқимок. Масалан, пешинни жазирамада (Арабистон шароитида) ўқиш қийин бўлганлигидан, Муҳаммад пайғамбар ҳазрати Билолга: Намозни кечиктириб ўқинглар, деганлар ёки хуфтонни кечанинг ярмигача бир ривоятда тонггача ўқиш мумкинлиги. Куёш чиқаётган, кўринган ёки ботаётган пайтда ҳам намоз ўқилмайди – таъхир қилинади, кечиктирилади.

ТАЯММУМ تيمم [a] – сувсиз жойларда қум ёки тупроқ билан таҳорат қилмоқ.

ТАҚВО تقوى [a] – ҳаром, нопок луқмадан, ёмон сўзлардан, гуноҳ ишлардан ўзини тиймоқ, сақламоқ, парҳез қилмоқ.

ТАҚВОДОР تقوى دار [a.+ф.] – ҳаром, нопок, меҳнатсиз топилган таом, мол-дунёдан ёки ноқонуний – ношаръий ҳаракатлардан ўзини сақловчи, парҳез қилувчи (қ.: Тақво).

ТАҚДИР تقدير [a] – қадр, қадар, қудрат сўзлари билан ўзакдош бўлиб, ҳар бир инсоннинг дунё ва охиратда кўриши, бошидан кечирishi, эришиши, муқаррар бўлган бахт-саодати ёки бахтсизлиги акс этган илоҳий чизгилар: толеномаси, номаи аъмоли (қ.:Номаи аъмол).*

ТАҚСИР تقصير [a] – аслида мажбур қилди, бўйсиндирди маъносини англатувчи қасара (قصر) феълининг буйруқ берувчи маъносини англатади. Ўзбек илида эса уламоларга, катталарга, амалдорларга нисбатан ҳурмат юзасидан айтиладиган мурожаат воситаси.

«ТАҒОБУН» الثغابن [a] – сура номи. Унда бу дунёда мўъминларни алдаб, ҳар хил йўл билан диндан чалғитиб юрадиган кофирларнинг жойлари дўзахда эканлиги баён этилганлиги учун суранинг номи Тағобун (бир-бирларини алдаш, чалғитиш) деб аталган.

ТАҲАЖЖУД تهجد [a] – бу намоз ҳақида манбаларда қуйидагича фикрлар мавжуд: таҳажжуд – ярим кечагача (кечаси) ўқиладиган икки ракъатлик нафл намози; таҳажжуд – ярим кечадан кейин, тонг отгунга қадар олти ракъатгача ўқиладиган намоз; таҳажжуд – муҳаррам ойида ўқиладиган тунги намоз. Бу ўн бир ракъат бўлиб, икки-икки ракъатдан, охиргиси витр (ток) ўқилади.

ТАҲАННУС تحنوس [a] – таҳаннус ибодати; оғир бир вазият ёки мушкулотни баргараф этиш, оғир қайғу ғамдан қутилиш, ёруғ кунларга етишмоқ мақсадида жамиятдан четлашиб, Аллоҳга илтижо, нажот ибодати қилмоқ. Муҳаммад а.с. бошланишда қаттиқ

* Қаранг: Омонтурдиев Ж. Азал битиги // Тафаккур. 2001, 1-сон. Б.124-125.

иғтиробга учраб, ана шу мақсадда уйдан кетиб ёлғиз Ҳиро ғорида яшаганлар ва таҳаннус ибодати билан шуғуланганлар.

ТАҲАРРИЙ تحرى [a] – бирор нарсада иккиланиб турган одамнинг бир қарорга келиши, намоз ўқимоқчи бўлиб турган қиблани қайси томонда эканлигини билмаса, кўнгил ихтиёр этган томонга юзланиши.

ТАҲВИЛИ ҚИБЛА تحول قبله [a] – таҳвил – кўчириш, ўзгартириш; таҳвили қибла – қиблани ўзгартириш. Ҳижратнинг 2- йили, шаъбоннинг 15- куни «Фавалли важҳақа шатрал масжидил ҳарам» («Озингни Ҳарам масжидига қарат») ояти орқали мусулмонлар бийг ул-муқаддасдан ўгирилиб, Каъбага юзланганлар. Каъба қибла бўлиб қарор топган (к.: «Қибла тарихи»).

ТАҲИЙЯТ УЛ-МАСЖИД تحيت المسجد [a] – Масжид ва бошқа муқаддас жойларга борганда икки ракъат таҳийят ул-масжид (масжид ҳаки, дуои салом) намозини ўқимоқ.

ТАҲИЙЯТ تحيت (кўпл. таҳийёт (تحيات) [a] – Салом, танишиш, дуо, табриклашиш, мақтов (к.: Аттахийят).

ТАҲЛИЛ تحليل [a] – парчалаш, майдалаш, ҳал қилмоқ, ечмоқ маъноларини англатса-да, у таҳоратда одам аъзоларини, чунончи, кўл-оёқ ва панжалари орасини ювмоқ, намоз рукнларини таҳлил қилиб ўқимоқ ёки қабр устига тўкиладиган сангча (тош)ларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида дуои оятлар ўқиб дам солиб чикмоқ.

ТАҲЛИЛИЯ تحليه [a] – дилни поклаш, тозолаш, яхши ахлоқ тангалаш.

ТАҲМИД تحميد [a] – Аллоҳга ҳамду сано айтмоқ, Уни мадҳ этмоқ, «Алҳамдулиллаҳи роббил аъламин» рукуъга борганда, «Раббано, Лакал ҳамд» демоқ.

ТАҲОРАТ УШАТМОҚ طهارت اوشتماق [a+ўзб.] – синмоқ, синдирмоқ, бузилмоқ, бетаҳорат бўлмоқ.

ТАҲОРАТ طهارت [a] – «таҳура» феълининг покиза бўлмоқ маъноси билан боғлиқ ясалган от бўлиб, ибодатдан олдин ювиниб покланмоқ.

ТАҲОРАТИ БАДАН طهارت بدن [a] – намозхон баданини нажаслардан пок, тоза тутмоғи.

ТАҲОРАТИ МАКОН طهارت مكان [a] – намозхон оёқ ва пешонасини кўядиган жойнинг поклиги, тоза бўлмоғи.

ТАҲОРАТИ САВБ طهارت ثوب [a] – намозхон кийим-кечаги ва намоз асбоб-анжомларини пок, тоза тутмоғи.

ТАҲОРАТ СУВ طهارت سو [a.+ўзб.] – ибодат, жумладан, намоз олдидан танни, аъзони поклаш учун ишлатиладиган сув.

ТАҲОРАТХОНА تهارت خانه [a+ф] – таҳорат қилинадиган маҳсул сус жой, ташнов.

ТАҲРИМ تحريم [a] – истеъмол қилинадиган бирор нарса (масалан, овқат маҳсулотларини) ёки бирор ношаръий, нопок ҳатти-ҳаракатнинг ижросини ман этиш, ҳаром қилиш.

«**ТАҲРИМ**» التحريم [a] – сура номи. Луғавий маъноси: «ҳаром қилиб олиш» демақдир. Маълум сабабга кўра, сура Аллоҳнинг Муҳаммад а.с.га танбеҳи сифатида нозил бўлган. (Тўла маълумот учун қ.: Куръони карим, Алоуддин Мансур тарж., 2001. Б.660).

ТАҲТАССАРО تحتسرا [ф.+а.] – энг пастки, қуйи жазо манзили, еттинчи дўзах (қ. Асфаласафилин) ёки Ҳошия дўзахи.

ТЕОЛОГ [юнон. Teos – Худо, logos – илм – билим, сўз] – ҳудошунос, диншунос, илоҳиётшунос.

ТЕОЛОГИЯ [юнон.] – теос – Худо, логос – сўз, таълимот, билим; Худо ҳақидаги таълимот, илоҳиёт.

ТИЛ ЗИКРИ تيل زكري [ўзб.+а] – калима ёки тасбиҳларни тилда жорий айтмоқ, такрорламоқ. Тил зикри дил зикрисиз комил эмас. Иймон – Аллоҳни номини тилда айтиб, дил билан тасдиқламоқ (қ.: Дил зикри).

ТИЛОВАТ تلاوت [a] – Куръони карим оятларини тажвид қоидаларига риоя қилган ҳолда муайян оҳанг ва куй билан ўқимоқ (қ.: Қироат).

ТИЛСИМ تيلسم [a] (кўпл. – тилсимот) муайян дуо кучи билан сеҳрлаб қўймоқ (қ.: Жоду).

ТОАТ طاعت (кўпл. طاعات) [a] – итоат қилиш, бўйсунуниш, тоат-ибодат, диний буйруқларни бажариш.

Қул Хожса Аҳмад, тоат қил,

Билмам умринг неча йил. (Ҳикматдан)

ТОБЕЪИН تابعين [a] – эргашувчилар, бўйсунувчилар; Пайғамбар шариатида бўйсунувчилар, тобеълар. Тобеъинлар аслида итоат қилувчилар бўлсалар-да, истилоҳ маъносида, пайғамбаримизни эмас, саҳобаларни кўриб қолган, уларнинг суҳбатини эшитган, улар тилидан ҳадис ёзиб олган издошлар, шоғирдлардир.

ТОЛЕЪ طالع [a] – бахт, иқбол, қисмат, пешона маъносида. Ҳар бир инсон ҳаётида юз бериши мумкин бўлган яхши ва ёмон воқеаликлар акс этган азалий битик. Толеъ таҳлилига бағишлаб, толеъномалар яратилган (қ.: Толеънома).

ТОЛЕЪНОМА طالعنامه [a+ф] – инсон умри давомида кўриши, кўриши мумкин бўлган ва охират тақдири ҳам акс этган, Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилган воқеликлар баён этилган китоб (қ.: Толъ).

«**ТОРИҚ**» الطارق [a] – сура номи. Унда, умуман, Муҳаммад с.а.в.га туширилган дин, Куръони карим инсониятни охират бахтига, энг тўғри йўлга бошловчи йўлчи юлдуз эканлиги зикр этилган. Суранинг номи бўлмиш «Ториқ» сўзининг «Тунги йўлчи», яъни «Юлдуз» маъносида қўлланиш сабаби ҳам мана шундадир. «Ториқ» сураси халқ тилида «Вас-самаи ват-ториқ» деб ҳам айтилади.

ТОТЕМ – ҳиндулар тилидан олинган бўлиб, унинг уруғи, насли деган маъноларни англатади. Тотемлар инсон муайян ўсимлик, ҳайвон турлари билан азалдан уруғдош, улар инсонга ҳомийлик қилиди деб тушуниш натижасида пайдо бўлган. Ҳозир ҳам туғдона, чинор, анжир каби дарактларга; сигир (Ҳиндистонда), кенгури (Австралияда), бўри (туркий халқларда) каби ҳайвонларга (тотем сифатида) сизиниш, улардан мадад кутиш удуми сақланиб қолган.

ТОТЕМИЗМ – муайян ҳайвон, ўсимлик ёки айрим табиат ҳодисалари инсонга азалдан уруғдош, ҳомий деб қараш билан боғлиқ, уларга сизиниш ва шу асосда шаклланган диний қараш (қ.: Тотем).

ТОШ ҚҶЙМОҚ تاش قويماق [ўзб.] – мрамрдан тайёрланган, ояги карималар ёзилиб марҳумнинг бош томонига қўйиладиган хогира тоши (қ.: Қабртоши).

«**ТОҲА**» طه [a] – сура номи. Бу сура Пайғамбар с.а.в.га илоҳий йўл-йўриқлар кўрсатиш билан ниҳояланади. Бу сура ўзининг илк ояги «Тоҳа» номи билан маъруфдир.

ТОҲИР طاهر [a] – таҳура феълидан ясалган (таҳорат сўзи билан ҳам ўзакдош). Ёки жисман тозаллик (масалан, сув билан ювиниш)дан ташқари, руҳий покланиш, ибодат орқали гуноҳларни ювиш, қалбни мусаффолаш, фаришта сифатлик кашф этиш.

ТУБО, ТУБИ توبى توبى [a] – жаннатдаги у шохидан бу шохига қуш учиб ета олмайдиган, абадий турфа товланиб турадиган гўзал ва зебо дарактнинг номи. Бу ҳолат Алишер Навоийнинг қуйидаги мисраларида ҳам акс этган:

*Қўйинг борида қилмам жаннатга гузар ҳаргиз,
Қаддинг қошида солмам тубига назар ҳаргиз.*

ТУМАЪНИНА تمغينا [a] – рукуъ ва сужудда бир тасбеҳ айтур миқдорича турмоқ, ҳаракат сақламоқ.

ТУМОР طومار [a] – кўз тегмаслик, инс-жинслардан ҳимояланиш узоқ давом этган касалликдан халос бўлиш ёки умуман, бирор омадсизлик, бахтсизликка учрамаслик каби мақсадларда муайян дуо, оятлар асосида ёзиб тайёрланган учбурчак шаклида тахланиб жилдланган, кўлтиқ ёки бўйинга осиб юриладиган нарса.

ТУТАТҚИ توتتقى (ўзб.) – шамоллаш, кинна, суқ кириши, кўзикиш муносабати билан бемор димоғига тутатиладиган нарсалар: исириқ ёки киннаси кирганнинг, кўз, суқ қилганнинг бирор нарсасидан, масалан, кийимидан олиб тутатиш, шу билан фалокатни даф қилиш удуми.

ТЎРА توره (турк.) – саидлар Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда оқсуяк аслзода, хонзода маъноларида тўра дейилган. “Тўра” сўзи кейинчалик мансабдор (бек каби) шахс маъносида қўлланилган.

ТУРБАТ تربت [a] – тураб сўзи билан ўзакдош – ер, тупрок. Мажозий-истилоҳий маънода қабр, улуғлар қабри устига қурилган бино, макбара, мавзолей, зиёратгоҳ жой. *Турбатимда бир дуо айлаб ўтинг* (Атойи).

ТУШ توش [ўзб.] – уйқуда руҳнинг вақтинча танадан чиқиб сайр этиши натижаси ўлароқ миёда акс этадиган ҳаёлий воқелик. Диний манбаларда туш: 1) келмайдиган (нопоклар туши), келибкелмайдиган (аросатдагилар туши), 3) келадиган (пок зотлар туши) тушларга ажратилган. Набийлар туши ваҳий ўрнини босган. Масалан, пайгамбаримизнинг Маккани фатҳ этиш ҳақидаги олдиндан кўрган тушлари: «Лақод содақоллоху расулаҳур рўья билҳақ» (Расулимнинг кўрган туши ҳақиқатдир) ояти (Фатҳ сураси, 27-оят) билан Қуръони каримда тасдиқланган.

ع – ۱

УББОД عباد (а. бирл. обид عابد) обидлар, ибодат килувчилар, диндорлар.

УВАЙС اوىسى [a] – азалдан Аллоҳ инояти инъомига мушарраф бўлган руҳлар, пайғамбар, авлиёлар, пирлар назари тушган, шу сабабли ўқиб-ўқимаёй илмий, диний ёки бирор азизлик даражасига эришганлар (қ.: «Увайсийлик нима»).

УЗЛАТ عزلت [a] – маълум мақсад ва сабаб билан одам ўз ҳолатини, яшаш тарзини ўзгартириши, хилватга чекиниши, тақво

туғиши, шу орқали рухий қувват олиш, покланиш ибодати. Ёки уммат – тарки дунё қилиб охират, Аллоҳ васли учун яшамоқ.

УЛАМО علماء (бирл. олим) [а] – олимлар, билимдонлар; шариат қонунларини, диний билмларни мукаммал биладиган мулла; қозилик маҳкамалари, ўқув юртларига мутасаддилик қилувчи ислом илоҳиётчилари, ҳуқуқшунослари.

УММАТ // **УММАҲОТ** امّت // امهات [а] – ум ам – она (бирл.) сўзи билан ўзақдош бўлиб, аслида кўплик (оналар) маъносида, яъни бир онадан тарқалганлар, қардошлар, биродарлар; уруғлар маъносида қўлланилган бўлса-да, кейин маъно кўчиб кенгайиш, бир тилда (масалан, араб тилида) сўзловчи бир диндаги қавм; бора-бора тилдан, ирқидан, миллатидан қатъий назар, бир пайғамбарга тобе қилинар жамияти ҳам уммат дейилган.

Қани ул Ҳазрати Ҳотам

Уммат учун тутиб мотам

(“Қиссаи Иброҳим Адҳам”дан)

Худо бандам десин, Муҳаммад умматим десин (дуодан) гапларида Худо суйган банда бўлиш учун аввал пайғамбарга муносиб уммат бўлиш кераклиги акс этган. “Уммат” сўзида она ёки оналар тушунчаси йўқолган бўлса-да, унинг излари она – халқ, она – Ватан атамаларида ҳамон сезилиб туради.

УММИЙ امى [а] – онадан ўқиш, ёзиш, таълим-тарбия, ақл-идрокка муҳтожсиз, эҳтиёжсиз туғилганлар. Масалан, Муҳаммад пайғамбар уммий дейилади.

УММУЛ КИТОБ أم الكتاب [а] – китоб(лар) онаси, Аллоҳнинг сўзи акс этган каломуллоҳ, барча самовий китоблардан ҳам афзал, улардан фарқланувчи, яъни «Фурқон» (к.: «Фурқон»).

УМРА عمرة [а] – зиёратчиларнинг эҳромга кириши билан «Аллоҳумма лаббайка умратан» (Аллоҳим, умра ҳажи учун хузурингдаман) талбиясини айтиб Каъбага етиб келиши, уни зиёрат қилиши, икки рақъат тавоф намози ўқиши, Сафо ва Марва оралиғида одимлаши ва ниҳоят, соч олдириб эҳромдан чиқиши. Умра зиёрати исталган вақтда қилиниши мумкин бўлган суннатий амал, кичик ҳаждир.

УНСУР عنصر (кўпл. аносир عناصر) [а] – асос, моддий аслия, элемент (к.: Унсириёт).

УНСИРИЁТ عنصريات [а] – унсурлар: ўт, сув, ҳаво, тупроқ. Инсон ана шу тўрт муқаддас унсурдан яратилган.

УРУЖ عروج [a] – юксалиш, юқори кўтарилиш, инсон руҳининг бокий оламга, Руҳи мутлаққа томон парвози. (қ.: Лайлат ул-мерож)

УСКУТ اُسْكُت ёки **УСКУТУ РАҲИМАҲУМУЛЛОҲ!** [a] – на-мозхонларнинг хатиб хутбасига сукут сақлаб, қулоқ солиб туриши. Хатибнинг хутба ўқишдан олдин жамоатга: «Аллоҳнинг раҳмат ва марҳаматига диққат қилингиз!» ёки «Диққат!» «Жим!», «Жим!» деб киладиган муражаати.

УСТОЗ اُسْتَاذ [ф] – касб-хунар ўргатувчи, илм-маърифат, таълим-тарбия берувчи йўл-йўриқ кўрсатувчи шахс, ота-она, муаллим, мураббий, раҳнамо; тасаввуфий маънода эса устоз ўз шогирдини сўфийлик босқичлари орқали тарбиялаб комилликка – Ҳаққа етакловчи пир, муршиддир.

УСУЛИ ДИН اِصْوَلى دین [a] – «Чор китоб» баёнига кўра: 1) тавҳид, 2) подшоҳлар амри, 3) пайғамбар суннати, 4) имоматлик таълимоти, 5) амри маъруф, 6) наҳи мункар, 7) тавалло (қ.: Тавалло), 8) табарро (қ.: Табарро) мақомларига амал қилиш.

УЧМОҚ اُوچماق (ўзб.) – жаннат, киши руҳи учиб борадиган ва охир оқибатда кўним топадиган илоҳий макон.

УЧУНМОҚ اُوچونماق (ўзб.) – бирор нарсадан ёки тасодифан кўзга кўринган бирор воқеадан кўрқиб, сесканиб авзои бузулмоқ, ҳоли разм бўлмоқ; лабига учук чиқиб, касалланиб қолмоқ. *Бола учунибди, ҳаб суви ичирмоқ керак, – деди кўшни кампир* (Саид Аҳмад).

Ф – ف

ФАЖР НАМОЗИ فجر نمازى [a+ф] – фажр – тонг, тонг сахар, субҳ; тонгда эрталаб, субҳда ўқиладиган тўрт ракъатлик намоз (қ.: Салот ул-субҳ ёки бомдод намози).

«ФАЛАҚ» الفلق [a] – тонг. Бу сурада ҳам иймон аҳлининг ёмонликлардан, зулматдан қочиб, Аллоҳдан фано сўраши, Аллоҳ хузурига, васлига, покликка, яъни тонгга интилиши кераклиги баён этилганлитги учун сура «Фалақ» деб номланган. «Фалақ» ва «Аннос» суралари моҳиятдош бўлганликлари учун «ал-Муаввазатони», яъни икки паноҳ сўровчи сура ёки халқ тилида «Кул аувзу бираббил фалақ» деб ҳам аталади.

ФАЛОКАТ فَلَکَات [a] – одамлар ихтиёридан ташқари, тасодифан, кутилмаганда юз берадиган кўнгилсиз ҳодиса, бахтсизлик, қисмат, кўргулик.

ФАНАТ – қ.: Фанатик.

ФАНАТИЗМ [лот.] – ўтакетган мутаассиблик, жоҳиллик, диний эътиқодларга ёки бирор назарий қарашларга тиш-тирноғи билан ёпишиб олиб, бошқа ҳар қандай қарашларни мутлақо рад қилувчи дунёқараш.

ФАНАТИК [лот. асабийлашган] – ўта кетган мутаассиб, диндор, хурофотга берилиб кетган жоҳил одам; ёки бирор ғояга, нарса ёки ишга бутун вужуди билан берилиб кетган киши.

ФАНО فناء [a] – йўқ бўлиб кетиш, ўлиш, вақтинчалик, бевафо (ёки бу дунё маъноларида қўлланилади). Фано сўзининг сифат шакли фоний ҳам ўткинчи, бевафо, абадийликка юз тутулиши маъносини англатади. Дунёи фоний (фоний дунё) иборасида ҳам шу маънолар мавжуд. *Шайхурраис фанодин бақога риҳлат этди* (Ибн Сино) эвфемик гапи бу дунёдан (дунёи фонийдан ёки дорулфанодин) у дунёга (дунёи боқийга ёки дорилбақога) кетди гапига синоним сифатида қўлланилган.

ФАРЗ فرض [a] – бажарилиши, ижроси шарт, муқаррар қилиб қўйилган диний амаллар – намоз, рўза каби шаръий аҳком ва арқонлар, Аллюҳ амри.

ФАРЗИ АЪЙН فرض عين [a] – ҳар бир кишгининг ўзигина бажариши шарт, муқаррар бўлган фарзлар: иймон келтирмоқ, намоз, рўза, закот, ҳаж амалларини ижро қилмоқ ва б.

ФАРЗИ ДОХИЛИЙ فرض داخلي [a] – намоздаги, намоз ичидаги фарзлар.

ФАРЗИ ИТТИФОҚИЙ فرض اتفاقي [a] – ҳамма уламолар томонидан тасдиқланган, маъқулланган фарзий амаллар.

ФАРЗИ ИХТИЛОФИЙ فرض اختلافي [a] – фарзлиги манбалардалик кўрсатилмаган ҳали ҳамма уламолар томонидан тасдиқланмаган, бир умумий хулосага келинмаган зиддиятли амаллар.

ФАРЗИ КИФОЯ فرض كفايه [a] – бир маҳалла (жамоа)дан бирор узрли сабаб билан бажара олмаган кишилар ўрнига бошқаларнинг шу амални бажариши мумкин бўлган фарз. Масалан, жаноза намозига боролмаслик, боролмаганлар ўрнида бошқаларнинг қатнашиши каби ҳолатлар.

ФАРЗИ РЎЗА فرض روزه [a+ф] – Қуръон, Сунна, ижмъ билан фарзлиги исбот қилинган, рамозон ойида тутиладиган рўза.

ФАРЗИ ХОРИЖИЙ فرض خوارجي [a] – намоздан ташқаридаги фарзий амаллар.

ФАРИШТА فرشته [ф] – Аллохнинг амри фармонини ижро этувчи, жаннат ва дўзахни бошқарувчи, нурдан яратилган масофа билмас, доимий ибодатдаги бегуноҳ жаннатий бандалари.

ФАРИШТАИ МУҚАРРАБ مقرب فرشته [ф+a] – малак, яқин турувчи, яқин дўст. Аллохга яқин бўлган тўртта фаришта: Жаброил, Азроил, Микоил, Исрофил.

ФАТАЛ [лот. fatalis] – тақдир, тақдири пешонада, номаи аъмолда ёзилган, толеъда акс этган ёки умуман, азалдан юз бериши муқаррар бўлган воқелик.

ФАТАЛИЗМ [лот. fatatis – машъум] – (қ.: Фатал) тақдирга, Худонинг ёзмишига ишонишдан иборат диний дунёқараш; фатализм фаолиятсизликни, ҳамма нарсага кўникишни, бўйсунушни, тақдирга тан беришни, итоаткорликни тарғиб этувчи, деярли ҳамма динларга хос идеалистик оқим (қ.: Қадария, Мутакаллимия).

ФАТАЛИСТ [лот. fatalist – машъум] – фатализмга мойил, тақдирга тан берувчи, ишонувчи одам (қ.: Фатализм).

ФАТВО فتوى [a] – диний қонун юзасидан бирор масала ёки давронинг тўғри ёки нотўғрилиги, масалан, ҳалол, ҳаромлиги ҳақида берилган ёзма ёки оғзаки фикр. Бундай фикр берувчи киши *муфти* дейилади (қ.: Муфти).

ФАТТОҲ (ал-Фаттоҳ فتح) [a] – Аллохнинг исми сифатларидан бири бўлиб, бандларни очувчи, ишни юриштириб юборувчи, раҳмат хазиналарини очувчи. “Фаттоҳ Илло, Алиюл зул Фикор, ҳар балою, ҳар казою дафъи кун Парвардигор” дуосида Аллохнинг фаттоҳлик сифати акс этган.

«ФАТҲ» الفتح [a] – сура номи. Унда Худойбия сулҳи ҳақида ва бу сулҳнинг орадан бир йил ўтгач рўй берадиган Буюк Фатҳ – Макка мушриклари устидан қозонилган ғалабанинг бошланиши бўлиб қолгани тўғрисида сўз боради. Суранинг «Фотҳ» (ғалаба) деб номланишининг боиси ҳам шудир. Ушбу сура халқ тилида «Инна фатаҳно» деб ҳам айтилади.

ФАҚИР فقير [a] – *фақара* феълининг қашшоқ ҳолатга келтирди маъноси билан боғлиқ ҳосил қилинган бўлиб: 1) қашшоқ-камбағал йўқсил маъносида, 2) камтарлик, бечоралик, ўзини паст тутишлик каби нутқий ифода, услубий бўёқ ҳосил қилишда (*мен фақир у ҳақир ушбу номани ёзишдин мақсудим шулким...* (Алишер Навоий. Муншаот. Б.51) қўлланилади. *Фақир у ҳақирга* бирикмасина *камтарин* сўзи синоним сифатида ишлатилади. Чунки ҳақир ва камина сўзлари ҳам тубан, паст, қадрсиз, эътиборсиз, кул каби тушунча-

ларни англатган. “Фақир” сўзи кейинчалик кўплик (фуқаро) шаклида «кашшюк» тушунчасидан узоқлашиб муайян жамият аъзоси – фуқароси (бирлик маъносида) тушунчасини англатадиган бўлган (жамиятнинг ҳар бир фуқароси, фуқаролик жамияти) каби. Кейинчилик “фақир” сўзи юқоридаги маъноларидан узоқлашиб, муайян мақомларни босиб ўтган, шайх сўфи каби ругъбага эришган истилоҳий маъно касб этган. Диний шахсни англатган. Бу ҳақда «Фақрнома» китобида куйидагилар ёзилган: *Фақир мақоми саккиз турур: аввал тавба турур, ибодат турур, муҳаббат тутур, сабр турур, шукр турур, ризо турур, зуҳд турур, орифлик турур*» (Б.15).

ФАҚИХ فقيه [a] – фикҳ (к.: Фикҳ) илмини ўрганган шахс, хуқуқшунос.

ФЕТИШ – к. Фетишизм.

ФЕТИШИЗМ [фран. – fetiche – тумор, сеҳргарлик] – табиатни ивоҳийлаштириш, фетишларга, нарсаларга сиғиниш, топиниш; ибтидоий қабилалар сиғинган моддий буюмлар фетиш деб аталган. Фетишлар – буюмлар махсус яратилган, ясалган деб тушинилган. Умуман, фетишизм ибтидоий қабилаларнинг диний дунёқараш.

ФЕТИШИСТ – фетишизм тарафдорлари, бирон нарсага кўр-кўрона ишонувчи, сажда қилувчи, сиғинувчи.

ФИДЯ فديه [a] – эваз, бадал, қурбон, садақа; Худо йўлида нимадир (масалан, кўй) қурбон қилмоқ, гуноҳлар эвазига бериладиган садақа, ҳар бир рўза тutilмаган кун учун бир мискиннинг қорни тўйгулик миқдорда таом ёки унинг пулини бериш ёки марҳум гуноҳлари учун кафорат тўлаш ва бошқалар.

«**ФИЛ**» الفيل [a] – 570 йилда Яман ҳокими Абраҳанинг Маккани босиб олиш, Каъбани бузиб ташлаш аҳолини насронийлаштириш мақсадида филлар воситасида қилган жанги ва даҳшатли ҳалокати воқеаси, кейинчалик бу воқеа халқларга ибрат бўлиш учун ваҳий орқали («Фил» сураси номи билан) Муҳаммад с.а.в.га туширилган. Бу сура халқ тилида «Алам таракайфа» ҳам дейилади.

ФИРДАВС فردوس [a] – жаннат; фирдавси аъло – олий жаннат, фирдавсул иқбол – жаннат бахти, бахт макони.

ФИТР فطر [a] – рўза ойида камбағал, мискинларга бериладиган эҳсон, садақа ёки рўза тутмагани учун бериладиган бадал, эваз, (фидя (к.: Фидя).

ФИҚҲ فقه [a] – диннинг йўл-йўриқлари, қоидалари тўғрисидаги ҳуқуқ илми, ҳуқуқшунослик.

ФОЛ فال [a] – келажакдан хабар бериш ёки кимнингдир тақдирини, келажакнинг турли воситалар (нўхат, тош, чўп, сув, ойна, китоб, сайёра ва ҳоказоларга қараб)дан фойдаланиб маълум қилиш, айтиш, дарак бериш (қ.: Раммол).

ФОЛБИН فالبين [a+ф] – фол кўрувчи, фол очувчи (қ.: Фол); «Фолнома»ларга қараб (қ.: Фолнома) кишилар тақдирини келажакнинг айтиб берувчи.

ФОЛНОМА فالنامه [a+ф] – фол очиш билан боғлиқ жараёнларни (фол кўриш сирларини) ўзида акс эттирган, унинг ҳаётида рўй берадиган воқеликларни олдиндан айтишга имкон берадиган китоб. Ҳақим Термизийнинг «Рўзнома ва Наврўзнома» асаридан йилларнинг қандай келиши, бунинг инсон тақдирига таъсири ҳақида хабар берилганлигидан, бу асар фолнома (толеънома) сифатида ҳам фойдаланиб келинган.

ФОНИЙ ДУНЁ, ДУНЁИ ФОНИЙ فانى دنيا [a] – бу (моддий) дунё, касрат олами (қ.: Касрат олами), йўқ бўлиб кетувчи, фонийга айланувчи, фоний бўлиб, сўнгра боқий яшовчи дунё.

ФОНИЙ, ФАНО فنا ، فانى [a] – йўқ, йўқлик, йўқ бўлувчи, йўқолувчи, муваққат, вақтинчалик, вафосиз, бақонинг акси (қ.: Бақо).

ФОСИД فاسد[a] – бузук. Намоз ўқиётган одам кўнглини (хотирини) ҳақиқат узра жамламаса, қалби билан вужудини бирлаштирмаса, намози фосиқ – бузилган бўлади.

ФОСИД ХАЁЛ فاسد خيال[a] – бузук ҳаёл сурувчи, бузук ниятли киши.

ФОСИҚ فاسق[a] – Аллохнинг, дини исломнинг эътирофи этса-да, амалда бажармайдиган, дин йўлидан чиққан риёкор, ахлоқий фахш, фисқу-фасодчи, бузук одам.

ФОТИМИЙЛАР فاطمىلار [a+ўзб.] – ўзларини Муҳаммад с.а.в.-нинг қизлари Фотима (р.а.)нинг авлоди, сулоласи деб ҳисобловчилар.

«**ФОТИР**» فاطر [a] – сурада дунё заррадан сайёрагача илоҳий қудрат қўли билан, ҳайратомуз яратилганлиги ҳақида хабар берилди. Шу боис Аллохнинг гўзал исмларидан бири бўлиши «Фотир» (илк яратувчи) деб аталган.

ФОТИҲА I فاتحه [a] – фотиҳ (ғолиб, урушда ғолиб чиққан), фаттоҳ (ғалаба қилувчи), муфтоҳ (қалит очувчи) лексемалари билан ўзақдош бўлиб, диний истилоҳий маъноси дуо вақтида қўл панжаларини очмоқ (қ.: Фотиҳа сураси), дуога қўл кўтармоқ.

ФОТИҲА II فاتحه [a] – унаштирмак, нон синдирмак, келин-куёвларнинг никоҳгача бўладиган тадбири, унаштирилган кундан бошлаб келин-куёвлар *фотиҳахондалар* дейилади.

«ФОТИҲА» III الفاتحة [a] – сура номи. Очувчи, очкич, «калит» маъноларида. Суранинг «Фотиҳа» дейилишига Куръони каримнинг ушбу сура билан очилиши, бошланишигина эмас, унда каломуллоҳнинг бутун мазмун моҳияти умумий тарзда рамзий ақс этганлиги – жамланганлиги ва бу илоҳий «Ҳазина»га «калит» (мифтоҳ) бўлиб хизмат қилганлиги асос бўлган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) Куръонм каримдаги 113 та сура «Фотиҳа» сурасидан ғоя олганлиги учун уни «Уммул Куръон», «Она сура» деганлар. «Фотиҳа» сураси халқ тилида суранинг «биринчи сўзи» билан «Алҳамду», «Ҳазрати шхам» деб ҳам аталади.

ФУРСАНДА فرسندہ (ф.т.) – қ.: Мункар-накр.

«ФУРҚОН» الفرقان [a] – Куръоннинг иккинчи номи бўлиб, ўзигача нозил қилинган китоблардан фарқли ўларок, ҳақ билан ботилни ажратиб берувчи ёки олдинги самовий китоблар моҳиятини бир томондан, ўзида мужассам қилувчи, иккинчи томондан, улардаги кўпгина «ақида»ларни мансух қилувчи, барча миллатлар учун туширилган илоҳий дастур бўлганлиги учун сура «Фурқон» (фарқловчи) деб аталади.

«ФУССИЛАТ» فصلت [a] сура номи. Куръон таърифи билан бошланиб, унинг оятлари ақлли кишилар учун Илоҳий дастур эканлиги, бу ақида ва аҳкомлар ушбу сурада ҳам тўлиқ баён этилганлиги учун, у «Фуссилат», яъни илоҳий таълимот тўла-муфассал баён этилган сура деб аталган.

ФУТУВВАТ فنوت [a] – йигитлик, мардлик, олийжаноблик, қарам, саховат, жувонмардлик. Футувват халққа, жамиятга, ночор табақага беминнат, беғараз яхшилик қилиш, худо йўлида (халисан лиллоҳ) хизмат кўрсатиш, оғирини енгиллатиш, корини осон қилиш ғояси билан боғлиқ шаклланган, ахлоқ-одоб нормалари ишланган маънавий-ахлоқий мафкура*.

* Бу ҳақда кенг маълумот олиш учун проф. Н.Комилонинг «Мардлик тариқати» («Тафаккур», 1994, 1-сон) мақоласига қаранг.

Х - خ

ХАБИР (ал-Хабир *الخبير*) [a] – Аллоҳнинг сифатий исми, Аллоҳ ҳамма махфий ва ошкора ишлардан хабардордир деган маънони англатади.

ХАВФ НАМОЗИ *خوف نمازى* [a+ф] – зилзила, тошқин, каттик шамол, даҳшатли совук, очарчилик, вабо каби хавфли мусибатлар муносабати билан ўқиладиган икки рақъатлик нафл ёки илтижо намозидир.

ХАВФ *خوف* [a] – солиҳнинг азобдан эмас, Аллоҳ ғазабидан нафс ғалабасидан, шайтон макридан кўрқиши ва шу билан боғлиқ ғафлатда қолмай иймон-эътиқодини кучайтириши, покланиб комиллик касб этиши.

ХАЙР *خير* [a] – яхши, афзал, маъқул. Ассолату хайр ум мин ал-навм (Намоз уйқудан афзал); Ал-хойру умру авсотуҳо (ҳадис) – Умрнинг яхшиси ўртачасидир. Ўзбек тилида хайр атамаси хайр-эҳсон, хайр-садақа, хайрия шаклларида келиб яхшилик, эзгулик, савоб иш маъноларида қўлланилади.

ХАЙРИЯ *خيريه* [a] – етим-есир, бева-бечора, ғариби-ғурабо, камбағал мискинларга Аллоҳ йўлида бериладиган хайр-садақа, мол, пул, маблағ, таом ва шу каби.

ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ *خيريه جمعهمسى* [a.+ўзб.] – давлат ёки бирор жамоа томонидан ташкил қилинган, етим-есир, бева-бечора, ғарибу ғурабо, ногирон, кекса, боқувчисини йўқотганларга Аллоҳ йўлида инсонпарварлик нуктаи назаридан бериладиган беғараз маблағ, эҳсон, садақа ва шуни бошқариб борадиган жамоат ташкилоти.

ХАЙРИЯИ ЖОРИЯ *خيريهء جاريه* [a] – мамлакат ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида мактаб, мадраса, масжид, хонақоҳ, шифохона, ҳаммомлар барпо этмоқ; канал, кўприк, йўл курмоқ; китоблар ёзиб, солих фарзандлар қолдирмоқ қабилар.

ХАЙРИЯХОНА *خيريه خانه* [a+ф] – Марҳумларни хотирлаш учун одамлар тўпланадиган, маҳалла ёки гузарда махсус қурилган, тайёрланган жой, бино.

ХАЙРОТ *خيرات* [a] – хайр (яхши) сўзининг мавҳум кўплиги бўлиб аслида яхшиликлар, хайр-саховатлар, савоб учун қилинган ишлар маъносини англатса-да, ҳозирги кунда бу атама орқали кўпроқ ўлим билан боғлиқ бериладиган мол-пул тушунилади. *Фалончи хайротсиз кўмилибди, хайрот беришмабди – таъзияга келганларга пул тарқатилибди.* (Чорвадорлар нутқидан).

ХАЛАФ **خلف** [a] – кейиндан келадиган, ўринбосар, авлод, зурриёд, ворис, валиахд (қ.: Халифа).

ХАЛИЛУЛЛОҲ **خليل الله** [a] – Аллоҳнинг дўсти. Бу лакаб Иброҳим пайғарбарга берилган Халилиллоҳ, яъни Аллоҳнинг дўсти деб аталган.

Халилиллоҳ учун ёндирдилар нор,

Қадам қўймай ўшал ўт бўлди гулзор (Сўфи Оллоҳёр).

ХАЛИФА **خليفة** [a] – (кўпл. Хулафо) – кейиндан келадиган, ўрнига ўтадиган, ўринбосар, ишни давом эттирувчи, шариат ақидаларини яхши биладиган, ўқимишли одам. Масалан, Абу Бакр Сиддиқ, Умар, Усмон, Алилар Пайғамбаримизнинг ўринбосарларидир. Халифа аслида ўринбосар, ворис, валиахд (қ.: Халаф.) маъносидан ташқари, мусулмон давлатларни бошқарувчи олий ҳукмрон, унвон сохиби, подшо маъноларида ҳам қўлланади. Хулафои рошидинлар (қ.: Хулафои Рашидин) Пайғамбаримиз вафотларидан кейин ана шундай олий рутбага эга бўлганлар.

ХАЛТА **خلته** [ф] – марҳумни ювиш учун ғассоллар қўлига киядиган сурпдан тайёрланган қўлқоп.

ХАЛФА **خلفه** [a] – эски диний мактабларда талабалар орасидан бошлиқ қилиб тайинланган, домлага кўмаклашадиган сардор, ўринбосар.

ХАМСАТ УС-САЛОТ **الصلاة خمسة** [a] – беш вақт намоз: – бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон.

ХАСМ **خصم** [a] – тенг, муқобил, жуфт; рақиб, душман (қ.: Хасми ҳалол).

ХАСМИ ҲАЛОЛ **خصم حلال** [a] – биров ихтиёри, тасарруфидаги мол-мулк, аёл, бола-чақа кабилар. Масалан, никоҳлаб олинган асл шаръан эрнинг жуфти ҳалоли ёки *хасми* дейилади.

ХАТИБ **خطيب** [a] – «хатаба» (гапирмок, нутқ сўзламок) феълидан ясалган от бўлиб, ўзбек тилида ваъз айтувчи, маъруза ўқувчи шахс маъносида ҳам қўлланилади. Аниқроғи, хатиб ийд ва жума намозларида минбарда туриб маъруза, нутқ, доклад, панд-насихат, амри маъруф қилувчи – имом.

ХАТМ БАҒИШЛОВ **ختم بغشلاو** [a] – марҳумларга атаб тайёрланган, яъни бошдай оёқ ўқиб чиққилган Қуръони каримни жамъ бўлиб бағишлаш тадбири.

ХАТМ УЛ-КАБИРА **ختم الكبيره** [a] Қуръони каримни бошдан охиригача ўқиб тугатиш (қ.: Хатм), катта хатм.

ХАТМ УЛ-САҒИРА **ختم الصغيره**[a] – Қуръондаги бир неча суралар масалан, сураи «Фотиҳа», сураи «Мулк», сураи «Ёсин» ва яна охиридан бир нечта кичик суралар ўқиш билан чегараланиш – Қуръони каримни тўла ўқилмаслиги. Бу «хатм ул-қаср» ҳам дейилади.

ХАТМ УЛ-ҚУРЪОН **ختم القرآن**[a] – Қуръоннинг бошидан охиригача қироат билан ўқиб тамомлаш.

ХАТМ **ختم** [a] – тугаллаш, жамланиш, охирига етказиш.

ХАТНА ТЎЙИ **ختنه تويي** [a+ўзб.] – хатна муносабаги билан ўтказиладиган маросим, зиёфат, суннат тўйи (қ.: Суннат тўйи).

ХАТНА **ختنه** [a] – мусулмонлар ва яна баъзи халқларда ўғил болалар жинсий аъзосининг уч қисми терисини қисман кесиш.

ХИЗИР КЎРГАН **خضر كورگان** [a+ўзб.] – ҳамма нарсани олдиндан фаҳмлайдиган, донишманд. Бундай кишилар *Хизр назари тушган* дейилади.

ХИЗИР **خضر** [a] – «Оби ҳайвон» (тириклик суви)ни излаб топган ва ундан ичиб, доимий тирик юрган рух (пайғамбарларнинг бири, Хизр а.с.). Инсонларга яхшилик қилувчи, адашганларга йўл кўрсатувчи; гўзал, оппоқ сақолли сўфий киффасида инсонларга кўринади, бундай инсон икки дунё бахтига эришади, олим, фозил бўлади (қ.: Хизир кўрган).

ХИЛВАТ **خلوت**[a] – холи, кимсасиз жой; таркидунёчиларнинг ибодат макони.

ХИЛВАТ ДАР АНЖУМАН **خلوت در انجمن** [a.+ф] – рукни зикр, ҳамду сано, амри маъруф, наҳи мункар узлатда, хилватда, чиллада эмас, анжуманда, халқ ичида жамиятда ижро этилишини солиқ ботинан Холик, зоҳиран халқ билан бўлишини талаб қилади. Хилватни суҳбатга кўчириш ҳазрат Пайғамбаримиздан қолган. Ул зотнинг ўттиз уч минг саҳобалари – суҳбатдошлари бўлган Муҳаммад с.а.в. тан билан халқ орасида, руҳан ҳақ билан бирга бўлганлар. Ана шу ғояни Нақшбанд ҳазратлари давом эттириб: «Бизнинг тариқатимиз суҳбатдадир ва хилватда шуҳрат, шуҳратда офат бор. Хайрият жамиятдадир ва жамият суҳбатдадир» дейдилар .

ХИЛВАТ ЎЛТИРМОҚ **خصلت اولتورماق**[a+ўзб] – кишилардан ажралиб, маълум муддат тоат-ибодат билан шуғулланмоқ; тавба қилиб гуноҳларини ювмоқ; ҳаловатдан, нафсу ҳаводан воз кечиб таквога берилмоқ, покланмоқ.

ХИЛВАТНИШИН **خلوتنشن**[a.+ф.] – кишилардан ажралиб, узлатга чекиниб, тоат-ибодат билан шуғулланмоқ.

ХИЛВАТНИШИНЛИК *خلوتيشنلىگى* [a+ф+ўзб.] – қ.: Хилват ўгирмок.

ХИЛОЛ *خلال* [a] – таҳоратда сокол ораларига сув етказиш.

ХИЛХОНА *خىلخاتە* (а.ф.) – қариндош, уруғ-аймоқ, дафн этиладиган махсус жой – қабристон.

ХИРҚА *خرقه* [a] – шайх ва дарвишларнинг махсус уст кийими, жанда. Хирқа, кўпинча, пиру муршидлар, авлиёлар томонидан илму фанда, таквода ўзини кўрсатган, устоз эътиборига тушган, эътирофига сазовор бўлган, устоз даражасига кўтарилиган, шогирдларга диний мавқе, рутба сифатида махсус анжуманларда тақдим этилган. Хирқа кийганлар *хирқапуш* дейилган.

ХОКИ ИХЛОС *خاك اخلاص* [ф+a] – дафн вақтида қазилган тупроқдан бир ҳовучдан олиниб унга дуо, хусусан, «Ихлос» сураси ўқилиб дам солинадиган, сўнгра йиғиштириб марҳумнинг бош томонига тўкиладиган тупроқ. Эътиқодга кўра, бу тупроқ тасбиҳ айтиб туради.

ХОЛИСАЛЛИЛЛОҲ *خالصا لله* [a] – банданинг ҳар бир ҳаракатига, яхши-ёмон ишларига Аллоҳ ўзи гувоҳ, уни холисона баҳолагувчи.

ХОЛИҚ (ал-Холиқ *الخالق*) [a] – халқ қилувчи, барча махлуқотларни яратувчи, ўн саккиз минг оламни бор этган Худо. Холиқ «Халлоқ ул-олам» шаклида ҳам қўлланади.

ХОМА *خامه* [ф] – қалам; хомаи тақдир – Тақдир қалами, бу ўринда хома инсон тақдирини ёзган илоҳий қалам (қ.: Лавҳу қалам).

ХОМТАЛАШ *خامتلىش* [ф+ўзб.] – бирор эзгу ният ва тилакнинг амалга ошиши, масалан, жангу жадалдан омон қайтиш, кутилмаганда юз берган хавфдан сақланиб қолиш, кўрқинчли туш кўриш каби муносабатлар билан қон чиқариш, сўйилган молни садақа тарзида мискинларга, кўни қўшниларга пиширилмаган ҳолда тарқатиб бериш.

ХОНАҚОҲ *خانقاه* [a] – шайхлар, дарвишлар ибодатгоҳи, намоз, зикри самоъ қиладиган, махсус қурилган катта жой, мачит.

ХОТАМ УЛ-АВЛИЁ *خاتم الاوليا* [a] – хотам – хотима, тамом, охир тугаш, якуний маъноларни англатади. Хотам ул-авлиё – авлиёларнинг охиргиси, охирги авлиё, Баҳоуддин Нақиббанд Хотам ул-авлиё дейилади.

ХОТАМ УЛ-АНБИЁ خاتم الانبياء [a] – пайғамбарларнинг охир-гиси, сўнгиси бўлганликлари учун Муҳаммад с.а.в. охирги пайғамбар (Хотам ул-наби) *охир замон пайғамбари* деб аталганлар.

ХОТАМ УН-НАБИ خاتم النبي [a] – охирги пайғамбар (наби – арабча пайғамбар). Муҳаммад Мустафо охир замон пайғамбари дейилади. *Арзу ҳолимни эшит охир замон пайғамбари* (“Қиссаи Иброҳим Адҳам”).

ХОТАМ УС-САЛОТ خاتم الصلوات [a] – намоздан чиқиш, намоз охири, тамом бўлиши.

ХОЧ خاج (арманча) – бут, насронийларнинг сиғиниш рамзи; у вертикал, юқори қисмидан горизонтал чизилган, одам боши, бўйни, икки елкаси танаси ва оёғини эслатувчи, ривоятга кўра, Исо пайғамбар михбанд қилинган предмет шакли. Шу сабаб насронийлар бу шакл олдида ўнг қўлларини пешона, икки елка ва кўкракларига тегизиб ибодат қиладилар, хочни черковларида осиб қўядилар, тожлари (либослари)да акс эттирадилар, турли диний байрам ва юришларида (масалан, салиб юриши) кўтариб юрадилар. Насронийларнинг чўқиниш тартиби Исо пайғамбарнинг осмонга чиқиб кетишида бино туйнигидан сиғиши ёки сиғмаслигини билиш мақсадида қўли билан бошини, елкаларини, танасини ушлаб, мўлжаллаб кўрганлиги билан боғлиқлиги ҳақида ҳам ривоятлар мавжуд.

НАСРОНИЙ, НАСРОНИЙИН [юнон.+рус.] – насроний дини ва мазҳабидаги шу динга эътиқод қилувчи киши.

НАСРОНИЙЛИК [рус.+ўзб.] – Исо пайғамбарга, яъни Иусис Христосга эътиқод қўйиш асосида эраизмнинг I асрида вужудга келган дин.

ХРИСТОС, ИУСУС ХРИСТОС [юнон. Christhos – подшоҳликни қабул қилиб, пешонасига мой сурилган одам] – насроний динининг асосчиси, Исо ибн Марям инсониятни азоб-укубутдан қутқарувчи, халаскор, пайғамбар.

ХУДО БЕРГАН خدا بيرگان [ф+ўзб.] – омадли ҳақиқий иззат-икромга эга, халқ эзозлаган, ёки табиий талант, иқдидори туфайли шухрат қозонганлар, олиму алломалар.

ХУДОГҲЎЙ خداگوى [ф] – Худони доимо зикр қилувчи, тилдан қўймайдиган, тасбеҳлар орқали сано айтувчи; Аллоҳга қараб гапирувчи ҳақиқатгўй.

ХУДОЖҲЎЙ خداجوى [a] – Худо ва дин йўлидан чиқмайдиган, раҳмдил, етим-есирларнинг бошини силайдиган, диёнатли киши.

ХУДОСИЗ خداسيز [ф.+ўзб.] – худоси йўқ, худосиз қолган ёки топилмайдиган маъносиди эмас, бор Худони, яъни Яратганини интироф этмайдиган инкор қилган иймон-эътиқодсиз киши (қ.: Муртад).

ХУДО СУЙГАН خدا سويگان [ф.+ўзб.] – барча эзгу ниятларига эришган, эл ардоғидаги кишилар (қ.: Худо берган, назар теккан, шазаркарда)

ХУДОБЕХАБАР خدا بخبر [ф.+а] – Худодан кўрқмайдиган, динсиз, инсофсиз, диёнатсиз, бетавфик.

ХУДОГА ТОПШИРМОҚ I خداگه تاپشیرماق [ф.+ўзб.] – ўлим билан боғлиқ омонатни – жонни худога топширмоқ.

ХУДОГА ТОПШИРМОҚ II خداگه تاپشیرماق [ф.+ўзб.] – ўзини боласини, бирор кимсани Аллоҳ ҳифзи ҳимоясига ҳавола этмоқ (Боламни сизга, сизни Худога топширдим маъносиди) ёки таваккул қилмоқ (қ.: Таваккул).

ХУДОГА ТОПШИРМОҚ III خداگه تاپشیرماق [ф.+ўзб.] – бирор нин ноҳақ ечим топганда, бу ноҳақлик тухматлар учун жазо беришни Аллоҳдан сўраш (Худога топширдим, жазоларингни Аллоҳ берсин маъносиди).

ХУДОЙИ خدای [ф] – Қутилмаган қувончли, бахтли воқеалар: ўғил туғилиши, узоқ сафардан, масалан, ҳаждан, беомон жангдан омон қайтиш ёки хавфли, даҳшатли воқеаларни, чунончи, вабо, офат, қурғоқчилик, зилзила кабиларни даф этишни Аллоҳдан сўраш муносабати билан Аллоҳ йўлига жонлиғ сўйиб, мискинларга хайр-саховат қилиш.

ХУДОЙИХОНА خدای خانه [ф] – камбағал, етим-есирларга, худойи тариқасиди озиқ-овқат бериладиган жой.

ХУДОПАРАСТ خداپرست [ф] – динга, худога қалбан тобе бўлган, ибодатга берилган диндор, яъни худопараст, ҳудожўй одам.

ХУДОТАРС خدا ترس [ф] – Аллоҳдан кўрқувчи, иймонли, виждонли, адолатли инсон. Бу тушунча халқнинг Худодан кўрққандан кўрқма, Худодан кўрқмагандан кўрқ иборасиди акс этган.

ХУЛАФОЙИ РОШИДИН خلفاء راشيدین [а] – тўғри йўлни топганлар, қавмини ҳидоятга бошловчилар, яъни Пайгамбар вафотларидан кейин 30 йил давлат бошқарган (Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абутолиб).

ХУРОФОТ خرافات [а] – уйдирма, бехуда сўзлар, тағи йўқ – асоссиз гаплар. Диний Исломиё таълимотга бирор мақсад, синфий

манфаатни кўзлаб, йўл-йўлакай кўшилган фикрлар, бора-бора урфга айланган.

ХУРУЖИ БИФЕЪЛ خروج بفعل [a] – намозхоннинг ўз ихтиёри билан намоздан чиқиши.

ХУСУФ خسوف [a] – ой тутилмоқ, нурсизланмоқ; ой тутилганда Аллоҳга тавба ва истиғфор айтиб ўқиладиган икки ракъатлик илтижо намозидир.

ХУТБА خطبه [a] – ҳаёт муаммолари, чунончи, шаръий аҳком ва аркон қонун-қоидалари, ахлок-одоб, илмий-сиёсий, ижтимоий масалаларни ўзида жаъм этган акс эттирган, ҳатто, амиру шоҳларнинг номлари киритилган муфтилар томонидан эътироф этилган диний-дунёвий ҳужжат. Жума ва ҳайит намозларида никоҳ қилиш вақтида ўқиладиган муайян матн, ҳужжатлар ҳам хутба дейилади. Хутба ўқувчи шахс хатиб (қ.: Хатиб) дейилади.

ХУФТОН خفتان [a] – шомдан кейин атроф қоронғулашиб кўринмай қолгандан кейин ўқиладиган тўққиз ракъат (уч ракъат салоту витр вожиб ҳам шунга киради) намоз (қ.: Намози хуфтон).

ХУШУЪ ВА ХУЗУЪ خشوع و خضوع [a] – намозда ҳаёлан Аллоҳ хузурида турмоқ, ибодат вақтида бошидан охиригача ўзини паст, камтар, хоксор тутиб, Аллоҳга ёлвормоқ, ибодатни очиқ қалб, кучли истак, хайрихоҳлик, хузур-ҳаловат, пок ният билан қиёмда ҳам, рукуъ ва сужудда ҳам хотиржамлик, мамнунлик билан адо этмоқ (қ.: «Намозда тавозуъ ва хушуъ»).

ХЎЖА خواجه [ф] – Ҳазрат Алининг Фотимадан бошқа хотинларидан тарқалган авлоди; кейинчалик бу сўз кулдор, ер-мулк хўжайини маъноларида ҳам қўлланган (қ.: «Хўжа сўзи тарихидан»).

Ч – Ҷ

ЧАҲОР ТАКБИР چهار تكبير [ф+a] – 1) ният қилмоқ, 2) сано, 3) саловот (дуруд, дусаловот), 4) дуои илтижо (“Аллоҳумма мағфирли ва ҳаййина ва маййитина...” деб бошланувчи дуо) ўқимоқ, ҳар бир қисмдан кейин такбир айтмоқ (қ.: Такбир).

ЧАҲОРЁР چهاريار [ф] – Муҳаммад с.а.в. издошлари; биринкетин халифалик қилиб, хулафои рошидин (қ.: Хулафои рошидин) ёки чаҳорёр (тўрт дўст) лақаблари билан машҳур бўлган Абу Бакр, Усмон, Умар ва Али.

ЧЕРКОВ [рус.] – насронийлар ибодатхонаси, маслаги, эътиқоди бор бўлган кишиларнинг диний ташкилоти, ибодатхона.

ЧИЛЁСИН چيل ياسن [ф+а] – одатда узок муддат ётиб қолган беморларга ўқилади. “Ёсин” сураси узун (7 мубин) бўлганлиги, бунинг устига 40 марта ўкилиши кераклиги сабабли бир вақтда бирдан ортик муллалар томонидан ҳам ижро этиладиган тadbирдир. Эътиқодга кўра «чилёсин» ўқилгач, бемор, ё «уёқлик», ё «буёқлик» бўлиши керак.

ЧИЛЛА ЎЛТИРМОҚ چيله اولتيرماق [ф+ўзб.] – мусулмонларнинг турли сабаблар (покланиш, ибодат қилиш, даволаниш, муҳитдан беэиш каби) билан қирқ кунгача ташқарига чикмай, одамлар билан мулоқотда бўлмай, ташқи оламдан узилиб хилватда ўтириши.

ЧИЛЛА چيله[ф] – қирқ. Чилла сўзи ёз чилласи, қиш чилласи, чакалок чилласи, келин чилласи, марҳум чилласи каби ўнлаб тупунчаларнинг атамаси бўлишдан ташқари, дарвишу девоналар, зохиду шайхларнинг маълум сабаб, мақсад ва ният билан жамиятдан четлашиб, қирқ кунгача парҳезда, ташқарига чикмай ибодат қилишларини англатадиган тасаввуфий истилоҳ ҳамдир (қ.: Узлат).

ЧИЛЛАЛИ АЁЛ چيله لى ايال [ф+ўзб.] – маълум сабабларга кўра янги туғилган бола ва онаси (зоча аёл)нинг қирқ кунгача алоҳида уйда (хонада) сақланиши, хонадон аҳли бўлмаган аёл ва эркакларнинг хонага кириши ман этилиши. Бу ҳолатни чакалоқ чилласи, онасини эса *чиллали аёл* дейишади.

ЧИЛЛАХОНА چيله خانه [ф] – чиллага кирувчилар, узлатга чекинганлар, истиқомат қиладиган уй, манзил.

ЧИЛЛАҚОЧИРИҚ چيله قاچيريқ [ф+ўзб.] – бола туғилганига қирқ кун тўлгач, яъни чилласи чиқиши билан уни узоқроқда яшаётган қариндош ёки танишларнинг уйига махсус олиб бориш удуми. Бу чиллақочирик (тожикларда чиллагурезон, яъни чиллақи қочириш, қувлаб юбориш, адаштириб келиш, чилладан эсон-омон чиқиб олиш маросими) деб аталади.

ЧИЛТОН چيلتان [ф] – мўъжизавий кучга эга бўлган кўзга кўринмайдиган, одамлар бало-офатларни дафъ қилиш мақсадида қирқта пилик (чирок) ёкиб сиғинадиган қирқ барҳаёт руҳ – биродар. Уларга бағишлаб «Чилтоноши» деб аталган тadbир ўтказилади. Чилтон атамаси халқ тилида «Қирқчилтон» ҳам дейилади (аслида – қирқ + қирқлар).

ЧИЛ ҲАДИС چيل حديث [ф.+а.] – қирқ ҳадисдан тузилган асар, рисола (қ.: Арбаин).

ЧИН АРАФА چين عرفه [ўзб.+а] – хайитдан бир кун олдинги кун.

ЧИНВОТ [ҳинд.] – будда динидаги Сирот, сирот кўприги, қил кўприк.

ЧИН ДУНЁ چين دنيا [ф.+а.] – рост бокий, абадий мавжуд дунё, ёлгон дунёнинг зидди. Бу тушунчалар халкнинг у кетди чин дунёга, мен қолдим ёлгон дунёда гапида акс этган.

ЧОР КИТОБ چهار كتاب [ф] – мадрасаларда Қуръондан кейинги ўрганиладиган, тўрт қисмдан иборат бўлган, шариат аҳком ва арконлари (тоат-ибодат, тавҳид, намоз, рўза, закот, хаж, фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубоҳ, муфсид, ҳаром, халол, макруҳ, ниқох, талоқ кабилар) ҳақида баҳс юритувчи дарслик.

ЧЎҚИНТИРИШ – насроний динининг асосий маросимларидан бири бўлиб, бу янги туғилган болани черковга олиб келиш, руҳоний (поп)нинг унинг юзига уч марта куф-суфлаши, дажжолга карши афсун ўқиши, шайтондан юз ўгиришига, унга туфлашга чақириши; чақалокни уч марта сувга ботириб олиб, унга зайтун мойи суркаши, сочидан бир тутам кесиб олиб, унга ном бериши, умуман, динга киритиши, гуноҳдан поклаш маросими.

Ш – ش

ШАЙТАНАТ شيطانت [а] – шайтонлик, иблислик, ярамаслик, алдамчилик, хийла-найранг, фиску фасод. Бошқача айтганда, дунёвий манфаат учун иймон, виждондан воз кечиб ёвузликка, ашаддий гуноҳ ишларга юз тутган инсонлар гуруҳи.

ШАЙТОН شيطان (арабча *шайтана* феълидан) – ҳозирги тилимизда алдамчи, хийлагар, фирибгар, фисқ-фасодчи, разил, қабих, маккор маъноларини англатса-да, аслида динда кишиларни дин йўлидан оздирувчи, ёмон йўлга бошловчи иймон душманидир, иймон қалъасининг ўғриси – шайтон (Ҳадис). Шайтон (асли оти – Азозил) фариштаи муқарраб (қ.: Муқарраб)лар билан бир қаторда турган, бироқ кибрга берилгани учун бўйнига тавқи лаънат (қ.: Тавқи лаънат) тушади, жаннатдан маҳрум қилиниб ерга тушурилади.

ШАЙТОНИЙ شيطاني [а] – ярамас, ёмон, ёвуз йўлларга бошловчи ҳаракатлар: қилиқлар; ҳаром-хариш, масалан, ихтилом ёки жунуб (ғусулсиз) юриш ва ҳоказо.

ШАЙХ УЛ-ИСЛОМ شيخ الاسلام [а] – ислом ақидаларининг билимдони, энг катта диний мансаб, унвон.

ШАЙХ УЛ-МАШОЙИХ شيخ المشايخ [а] – шайхлар шайхи, энг катта шайх, мансаб, унвон, рутбаъ.

ШАЙХ УЛ-РАИС شيخ الرئيس [a] – шайхлар бошлиғи, шайхлик идорасини бошқарувчи диний-сиёсий арбоб.

ШАЙХ شيخ [a] – шариат аҳком ва арконларини тасаввуф илмини эгаллаган, сўзи ҳикмат даражасига кўтарилган, эртани кўрувчи сўфийлар бошлиғи. Шайх – диний унвон, рутбаъ, профессор.

ШАКУР (аш-Шакур الشكور) [a] – Аллоҳнинг исми сифатларидан бири. Оз ишга кўп мукофот берувчи зот.

ШАМОЙИЛ شمائل [a.] – туғма феъл-атвор, хулқ, шакл, сурат кўриниш, тузилиш. Шамоили Мухаммад – Расулulloҳ с.а.в.нинг ахлоқлари, ташқи кўринишлари, феъл-атворлари, кийиниш тарзлари, шахсий ҳаётлари билан боғлиқ ҳодисалар жамланган китоб.

ШАРИАТ شريعة [a] – йўл-йўриқ, қонунчилик, низом демакдир. Бошқача айтганда, шариат истилоҳи арабча *шараъа* феълнинг «қонун чиқарди» маъноси билан боғлиқ ҳосил бўлиб, ислом динининг қонун-қоидалари, йўл-йўриқлари, аҳком ва арконларини ўргатувчи фандир.

ШАРОБИ АНТАХУР شراب انطهور [a] – бу истилоҳ таркибидаги шароб атамаси арабча *шариба* феълнинг “ичди” маъноси билан ҳосил қилинган, араб тилидан ўзбек тилига ўзлашган бўлса-да, у шўрбо, шарбат каби лексемалар билан ўзакдош (шрб شرب) бўлиб, аслида “тахур” сўзи билан бирга энг тоза, инсонни покловчи *жаннат* булоқлари, *кавсар*, *замзам* суви маъноларида қўлланган. «Сақаҳум Роббаҳум шаробан таҳувра» оятида ана шу тушунча ўз аксини топган.

ШАРРИ ШАЙТОН شر شيطان [a] – шайтоннинг ёмонликлари, васвасаси, тўғри йўлдан, дини исломдан оздириши.

ШАРЪИЙ شرعى [a] – шариат сўзи билан ўзакдош, *-ий* ясовчиси билан ҳосил қилинган бўлиб, бажарилган ёки бажариши керак бўлган бирор иш-ҳаракат ёки воқеликнинг шариат қонун-қоидаларига мувофиқлиги.

ШАРЪИЙ АРКОН – қ.: Рукн.

ШАРЪИЙ ҲУКМ شرعى حكم [a] – бу истилоҳ остида фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубоҳ, ҳаром, ҳалол, макруҳ, мустакраҳ гушунчалари англашилади.

ШАРЪИЙ ҲУКМЛАР – қ.: Аҳкоми шаръий.

«ШАРҲ» الشرَح [a] сура номи. Унда Аллоҳнинг Мухаммад с.а.в.га ато этган инъомлари билан бирга қалбларини тоза, кўнгилларини пок, очиқ ва кенг қилганлиги баён қилинган. Шулардан келиб чиқиб, суранинг номи «Шарҳ» (очик, кенг) деб номланган.

ШАФОАТ شفاعت [a] – аслида қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилмоқ, ўртада туриб воситачилик қилмоқ. Шафоат ўзбек тилида кимсанинг исми бўлишдан ташқари, диний истилоҳ сифатида улуғлар, авлиё-анбиёлар ёрдамида гуноҳлари Аллоҳдан сўралиб афв этилидиган, шафоат қилинадиган бандалар. Бу имтиёз Муҳаммад с.а.в.т. берилган.

*Икки оламда эрурсан осийларга раҳнамо,
Раҳмати лил оламинсан шафеъи рўзи жазо.*

(“Қиссаи Иброҳим Адҳам”дан)

ШАШ КАЛИМАИ ДИН شش کلمی دین [a+ф] – олти диний калима; калимаи таййиба, калимаи шаҳодат, калимаи тавҳид, калимаи тамжид, калимаи истиғфор, калимаи раддикуфур.

ШАҲИД I \ \ ШОҲИД (аш-Шаҳид) الشهيد [a] – Аллоҳнинг сифатий исмларидан, ҳамма нарсани кўриб, билиб турувчи, гувоҳ. *Ҳар гўшада тоат қилсанг Тангринг гувоҳ* (Аҳмад Яссавий). «Худо шоҳид» иборалари шу билан боғлиқ шаклланган.

ШАҲИД II شهيد [a] –дин йўлида, жанг (ғазо)да ҳалок бўлганлар. Шунингдек, ватани, халқи ёки ўз мол-мулкини, бола-чақаларини ҳимоя қилиш учун ҳалок бўлган ҳақиқат курбонларига ҳам *шаҳидлар* деб айтилади.

ШЕРИ ХУДО شری خدا [ф] ёки Асадуллоҳ اسدالله [a] – Худонинг шери, ҳазрат Алига берилган лақаб. Шу сабаб жонли мулоқотда «Ё пирим ҳазрати Али Шери Худо» ибораси қўлланилади.

ШИА شيعه [a] – сўзи дастлаб эргашувчи, ёрдам, кўмак берувчи шахс маъносини англатган бўлса-да, кейинчалик, хусусан, Али ибн Абутолиб вафотидан кейин Пайғамбар аҳли байтлари – Али ва унинг фарзандларига содиқ қолиб, уларнинг ғояларига эргашган қавм-мазҳабнинг умумий атамаси (истилоҳ) сифатида шаклланиб қолган.

ШИАВИЙ ИМОМЛАР شيعه وی اماملار [a+ўз.] – Халифа Али билан Биби Фотимадан тарқалган пайғамбарзодалар – ўн икки имом. Булар: Али ибн Абу Толиб, Ҳасан, Ҳусайн, Зайн ал-Обиддин Али (ваф. 713), Муҳаммад ал-Боқир (ваф. 732), Жаъфар ас-Содик (700–763), Мусо ал-Карим (ваф. 799), Али ар-Ризо (ваф. 818), Муҳаммад ат-Тақий (ваф. 835), Али ан-Нақий (ваф. 868), Ҳасан ал-Аскарӣ (846–873), Муҳаммад ал-Маҳдий (қ.: Маҳдийлик).

ШИРК شرك [a] – Аллоҳнинг бирлигига ишонмаслик, ёки унинг шериклари ҳам бор (масалан, ҳам Аллоҳга, ҳам бутларга

шуниниш) деб тушунмоқ; ширк (халқ тилида шак) келтирмоқ – ширрилмайдиган гуноҳ – кофирлик (қ.: Кофир.).

ШОМ شام [ф] – кечкурун, қоронғулик. Кечкурун қуёш ботиб, ўқ қоронғулашганда ўқиладиган намози шом (қ.: Намози шом).

ШОМАНИЗМ, ШАМАНИЗМ – анимистик (қ.: Анимизм) қарашга асосланган дин шаклларида бири. Синфий жамият пайдо бўлмасдан олдин шаклланган Осиё ва Африка қитъаларида кенг тарқалган ибтидоий динлардан; ташқаридан келадиغان бало-қазо-ширни даф этувчилар, олдини олувчилар, *шаманлар* деб аталган.

ШОМОН شامان – дуои сеҳр билан ёмон-ёвуз кучлардан ёки руҳлардан халқни ҳимоя қилувчи диндор ёки рухоний .

ШОМОШИ شام آشى [ф+ўзб.] – марҳумга бағишлаб ўтқатиладиган маросимлар (етти, қирк, йил) олдидан (кўпинча бир кун олдин), кечкурун тор доирада ош тортилиб, Қуръон ўқилиб, ўтқатиладиган анъанавий удум.

ШОҲИЗИНДА شاه زنده [ф] – Муҳаммад с.а.в.нинг амаки-пиччалари Қуссам ибн Аббоснинг халқ тилидаги атамаси, яъни Қуссам Марказий Осиёда исломни ёйиш муносабати билан халифа Усмон томонидан Самарқандга юборилган ва араб лашкарбошиси Қутайба Бухоролигида Самарқандда исломлаштиришга қарши кўтарилган норозиликни тинчитиш вақтида ўқ тегиб, шаҳиди аъло бўлганлиги, неча муддат қабрдан овоз эшитилиб турганлиги учун Шоҳи зинда (тирик, барҳаёт, шоҳ) деб аталган.

ШОҲИМАРДОН شاه مردان [ф] – эркаклар марди, шоҳи, подшоҳи, ири; Ҳазрат Алининг лақаблари. Шу сабаб «*Ё пирим, Ҳазрат Али Шоҳимардон*» дейилади.

ШОҲИСТАИ ЖАННАТ شاهستانه جنت форсча ва арабча сўзлардан ташкил топган. Дуолар охирида айтиладиган бу изофали истилоҳ жаннатга етказмоқ, киргизмоқ, бошламоқ, боғламоқ, муяссар этмоқ маъноларида қўлланилади, яъни марҳумлар ҳақида дуолар қилинганда, «ғариқи раҳмат» (қ.: Ғариқи раҳмат), «шоҳистаи жаннат қил» демоқ. *Ганда жисмим доимо шоҳиста қилгил тавбага* (“Қиссаи Иброҳим Адҳам”дан).

«**ШУАРО**» الشعراء [а] Бу сурадан Аллоҳ таъолонинг шоирлар ҳақидаги сўзлари ҳам ўрин олганлиги сабабли у «Шуаро» (шоирлар) деб аталган.

ШУКУР شكر [а] – *шакара* феълининг «миннатдорлик билдирди» маъноси билан боғлиқ ҳосил қилинган бўлиб, ўзбек тилида

миннатдорлик маъносини англатади. Бошқача айтганда, инсонга инъом этилган барча нози неъматлар: ақл, идрок, онг, тил, кўз, кулок, қўл, оёқ; оила, фарзанд, ота, она; ер, осмон, сув, ҳаво, кеча, кундуз; яхши, ёмон кунлар учун ҳар куни, ҳар тонг, ҳар соат, ҳар дақиқада Аллоҳга билдириладиган раҳмат, миннатдорлик, мамнунлик, розилиқдир. “Шукур” сўзи бугунги тилимизда сўзлашувда, кўпинча, суҳбатдош саволига жавоб ўрнида (раҳмат, ёмон эмас, яхши маъноларида) қисқа шаклда қўлланса-да, аслида Аллоҳга раҳмат, Аллоҳга ҳамд (хамду сано бўлсин), Аллоҳга шукр шаклларида қўлланилган (Раҳматулла, Ҳамидулла, Шукрулла исмлари шундан келиб чиққан). *Шукур* истилоҳи ўзбек нутқида, асосан, кўшлик (шукр شوکور) шаклида қўлланилади (исм бўлиб келганда ҳам).

ШУКРОНА НАМОЗИ شکرانه نمازی [a+ф] – оғир кунлар: очарчилик, жабр-зулм, кайғу, тўфон, зилзила, вабо ёки аксинча, шодлик, тантана, ғалаба, кимнингдир тахтга чиқиши, фарзанд туғилиши, тасодифан ўлимдан қолиш, эзгу тушлар кўриш, тушда каъбани зиёрат қилиш, пайғамбарни кўриш каби воқеалар билан боғлиқ Аллоҳга тавба-тазарруълар қилиб, хайри садақалар ўтказиб, шукрона намозлари ўқилган.

ШУКРОНА شکرانه [a] – бандасини Аллоҳ инъом этган нознеъматлари ва имкониятлари учун раҳмат ва ташаккур айтмоғи, ёмон кунларга сабр-бардош бермоғи, шак келтирмаслиги, яхши кунларнинг қадрига етиб, шукронаси учун хайр-садақа бермоғи, намози шукрона ўқимоғи, рўза тутмоғи, ибодат қилмоғи ва ҳоказо. “Шукрона” сўзи «ўзбек тилининг этимологик луғати»да бошқа луғатлардан фарқли ўлароқ арабча (-она форсча-тожикча эмас), *шукронат* мавҳум отидан, -т туширилган (Шукрана > шукрона бўлган) деган хулосага келинган.

ШУКРОНАИ НЕЪМАТ شکرانه نعمت [a] – (форсий изофа) Аллоҳнинг яратган нози-неъматлари, тўқчилигу тўкинчиликлари, бойлигу борликлари, ризқу рўзига мўъмин мусулмонларнинг истиффорлари, рози-ризוליғи, раҳмату миндорчиликлари – бир сўз билан айтганда, шукроналари.

«ШҶРО» الشّوروى [a] сура номи. Унда ҳар бир ишда маслаҳат – кенгаи билан иш тутишга даъват этувчи оятлар ҳам мавжуд бўлгани учун у ШҶро (маслаҳат) сураси деб аталган.

ЭКСТАЗ [юнон.] – дин ахлларида юз берадиган вактинчалик шлохий илхом (к.: Жазав).

ЭТАКСИЗ ايتكسىز [ўз.] – бенамоз ва бетаҳоратнинг маънодоши.

ЭШОН ايشان [ф] – сўфийлар оқимларида диний раҳнамолар унвони. Ўрта асрларда сўфий раҳнамоларига мурожаат қилишда уларнинг исмлари ўрнида «Эшон» баъзан «Пир» (ф. – катта, бошлиқ, оқсақол) сўзлари кўшиб ишлатилган. Эшонлар пири муршидлик ҳам қилганлар, мурудларини сўфийлик йўлига ўргатганлар, беморларни ҳам даволаганлар.

ЭЪТИКОФ اعتكاف [a] – бирор мақсад, ният билан бир кундан, ўн кунгача муддат билан уйдан чиқиб масжидда ўғирмок. Жамиятдан узоклашмок, ҳамма масалада парҳез ва тақво тутмок, пировардида, эътикоф орқали тобланмок, покланмок, комиллик касб этмок.

ЭЪТИҚОД اعتقاد [a] – ишонч. Аллоҳга кучли ишонч билан боғланиш, Унинг ягоналигига, малоикларига, китобларига, пайғамбарларига, тақдирга, киёмат кунига, қайта тирилишга ишониш – иймон келгириш.

ЭХРОМ احرام [a] – аслида «ҳарума» феълининг эъзоз, эҳтиромга лойик бўлди маъноси билан боғлиқ ҳосил қилинган бўлиб, муқаддас, пок, маҳрам каби маъноларни англатади ёки хаж худудига кириб келганда кийиладиган ҳожилар кийими (оқ покиза либос): Эҳром киймок, Эҳром боғламок.

ЭХСОН احسان [a] – диний истилоҳ маъносида Худо йўлида бериладиган хайр-садақа, худойи. Масалан, марҳумга эҳсон (егти, қирк, йил маъносида) бермок. Инъом сўзи эҳсондан фаркли бўлиб, бу, асосан, дунёвий характерга эга. Масалан, кимгадир давлат, ер, мол-мулк бермок маъносида. Эҳсон “инъом” сўзи билан жуфт шаклда қўлланганда, умуман, сахийлик маъносини англатади.

ЭХСОНХОНА احسانخانه [a.+ф.] – марҳум вафотидан кейин унга бағишлаб дастурхон ёзилиб, Қуръон ўқилиб ўтказиладиган махсус жой ёки бирор масжид, мадраса қошида ташкил қилинган хайрияхона.

ЭХТИЛОМ احتلام [a] – уйкуда булганмок. Одамнинг кўпинча ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда (кўпроқ тушида) маъний (нутфа, уруғ, сферма, шахват, ҳайз)сининг оқиб кетиши. Бундай вақтда одам жулуб, ҳаром бўлиши ва шу сабаб ғусл қилиб покланиши вожибдир. (к.: Ғусл).

Ю – يو ، ی

ЮВУВЧИ, ЮВГУВЧИ, ЮВҒИЧ يوغچى ، يوغوجى ، يووچى [ўзб.]
– ўлик ювувчи, покловчи, мўрдашўй (қ.: Мурдашўй, ғассол).

ЮВУҚСИЗ يوقسىز [ўз.] – фосиқ, иймонсиз, ишончсиз (қ.:
Бенамоз, Бетаҳорат).

ЮЗИ ҚОРА يوزى قاره [ўзб.] – гуноҳкор банда (қ.: Рўйи сиёх).

*Юзим қорасин оқ айлагайсан,
Муҳаммадни менга ёр айлагайсан,
Сўрар вақти ўзинг бандам дегайсан,
Қиёмат кун мени шарманда қилма*

(“Киссаи Иброҳим Адҳам” дан)

«ЮНУС» يونس – сура номи. Унда Нух, Мусо, Юнус, каби пайғамбарларнинг қиссалари зикр қилинганлиги учун сура улардан бири – Юнус пайғамбар исмлари билан аталган.

«ЮСУФ» يوسف [a] – сура номи. Унда Юсуф пайғамбар фаолияти яъни, Аллоҳ амрини бандаларга етказиш, ерда ҳақиқатни қарор топтириш учун олиб борган фаолияти, қийинчиликлари акс этганлиги учун сура номи «Юсуф» деб аталган.

Я – ی

ЯВМУН НУШУР يوم النشور [a] – қиёмат, охират; ўлгандан кейин тирилиш, руҳнинг ёйилиши, жисмларга тарқалиши. Бугунги нутқимиздаги нашр, ношир, нашриёт лексемалари ҳам аслда нушур сўзи билан ўзакдош.

ЯВМУ ТАРВИЯ يوم ترويه [a] – Қурбон ойининг саккизинчи куни. Шу куни Маккадан чиқиб, Мино тоғига бориб ётиш суннати. Пайғамбаримиз шундай қилганлар.

ЯРҲАМУКАЛЛОҲ يرحمك الله [a] – эй Аллоҳим, раҳм қил гапининг қисқартмаси; аксирган, акса урган киши, одатда, «Астағ-фируллоҳ!» (“Эй Аллоҳим, афв эт, кечир” маъносида) дейди. Ёнида ўтирган, эшитганлар «Ярҳамукаллоҳ! (Ё Аллоҳ, раҳм қил! Маъносида) деб кўяди.

ЯЪЖУЖ-МАЪЖУЖ ماجوج - ماجوج [a] – хунук башара, бадҳайбат, ҳамма нарсани нобуд қилувчи, одамхўр махлуқлар; яъжуж садди – мана шу махлуқлар одамлар орасига доримасин деб Искандар қурдирган баланд ва мустаҳкам девор.

ЯҚОЗО يقاضا [a] – намоздаги уйғоқлик, маънавий-руҳий бедорлик.

ЯҚРАЪ يقرأ [a] – қироат сўзи билан ўзакдош бўлиб, ўқимок демак. Яъни Хатми Куръондан кейин: “Аллоҳумма наввир кулув-

бина би ҳурмати Қуръан ва Яссир умуврана бибарокатил Қуръон...” деб бошланадиган бағишлов, илтижо дуосининг номи «Дуои Якраъ».

ۋ – او

ЎЛИМ ФАРИШТАСИ اوليم فرشتھسى [ўзб.+ф] – Аллоҳ амри билан барча тирикликнинг жонини олувчи тўрт фариштаи муқаррабнинг бири (қ.: Азроил).

ЎЛИМ اوليم [ўзб.] – ажал, қазо сўзлари билан маънодош; ҳаёт, тириклик сўзлари билан зид: ўлим етгач, ҳаёт сўнади. Тасаввуфий маънода эса ўлим инсон билан бирга туғилиб бирга яшайди; инсон ўлимни унутиб қўйганда ҳам, у инсонни унутмайди. Шунинг учун ўлим инсонни ғафлатда яшамаслигини, ҳидоят сари юриб барҳаётлигида икки дунё бахтига эришиб улгуришини пировардида, ўзини (ўлимни) яхши кутиб олишини огоҳлантириб туради. Зотан ўлим ҳам Аллоҳнинг улуғ неъматини, абадий ҳаётнинг бошланиши (Ғаззолий).

ЎН САККИЗ МИНГ ОЛАМ اون سگزمينگ عالم [ўзб.+а.] – диний таълимотга кўра дунё (коинот, галактика) ўн саккиз минг оламдан иборат (шулардан бири Ер олами). Ўзига хос ҳаёт, яшаш тарзига эга бўлган бу оламлар, яъни касрат олами ёки олами суғро ўз Халлоқининг қудратини намойиш этиб, унга ҳамду сано айтиб туради. Интиҳода фонийликка юз тутиб, илоҳий (боқий) оламга сингиб кетади.

ЎТКИР НАФАС اونگير نفس [ўзб.+а.] – қ.: Дами ўткир.

Қ – قى

ҚААРИИН ҲОЖИЛАР قعريين [а+ўзб.] – ҳам умра (кичик ҳаж), ҳам катта ҳаж қилувчилар. Қаариинлар лаббайкасида «Аллоҳумма лаббайка умратан ва ҳажжан» дейдиган, қурбонлигини Қурбон ҳайитида сўймагунча эҳромдан чикмайдиган ҳожилар.

ҚАБЗ АЛ-АРВОҲ قبض الارواح [а] – қабз – олиш, тутиш, тутамлаш, ушлаш; Арвоҳ руҳнинг кўплиги. Қабз ал-арвоҳ – жон олувчи руҳ – ўлим фариштаси, яъни Азроил а.с.

ҚАБЛАЛ ЯДАЙНИ قبل اليدين [а] – саждага бораётганда икки тиззани, икки қўлдан олдин ерга қўймоқ.

ҚАБР ТОШИ قبر تاش [а+ўзб.] – киши вафот этгандан маълум муддат ўтгач (масалан, қирқи ёки йили муносабати билан), оятлар,

тавҳид, шаҳодат калималари ёки у ҳақдаги таъриф тавсифлар битилган, мрамрдан тайёрлаб марҳумнинг бош томонига қўйилган хотира тоши. Қабртош қабрни топиш учун хизмат қилинган ташкари қиёматгача марҳум руҳига тасбеҳ ҳам айтиб туради.

ҚАБРПЎШ قَبْرِپوش [a+ф] – дафн вақтида марҳумга бошқалар назари тушмаслиги учун қабр устига ёпиб туриладиган тўсик, парда, мато.

ҚАВВОЛ قَوَال (бирл. қавл قول – сўз, гап) [a] – чечанлик билан узоқ сўзловчи, топиб гапирувчи сўзамол, нотик; Истилоҳий маъноси – сўфийларнинг зикри самоъ даврасида хонандалик, хофизлик қилувчи, диний-маърифий, илоҳий шеърлар, матнлар ўқувчи, ваълхон.

ҚАВИЙ (ал-Қавий القَوِي) [a] – кучли, қувватли, олий руҳли, ҳақиқий қувват ва қудрат эгаси (Аллоҳнинг исми сифатларидан бири).

ҚАВМ قَوْم [a] – аслида бир авлод, бир уруғдан тарқалган кишилар бирлашмасини англатган бўлса-да, кейинчалик бир дин билан боғланган, бир мазҳаб ёки пайғамбарга тобеланадиган жамоа, халқлар ёки мусулмонларни ҳам англатади.

ҚАВМА قَوْمَه [a] – рукуъдан қайтганда қаддини тўғри тутиб, бироз турмоқ, икки қўлини ёнига ташлаб, бир нафас тўхталмоқ.

ҚАВСАЙН قَوَسَيْن (бирл. қавс قوس) – истилоҳий маъноси икки қавс – икки олам: дунё билан боқий олам ораси. Диний манбаларда Жаброил фаришта кўз очиб юмгунча қавсайнни босиб ўтади, гўё бу масофа кўз билан қош орасидек.

ҚАДАМЖО(Й) قَدَمَجَا [a+ф] – авлиёю анбиёлар, шайхулислом, пиру муршидлар яшаган ёки қадамлари етган, сиғинадиган муқаддас жойлар (қ.: Зиёратгоҳ) макон ва манзиллар.

ҚАДАРИЯ ЁКИ ҚАДАРИЙЛАР قَدَرِيَا ، قَدَرِيَه [a] – ҳамма нарса тақдири азалдан, номаи аъмолда белгилаб қўйилган, тақдирни тадбир қилиб бўлмайдиган, Куръон ғояларини ҳам Аллоҳдан бошқа ҳеч ким англаб ета олмайди ва бунга уруниш ҳам ортиқча деб фикрловчилар (қ.: Мутақаллимия).

«ҚАДР» الْقَدْر [a] – сура номи. Унда Куръони карим нозил бўлган кеча – Лайлат ул-қадр, яъни қадрли кеча ва унинг минг ойдан афзаллиги кабилар баён этилганлигидан (сура) «Қадр» деб аталган; халқ тилида «Лайлат ул-қадр» номи билан ҳам машҳур («Лайлат ул-қадр» мақоласига қаранг).

ҚАЗО НАМОЗ قضاة نماز [a] – қ.: Қазо.

ҚАЗО I قضاة [a] – 1) ўлим, тақдир; 2) бирор ишнинг бажарилиши; 3) вақтида ўқилмаган намоз (казо намоз)ларнинг ўқиш, қазо қилиб ўқиш.

ҚАЗО II قضاة [a] – бирор воқеанинг юз бериши, содир бўлиши; Худо юборган ўлим, ажал (қ.: Ажал): қазо қилмоқ, ажали етмоқ – ўтмоқ.

ҚАЗО РЎЗА قضاة روزه [a+ф] – Рамазон рўзасини узрли сабабларга кўра тута олмай, бошқа ойлarda тутиб берилиши.

ҚАЗОИ МУАЛЛАҚ قضاة معلق [a] – қутилмаганда, тасодифан берилган берадиган ўлим: сувда чўқиш, ўтда ёниш, тоғдан кулаш, отилиш каби.

ҚАЗОИ МУБРИМ قضاة مبرم [a] – табиий биологик ўлим, Аллоҳдан келган, Аллоҳ юборган, яъни илоҳий ажал.

ҚАЙЮМ (ал-Қайюм القيوم) [a] – азалий ва абадий барқарор турувчи; Аллоҳнинг исми сифатларидан бири. «Аллоҳу ла илаҳа илла ҳува алҳайюл қайюм» («Бақара») ояти каримасида ҳам Аллоҳнинг ана шу сифати – доимо тириклиги, барқарорлиги, мавжудлиги ақс этган.

«ҚАЛАМ» القلم [a] – сура номи. Унинг аввалида Аллоҳ таоло инсон зотига ато этган буюк неъмат – қалам ва у билан битиладиган битикларга қасам ичиб, Муҳаммад с.а.в. Макка мушруклари тақаббўлган айблардан пок ул зот улуғ Хулқ устида эканликларини таъкидлайди. Шу муносабат билан сура «Қалам» деб аталган.

«ҚАМАР» القمر [a] – сура номи. Бу сура Пайғамбар с.а.в.га ато этилган мўъжизалардан бири Ойнинг бўлиниши ҳақидаги ояти карима билан бошланади. Суранинг «Қамар» (ой) деб аталиш сабаби ҳам шудир.

ҚАНОАТ قناعت [a] – қаниъа феълидан бўлиб, бориға шукур қилмоқ, Аллоҳ ато этган ризқ билан кифояланмоқдан ташқари, нафс ул-аммораға, чунончи гуноҳ сари етакловчи ҳирс-ҳавас ва шаҳватға қарши турмоқ. *Қаноат бир қўрғонки, унга кирсанг нафсининг қутқусидан қутулурсан* (Алишер Навоий). *Қаноат қорин тўйдирар* мақоли ҳам шу билан боғлиқ.

ҚАРЗИ ҲАСАНА قرض حسنة [a] – ўзбек тилида “чиройли, гўзал қарз” тарзида таржима қилинса-да, моҳиятан, бировға беминнат, бетаъма, қайтариб олинмиши мўлжалланмаган ҳолда (шу томони билан одатдаги қарздан фарқли) бериладиган мол-пул.

ҚАРЗИ ҚИЁМАТ قرضى قيامت [a] – қарз қайтариб бериш шарти билан олинган мол, пул, ашё. Қайтарилмаган қарз, хиёнат, жиноят ҳисобланишдан ташқари, шаръан *қарзи қиёмат* ҳамдир. Қарздор жон беришда, қабрда, маҳшарда азобга дучор бўлади, сиротда ушланади (қ.: Сирот). *Киши молини ема, Сирот узра тутаро* (Аҳмад Яссавий). Шу боис, жаноза (қ.: Жаноза) ўқиш олдидан мархумнинг қарзи бор-йўқлиги, агар бўлса, икки ишончли гувоҳ ҳузурида мутасаддилари тўлаши кераклиги мулла томонидан таъкидланади.

ҚАРҒИШ قرغيش [ўзб.] – элнинг, художўй қавмининг золим ва жоҳиллар адолатсизликлари ва ноҳақликларига қарши уни даф этиш мақсадида Аллоҳ номи билан сўрайдиган илтижолари, дуоибадлари.

ҚАРҒИШ ТЕККАН // ҚАРҒИШ УРГАН // ҚАРҒИШГА УЧРАГАН – ғайри инсоний ҳаракатлари туфайли элнинг қарғишига, Аллоҳнинг қаҳрига учраган, бахтсизлик, омадсизликка юз тутганлар.

ҚАСАМ قسم [a] – бирор иш ҳаракатнинг ҳақ ва ноҳақлигининг исботи учун қўлланиладиган восита, лавз-қавл. Қасам ҳар қандай нарса-воситалар билан эмас, Исми олий, яъни қасам ҳарфлари билан ҳосил қилинган Аллоҳ номи (Биллоҳи, Валлоҳи, Таллоҳи) (махсус талаффуз қилинган лафз-қавл) орқали амалга оширилади. Ёлғон қасам ичмоқ – каззоблик бўлиб қасам ичувчи Алоҳнинг ғазабига учраши Қуръони каримда ҳам акс этган («Набаъ» сураси, 39-оят).

«ҚАСАС» القصص [a] – сура номи. Унда Мусо а.с.нинг туғилишларидан тортиб, қандай пайғамбар бўлганликлари, барча саргузаштлари мукамал сўзланганлиги сабабли у «Қасас» (қисса) деб аталган.

ҚАСР НАМОЗИ قصر نماز – қ.: Қасри салот.

ҚАСРИ САЛОТ قصر الصلوات [a] – бирор узрли сабаб, масалан, сафар туфайли намозни қисқартириб, масалан, тўрт ракъат фарзни икки ракъат қилиб ўқиш. Ҳазрат пайғамбармиз Мадинага кўчиб келганликлари, сафарда кўп бўлганликлари туфайли қаср намози ўқиганлар. Бир жойда 19 кундан ортиқ турилса, намозхон муқим ҳисобланади, намоз қаср қилинмайди, қисқартирилмай ўқилади. Баъзи манбаларда муқимлик муддатини 15 кундан ортиқ деб белгиланади. Баъзи манбаларда қаср намозини *мусофир намози* ҳам дейилади.

ҚАЪДА قنده [a] – намозда икки ракъатдан кейин қаъда қилиш – ўтириш, таҳийят ва ташаҳхуд ўқимок. Намоз охиридаги қаъдани *қаъдаи охура* дейилади. Бунда таҳийят ва ташаҳхуд билан бирга дуо-салават ҳам ўқилади.

ҚАЪДАИ ОХИР آخر قنده [a] – намозда ният килинган ракъатларнинг энг сўнггисидан кейинги ўтириш, аниқроғи, бомдоддаги икки ниятнинг, асрдаги бир ниятнинг, пешиндаги уч ниятнинг, шомдаги икки ниятнинг, хуфтондаги уч ниятнинг (витр билан) охирги ўтириши *қаъдаи охира*дир.

ҚАЪДАИ УЛА قنده الاولى [a] – уч ёки тўрт ракъатлик намозда иккинчи ракъатнинг охирида «аттаҳийяту»ни ўқиш микдорича ўтирмоқ.

ҚАҲҲОР (ал-Қаҳҳор القهار) [a] – қаҳр қилувчи, ғазаб қилувчи, барчани бўйсундирувчи, ғолиб. Ал-Қаҳҳор Аллоҳнинг сифатий исмларидан бири: *Қаҳҳор отлиқ номиндан қўрқиб йиглар Хожжа Аҳмад*.

ҚИБЛА АҲЛИ قبله اهلى [a] – аслида Каъба атрофида яшовчилар, Макка аҳолиси, кенг маънода Каъбага юзланиб намоз ўқувчи барча мусулмонлар.

ҚИБЛА قبله арабча «қабала» (тобеланди, эгилди) феълидан ясалган бўлиб, намозда мусулмонлар юзини буриб, қаратиб турадиган томон, яъни Каъбатуллоҳ – Аллоҳнинг уйи (мажозий)дир (к.: «Қибла тарихидан»).

ҚИБЛАИ МАЪЛУМ قبله معلوم [a] – қибла тушунчаси анча кенг: қиблаи Каъба, қиблаи падар, қиблаи маълум. Булардан қиблаи Каъба – *қиблаи маълум* дейилади.

ҚИБЛАИ ПАДАР قبله پدر [a+ф] – бирор муносабат билан, масалан, сафарда туман ичида қолиб, ёки умуман, қибла йўқотилганда, мавҳумлашганда, ёнида отаси бўлса, намозни отага қараб ўқиш.

ҚИБЛАИ ҚАЛБ قبله قلب [a] – бирор муносабат билан, масалан, сафарда юрганда туман ичида қолиб, яъни қуёш ботаётган томон номаълум бўлиб қолганда, қалб буюрган томонга, қалбга (Аллоҳ қалбда) қараб намоз ўқиш.

ҚИДВА قنوه [a] – бошлиқ, етакчи, сўфийлар бошлиғи. *Қитват ул-авлиё* – валийлар етакчиси, йўлбошчиси.

ҚИЁМ قيام [a] – намозда оёқ устида, қадни ростлаган ҳолатда тик – қоим турмоқ.

ҚИЁМАТ ҚОИМ قِيَامَتِ قَائِمٍ – қиёмат бошланиши, етилиши воқе бўлиши (қ.: Қиёмат).

ҚИЁМАТ قِيَامَت – арабча, қоим, қомат, қиём, қайном сўзлари билан ўзакдош, бу ерда «қама» феълининг «тирилди» маъноси билан ҳосил қилинган бўлиб, охиратда Исрофил сур чалиши билан барча жонзотларнинг «уйқудан» уйғониши – тирилиши оёқда (тик, қоим, қиём) туриши, Арасотда (қ.: Арасот) тўпланиши, инсоннинг «Номаи аъмоли» (қ.: Номаи аъмол) таҳлил – ҳисоб-китоб қилиниши мезон (қ.: Мезон) қурилиши, кимгадир жаннат, кимгадир жиҳаннам эшиги очилиши каби воқеликларнинг умумий атамасидир. Бу кун қиёмат куни, явмал қиёмат, маҳшар (қ.: Маҳшар) куни дейилади.

«ҚИЁМАТ» الْقِيَامَةِ [а] сура номи. Унда сўз қиёмат куни ва қайта тирилиш хусусида боради. Даслабки, оятларда Аллоҳ инсоннинг суякларини йиғиб тўплашга, бармоқларигача тиклаб бут қилишга қодир эканлиги ва ҳеч бир инсон қиёмат ҳисоб-китобидан қочиб қутила олмаслиги ҳақида хабар берилганлиги учун сура «Қиёмат» деб номланган.

ҚИЁС قِيَاس [а] – икки нарсани ёки ўхшаш воқеликни солиштириш, орқали ақлий ва мантиқий бир хулосага келиш. Қиёс – диний-истилоҳ маъносида шаръий ҳукмлардан бири бўлиб, Қуръон ёки Суннада айнан акс этмаган бирор воқелик Қуръон ёки Суннадаги ўхшашига – тимсолига қиёсан унинг тўғри ва нотўғрилиги ҳақида ҳукм чиқаришдир. Масалан, Қуръонда хамр (ароқ) – харом. Демак, барча маст, беҳуд, сархуш қилувчи ичимликлар, моддалар, қорадори ва б. ҳам харомдир.

ҚИЛКЎПРИК قَبْلِ كَوْبِرِيك [ўзб.] – дунё билан охират ўртасида қурилган, жаннат ёки дўзахга бориш учун ўтилиши муқаррар бўлган, қилдан ингичка, қиличдан тез бўлган илоҳий синов кўприги (қ.: Сирот, Сирот кўприги, Пул сирот).

Бошим ёстиқда, жоним кетарда,

Таним торлаҳад ичра ётарда,

Сирот отлиқ гузарингдан ўтарда,

Қиёмат кун мени шарманда қилма. (Аҳмад Яссавий)

ҚИРОАТ قِرَآءَت [а] – ўқиш, баланд овоз билан ўқиш; қироат «қараъа» (ўқиди) феълдан ҳосил қилинган бўлиб, Қуръони каримни тажвид қоида рига риоя қилинган ҳолда аниқ, тиниқ, равшан – ифодали ўқиш, овозга зеб бериб ўқиш «Аззайянул Куръона би

«антикум» (Ҳадисдан), ҳар бир сўзни аниқ талаффуз қилиб, ўқиш «Алҳид алайна варагиллил Қуръона тартийла».

ҚИРОАТИ ЖОРИЯ قراءت جهريه [a] – Қуръон оятларини ёки мактабнинг фарз рақъатларини ошкор, эшиттириб ўқиш.

ҚИРОАТИ МАХФИЯ قراءت مخفيه [a] – Қуръон оятларини ёки мактаб рақъатларини яширин, овоз чиқармасдан ўқиш.

ҚИРОАТХОНА قراعتخانه [a+ф] – муқри (қ.: Муқри), қори (қ.: Қори) ёки кироатхон мулалар тайёрлайдиган махсус мактаб (қ.: Қорихона). Изоҳ: Шўро даврида кироатхона атамаси, кутубхона, ўқув зали маъноларида қўлланиб келинди.

ҚИРҚ ФАРЗ قيرق فرض [ўзб.+a] – фарз айн, иймондаги 7, намаздаги 12, ғусулдаги 3, таҳоратдаги 4, таяммумдаги 4 каби фарзлар.

ҚИСМАТ قسمت – арабча «қасама» феълининг «бўлақларга ажратди» маъноси билан ҳосил қилинган бўлиб, бўлиш, тақсим, қисса, улиш демақдир. Бошқача қилиб айтганда, қисмат инсон учун азалдан белгилиб қўйилган тақдир, кўргулик, азалий битик (қ.: «Тақдири азал»).

ҚОБА ҚАВСАЙН قابه قوسين [a] – ўн саккиз минг оламнинг бирлашган энг юқори чўккиси.

ҚОБИЗ (ал-Қобиз القابض) [a] – Аллоҳнинг исми сифатларидан бири: Кимларнингдир гуноҳига қараб ризкини қийувчи, руҳларни қобз (қабза – чангал ҳам шу сўздан) этувчи, олувчи.

ҚОБУЗ УЛ-АРВОҲ قابض الارواح [a] – қабз – олиш, тутиш, тутамлаш, ушлаш (қабза-чангал) арвоҳ – (бунда бирлик маъносида) Рух, яъни Азроил а.с., чангаллаб ушлаб жонни олувчи (қ.: Арзоил).

«ҚОВУНШИШИҒИ» قاونيشيغ [ўзб.] – бирор кимса вафотидан кейин келадиган биринчи қовун шишигида марҳум хотирасига боғишлаб полиздан қовунлар узилиб, кишиларга инъом қилиниб, махсус ўтказиладиган хайрия тадбири. Йўқолиб кетаётган бу удум «қовуншишиғи» дейилган.

ҚОДИР (ал-Қодир القادر) [a] – Аллоҳнинг исми сифати – Аллоҳ чексиз кудрат соҳиби, ҳамма нарсани бордан йўқ, йўқдан бор қилувчи зот.

ҚОЗИЙУЛ ҲОЖОТ قاضى الحاجات [a] – ҳожат чиқарувчи, Худо. Аллоҳ бандаларининг тавба-тазарруъ қилиб сўраган мурод мақсад ва истакларини амалга оширувчи адолатли, одил зот.

ҚОИМ قائم (ёки қойим قائم) [a] – намозда тикка турувчи шахс.

ҚОН ЧИҚАРМОҚ قان چىقارماق [ўзб.] – бирор нохуш воқеани ёки фалокат (қ.: Фалокат) дан омон қолиш, сақланиш, ёмон қўриқинчли туш кўриш ёки аксинча, яхши, эзгу ният ва мақсадларнинг рўёбга чиқиши каби муносабатлар билан Худо йўлига жонлик сўйиб (қ.: Худойи) мўмин, мискин, бева-бечора, етим-есир, сағир суғирларга таом бермоқ.

ҚОРА ТОШ قارا تاش [ўзб.] – қ.: Ҳажар ул-асвад.

ҚОР ЁҒДИ قارياغدى [ўзб.] – кимса вафотидан кейин биринчи ёққан қор муносабати билан мархумнинг қариндошлари «қорёғди» қилишиб, вафот этганнинг уйига келишганлар, хотирасини ёдлаб, дуойи илтижолар қилишганлар. Бу йўқолиб кетаётган удум халқ тилида «қорёғди», «қорёғди» қилиб бермоқ деб аталади.

ҚОРАОШ قاره اش (ўзб.) – ўтмишда ўлим бўлган хонадонда ўша куннинг ўзидаёқ, ҳатто майит чиқарилмасдан олдин жонлик сўйилиб ош дамланган, таом тайёрланган. Бу одат ҳозир ҳам айрим жойларда, чунончи, Бойсуннинг баъзи қишлоқларида мавжуд. Бу «зиёфат», яъни гамли кун билан боғлиқ тайёрлангани учун «қораош» деб аталган. *Молинг қораошингга сўйилсин, қораошга кетсин* қарғишлари мана шу воқелик билан боғлиқ юзага келган.

ҚОРИ قارى [а] – Қуръони каримни ёддан билувчи, уни тажвид (қ.: Тажвид) қоидаларига тўла риоя қилиб ўқувчи, яъни қироат қилувчи ҳофиз, мулла.

ҚОРИХОНА قارى خانه [а+ф] – ўтмишда Масжид ва мадрасалар қошида очилган махсус таълим мактаби. Унга мактабни битирган муллалар олинган. Барча сурани ёд билган, тажвид қоидаларини мукамал билган, қироат илмини ўрганганлар қорихона битирувчилари қори ёки муқри деб аталган.

ҚОСИД قاسد [а] – реал маъноси хабарчи, хат ташувчи, чопар; диний истилоҳий (рамзий) маъноси хотиф (гойиб)дан овоз берувчи, хабар берувчи (масалан, ўлимдан) ниманидир башорат қилувчи шахс ёки руҳлар.

«**ҚОФ**» قى [а] – сура номи. Қирқ беш оятдан иборат бўлган бу сурада ҳам қайта тирилиш, охират ҳисоб-китоби ҳақида хабар берилади. Сура ўзининг илк калимаси бўлмиш «қоф» ҳарфи билан номланган.

ҚОЪИД قاعد [а] – намозда ўтирувчи.

ҚУББАТ УЛ-ИСЛОМ قبّة الاسلام [а] – ислом маёғи; Балх шаҳрига берилган унвон.

ҚУБЪА قُبْع [a] – шар шаклида ясалиб буюклар, авлиё ва анбиёлар макбараси устида ўрнатиладиган маёқ. Рамзий (диний) маънода эса инсониятга бахт-нажот, хидоят йўлини ёритиб турувчи мингъала, маъносида қўлланилади.

*Кунда жисмим доимо шоҳиста қилгил тавбага,
Шул сабабдин мен келиб бошимни урдим равзага
Ҳазрат Одам дуоси бўлди мақбул Каъбага
Пок бўлгайлар гуноҳдан ким келса бу қубъага.*

ҚУВВАЙИ ҚАЛБ قُوِي قَلْب [a] – қалбда тўпланган илоҳий қувват, нур, иймоннинг эътикод кучи.

ҚУВВАТ قُوْت [a] – қавия феълнинг «кучли бўлди» маъноси билан боғлиқ ҳосил қилинган мавҳум от бўлиб, ўзбек тилида «куч» маъносини англатади. Қувват жисмоний куч (полвон – кучли), молдавлатли (бели бақувват) каби маъжозий маънолардан ташқари, диний истилоҳ ҳамдир, яъни руҳий-илоҳий куч, сеҳр-жоду (биоэнергия), атрофга таъсир қилиб, уни ўзига тортувчи, биомайдон. Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандийлар ёвуз кучларни қуввати қудратлари билан дафъ этганлар. «Бухоро қуввати дини Исломот» мисрасида ҳам Исломот динининг инсонни Ер юзида ушлаб турувчи илоҳий қуввати акс этган.

ҚУДДУС (ал-Қуддус القُدْس) [a] – пок, тоза, мукаддас, нуқсонлардан холи (Аллоҳ исми сифатларидан бири). Еврисалим марказининг Қуддус (Қуддуси шариф) деб номланишига ҳам Аллоҳнинг инна шу гўзал исми асос бўлган.

ҚУДДУСА СИРРУҲУ قُدْس سِرْه [a] – сирли мукаддас, эзгу, руҳи шод бўлсин (Вафот этган киши ҳақида айтиладиган дуо ибораси).

ҚУДРАТ قُدْرَت [a] – Аллоҳнинг субутий сифатларидан. Ул зот олам, еру осмон, жаннату жаҳаннам, барча махлуқот ва уларнинг тақдири, аъмоли акс этган «Лавҳул махфуз»ни бир сўз («Бўл»), бир хоҳиш билан ярата олганлиги.

ҚУЛОҚ ҚОҚМОҚ قَوْلَاق قَاقْمَاق [ўзб.] – такбир айтиб (Аллоҳу акбар) деб қўлларни (бош бармоқни) кулоқларнинг юмшоқ жойига тегишмоқ.

ҚУНУТ قُنُوْت [a] – витр намозининг охирги (учинчи ракъатида, «Фотиҳа» сурасидан кейин зам сурадан олдин ўқирилиши вожиб бўлган, илтижо, тазарруъ мазмунидаги “Аллоҳумма инна настьинука ва настағфирука...” деб бошланадиган матн, дуои қунут.

«ҚУРАЙШ» قُرَيْش [a] – сура номи. Унда Пайғамбар с.а.в.нинг қабилалари бўлмиш қурайшийларга Аллоҳ таоло тамонидан ато

этилган икки улуғ неъмат – тинчлик-омонлик ва тўқлик-фаровонлик неъматлари зикр қилинганлиги, умуман, Муҳаммад с.а.в. хурматларидан курайш қабиласи эъзозланганлиги учун сура номи «курайш» деб аталган.

ҚУРБОН قربان [a] – «караба» феълининг Аллоҳ йўлига жонлик сўйди маъноси билан боғлиқ ҳосил қилинган бўлиб, бадал, садака, фидя, фидо маъноларини англатади. Ўзбек тилида қўлланадиган курб (имконият), қарийб (сал кам), курбон (исм, акрабо (яқин, қариндош, уруғ) каби лексемалар ҳам караба феъли билан ўзакдошдир.

ҚУРБОН НАМОЗИ قربان نمازى [a+f] – Одатдаги намозларимиздан бироз фарқли ўлароқ икки ракъат бўлиб, биринчи ракъатда санодан кейин, «Фотиҳа» сурасидан олдин уч марта, иккинчи ракъатнинг охирида – зам сурадан кейин ҳам уч марта такбир (Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар дейиш) айтиш билан адо этилади.

ҚУРБОН ҲАЙИТИ عيد قربان [a] – ҳар йили курбон, зулҳижжанинг 10–13-кунларида қилинадиган байрам.

ҚУРБОНЛИК СЎЙИШ ТАКБИРИ (дуоси): Бисмиллаҳ, Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Ла илаҳа иллаллаҳ, Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Ва лиллаҳил ҳамду.

ҚУРБОНЛИК قربانلىك [a+ўзб.] – курбон ҳайити, ё бирор эзгу ният, ё бирор нохушликнинг юз бериши, ёмон туш кўриш, ё бахтли тасодиф туфайли ўлимдан қолиш муносабати билан, ё йўл қўйилган катта гуноҳлар, қилмишлар авфи учун Аллоҳ йўлига жонлик (қўй, туя каби) сўймоқ, курбон қилмоқ, мискин, ғариб, бева-бечора кабиларнинг дуосини олмоқ. Аллоҳ розилигини сўрамоқ, маънавий тасалли топмоқ (к.: «Қурбонлик тарихидан»).

ҚУРРО قرا (а., бирл. қори قارى) – қорилар Қуръони каримни тажвид (к.: Тажвид) қоидалари асосида ёддан ўқийдиган қироатхон муллалар. *Қурро* атамаси ўзбек нутқида кўпинча маъно кучайтириш мақсадида қорию-қурро шаклида қўлланилади. *Фазлиддин даврининг қорию-қурроси эди (Мирмуҳсин).*

ҚУРЪОН القرآن [a] – қараъа феълининг “ўқиди” маъноси билан боғлиқ ҳосил қилинган бўлиб, «ўқиш», «қироат билан ўқиладиган китоб» демакдир. Қуръон араб тилида «ал-Қуръану» шаклида муқаддас, самовий китоб сифатида англашилади. Ўзбек тилида ушбу маъно «Қуръон» атамаси орқали ҳам тушунилади. Ўзбек тилида

ойг ўқимоқ маъносида *Қуръон ўқимоқ, Қуръон тиловат қилмоқ, Қуръон қироат қилмоқ* иборалари ҳам қўлланилади.

ҚУРЪОНИ КАРИМ قرآن كريم [a] – карамли, меҳр-шафқатли (Аллоҳ)нинг каломи – сўзи акс этган Уммул китоб (қ.: Уммул китоб).

ҚУТУБ УЛ-АВЛИЁ قطب الاولياء [a] – кўчма, яъни тасаввуфий маънода валийлар йулбошчиси, йўл кўрсатувчи авлиё; ҳар бир жамоа ёки гуруҳнинг моддий ва маънавий бошлиғи, пешвоси «ушлаб турувчи ўқи» ҳисобланган авлиё, валийуллоҳ. (қ.: Валийуллоҳ)

ҚУШНОЧ فوشناچ – узоқ давом этган, хусусан, рухий касалларни давра қуриб (беморни ҳалқада ўтирғизиб) овоз чиқариб, зикр тушиб, ҳатто доира чалиб жаҳр тушиш усули орқали даволовчи шахс. Бу қушночга боқтирмак ҳам дейилади.

ҚУЪУД قعود [a] – рақъатлар ўқиб бўлингач, намозда ўтирмак. қуъуд қаъдага маънодош.

ҚУЪУДУ МАСКУН قعود مسكن [a] – қаъдада чап оёқнинг устига ўтирмак ва ўнг оёғини тик қилиб, бармоқларини босиб, қиблага қаратиб, икки қўлни сон устига қўйиб турмак.

ҚЎЛ БЕРМОҚ قول بېرماق [ўзб.] – 1) қўлни қўлга бермак, ушламак, қўришмак; 2) ваъда-воҳид, аҳду паймон қилмак; 3) бирор азиз авлиёга, пирга, эшонга эътикод қилмак, тобеланмак, рухий, маънавий мададга таянмак, мурид бўлмак (қ.: Мурид). Қўл бермакнинг диний истилоҳий маъноси – кейинги, 3- ҳолат.

ҚЎЛ БОҒЛАМОҚ قول باغلاماق [ўзб.] – намозда «Холисан лиллаҳи таоло Аллоҳу акбар» (қ.: Такбир таҳрима)дан кейин ўнг қўлни чап қўл устига (қиндик устига, аёллар кўкрак устига) қўймак.

ҚЎЛ ОЛМОҚ قول الماق [ўзб.] – қ.: Қўл бермак.

Ғ – غ

ҒАВСУЛАЪЗАМ غوث الاعظم [a] – улуғ ҳимоячи, қутқарувчи; инсонларни бало-офатлардан, ёмонликлардан сақловчи; «қодирия» тариқатининг асосчиси Абдулқодир ғилонийнинг тахаллуси, нисбаси.

ҒАЗО غزا (қўпл. ғазовот غزوات) [a] – дини Ислом йўлида олиб борилган мусулмонлар жанги, уруш, ғазода ўлган шаҳид, душманни ўлдирганлар ғозий дейилади (қ.: Ғозий).

ҒАЙБ غيب [a] – ҳозир эмаслик, кўзга кўринимаслик, сир, ниҳон, яширин. ғайиб, ғойибот, ғойиб, ғийбат сўзлари билан ўзақдош.

Ғайб арабча ҳайй *حى* – ҳозир, бор, ҳаёт сўзларининг зидди. «Аллоҳ хумма мағфирли ҳаййина ва ғоййибина...» дуосида (жаноза дуоси) борларга – барҳаёт, тирикларга ҳам, йўқларга – ғайибларга ҳам мағфират сўралмоқда.

ҒАЙРИДИН *غير دين* [a.+ф.] – бошқа бир дин, масалан, ислом дини бошқа бир диндаги, шу динни инкор қилувчи киши. Бундай шахс мусулмон эмас, *кофир* дейилади (қ.: Кофир)

ҒАМОШИ *غم آشى* [a+ф] – Майит чиккан уйда одатда уч кун таом тайёрланмайди. Қўшнилар, қариндошлар томонидан таом тайёрланиб азодорларга едирилади. Мана шу *ғамоши* дейилади. Ёки маълум муддатдан кейин қариндошлар томонидан чакирилиб қўйиладиган таом ҳам ғамоши дейилган.

ҒАНИЙ (ал-Ғаний *الغنى*) [a] – бой, ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқ зот. Аллоҳнинг сифатий исмларидан бири.

ҒАРИБ ҲАДИС *غريب حديث* [a] – санадида (қ.: Санад) танҳо ровийси бўлган ҳадис.

ҒАРИҚИ РАҲМАТ *غريق رحمت* [a] – марҳумларни Аллоҳ раҳматига олмоқ, нурига кўймоқ, васлига восил қилмоқ каби диний-тасаввуфий тушунча англатади. Шу сабаб дуода: «Ўтганларни Аллоҳ ғариқи раҳмат, шоҳистаи жаннат қилсин» дейилади.

ҒАРҒАРА *غرغره* [a] – таҳоратда оғизга уч марта сув олиб чайқамок.

ҒАССОЛ *غسال* [a] – *ғасала* феълининг «ювди» маъноси билан ясалган от бўлиб, ўзбек тилида шаръий қоида ва тартибларга риоя қилган ҳолда ўлик ювадиган, ғусул қилдирадиган (чўмилтирадиган) поклаб, кафанга ўрайдиган киши.

ҒАФЛАТ *غفلت* [a] – алдоқчи, ўткинчи, енгил-елпи, вақтинчалик ҳаётга берилиб яшаш, беғамлик, беҳудлик; шайтоний хирсу ҳавас, нафс йўлига кириб, умрини зое этиш, дунё ва охират ғамини емаслик. Ғафлатда яшаганлар ғафлатда қолган, ғафлат босган, ғофил дейилади. Ғафлатдан туриб, хидоятга кирдим маъносида шоир: *Ғафлатда ётган Машираб уйғонди* дейди.

ҒАФФОР (ал-Ғаффор *الغفار*) [a] – кечирувчи, шафқат этувчи. Худонинг сифатий исмларидан. Бошқача айтганда, ал-Ғаффор бандаларининг нуқсонларини ва гуноҳу маъсиятларини фош қилмай ёпиб турувчи, кечирувчи зот.

ҒОЗИЙ *غازى* [a] – дини Ислом учун қилинган жангда, яъни ғазода – ғолиб бўлган (қ.: Ғазо).

ҒОФИЛ غافل [a] – инсонлик, бандаликни ҳис этмайдиган дунёни охират ғамини емайдиган, ўз сохта хаёлида яшайдиган киши (қ.: Ғифлат).

«**ҒОФИР**» غافر [a] – сура номи. Унинг аввалида Куръонни назил қилган зот Аллоҳ таолонинг сифатларидан бир нечаси санаб ўтилади. Улардан бири – ғофир (мағфират қилувчи) сифати бўлиб, сура мана шу улуғ сифат билан номланган.

«**ҒОШИЯ**» الغاشية [a] – сура номи. Бу сура барча халойиқни ўз диқшати билан ўраб оладиган қиёмат куни рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни баён қилиш билан бошланади. Шунинг учун у «ғошия» («ўраб олгувчи») деб номлангандир.

ҒУСЛ غسل [a] – «ғасала» феълининг «ювди» маъноси билан боғлиқ ҳосил килинган бўлиб, диний маънода эҳтилом (қ.: Эҳтилом) жинсий алоқа муносабати билан шарият қоида-тартибларига риоя қилган (ғусл дуолари ўқилган) ҳолда бадан (бутун аъзолар)нинг ҳамма жойига сув етказиб, чўмилиб жунуб (қ.: Жунуб), жапобат (қ.: Жанобат) ёки умуман, ҳаром (қ.: Ҳаром)ликдан покланмоқ.

Ҳ – Ҷ

ҲАБИБУЛЛОҲ حبيب الله [a] – *ҳабиб* – дўст; ҳабибуллоҳ – Аллоҳнинг дўсти. Бу Муҳаммад пайғамбарга берилган лақаб. Зотан, Аллоҳ Муҳаммадни дўстим деб яратган.

ҲАВЛ حول [a] – ип, арқон; мажозий маънода руҳан, қалбан боғланмоқ. Ҳавл бирор кимса кўпроқ мустаҳик (қ.: Мустаҳик)қа ўтирган томонидан вафот қилган майит кишига бағишлаб, шомдан кейин ўқиладиган икки рақъатлик нафл намози. Бу намозда Такосур сураси қироат қилинади.

ҲАВОРИҶОН حواريون [a] – ёки ҳаворийлар (бу атама Куръони каримда ҳам бор) Исо пайғамбарнинг 12 шогирди, исовий динни тарғиб қилувчи ашаддий фидойилар, пайғамбар ёрдамчилари.

ҲАДАС حدث [a] – таҳорат бузилиши, синиши.

«**ҲАДИД**» الحديد – сура номи. Унда жамият интизоми ва кишилар осойишталиги учун Аллоҳнинг китоби ва адолат тарозиси билан бирга яна темир интизом, қуроли куч зарурлиги ҳақида хабар берилади. Шу сабаб сура *ҳадид* (Темир – темир интизом маъносида) деб аталган.

ҲАДИС حديث [a] – «ҳадаса» феълининг гаплашди, ҳикоя қилди маъноси билан ҳосил килинган; Муҳаммад Пайғамбар сўзлари,

айтган гаплари, ислом дини аҳком ва арконларини талқин қилишда Қуръондан кейинги илмий-назарий манба. Пайгамбаримизнинг ўзларидан, саҳоба (қ.: Саҳоба)лардан, тобеъин (қ.: Тобеъин)лардан ёзиб олинган ҳадислар тўплами. Ҳадис ислом дини, маданияти, маънавияти, ибодати ривожида амал қилиниши зарур бўлган Қуръондан кейинги шаръий ҳукмдир.

ҲАДИСИ НАБАВИЙ **حديث نبوي** [a] – Расулulloҳ с.а.в.нинг сўзлари, феъллари ва маъқул кўрганлари.

ҲАЁТ **حيات** [a] – Аллоҳнинг субутий сифатларидан бири. Унинг азалий ва абадийлиги, барҳаёт ва тириклиги («Аллоҳу ла илаҳа илла хувал ҳайюл койюму ла таъхузуху синатун ва ла навмун» («Бақара» сураси, 255–оят) Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. У абадий тирик ва барқарор, уни на мудроқ, на уйқу олмайди.

ҲАЖ **حج** [a] – «ҳажжа» феълдан ясалган бўлиб, жумладан, Каъбани зиёрат қилиш демақдир. Ҳаж қилувчи шахс ҳожи (қ.: Ҳожи) дейилади. Баъзан ҳажга бормоқ иборасини ҳожга ёки ҳожига бордим шаклида нотўғри қўллайдилар.

«**ҲАЖ**» **الحج** [a] – сура номи. Унда ислом динининг беш асосий рукнидан бири бўлган ҳаж ибодати ва Одам а.с.дан қолган «Байтуллоҳ» хусусида батафсил фикрлар баён этиладики, бу суранинг «Ҳаж» деб номланишига сабаб бўлди.

ҲАЖАР УЛ-АСВАД **حجر الاسود** [a] – қора тош. Ҳожилар томонидан зиёрат қилинадиган жаннатдан туширилган муқаддас қора тош, *ҳажсар ул-асвад* атамаси аслида қора тош эмас, нурли, ярқироқ тош, бундаги “асвад” сўзи аслида асьад, яъни ярқироқ нурли тош бўлган (қ.: «Ҳажар ул-асвад тарихидан»).

ҲАЖЖАТ УЛ-ВИДОЪ **حجة الوداع** [a] – ҳаж фарз бўлгандан кейин, ҳижратнинг ўнинчи йили зулкаъда ойида Расулulloҳнинг биринчи ва сўнгги қилган ҳажлари бўлганлиги учун бу ҳаж ҳажжат ул-видоъ деб аталган.

ҲАЖЖАТ УЛ-ИСЛОМ **حجة الاسلام** [a] – ҳаж фарз бўлгандан кейин, кўн уринишлар, саъй-ҳаракатлар натижасида (ҳижратнинг 10- йили) Расулulloҳнинг саҳобалар билан бирга биринчи ҳажлари бўлганлиги учун бу ҳаж *ҳажжжат ул-ислом* деб ном олган.

ҲАЖЖИ АКБАР **حج اكبر** [a] – улуг, катта ҳаж. Ҳожиларнинг жума куни Минодан Арафотга келишлари *ҳажжжи акбар* дейилади.

ҲАЖЖИ БАДАЛ **حج بدل** [a] – нотавон, ногирон кишилар учун, уларнинг ўрнида бошқаларнинг, масалан ақраболарнинг ҳаж қилиши.

ҲАЖНОМА *حجنامه* [а.+лот.] – Каъба зиёратига борувчилар учун махсус ёзилган, ҳаж жараёнида ҳожилар томонидан бажарилиши зарур – фарз бўлган барча амаллар баён этилган дастур – китоб. Ўзбекистон халқ шоири А.Ориповнинг шу номдаги туркум шеърлари бор.

ҲАЗАР УЛ-МАВТ *حزر الموت* [а] – ўлим хавфи яқинлашиши муносабати билан ундан мумкин қадар сақланиш, эҳтиёт бўлиш, четлашиш, ҳазар қилиш (кўрқиш); шу мақсадда бир жойда, муқим ўтириб қолиш ва б. *Шайхимиз бир йилдирки, ҳазар ул-мавт ҳолатидадирлар* (Алихонтўра Соғуний).

ҲАЗИРА *حزرة* [а] – даҳма (қ.: Даҳма).

ҲАЗОРИСБАНД *ھزارسبند* [ф] *ҳазор+исм+банд* унсурларидан тузилган бўлиб, ўзида Аллоҳнинг минг исмини банд қилган, яширган, жо қилган муқаддас, ҳам шифобахш, доривор ўсимлик. Одатда тоғ аҳолиси ҳазорисбандни (қисқартириб исбанд ёки исриғ ҳам дейишади) дони пишмагунча узмайди, босмайди. *Ҳазор исбанд ҳазоро, Худога қилдим минг зоро, Рухимни айлагил пок, Жисмимга бергил оро* дуо илтижоларини айтиб узишади.

ҲАЗРАТ *حزرت* [а., кўпл. ҳазорат *حزارات*] – улуғ, катта, буюк, ҳурматли, юқори ва олий мартаба, мақом, даража. Ҳазрат атамаси кўпроқ пайғамбар, авлиё, валийуллоҳ каби дин пешволари, илоҳий шахслар номига кўшиб айтилади, исм эгасига нисбатан тавозе, иззат-икром ва одоб тушунчаларини англатади: Ҳазрати пайғамбар, Баҳоуддин ҳазратлари каби.

ҲАЗРАТИ ДОВУД *حضرت داود* [а] – ўтмишда темирчилик касбини эгаллаш, темирчилик дўкони очиш, ҳозирги замонда ҳам машина сотиб олиш, ҳайдовчилик касбини битириб ишга киришиш муносабати билан, пайғамбарликдан ташқари, темирчилик касби билан шуғулланган, темирчилар пири Довуд пайғамбарга бағишлаб, руҳига сиғиниб, мол сўйиб ўтказиладиган тадбир. Бу ҳазрат Довудга «кон чиқармоқ» ҳам дейилади.

ҲАЙ (ал-Ҳай *الحى*) [а] – Аллоҳнинг исми сифатларидан бўлиб, ҳаёт, тирик, бор демакдир, яъни *У ҳайи ло ямут* (ўлмайдиган, тирик), *ҳайи ло язал* (абадий тирик, безавол), *ҳайи мужиб* (яратувчи, тирик)дир.

ҲАЙИТ НАМОЗЛАРИ *عيد نمازلىرى* [а] – ҳайит намозлари қурбон ва рўза ҳайитлари муносабати билан масжид ёки намозгоҳларда жамоа тартибидан, имом раҳбарлигида адо этиладиган, одат-

даги намоздан айрим томонлари билан фарқланадиган ибодатдир (қ.: Ҳайит, Рўза ҳайити).

ҲАЙИТ عيد [а] – байрам; мусулмонларнинг Қурбон ва Рўза ҳайити байрамлари. Қурбон ҳайити ҳаж маросими ва қурбонлик қилиш муносабати билан зулҳижжа ойининг 10–13- кунлари, рўза ҳайити эса рамазон ойи ниҳоясида – рўзадан чиқиш муносабати билан шоввол ойининг 1–3- кунларида нишонланадиган байрамлар. ҳайит маросимлари, масжидларда намоз (ҳайит намозлари) ўқиш, мархумларни ёд этиб худойи, дуои фотиҳа қилиш, фитри садақа бериш, сайил қилиш, дам олиш, яқин одамларнинг, кекса-ю беморларнинг аҳволидан хабар олиш билан ижро этилади.

ҲАЙИТЛИК حيتلىك [а+ўзб.] – Рўза ва Қурбон ҳайити кунларида мискин, хешу акрабо, хусусан, болаларга бериладиган совға ва инъомлар.

ҲАЙИТЧИЛАР حيتچيلار [а+ўзб.] – Рўза ва Қурбон ҳайитларини уч кун байрам қилувчилар; тоза ювиниб, кийиниб масжидларга, намозларга бориш, қабрларни зиёрат қилиш, бир-бирларини табриклаш, урушган бўлсалар, ярашиш, уйларга киришиб таомланиш, мискинлар ҳолидан хабарлашиш ва ҳ.к.

ҲАКАМ (ал-Ҳакам الحکم) [а] – Аллоҳнинг сифатий исми: қиёматда (маҳшарда) адолатли ҳукм қилувчи, банданинг гуноҳ ва савоблари ҳақида ўта тўғри ажрим чиқарувчи зот.

ҲАКИМ (ал-Ҳаким الحکيم) [а] – Аллоҳнинг исми сифатида ҳикмат соҳиби, дақиқ ва нозик илмларни билувчи, барча сиру асрордан хабардор зот; кейинчалик табиб, файласуф, донишманд, аллома маънолари шаклланган.

ҲАЛИМ (ал-Ҳалим الحليم) [а] – Аллоҳнинг сифатий исмларидан бўлиб, Аллоҳ жазолашга шошилмайдиган, юмшоқлик билан яхшилик қилиб турувчидир.

ҲАМД حمد [а] – мактов, Аллоҳга ҳамду сано айтмоқ, шукур изҳор этмоқ.

ҲАМИД (ал-Ҳамид الحمد) [а] – Ҳамду санога, мактовга лойиқ зот; Аллоҳнинг исми сифатларидан бири.

ҲАМИЙ НАМОЗИ حمى نمازى [а+ф] – икки рақъатли суннати муаккада бўлиб, масжиди жомеъларда ўтказиладиган ибодат намозидир.

ҲАНАФИЯ حنفيه (аслида ҳанифия қ.: Ҳаниф.) [а] – Имом Аъзам асос солган мазҳабнинг номи (қ.: Мазҳаб).

ҲАНИФ حنيف [а] – ҳақиқат изловчи, англовчи, ишонувчи, аниқроғи, яғна Худони эътироф этувчи. Якка Худога эътиқод қилиш ҳақидаги тарғибот исломдан илгари бошланган. Уни дастлаб тарғиб қилганлар *ҳанифлар* деб аталган. Ҳанифлар ўз фаолиятларида Аллоҳ сўзини ҳам ишлатганлар. Ҳанифлар маҳаллий қабила бошлиқларига, уларнинг санамларига итоат этишга даъват этганлар. Ҳар бир ҳаниф дастлаб ўзини Худо томонидан юборилган ваколатли шахс – наби деб ҳам ҳисоблаганлар. Пайғамбарлар ҳанифийлар орасидан чиққан. Зотан, олтинчи асрда яккахудолик ҳанифийлар ҳаракатида ўз ифодасини топгани ислом тарихида яккахудолик мафкурасини тарғиб қилувчи оқим ҳанафия ёки ҳанифийликдир. Абу Ҳанифа (Имом Аъзам ҳам ана шу оқимнинг буюк вакилидир (к.: Ҳанифа).

ҲАРАМ حرم [а] – «ҳарума» феълининг «таъқиқланди» маъноси билан боғлиқ ҳосил қилинган бўлиб, илоҳий, муқаддас, пок жой – Каъба демакдир. Масжид ал-ҳарам муқаддас масжид, каъба – дунё мусулмонларининг нажот манзили, ибодатгоҳи, қибласи. Подшоҳларнинг ички хос жойлари, хотинлари турадиган хона ва ҳовлилари, умуман, номаҳрамлар, нопоклар кириши, кўриши мумкин бўлмаган – таъқиқланган макон ва манзиллар ҳам кўчма маънода ҳарам дейилади. Ҳарам калимасини ҳаром тарзида талаффуз қилиш гуноҳдир.

ҲАРОМ حرام [а] – «ҳарума» феълининг «таъқиқлади» маъноси билан боғлиқ ҳосил қилинган бўлиб: 1) исьтемом қилиниши таъқиқланган; 2) бандаларга қилмаслик буюрилган, яъни наҳи қилинган, қилса гуноҳ, кофир бўлишга сабаб бўладиган хатти-ҳаракатлар ҳақидаги шаръий ҳукмдир.

ҲАРОМЗОДА حرام زاده – к.: Ҳароми.

ҲАРОМИ حرامى [а] – никоҳсиз, зинодан туғилган (к.: Зино).

ҲАСАН-САҲИҲ حسن صحيح [а] – бошқа муҳаддислар томонидан ҳам қувватланган, тўғрилиги тасдиқланган ҳадис.

ҲАСАН ҲАДИС حسن حديث [а] – ровийлари адолатли, зеҳнли, нуқсонсиз бўлган ҳадис.

ҲАСИБ (ал-Ҳасиб الحسيب) [а] – Аллоҳнинг исми сифатларидан бўлиб, Аллоҳ ҳар бир ишга ўзи кифоя қилувчи, ўзи ҳисоб-китоб қилувчи демакдир.

ҲАФТИЯК هفتيك [ф] – айнан еттининг бири, еттидан бир; аслида Куръони каримнинг еттидан бир қисми, яъни сураи «Ан-

нос»дан сураи «Фатҳ»гача бўлган етти пораси. «Абжад»дан (қ.: Абжад) кейин ўқиладиган, нисбатан Қуръони каримни ўқиш ва ўрганишни бир мунча осонлаштириш учун алоҳида тайёрланган, қисқа суралардан иборат бўлган, ихчам ҳажмдаги, бошланғич ўқув қўлланмасига ўхшаш дарслик китобча. Ўтмишда мадрасаларда аввал «Ҳафтиак» ўқитилган. «Ҳафтиак» ўқимок, «Ҳафтиак»ни тамомламок иборалари шундан қолган.

«ҲАШР» الْحَشْر [a] сура номи. Унда яҳудийлардан бану Назийр номли қабиланинг жинояткорликлари учун ёшпасига ўз диёрларидан сургун қилинишлари тафсилоти баён қилинган, шунинг учун ҳам бу сура «Жамлаб сургун қилиш» деган маънони ифодалаб «ҳашр» номи билан аталган.

ҲАҚ حَق [a] – Аллоҳнинг рамзий атамаси. Сенга тегди сониъ Ҳақдин бу рисолат манзари (И.Адҳам) (сониъ Ҳақ – яратувчи Аллоҳ маъносида). Ҳақдин ўзга сен эурсен гавҳари қимматбаҳо (И.Адҳам) Аллоҳдан ўзга маъносида. Ана ал-Ҳақ – ўзбекчада Мен Худоман (қ.: Аналҳақ) Ҳақ субҳонаҳу ва таоло – Аллоҳ пок ва олий зот ва ҳоказо.

ҲАҚГҲЙ حَقْوَى [a.+ф.] – ростгҲй, тўғри сўз. Ҳаётда, муомала, мунозара, муаммолар ечимида Аллоҳ фармонидан, шаръий аҳком ва арконлар талабидан келиб чиқиб гапирувчи, ҳукм чиқарувчи шахс.

ҲАҚИҚАТ حَقِيقَت [a] – ҳақ, чин, рос демакдир. Тасаввуфнинг бу босқичида сўфий покланиб комиллик касб этади. Ҳаққа – Худога яқинлашган бўлади. Шу сабаб бу босқич сўфийлари муҳаққақ дейилади.

ҲАҚШУНОСЛИК حَقْشُونَاَسَلِيَك [a+ф] – шаръий аҳком ва аркон акидаларига амал қилиш: ҳаётда ҳақиқатни ноҳақликдан, тўғрилиқни тухматдан, адолатни адолатсизликдан, хайрли амалларни гуноҳ ва уволдан фарқлаш, нафс ул-аммора, зино, ғийбат, бўҳтон, ёлгон, ҳаромдан юз ўгириб, шарри шайтондан қочиб, Аллоҳга тобеланмок, Аллоҳ ҳамма нарсани кўрувчи, билувчи, эшитувчи олий зот эканлигини тилда ҳам, қалбда ҳам эътироф этмок ва ҳ.к.

ҲАҚҚУЛЛОҲ حَقَّ اللهُ [a] – Худо ҳақи, Худо учун деб деҳқонлардан ундирилган диний солиқ, мол, пул. Бу одат айрим тоғ қишлоқларида ҳозир ҳам (қисман ихтиёрий) мавжуд. Бунинг устига ҳаққуллоҳ сўровчилар хирмон бошидан кетмасдилар (С.Айний).

ҲАҚҚ УЛ-ЯҚИН حَقُّ الْيَقِيْن [a] – тасаввуфнинг оламни билиш ҳақидаги назариясининг учинчи босқичи (қ.: Илм ул-яқин).

ҲИДОЯТ هدايت [a] – ҳада феълнинг «тўғри йўлга бошлади» маъноси билан ҳосил қилинган бўлиб, тўғри йўл, ҳақ йўл, бахт-нажот йўли; ҳидоятга бошламоқ – тўғри, рост, ҳақ, бахт-нажот йўлини кўрсатмоқ, раҳнамолик, устозлик қилмоқ. Ҳидоят сари эзгулик, яхшилик, тўғрилиқ, поклик, комиллик, иймон-эътиқод сари; *рушдий ҳидоят айласин* ибораси ҳам – Аллоҳ ҳар кимни тўғри йўлга бошқарсин маъносидаги дуо.

ҲИДОЯТ САРИ هدايت سارى [a.+ф.] – тўғри йўл, Ҳақ йўли, тўғри йўл топиш, Ҳақ йўлига кириш (залолатнинг зидди). Ахборот, телевидение ёки маъруза ва ваъзлар орқали бериладиган саъйи ҳаракатларнинг мақсади ҳам инсониятнинг илоҳий бахт-саодат топишига, Аллоҳ раҳматига мушарраф қилмоққа даъватдир.

ҲИЖОБ حجاب [a] – парда, тўсиқ, маҳрам, номаҳрам орасини тўсиб турадиган нарса, девор, парда. Диний таълимотга кўра Аллоҳ билан бандани ажратиб турувчи ҳижоб (парда) бор.

ҲИЖОБГА КИРМОҚ حجابگه كىرماق [a+ўзб.] – маълум ёшга кирганда, чунончи, аёллар балоғатга етганда, юзини, авратини номаҳрамлардан яшириш учун бошига олиб юрадиган пешбанд, рўмол, паранжи, бетга ташлаб юрадиган чиммат.

«ҲИЖР» الْحَجْر [a] сура номи. Унда Аллоҳнинг пайғамбарлари – Иброҳим, Лут, Шуайб ва Солиҳ а.с.нинг қиссалари сўйланади. Булардан Солиҳ пайғамбарнинг қавмлари – Самуд қабиласи ҳужр (Мадина ва Шом ўргасидаги водий)дан эканлиги зикр қилинади. Суранинг «Ҳижр» деб номланишининг боиси шудир.

ҲИЖРАТ هجرة [a] – ҳажр, ҳижр, ҳижрон, айрилиқ сўзлари билан ўзакдош бўлиб, ўз туғилиб ўсган жойини ташлаб, бошқа юртга кўчиш, Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Мадинага кўчиши, Исломда шу йил ... ҳижрат – йилбоши (милодий 622 йил 16 июл) қилиб олинган.

ҲИЖРИЙ ЙИЛ هجرى يىل [a+ўзб.] – Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Мадинага кўчган йили – милодий 622 йил 16 июл. Исломда йил ҳисоби шу санадан бошланади.

ҲОДИЙ (ал-Ҳодий الحادى) [a] – йўл кўрсатувчи, ҳидоятга, бахт-саодатга бошловчи зот. Аллоҳнинг исми сифатларидан бири.

ҲОЖАТ НАМОЗИ حجت نمازى [a+ф.] – Аллоҳдан нажот, мадад сўраб, маълум мақсад ва ниятни амалга ошиши учун ўқиладиган икки рақъатлик намози нафл.

ҲОЖИ حاجى [a] – Каъбани зиёрат қилган киши.

ҲОЛ حال [a] – к. Жазба.

ҲОТИФ حافظ [a] – овоз берувчи, товуш чиқарувчи, ғойибдан овоз берувчи, ҳаққа етганлар томонидан эшитиладиган нидо, садо.

ҲОФИЗ I (ал-Ҳафиз الحافظ) [a] – Аллоҳнинг исми сифатларидан бири, Аллоҳ бутун мавжудотни: Еру Осмонни, Аршу Курсини, инсониятни ўз ҳифзу химоясида сақловчи зот демакдир. Эроний тилларда қўлланадиган «Худо ҳофиз» ибораси шу асосда шаклланган.

ҲОФИЗ II حافظ [a] – сақловчи, хотирада тутиб турувчи, ёддан айтиб берувчи. “Ҳофиз” сўзи кўп маъноли; диний истилоҳ маъносида Куръону ҳадисни ёддан билувчи қори ёки уни қироат қилувчи муқрини англатади. Аслида биринчи ҳофиз Расулulloҳ с.а.в.дирлар. Ул зот 30 жузь Каломулллоҳни ёддан билганлар. Ваҳийлар хотираларида нақшланиб қолган оятлар (6666 та)ни аввалида муайян бир баланд (тепа)ликда туриб саҳобийларга ёддан айтиб бериб турганлар (қ.: «Ҳофиз»).

«ХУД» هود [a] – сура номи. Бу сура Аллоҳ таоло томонидан Од қавмига юборилган Худ пайғамбар номи билан аталгандир. Бошқача айтганда, сурада, Худ пайғамбарнинг залолат йўлига кирган Од қавмини мусулмон қилиш учун урунишлари акс этган. Шу сабаб сура «Худ» деб номланган.

«ХУЖУРОТ» الْحُجْرَات [a] сурасида Пайғамбар а.с.нинг жуфти ҳалоллари бўлмиш оналаримиз истиқомат қиладиган хужралар ҳақида зикр қилинган ояти карималар ҳам мавжуд бўлгани сабабли у «Хужурот» (хужралар) деб номланган.

«ХУМАЗА» الْهُمَزَة [a] сура номи. Унда ўз манфаати, бойлик, мол, пул тўплаш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган, одамларга туҳмат, ғийбат уюштирувчи, обрўсини тўкувчи хумаза, яъни бўҳтончининг жойи жаҳаннам қаърида эканлиги зикр этилган. Бу сура халқ тилида «Вайлулли кулли» ҳам дейилади.

ХУМО هما [ф] – давлат куши, бу кушнинг сояси қимнинг бошига тушса, (аслида Аллоҳнинг назари қимга текса маъносида) ўша киши бой-бадалат ва бахтли-саодатли бўлади.

ХУР حور [a] – диний истилоҳий маъноси – барча гуноҳ ва нуқсонлардан фориғ бўлган жаннатийлар:

Риёзат чекибон одам ҳур бўлади,

Садафда қамалиб қатра дур бўлади (Умар Хайём).

ҲУРИ ҒИЛМОН حور غيلمان [a+ф] – жаннат уйларида хизмат қилувчи фаришталар (ғилмон, ғуламон (форсча) хизматкорлар, қулар маъносида). (қ.: Фаришта).

Малаксан ё башар, ё хури гилмонсан, билиб бўлмас (Машраб).

ХУРУФИ МУҚАТТАОТ *حروفى مقطعات* [a] – Қуръони каримнинг 29 сураси (Бирдан бештагача) алоҳида ҳарфлар билан бошланади. Кўпчилик уламолар бу ҳарфларни маънодан узилган, унинг сири ёлғиз Аллоҳгагина маълум дейдилар. Баъзилар улар нимагадир ишора қилади, масалан, алиф – Аллоҳ, лам – Жаброил, мим – Муҳаммад рамзидир десалар, баъзилар эса, бу ҳарфлар Қуръони карим матнини ёдлаб айтиб юрганлар ва ёздириб қолдирганларнинг исми, фамилияси ёки лақабининг бош ҳарфлари бўлса керак деб тахмин қиладилар. Ҳар ҳолда «хуруфи муқаттаот» оят сифатида эътироф этилар экан, келажакда бу муаммо ҳақидаги фикрлар давом этади.

ХУРУФИЙЛИК *حروفىيلىك* [a.+ўзб.] 14–15 асрда Эронда вужудга келган, Фазлуллоҳ Астрободий томонидан асос солинган тасаввуф тариқати. Астрободий араб ҳарфлари сирли мазмунга эга, унда илоҳий ғоя яширин деган таълимотни илгари сурганлиги учун, у ал-Хуруфий («Ҳарфчи») деган тахаллус олган. Ушбу оким тарафдорлари *хуруфийлар* деб аталган (хуруфийлик таълимоти манбаларда акс этган.)

АЗОН ТАРИХИ ВА ТАЛҚИНИ

Ҳаким Термизий исломнинг бошланишида мусулмонларни намозга чақирмоқ учун саҳобалар баҳслашганликларини: баъзилари намоз вақтида байроқ кўтаришни, баъзилари ҳўкиз шохини ёки суякларини тешиб карнай қилиб чалишни, баъзилари олов ёқишни таклиф қилганликларини, бироқ жаноби Пайғамбаримиз бу усуллар (яхудийлик, мажусийлик одатлари)ни қилмаганликларини таъкидлаб ёзганлар: «Азон жорий қилиш оқшомида амирулмуъминин Умар қирқ нафар саҳоба бирла азонни тушларида кўришдиларки, шундоқ тариқа чақирса бўлмай. Воқеани Расулуллоҳга етказишди. Ҳазрати Расулуллоҳ: Ҳа, Меърож кечасида Меҳтари Жаброил менга ҳам шундай таълим берган эди, дейдилар. Аммо ул замонда азоннинг кискароқ бўлганлигини, кейинроқ халқ орасида ғофиллик кучайганлигини назарда тутиб: азон матнига «Ҳаййа ғалас салоҳ, Ҳаййа ғалал фалаҳ, Ассалату хайрун мин ан-навм» ибораларини қўшиш (буни Кўфа олимлари ҳам маъқуллаганлар) зарурлигини уқтирганлар.[†]

Азоннинг келиб чиқиши ҳақида ҳужжатул ислом Имом Ғаззолий ҳазратлари ҳам куйидагиларни баён этганлар: «Ислом илк ёйилган пайтда азон йўқ эди. Баъзи саҳобалар Пайғамбаримиз с.а.в.га: «Ё Расулуллоҳ, бизга намоз вақтларини билдирадиган бир ишорат бўлса, жуда ўринли бўларди» дедилар. Ўша кеча Ҳазрати Билол Ҳабаший (р.а) икки фариштанинг Абу Қубайс тепалилига кўкдан тушганини туш кўрадилар. У ерда ҳар икки фаришта таҳорат олиб азон ва иқомат айтгач, бири имом бўлиб, иккинчиси иқтидо этиб намоз ўқидилар. Кейин яна кўкка учиб кетдилар. Тонгда саҳобалар Расулуллоҳ с.а.в атрофида йиғилгач, кўрган тушни айтдилар. Пайғамбаримиз с.а.в фаришталар нима қилиб, нима деганларини сўрадилар. Билол р.а. фаришталардан бири икки қўлини қулоқларига қўйиб:

Аллоҳу акбар! Алоҳу акбар!
Аллоҳу акбар! Алоҳу акбар!
Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ!

* Лугат-маколалар Ж.Омонтурдиев қаламига мансуб.

† Ал-Ҳаким ат-Термизий. Иршод ут-толибин. Шохрух Юнусзода таржимаси, 1988, «Сурхон тонги», 8 сентябрь.

Ашҳаду алла илаҳа иллаллаҳ!
Ашҳаду анна Муҳаммадур Расулуллоҳ!
Ашҳаду анна Муҳаммадур Расулуллоҳ!
Ҳаййа ʔалас солаҳ! Ҳаййа ʔалас солаҳ!
Ҳаййа алал фалоҳ! Ҳаййа алал фалоҳ!
Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!

Ла илаҳа иллаллоҳ!» деганларини айтдилар. Умар р.а. ҳам бу кеча худди шундай туш кўрганини айтди. Саҳобалардан яна бирлари кечаси айнан шу тушни кўрганини айтди. Шундан сўнг Пайғамбаримиз с.а.в марҳамат этдилар: Ўша кўрганларингиз, биродарларим Жаброилдирлар. Сизларга намоз учун азон айтишни ўргатдилар, иккинчилари эса Микоил (а.в)дирлар. Ул зот имом бўлиб намоз ўқиб бердилар .

Худди шу мазмунда, яъни азоннинг пайдо бўлиши, келиб чиқиш тарихи бошқа кўшига манбаларда ҳам баён этилган.[†]

Изоҳ: Макка фатҳ бўлганда, Расулуллоҳ амрлари билан Каъбатуллоҳ учизасига (устига) чиқиб, биринчи азони Муҳаммадийни айтган одам Билол Ҳабашийдир.[‡]

Англашиладики, азон ва унинг матни Ислом дини аҳком ва арконларининг, жумладан, намоз ибодатининг пайдо бўлиши билан боғлиқ пайдо бўлган ва шаклланган. Азон, кўпинча, намоз вақтини англатувчи чақириқ, хабар деб тушунилганидан, дастлаб занг чалиш, карнай, гудок овози, милтиқ ёки тўп отиш орқали хабар берилган бўлса, бизнинг замонамизда эса микрофон, магнитофон, фонограмма каби техник воситалар орқали ҳам амалга оширилмоқда. Бу жараёнлар, шубҳасиз, инсон кучини, овозини, ҳаракатини, вақтини тежашга имкон беради. Бироқ бунда азон фақат хабар, чақириқ бўлмай, инсонни ғафлатдан, залолатдан ҳидоятга чорловчи муқаддас калималардан ташкил топган, шу сабаб ҳам инсон овози, тили, қалби орқали баён этилиши керак бўлган, Аллоҳга илтижо, ҳамду сано, Расулига дуруд ва саловатлар ифодаланган илоҳий-руҳий нидо-даъват, ёки буюк бир ибодат эканлигини ҳар бир муаззин, мўъмин унутмаслиги керак.

Бошқача айтганда, азонда мусулмонларни ибодатга чақириш билан бирга: 1) Аллоҳнинг буюклиги (Аллоҳу акбар: 4 марта айти-

* Имом Ғаззолий. Эй фарзанд (“Айюҳал валод”). – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. Б. 29-30.

† Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадийа. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2004. Б.144–145.

‡ Алихонтўра Соғуний. Кўрсатилган асар. Б. 655.

лади); 2) Аллоҳнинг ягоналиги ва ундан бошқа илоҳлар йўқлигига гувоҳлик бериш (Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ; 2 марта айтилади); 3) Муҳаммад Аллоҳнинг кули ва элчиси эканлигига гувоҳлик бериш (Ашҳаду анна Муҳаммадан абдуху ва расулуху; 2 марта айтилади); 4) намозга, нажотга шошилиш кераклиги (Ҳаййа ʔалас салаҳ, ҳаййа ʔалал фалаҳ; 2 мартадан); 5) бомдодда намоз уйқудан афзаллиги (Ассалату хайрун мин ан-навм; 2 марта); 6) Аллоҳнинг буюклиги (Аллоҳу акбар; 2 марта); 7) Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлиги (ла илаҳа иллаллаҳ; 1 марта) такрорлаб, кучайтирилиб таъкидланади ва тасдиқланади. Нидо жараёнида тўлқинли бир ҳаяжон, илоҳий руҳий ғалаён пайдо бўлади. Муаззин Аллоҳ билан руҳий мулоқатга киришади. Шу сабаб ислом таълимотида азон буюк ибодат эканлиги, азон асносида юрган тўхташи, тўхтаб турган ўтириши, жим гуриб ҳар бир калимани муаззин билан барабар талаффуз қилиши ёки кўнглидан ўтказиши, муаззиннинг ҳар бир азон калимасидан кейин эшитувчининг айтиши керак бўлган дуолари (азон дуолари)ни айтиши вожибдир. Ҳаким Термизий азон матнининг олти жойида муаззин кофир бўлиши мумкинлигини таъкидлаганлар.

Азон айтишда араб тилидан хабардор бўлмаган муаззинларимиз талаффузида юз бериши мумкин бўлган хатоларни назарда тутиб, қуйида юқоридаги матнга айрим лисоний изоҳлар беришни ва қўшимча аниқликлар киритишни лозим топдик:

1) Аллоҳ сўзининг бошидаги *а* (фатҳали алиф) чўзиб (алифи мамдуда қилиниб), хусусан, *ҳойи ҳаваз* туширилиб (ўзбек талаффузида тушади ҳам) айтилса, Худо маъноси, «Хушёр бўл!» «Тингла!» «Ҳой!» «Менга қара!» каби огоҳлантирувчи маъноларга ўтиб кетиши мумкин.

2) *Акбар* сўзининг иккинчи бўғинидаги қисқа «а» унлиси (алиф фатҳа) кенг унли (алифи мамдуда тарзида ақобар шаклида), чўзиқ қилиб айтилса, улуғ, буюк, азим тушунчалари билан алмашиб кетади.

3) *Ашҳад* сўзини ашҳод (фатҳали алифни мамдудага яқин талаффуз қилса, Муҳаммад Аллоҳнинг расули эканига айтувчи (муаззин) эмас, бошқа биров гувоҳлик бераётганлиги англашилади.

4) *Ашҳад* сўзидаги «ҳ» (ҳойи ҳавваз) бўғиз товуши (ҳойи ҳутти) билан алмаштирилиб талаффуз қилинса, сўзнинг маъноси бузилиб, бошқа сўзлар (аш ва ҳад сўзлари) пайдо бўлади: *Аш* – қариндош, *ҳад* (ҳойи ҳутти билан) – муҳолифат, душманни қай-

тармоқ, даража, мартаба, ҳақ-хуқуқ, чегара каби маъноларга ўтиб кетади.

5) *Иллаҳ* сўзи ташдидсиз (ила тарзида) айтилса, Аллоҳ инкор қилинган бўлади ёки шунга яқин маъно англашилади.

6) Муҳаммад Муҳамад тарзида талаффуз қилинса, макталган, улуғланган эмас, мақтанувчи ёки эски желак, йўлда тез кетаётган киши маънолари англашилиб қолади.

7) *Ҳаййа* сўзининг охирги унлисини мадди ўқиса, шарм, бировни уят қилиш маъносини англатади.

8) *Ҳаййа* ташдидсиз (ундошни иккилатмай) ҳайа тарзида айтилса, ҳаёт ёки бирор нарсани иккинчи бир нарса тагида сақлаб туриш маъносини англатади.

9) *Ҳай* сўзи *ҳоййи ҳавваз* билан айтилса, тириклик, ҳаёт, доимий мавжудлик (Аллоҳ сифати) тушунчалари бузилиб, туяни бедага чакирмоқ (ундов сўзи) ёки араб қабилаларидан бирининг номи тушунчаси англашилади.

10) *Иллаллаҳ* сўзи бўғиз товуши (ҳойи ҳутти) билан айтилса, Аллоҳни эмас, ёруғлик, рўшнойлик ва қочадиган урғочи туя маъноларини англатади.

Биргина азон матнининг таҳлилидан кўриниб турибдики, Ҳаким Термизий луғатшуносликни, араб тили, хусусан, унинг фонетикаси, орфографик ва орфоэпик нормаларини, тажвид ва қироат илмларини эгаллаган олимдир.

«Иршад ут-толибун»да Ҳаким Термизий томонидан илоҳий нажот мадҳияси бўлмиш азонни саҳиҳ айгмоқ – бахт, бузиб айгмоқ – бахтсизлик эканлигини таъкидловчи ибратлар ҳам келтирилган: Абу Қосим жаноби Пайғамбаримизни тушида кўради. Пайғамбар уни дўзахга бошлаб борадилар ва дўзах тўла одамни кўрсатиб: булар азонни бузиб айтувчи муаззинлар, буларни Худо кечирмайди. Булар бу азобни билганларида эди, йил давомида азон айтишни ўрганган бўлур эдилар. Саҳиҳ (тўғри) айтувчи муаззиннинг азонини барча жонзоту ҳайвоноту наботот эшитиб, қиёматда уларнинг иймонига гувоҳлик беришгай. Аросатда ушбу тоифадаги муаззинлар Арш соясининг тагида туришгай дейдилар. Яна Ҳаким Термизий нақл қиладилар: Кофирлар аҳлидан бир қиз ҳамиша орзу қилардики, агар ота-онамдан қутулсам, мусулмон бўлардим. Бир куни ёмон овозли бир муаззин азон айтарди. Қиз сўрадики, бу нимадир? Кофирлар айтди: Мусулмонларнинг энг яхши ибодат-

ларидан бири шудир. Қиз ўз орзусидан қайтди – мусулмон бўлмади (Ҳаким Термизий кўрсатилган асар, «Сурхон тонги» газетасининг 8 сентябр, 29 август сони). Жаноби Пайғамбаримиз муаззинлар султони бўлмиш ҳазрати Билолни гўзал ва таъсирчан овозга эътилоғи, комил муаззин бўлганлиги учун ҳам жаннатийдур деганлар. Шу ўринда азон билан боғлиқ эълон қилинган, қисман китобхонларга маълум бўлган бир воқелик ҳақида тўхталайлик.

1969 йил 1 июнда «Аполло–11» кемасида Ойга биринчи қўнган америкалик астронавт Нейл Армстронг 14 йилдан кейин (1983 йил) бир конференция боис Мисрга келади. Конференция ниҳоясига етаётган бир пайтда деразадан эшитилаётган овоздан Армстронг сесканиб, жойида ранги оқариб ғалати бир аҳволга тушади ва «Бу қанақа мусиқа?!» деб ҳайқиради. Мисрликлар кулгидан ўзларини зўрға тутиб: «Бу мусиқа эмас, азон... черков қўнғироқлари каби бу жомеъанинг азони, Аллоҳнинг кудратини коинотга эълон қилувчи ва бизларни қутилишга чақирувчи илоҳий даъват» деб жавоб бердилар.

Шундан сўнг Армстронг айтган гаплар атрофдагиларни сескантириб юборади.

– Бу овоз... Ойга илк кадам қўйганимда эшитганим ва мени сескантирган овоз-ку!.. Бироз ўтиб Армстронг ранги бўздек оқарган бир алфозда зўрға тилга кирди:

– Аллоҳим... мен сени Ерда, яъни бошимда эмас, Ойда топдим!..

– У уч-тўрт дақиқа жим қолди. Бу ҳаяжон ўлароқ унинг оғзидан қуйидаги сўзлар учди:

– Мен Ойга «Бисмиллаҳсиз» оёқ қўйган эканман, энди «Бисмиллаҳ» дейман ва бундан сўнг мен ҳам мусулмонман.

Ҳайратланарлиси шундаки, астронавтлар кассеталари таҳлили Ойда эшитилиб турган «мусиқа» – азон, унинг сўзи «Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллаҳ» эканлиги маълум бўлди.

Дарҳақиқат, инсониятни эзгуликка, нажотга чорловчи ҳар қандай илоҳий даъват садоси Ергагина эмас, самоватга ҳам, коинотга ҳам эшитилади. Инсон руҳи жони ҳам – нур, илоҳий нафас бўлганлигидан марҳумлар номи тилга олиниб, овозга кўчирилиши билан уларнинг руҳлари хабардор бўладилар. Шу сабаб «арвоҳлар ҳозир» дейишади.

* Бу ҳақда тўла маълумот олиш учун қarang: “Илоҳий мўъжизалар” 1- китоб. –Тошкент: Чўлпон, 1985, “Ойдаги даъват” мақоласи, 25–29-б.

Азон билан боғлиқ яна бир акида: зоҳиран Пайғамбарлик, ҳақто худодлик даъвосини қилувчи, аслида Шайтондек дину иймонга қарши инсониятни тўғри йўлдан оздирувчи, шу сабаб Аллоҳ ҳукми билан Ер қаърида яшаётган Дажжол Лаъин жадаллик билан Ер устига чиқишга ҳаракат қилар, ҳар гал чикай-чикай деганда, ишонни эшитиб, Ер қаърига кулаб тушар, айтишларича, азон бутундай эшитилмагач, охирзамон бошланади ва Дажжол Лаъин ҳам Ер устига чиқиш имкониятига эга бўлиб ўз ишига киришармиш...

Илоҳо, бизнинг замонимизда ҳам ва бундан кейин ҳам то қиёмат инсониятни ғафлат, залолатдан хидоятга бошловчи нажотга чорловчи ҳазрати Билол сифат муаззинлар авлодлари етишиб чиқаверишини, уларнинг овозлари кулоқларимизга жаранглаб, қалбларимизга садо бериб туришини насиби рўз айлагайсан. Ами-и-й-н!

БАЙТУЛЛОҲ ТАРИХИДАН

Байтуллоҳ ер юзида пайдо бўлгандан бошлаб ўн марта бузиб ясалганлиги ҳақида ривоятлар бор. Байтуллоҳ энг аввал фаришталар тарафидан бино қилинган. Инсон насли дунёга келмасдан илгари ер устига жинлардан Бани Жон тоифаси эга бўлган. Иблис шу тоифа наслидан бўлган. Бу тоифа ер устида кўп фитна-фасод ишларни қилганлар.

Аллоҳ таъоло қаҳр қилиб, уларни ҳалок қилишни тўртинчи қават осмон фаришталарига буюради. Булар тушиб Бани Жон тоифасини ҳалок қиладилар, сўнгра ўз маконларига чиқишга руҳсат бўлмай, бирмунча вақт ер устида қоладилар. Ҳадисда айтилишича, тўртинчи қат осмонда қизил ёқутдан ясалган Байтулмаъмур деган бир бино бўлган. Ер устида ҳожилар Байтуллоҳни тавоф қилганларидек, фаришталар бу уйни зиёрат қилар эдилар. Шунинг учун ерда туришга буюрилган фаришталар ер устида ҳам шундоқ бир муборак бино бўлишини талаб қилдилар. Аллоҳ таъоло дуоларини ижобат қилди. Байтулмаъмурнинг тўппа-тўғри тагига бир уй биносини ясаб шуни тавоф қилишга буюрди. Мана шу Байтуллоҳнинг биринчи биноси эди. Бу воқеадан бир қанча замон ўтгандан кейин Одам Сафийуллоҳ вужудга келганлар. Жаннатдан тушган жойлари – Ҳиндистондан қирқ марта пиёда юриб ҳаж қилганлар. Аллоҳга қилган тавба ва илтижолари икки юз йилдан сўнг қабул бўлиб, Момо Ҳаво билан Арофатда кўришганлар, Муздалифада топишганлар тарихда фаришталардан кейин Одам Сафийуллоҳ Байтуллоҳни иккинчи марта курганликлари ҳақида ривоятлар бор. Жан-

натдан тушишлари ва вафот бўлишлари Хиндистон тупроғидан Сарандип тоғида бўлганлиги маълум бўлса-да, Мино тоғи тағиди Масжида Ҳайфда кўмилган деган гаплар ҳам китобларда бор.

Учинчи биноси Одам а.с. ўғиллари томонидан қилинган дейилади.

Тўртинчиси Иброҳим Халилуллоҳ тарафидан қурилганлиги Куръони каримда очик баён қилинган.

Бешинчи ва олтинчиси Амолиқа ва Журҳум араблари томонидан қурилган. Еттинчиси пайғамбаримизнинг бешинчи боболари Қусай ибн Килоб томонидан қурилган. Саккизинчисини Қурайш қабиласи қурган. Шу вақтларда Пайғамбаримиз қирқ беш ёшда бўлиб, қаъба қурилишига фаол қатнашганлар. Қурайш қабиласи ўз ҳалол касбларидан топган мол-дунёлари ва кучлари билан ишга киришганлар. Пайғамбаримизнинг ҳамма амаки ва қариндош-уруғлари тош тошиб хизматда бўлганлар. Иброҳим а.с. ясаган пойдевор устида қаъба бино қилишган.

Пайғамбаримизга ваҳий келишидан беш йил олдин, тахминан мелодий 605 йилда Макка шаҳрида бир қаттиқ ёмғир ёғиб Байтуллоҳни сел босиб, томлари йиқила бошлаган. Мана шу сабаб қурайшлар пок ва ҳалол моллари ҳисобидан ҳашар йўли билан Қаъбани навбатдаги биносини қурганлар.

Кўпгина манбаларда ҳам қаъбанинг иккинчи қурилиши – биноси Одам Сафийуллоҳ тарафидан амалга оширилганлиги, бу бино, яъни Байтул Маъмур Нух даврида тўфон остида қолиб кетмаслиги учун тўртинчи осмонга олиб чиқилиб ўрнатилганлиги, Иброҳим Пайғамбар даврида эса* Байтул маъмур ўрнида Қаъба бино қилишга амир қилинганлиги, Иброҳим ва ўғли Исмоил раҳбарлигида Қаъба қурилганлиги, бундаги иш жараёнлари, беш тоғ (Тур Сино, Тур Зино, Ҳиро, Лубнон, Жадй)дан тошлар сараланиб, бинонинг биринчи бурчагига «Субҳаналлоҳи», иккинчи бурчагига «Валҳамдулиллаҳи», учинчи бурчагига «Ва ла илаҳа иллаллаҳу», тўртинчи бурчагига «Аллоҳу акбар» деб топ қўйилганлиги; яъни Аллоҳ буйруғи билан Иброҳим Пайғамбар Кубайс тоғига чиқиб Қаъба зиёратига мусулмонларни даъват этиб, биринчи бор «Лаббайка» айтганликлари ва ҳ.к баён этилган.[†]

* Алихонтўра Соғуний. Курсатилган асар, 30–32- б.

[†] Кенгроқ маълумот олмақ учун “Қисаси Рабғузий” (1-китоб) нинг “Қиссаи бинои Қаъба” номли сарлавҳасига қаранг.

ДАРВИШЛИК ВА «ДАРВИШОШИ» ТАРИХИДАН

Одам дунёга дарвиш бўлиб келмайди. У болалигини, ёшлигини бошқалардек кечиради. Бироқ инсон муайян замон: иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, мафкуравий-маънавий муҳит бағрида улғаядики, мана шу фактор одамнинг ким бўлишига, шахсиятининг шаклланишига таъсир этувчи бош омил ролини ўйнайди. Яъни жамиятда сўфийно зоҳидлар, дарвишу, каландару девоналар ёки аксинча, разил гуруҳлар: ўғрию фоҳишалар, каззобу қотиллар, мунофику риёқору бетавфиқлар, даҳрию муртадларнинг пайдо бўлиши шу бош омил таъсиридан ташқарида юз бермайди.

Ўтмишда, хусусан, Ўрта асрларда дастлаб кўпроқ зоҳидлик шаклланган зоҳид сўфийлар зуҳд-тақвога берилган, Аллоҳ учун ҳаромдан ўзгалар ҳақидан парҳез қилиб, дунё нозу неъматлари, айни ишратлари, хою ҳавасларидан воз кечиб, ибодатхоналардан чиқмай, узлат (хилват)га чекиниб, зикру сано айтиб, тоат-ибодат билан шуғулланувчилардир.

Дарвишлар эса ҳар хил сабабларга кўра: ё Аллоҳ васлини ихтиёр этиб, ё ҳаётдан бахт тонолмай, замондан зулм кўриб, болачақа, уй-жой қилолмай сайёр яшашни маъқул кўрганлардир. Улар шайх, зоҳидлар каби бир жойда, хонақоҳларда муқим турмай, бўйинларига зуннор, белларига кади осиб, жулдир-жанда либосларда, бошларида қарлоқ (девона қалпоқ) кийиб, масқараю тасқара бир шаклда юрганлар. Бу тоифа дарвишлар дарвиши девона дейилган. Дарвиши девоналар ўзларини ўзлари жўрттага маломатга – таънадашномга қўйганлар. Шу сабаб бу оқим «Маломатийлик» деб аталувчи тарикатига кирадилар. Масалан, Бобораҳим Машраб «Маломатия»нинг машҳур вакили бўлиб, ўзини дарвиши девона, Машраби девона, Девонаи Машраб деб атаган.

Дарвишлар ҳам дастлаб зоҳидлар каби хилватда, ибодатхоналарда, Авлиёлар макбаралари атрофларида яшаб хайри садақа ҳисобидан кун кўрганлар. Кейинчалик бутунлай таркидунё қилиб дарбадар юриб, қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар, мамлакатма-мамлакат кезиб: «Ё ҳу, ё манху; ё Ҳақ ё Оллоҳ; Лайсал-ҳоту лайсал-ҳақ, Лайсал-ҳоту Аллоҳу» калималарини тилларида ижро этиб ёки Иброҳим Адҳам, Аҳмад Яссавий, Ҳувайдо, Машраб, Сўфи Оллоёрлардан мунгли, йиғлоки, таъсирчан ғазаллар ўқиб таомланганлар. Дарвиш-девоналар Марказий Осиёдаги муқаддас жойларни қайта-қайта зиёрат қилиб қолмай, ҳаттоки, улар Маккаи мукар-

рама, Мадинаи мунавварагача – Каъба зиёратигача бориб етганлар. Масалан, машхур зоҳид сўфий Иброҳим Адҳам тожи тахтини (Балх подшоҳлигини) ва оила бахтини тарк этиб, шоҳона либосларини чўпони жандасига алмаштириб, дарвишона, пою пиёда бориб Каъбани, сўнгра Мадинага бориб Расулуллоҳнинг «Равза»ларини тавофу зиёрат этганлар. Мадинанинг дашту қирларида яшаб ўтин-фурушлик қилганлар ва ўша ерда қолиб, қабрлари зиёратгоҳга айланган. Машраб эса Афғонистонда матфундир.

Дарвишлар аввал якка-якка юрган бўлсалар, кейин гуруҳ-гуруҳ, қишлоқ-қишлоқ, бора-бора шаҳар микёсида бирлашиб, қаерларга, қачон, қайси вақтда ёки қайси фаслда юришларини билиб ҳаракат қилганлар. Уларга қаландарлар, девоналар ҳам қўшилиб кетган. Девона дарвишлар ёки қаландар дарвишлар кўчганда, юриш қилганда қишлоқ ва шаҳарлар алғов-далғов бўлиб кетган. Улар ёзда дуч келган жой – қиру даштларда, қишлоқ четларида қишда қаландархона, мусофирхоналарда, рабату хонакоҳ ва қарвонсаройларда ётиб кетаверганлар.

Подшоҳ, хон, беклар – умуман, ҳокимият дарвишлар ҳаётини, Аллоҳ йўлидаги риёзатларини ҳурмат қилганликларидан, уларга зулм-зўрлик қилмаганлар, уларнинг ҳаракатига у қадар тўсиқ ҳам бўлмаганлар. Дарвишлар ҳаётини тартибга солувчи катъий бир қонун ҳам бўлмаган. «Сўфий ва Дарвишлар ҳақиқатдан ҳам, катта нуфуз ва обрўга эга эдилар. Муқтадир шайхларгина эмас, қаландарлар, эшонлар, мажзуб девоналарнигина эмас, оддий дарвишларни ҳам одамлар ҳурмат қилганлар. Шунинг натижаси ўлароқ дарвишлик ҳаракати кенг қулоч ёйган, дарвишлик удумлари шаклланиб, дарвишлар алоҳида бир тоифа – табақа сифатида жамиятда муҳим ўрин эгаллаган». Зотан, дарвишлар Исломи дини ахлоқ-одоби доирасидан чиқиб ҳам кетмаганлар, қолаверса, дарвишлик ўзига хос диний мартаба, даража ҳам ҳисобланган.

Дарвишлар орасида нуфузли шахслар, олимлар, сиёсатдонлар ҳам бўлган, подшоҳлар, хонлар, беклар улардан айғоқчи сифатида ҳам фойдаланганлар. Айғоқчи дарвишлар дунё кезганликлари учун бошқа ўлкаларда бўлаётган воқеаларни, сирларни, хуфёна билиб олиб хонликка етказиб – ахборот бериб ҳам турганлар.

Дарвишлар, умуман, аҳолининг ҳудожўй, тақводор тоифаси эканлиги назарда тутилиб, узок сафарлардан қайтганларида кўп

* Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. Б.11.

ҳолларда, ҳокимият томонидан махсус ош дамланиб регистон ва саройларда кутиб олинган. Бу Бухоро хонлигидагина эмас, деярли ҳамма жойларда удум бўлган. Дарвишларга ош бериш «Дарвишоши» деб аталган. Дарвишлар ош еб бўлгач, оммавий тарзда хон ва беқларнинг тахту тожи, эл-улуснинг омон ва тинчлиги ҳақида дуолар айтишиб жўнаб кетганлар. Шу ўринда дарвишлар бўлмаган – дарвишлик ақидаю анъанаси тугатилган даврда ҳам (шўро даври), ҳозирги мустақиллик давримизда ҳам «Дарвишоши» ёки «Дарвишона» қилиш йўқолган ёки йўқотилган эмас-ку? деган ҳақли ва қизик савол туғилади. Бунинг жавоби шундай: ўтмишда тайёрланган «дарвишоши» – дарвишларга атаб қилинган хайри худойи, уни дарвишлар еган, тадбир соҳиблари дарвишлар томонидан дуо қилинган. Бугунги «Дарвишоши» дарвишларга эмас, уни халқ ўзи учун тайёрлайди, ўзи ейди ва ўзининг, халқнинг, жамоанинг, замоннинг, еру осмоннинг тинчлиги, омонлиги учун биргалашиб (кўпнинг дуоси кўл дегандек) Аллоҳга дуо илтижолар қилишади, Қуръонлар ўқишади. Дарвишларсиз ўтказиладиган «Дарвишоши» куйидагича ўтказилган: Масалан, бир қишлоқ ё бир маҳалла, гузар, кўчада «Дарвишоши» ўтказиладиган бўлса, унда истиқомат қиладиган оилалар миқдори – сони аниқланади. Сўнгра баҳоли кудрат ҳар бир оила бериши керак бўлган масаллук – маблағ оқсоқоллар томонидан белгиланади. «Дарвишоши» гуруч камёб замонларда бугдойдан (гўжаоши, ҳалимош шаклларида) тайёрланган. Бу тадбир кўпроқ йилнинг икки фаслида: кузда (ҳосил йиғиб олиниши билан) ва баҳорда (экин-текин ишлари бошланиши билан) ўтказилган. Ош тайёрлаш аҳоли сонига, оила миқдорига қараб бир қозондан ўн қозонгача дамланган. Тадбир холи ва озода жойларда (дарё бўйлари, далаларда) ташкил қилинган. «Дарвишона» одатдаги ош-хўрлик ёки фақат қорин тўйдиришдангина иборат бўлмаган. Бу ошга ҳар бир жон (болами, касалми) яхши ниятлар билан, пок, батаҳорат ҳолатда келиши, ейиши шарт, келолмаган кимса ёки беморларга улуши олиб бориб берилиши, лоақал, удумга кўра бир лукма ейиши, татиб кўриши керак бўлган. Маросим муллаларнинг Қуръон тиловат қилишлари, жамоатчиликнинг Аллоҳдан қурғокчилик, очарчилик, қаҳатчилик, офат, вабо, зилзила, уруш кабилардан омон сақлашини дуои илтижолари, ҳамду санолари билан яқун топган.

Англашиладики, дарвишлар йўқолгандан кейин ҳам «Дарвишоши» қилиш удуми бугунги кунларимизда ҳам кўпгина жой-

ларда, хусусан, тоғ қишлоқларида бирор нохуш воқелик, чунончи, касаллик (ойин) тарқалиши муносабати билан ўтказилмоқда. Халқ «Дарвишоши» ёки «Дарвишона» атамасини йўқотмай, уни янги маънода – хайрли, эзгуликка, покликка чорловчи, маҳалла ёки қишлоқ аҳолисини бирлаштирувчи, исрофгарчиликсиз ўтказиладиган, унитилиб кетаётган қадимги, тарихий, диний-маърифий удумимизнинг номи сифатида сақлаб келганки, бу кейинги авлодларга мерос бўлиб қоладиган диний-дунёвий ибодатдир.

Англашиладики, «Дарвишоши» («Дарвишона») ўтказиш қадимги удумларимиздан бўлиб, халқни эзгуликка, бирдамликка чорловчи маърифий-маънавий, диний-дунёвий маросимдир. У элоши, халқоши, сайлоши сифатида сақланиб қолиши, янги мазмун ва шаклларда давом эттирилиши қарак.

ЛАЙЛАТ УЛ-ҚАДР ТАРИХИДАН

Лайлат ул-қадр 14 аср умр кўрган Рамазон ҳайити билан тенглашадиган байрам бўлиб, «Совет мусулмонлари» деб аталган халқларда деярли унутилган эди. Бунга уч нарса сабаб бўлди: биринчиси – динни халқ учун оғу заҳар деб тушунтириш, иккинчиси, ислом маросимлари моҳиятини англаб етмаслик, учинчиси – тушунган ҳолда моҳиятни мунофиқона инкор қилиш. Мана шу асосда Рамазон, Қурбон, Ҳаж, Ўятикоф, Лайлат ул-қадр, ҳатто Наврўз каби аждодларимиз томонидан бажарилиб келинган ўнлаб муқаддас маросимларимиз улоқтирилди, натижада маънавий қаншоқлик юзага келди. Қирк яшар Муҳаммадни Аллоҳ ўз ҳузурига чорлаб «Пайғамбарлик» – расуллик рутбаъсини беради. Мўъжиза юз берган ана шу кеча ислом тарихида «Лайлат ул-меърож» (Кўкка кўтарилиш ёки чиқиш туни) номи билан муҳрланган. Қуръони карим оятлари ҳам шу кечадан бошлаб нозил бўла бошлаган. Дини ислом, нури иймон ва ҳидоятнинг бошланиши бўлган ана шу тун, айна замонда, «Лайлат ул-қадр» (Қадр кечаси) номи билан шуҳрат топди ва мусулмонларнинг эъзозли кечасига айланиб қолди. Англашиладики, жаноби Пайғамбаримизнинг кўкка кўтарилишлари ҳам, Қуръон оятларининг нозил бўла бошлаши ҳам, қадр кечаси ҳам рамазон ойида юз берган. Шу боис бу ой муқаддас ибодат оyi сифатида фарз этилади. Демак, Лайлат ул-қадр байрамининг пайдо бўлиш тарихи Қуръон оятларининг нозил бўлиши, ислом динининг шаклланиши билан тенг бўлган анъанавий маросимлар. Қадр кечасининг мазмун ва фазилатлари ҳақида «Қадр» сурасида қуйидагича

Баён мавжуд: «Биз «Қуръон»ни кадр кечасида туширдик. Бунинг фазилати ва моҳиятини тушуниб етармикансизлар! Бу кеча минг ойдан яхшироқ, яъни бу кечада қилинган ибодатнинг фазли минг ойлик ибодатдан афзалдир. Чунки бу кечада руҳлар, фаришталар ҳатто Жаброил а.с. Аллоҳнинг изни билан пастга тушадилар ва тонг отгунча яхшилик, омонлик, поклик бўлади. Худонинг раҳмати ерга ёғилади».

Жаноби пайғамбаримиз: Кимки кадр кечасини, унинг улуғлигига ишониб, унга ихлос қилиб, ундан савоб умид қилиб ўтказгайдур, илгари қилган гуноҳларининг барчаси кечирилгайдур, – дейдилар. (Ҳадис, 1991, 1-том, 540–543- бетлар).

Кадр кечасининг вақти ҳақида фикрлар бир хил эмас. Баъзи манбаларда кадр кечаси рамазоннинг охириги ўн кундаги тоқ кечалар (21, 23, 25, 27, 29)нинг бирида кутилади дейилса, Пайғамбаримиз ҳадисларидан бирида шундай дейдилар: «Мен сизларга Лайлат ул-қадрни хабар қилмоқчи бўлиб чиққан эдим, бироқ йўлда икки мусулмон жанжаллашаётганини кўриб ёдимдан кўтарилиб кетди. Кадр кечасини Рамазоннинг 29-, ё 27- ёки 25- тунларида кутингиз». * Умуман, 27- тун «Лайлат ул-қадр» деб эътироф этилган.

Бу байрамни ўтказиш учун Араб ва Эрон дунёсида тақводорлар бир йил тайёрланадилар. Таъкидлаш керакки, бу маросимда фақат Қуръон тиловатию, намоз ўқиш билан тонг оттирилмайди. Шу билан бирга унга байрамонга ҳозирлик кўрилади: сумалак, ҳалим, ҳалвойтар, ҳар хил мевалар ош ва ширинлик каби нозу неъматлар билан дастурхон безатилади. Кутувчилар ношаръий, одобсиз гап-сўз қилмайдилар.

Батаҳорат, пок ва тоза кийинган ҳолда олий бир кайфиятда давра қуришиб, Аллоҳ ва Расул а.с.нинг сифат ва хислатларини, пайғамбару авлиё, пиру муршид, ота-она ва барча ўтган азизларнинг руҳларини ёдга оладилар, кироату ҳадисхонлик ҳам авжига чиқади Кадр кечасида (Пайғамбаримиз Худонинг васлига етган кечада) бир йилда бир марта само билан замин, илоҳиёт билан бандалар ўртасида руҳий яқинлик юз беради. Инсонлар бир йил ичида қилган гуноҳларига тавба қиладилар. Ҳар ким фикран етишмоқчи бўлган мурод-мақсадларини Аллоҳдан тилайди: биров – Худо васлини, биров – иймон, биров – фарзанд, биров – илм, биров – тинчлик, биров – ризқ...

* Ҳадис. 1-том. Б.543.

Қадр кечаси билан боғлиқ халқимиз томонидан севиб айтиб келинган, бугунга келиб унутилаёзган ривоятлардан бирининг мазмунини эслайлик. Қадр кечасининг қайси бир дақиқасида Барқ (яшин, ёруғлик) пайдо бўлиб зулмат оламини бир лахзали мунаввар қилади. Буни пайқаш ёки кўриш ҳаммага муяссар этилмайди. Кимки шу барқни кўрса, мақсадга етади. Ризқ сўраган бир камбағал йигит барқни кўриш билан, хурсандчилигидан ўзини йўқотиб, хотинини кучоқлайди ва у олтинга айланади. Йигит «олтин хотин»ни йиғлай-йиғлай бир йил сандукда сақлайди. Кейинги Қадр кечасида севгилисига жон ато этишни сўрайди ва ўз холига қайтади. Бироқ келиннинг жинчалоғи бўлмайди. Очарлик туфайли у олиниб ризқ-рўз қилинган экан.

Қадр кечаси покланиш, иймонни комиллаштириш, ёмон йўлдан қайтиш, тун бўйи мижжа коқмай мудрамай Аллоҳни ёд этиш, қалбда жо қилиш, иродани мустақкамлаш, Аллоҳ олдида бир йиллик увол-савоб ҳақида ҳисоб бериш тадбиридир.

Қадр кечаси дастлаб оилавий шаклда бўлиб, кейинчалик омавий тус олган: кўшнилари биргаланиб меҳмонхоналарда, маҳалла бўлишиб, масжид ва хонақоҳларда қутилган, уламолар ваъз айтишган, ибрат ақидалар тингланган. Бир куни саҳобалар Жаноб Пайғамбаримизга Наврўз гули ва таомларини олиб келдилар. Расулulloҳ Наврўз гулини ҳидлаб, таомларидан тановул қилиб: «Қани энди, ҳар кун наврўз бўлса», – дейдилар (Наврўзнома, 3- б.) Адабиётда Пайғамбаримизнинг мана шу ғоялари ривожлантирилган, шоирларга илҳом берган.

Сулаймон Бакирғоний:

Ҳар ким кўрсанг, Хизр бил,
Ҳар тун кўрсанг, Қадр бил.

Яъни ҳар бир одамга эътибор бер, тагин у Хизр а.с. бўлмасин; ҳар бир тунни кадрла, тагин у Қадр кечаси бўлиб чиқмасин дейиш билан умрни мазмунли, ҳар бир кун ва тунни наврўз кунидай, Қадр кечасидай ардоқлаб, файзу баракали, унумли ўтказишга чақирган. Зотан, кадрланган ҳар бир кун ва тун, дақиқаю лахзалар умрга барака қўшагина, инсон баркамол бўлиб, ҳаққа яқинлаша боради. Ана шу мақсадларни назарда тутиб, Алишер Навоий ҳам:

Ҳар тунинг Қадр бўлибон,
Ҳар кунинг бўлсин Наврўз,
– дейди.

Хулоса шуки, эндиликда маросимларимизни, диний, дунёвий деб иккита ажратмай, буларнинг ҳаммасини маънавиятимизни бойитиш ва руҳиятимизни мустаҳкамлашга хизмат килдиришимиз зарур.

НАМОЗ – НАЖОТ

Намоз кимдир ўйлаб чиққан, шунчаки ояту дуолар ўқиш, тик туриш, эгилиш, ўтириш, яна туриш билангина ижро этиладиган (жисмоний машққа ўхшаш) машғулот эмас. Намоз, авваламбор, илохий кашфиёт, адо этилиши жуда мураккаб бўлган рукнлар, рақъатлар ва инсон ҳаракатларининг узвий, изчил, мантикий тизимдан ташкил топган, ҳам мазмун, ҳам шакл, ҳам моҳиятга эга бўлган бир бутун ҳолдаги бекаму кўст, бенуқсон тузилмадир ёки бажарилиши ислом аҳком ва арконлари асосида катъий қилиб қўйилган олий одоб-ахлоқ, таъзим-тавозе (хушув) билан адо этиладиган ибодатдир. Ислом ибодатида 106 та фарз*, шулардан биргина намознинг ўзида бажарилиши зарур бўлган 16 та фарз, 15 та вожиб, 25 та суннат, 20 та мустаҳаб амаллар, йўл қўйиш мумкин бўлмаган 12 та ҳаром, 61 та макруҳ, 22 та муфсид, 10 та мубоҳ ҳолатлар борлиги† ҳам намознинг нозик ибодат эканлигидан далолатдир.

Намоз ибодатида инсоннинг руҳий (ички) олами: фикру зикри, қалби, ўй-хаёли, иродаси, сабр-бардоши, ақл-заковати, нияти, мурад-мақсади, завқи-шавқи, қайғу ғами; жисмий (ташқи) олами: боши, қоши, кўзи, қулоғи, бурни, пешонаси, бўйни, тили, жағи, тиши, бели, тиззаси, кўл-оёғи, панжаси, танаси, устухонлари, томири, қони – барча-барчаси қатнашади. Аллоҳга ва Расулига ҳамду сано, дуруд ва селоватлар айтади. Қиёматда намозхонга гувоҳлик беради. Сабаб шуки, гуноҳ ишларда инсоннинг ақли, руҳи, нафсигина эмас, унинг тили, жағи, оғзи (гуноҳ сўзлар айтиб), кўзи (гуноҳ ишларга тушиб), қулоғи (гуноҳ сўзлар эшитиб), қўли (гуноҳ амаллар бажариб), оёғи (гуноҳ жойларда юриб) ҳам қатнашади – нопок, зинокор бўлади. Ҳолбуки, уламолар инсон қалбида Аллоҳ, бошида тожу давлат, кўзида нури Муҳаммад, бурнида бўйи Муҳаммад, тилида қалимаи шаҳодат, қулоғида селовату иқомат, қўлида хайру саховат, елкасида фариштаи малоика, белида ҳиммати камар, оёғида хизмати холик ва ҳоказолар борлигини таъкидлайдилар. Зо-

* Муҳаммад Исо ибн Турсунбой ибн Юнусхожи. Ислом дини ва ибодат қоидалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. Б.54.

† Аҳмад Ҳодий Мақсудий. Ибодати исломия. – Тошкент: Меҳнат, 1991. Б.70–79.

тан, инсоният ақл, аввало, Аллоҳни таниш, қалб Аллоҳни ўзида сақлаш, тил Аллоҳнинг борлигини, бирлигини тасдиқлаш, гўзал сўзлаш, кўл-оёқ савоб, эзгу ишлар ижроси, кўз оламни кўриб укмок, ҳайратланмок, кулоқ хайрли сўз-гаплар тингламок, азону комат, кироати Куръон, амру маъруф эшитмок учун берилган.

Англашиладики, намоз ҳам руҳий, ҳам жисмоний ибодат бўлиш билан бирга у орқали одам ҳам руҳан, ҳам жисмонан покланиши керак. Жаноби пайғамбаримизнинг: «Уйингиз олдида лиммолим тўлиб оқаётган дарё, бу дарёда кунда беш марта ювинувчи уй эгаси қандай бўлса, кунда беш маҳал намоз ўқувчи киши ҳам шундайдир. Кунда беш марта ювинган одамнинг вужудида кир қолдими?» – деган ҳадисларини Имом Ғаззолий шундай изоҳлайдилар: «Сув инсон вужудини моддий нарсалардан, намоз қалбини маънавий кирлардан тозалайди».

Намоз ибодатига мавжудотлар: 1) сув-ҳаво, 2) вақт-замон (кеча-кундуз, тонг-саҳар, субҳ-фажр), чошгоҳ (зуҳо), пешин (зуҳр), аср, шом (ғурб), хуфтон (ишоъ); 3) макон (ер, тупроқ, намоз ўқилган жой, ўрин, масжид, мадраса, хонакоҳ, саждагоҳлар); 4) набототлар (дарахт, ўсимлик); 5) ҳайвонот (қуш-паррандалар); 6) тоғтошлар; 7) самовот (осмон, қуёш, ой, юлдуз); малоиклар (руҳий олам вакиллари) ҳам қатнашиб, Яратганга ҳамду сано, Расулига дуруд ва олқишлар, саломлар айтадилар.

Намоз 1) мазмун (маъно, сийрат, ички мундарижа), 2) шакл (сурат, ташқи мундарижа), 3) моҳиятдан иборат.

Намозда бошдан оёқ ўқилиши фарз қилинган оятлар, айтилиши ворид, вожиб, суннат қилинган такбиру таҳрималар, дуои, тасбеҳлар, санойи саловатлар, намоз мазмунидир.

Намозхоннинг ибодатда бошдан охиригача бажарадиган барча хатти-ҳаракатлари, тана ва аъзолар фолияти (қойим, рукуъ, сужуд, қуъуд каби ҳолатлар ҳам) намоз шакли (сурати)дир. «Намоз фақат маъно ёки мазмундан иборат эмас, – дейди Жалолиддин Румий, – сен уни шакллarga ўрайсан, қиём, рукуъ ва саждалар билан намозга сурат беришинг лозим. Маънонинг (яъни мазмунининг) сурат (яъни шакл) билан боғлиқлиги бор, иккаласи бирлашмагунча фойда ҳам бўлмайди. Сурат маъно нуридир, намознинг мазмуни ҳам, шакли ҳам гўзал бўлиши керак».[†]

* Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукопафат ул-Кулуб. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. Б.66.

† Жалолиддин Румий. Фихи ма фихи. –Тошкент, 2005, 193- б.

Намоз мазмунининг ижрочиси ҳам, унга шакл берувчи ҳам намозхондир «Намоз ёки азон саҳнага – спектаклга ўхшайди, унинг ижрочиси (намозхон ёки муаззин) актёрни эслатади, актёр ижро ва маҳорати билан саҳнага «жон» киритади, унга шакл беради.

Намозхоннинг ибодат давомида дунёдан узилиб, руҳан илоҳий оламга парвоз қилиши, қалбан аллоҳ билан боғланиши, унга то-беланиши, ҳузур ҳаловат топиши (қалб ҳузурисиз килинган намоз намоз бўлмайди – ҳадис) намоз моҳиятидир. Бошқача айтганда, намознинг инсондаги шаҳват, таъма, нафсул аммора каби ҳирсларни сўндириши – нафс устидан руҳ ғалабасини таъминлаши, намозхонни залолатдан ҳидоятга, бахт-нажотга етаклаши, пировардида, комилликка, Аллоҳ васлига восил бўлишга сабаб бўлиши намоз моҳияти дейилади. Жаноби Пайғамбаримиз: «Намоз мўъминнинг меърожи (нажот йўли – маъжозий нарвон)дир», – деганларида мана шу моҳиятни назарда тутганлар. Бошқача айтганда, намоз инсонни барча ношаръий, нопок, гуноҳ ишлардан, маъсиятдан сақлайди, иймон бағишлайди, иймон эса жаннатга етаклайди. Пайғамбаримиз айтадилар: «Агар ўқилган намоз кишини чиркин ҳаракатлардан ва ёмон феъл-атворлардан қайтара олма, бундай намоз намозхонни Аллоҳдан узоқлаштиришдан бошқа нарсага ярамайди».

Бакир ибн Аббдуллоҳ бир кун шундай деди: «Эй одамзот, сен агар руҳсатсиз Раббингнинг ҳузурига кирмоқчи ва у билан таржимонсиз гаплашмоқчи бўлсанг, марҳамат, кираверишинг мумкин.

Сўрадилар:

– Бунинг йўли қандай?

Жавоб берди:

Камчиликсиз таҳорат ол, бажонидил намозга тур. Ана шу ондан эътиборан сен Аллоҳнинг ҳузуридасан, таржимонсиз гаплаша оласан» «Мени эслаш учун намоз ўқи» («Тоҳа» сураси, 14-оят) ояти ҳам юқоридаги фикрнинг тасдиғидир. Зотан, Аллоҳ таъоло: – Бандаларим билан сажжодада учрашаман. Сажжода дунёни ажратиб турувчи воситадир деган.

Таассубки, кейинги асрларда, хусусан, моддиончилик таълимоти таъсирида инсоният билан бирга туғилган, миллати, ирқи, дини, тилидан қатъи назар, дунё халқларини ягона Аллоҳ атрофига бирлаштирувчи ғоя – байналмилал куч даражасига кўтарилган на-

* Абу Ҳомид Ғаззолий. Кўрсатилган асар. Б.67.

моз ибодатининг диний моҳияти билан бирга дунёвий аҳамияти ҳам инкор қилинди.

Ҳолбуки, барча диндаги ибодатлар инсон комиллигини таъминловчи, айни замонда, шифобахш бир машғулот ҳам эдики, бу эндиликда исбот талаб эмас. Масалан, намоз ёки азон жараёнида юзага келадиган руҳий ғалаёнлар, тўлқинли товушлар, кўтаринки кайфиятлар, эмоционал, психо-физиологик ҳолатлар, муножот ва илтижолар, ибодатдан қониқиш, лаззат, ҳузур-ҳаловат ва мамнуният ҳосил қилиш инсонга бир олам куч, руҳий қувват бағишлайди, инсон саломатлигини мустаҳкамламайди, кўпгина ҳасталикларни бартараф этмайди, деб ким айта олади?! Динсиз ёки муртад, даҳрий кишилар фақат ердан қувват олса, диндор ёки тақводор ҳам ердан, ҳам самодан қувват олади; самовий қувват – илоҳий руҳ сўнмас бўлади.

Намозхон, умуман, тақвадорлар туну кун давомида пок тан, пок қалб, пок либосда бўлиб, тонг билан учрашиш, умрининг ҳар бир дақиқасини бекорга ўтказмаслик бахтига мушарраф шахс. Аслида ҳеч бир машғулот соҳиби намозхон (сўфи, муаззин)чалик вақт билан учрашмайди, улар доим вақт билан ҳисоблашади. Зотан, исрофгарчиликнинг энг ёмони – гуноҳлиси вақт исрофгарчилиги ёки ғафлатда ўтган умрдир. Инсон замонда – вақт бирлиги ичида яшайди, вақтга, замонга ҳисоб беради, у билан қўшилиб «оқади», икки дунё бахтига вақт орқали эришади. Шу сабаб халқимиз вақтнинг кетди – бахтинг кетди – нақдинг кетди, вақт олтиндан ҳам қиммат, йўқолган нарсанг, бойлигинг топилади – йўқолган вақтинг топилмайди; вақт мисли дарё: у тўхтаб ҳам турмайди, орқага ҳам қайтмайди дейди.

Вақтнинг муқаддаслигини, қимматини буюқлар ҳам ҳамиша таъкидлашганлар: Кам е, кам ухла, кам гапир ҳикматида ҳам вақт моҳияти акс этган. Жаноби Пайғамбаримизнинг «Вақт қилич, сен уни кесмасанг, у сени кесади» деган ҳадисларида ҳам ҳар куни тонг билан учраш, уни кутиб ол, уни қиёматгача қайта кўрмайсан, ундан мукаммал фойдалан, умрингни беза, икки дунё бахтингни таъминла, акс ҳолда умринг зое кетади. Бахтсиз бўласан ғояси акс этган. Шайх Нажмиддин Кубро ҳам «Усули ашара» асарида ҳар бир инсон нафсини ва вақтини муҳофаза қилиши керак. Нафаснинг (нафас олишнинг) бир кунлик миқдори йигирма тўрт мингга яқин. Нафас ва вақт беҳуда сарфланар экан, дақиқалар қадрланмай кунга,

кунлар қадрланмай йилга, йиллар қадрланмай бутун умр зое кетади дейди. Санойи (ваф. 1131) ҳам чин сўфи икки байрамни нишонлайди: бири нафас олишда, иккинчиси нафас чиқаришда. Шарк мута-саввиф-ларининг нафас ва вақтни қадрлаш ҳақидаги бу ғоялари буюк немис олими Гёте томонидан куйидагича таржима қилинган:

Нафас олмок ҳамда чикармоқ эрур
Икки эҳсон, буни англамоқ зарур,
Бири сиқар, ўзгаси янги қувват,
Шулар сабаб ҳаёт гўзалдир ғоят.
Аллоҳга шукур де нафас олган он,
Шукур де нафасинг чиқарган замон.

Ҳаттоки, Куръонда ҳам кеча («Вал-Лайл»), кундуз («Ван-наҳар»), тонг, сахар («Вал-фажр»), чошгоҳ («Ваз-зуҳа»), аср («Вал-аср») каби вақт қисмларининг номи (суралар номи, намоз номлари) қасам сифатида келтириладики, бу вақтнинг муқаддаслиги, ундан фақат намозхонлар эмас, барча инсонларнинг унумли ва исрофсиз фойдаланишлари фарз эканлигини англатиб турадиган буюк ибратдир.

Дарҳақиқат, одам кечанинг 8 соатида ухлайдиган бўлса (кундузги ухлашдан ташқари) 60 йиллик умрининг 20 йили, 90 йиллик умрининг 30 йилини, яъни умрининг учдан бир қисмини уйқуда ўтказади. Мадомики шундай экан, муаззиннинг ҳар тонгда «Ас-салату хайр-улмин ал-навм» – талаффузда: «Ас-салату хайрум минан навм») – намоз уйқудан афзалдир!! нидосини «шунчаки азон айт-япти» деб эмас, балки уни инсонни ғафлатдан нажотга чорловчи, берилган умр (вақт) дан дунё ва охират бахт-саодатимиз учун унумли, исрофсиз фойдаланишимиз зарурлигини уқтириб, огоҳландириб турувчи илоҳий буйруқ сифатида қабул қилишимиз керак.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий:

Умрингни зое этма, меҳнат қил,
Меҳнатинг саодатинг калити бил;

ёки

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Ҳар неники севмак андин ортик бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

деганда, умрни, вақтни қадрлаш билан бирга уни меҳнат билан, жумладан, аллоҳ йўлида хизмат, маънавий-руҳий ибодат билан шуғулланишни ҳам назарда тутган, албатта.

Вақт, чоғ, он, умр, аср, фурсат каби вақт бирликлари, номларининг илоҳийлиги, кадр-қимматини ҳар бир инсон чуқур англаб етиши кераклигини Академик Ғ.Ғулом тўртлигида ҳайратомуз огоҳлантирган:

Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди қадрин,
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сагрлар-ла
Безамок чоғидир умр дафтарин.

Намоздаги жисмоний ҳаракат – «сирли». У гуё фаннинг бугунги ёки бундан кейин юзага келадиган ютуқлари асосида ишлаб чиқилгандай: Намоз жараёнида гавданинг барча қисмлари, тананинг барча (бош, оёқ, қўл, тизза, панжалар) аъзолари, қон томирларгача муайян ҳаракат, ҳолат, ўлчам, меъёр, вақт микдори билан таъминланган. Бу ҳаракатлар инсонга мавсумий эмас, доимий баланд рух, кайфият, қувват, бахш этиб туради. Обид (ибодатчи) юқорида айтганимиздек, қувватни ҳам ердан, ҳам самодан олади. Дарҳақиқат, одамнинг намоз ўқимаган ҳолатидан намоз ўқиган, намоздан кейинги ҳолати, кайфияти, танаси ҳам энгил бўлади, буни ҳар бир намозхон билади.

НАМОЗДА ТАВОЗУЪ ВА ХУШУЪ

Аллоҳ таоло: «Мўминлар намозларида Хушуъ ва тавозуъ билан бўйин эгувчилардир» («Мўминлар» сураси, 1-2-оятлар) деган.

Олимларимизнинг баъзилари тавозуъ ва хушуъ қалбнинг кўрқувга ўхшаш феълларидан, баъзилари эса аъзонинг феълларидан, шу сабаб намозни қимирламасдан ўнганга-сўлга, чайқалмасдан ўқиш деб тушунадилар.

Хушуънинг намоз фарзлариданми ёки фазилатлариданми эканлиги борасида ҳам фикрлар хилма-хилдир. Баъзилар фарзларидан дейишади ва Пайғамбаримизнинг «Одамлар ўқиган намознинг фақат маъқул бўлгани намоз ҳисобланади» мазмунидаги ҳадисни ва «Менгагина ибодат қил ва мени зикр қилиш учун намозни тўқис адо қил» («Тоҳа», 58- оят) мазмунидаги оятни далил қилиб келтирадилар. Дарҳақиқат, ғафлат – зикрга зид. Шунинг учун Аллоҳ буюради: «Парвардигорингизни ичингизда ёлвориб, кўрқиб, дилдан эртаю-кеч ёд қилинг ва ғофил кимсалардан бўлманг» («Аъроф», 205-оят).

Пайғамбаримиз хушуъ ила, бажонидил ўқилмаган намозлар қабул бўлмаслигини уқтириб дейдилар: Кимки дунёвий фикрлар-

дан қутилиб бажонидил икки рақъат намоз ўқиса, барча ўтган гуноҳлари кечирилади.

Дарҳақиқат, намоз ўқиётган одамнинг қалбида модомики, нияти ва мақсади Аллоҳни зикр этиш экан, Аллоҳнинг қудрати ва муҳобати сезилиб турмаса, у ҳолда зикр этишнинг нима аҳамияти бор?

Пайғамбаримиз айтадиларки:

– Кишининг қалби ва жисми ҳамжиҳат бўлиб намозда шай бўлмагунга қадар Аллоҳ у намозга қарамайди.

Иброҳим пайғамбар намоз ўқиётганда, унинг юрак уриши икки чақирим наридан эпитиларди.

Бир дафъа Пайғамбаримиз намоз ўқиётган бир одамнинг соқолини ўйнаётганини кўрдилар ва шундай дедилар:

– Агар бу одамнинг юрагида хушуъ бўлса эди, аъзосида ҳам бўлар эди.

Ҳикоя қиладиларки: намоз вақти келганда, ҳазратиАли титрар ва ранг-рўйи ўзгара бошларди. Ундан: «Эй мўминларнинг амири сенга нима бўлди», – деб сўраган чоғларида шундай дер эди:

– Аллоҳ еру кўкларга фарзларини омонатга бермокчи бўлганда, улар кўркиб олмаган эдилар, мен эса қабул қилганман ... энди омонат (намоз) пайти келди.

Яна ҳазрат Хусайн (ҳазрат Алининг ўғиллари) таҳорат олаётганда афти-ангори сап-сарик бўлиб кетар эди, оила аъзолари ундан бунинг сабабини сўраганларида, шу жавобни берарди:

– Кимнинг олдида тик туриш учун ҳозирлик кўраётганимни биласизми?

– Ҳотам Асомдан намозини қандай ўқишини сўрайдилар: У шундай жавоб беради:

– Намоз вақти яқинлашганда бекаму кўст таҳорат олиб, намоз ўқийдиган еримга келаман. Аъзоларим тинчланиши учун бироз ўтираман. Сўнгра намозни бошлаш учун ўрнимдан тураман. Кабани икки қошим орасига, Сирот кўпригини оёқларим остига, жаннатни ўнгимга, жаҳаннамни сўлимга, ўлим фариштасини орқамга оламан ва умримнинг энг сўнгги намозини ўқиётирман деган хаёл билан кўркув ва умид орасидаги бир руҳий ҳолат қучоғида намоз ўқишни бошлайман. Такбирни хушуъ билан айтаман. Сура ёки оятларни секин-секин эҳтиёт бўлиб ўқийман, рукуъларни тавозеъ билан, саждаларни хушуъ билан қиламан. Сўл оёғимнинг қаттиқ

кисмини ерга кўндаланг ётқизаман, сўл оёғимга ўтираман. Буларнинг барчасини ихлос билан адо этаман. Фақат намозим қабул бўлган-бўлмаганлигини билмайман.

Пайғамбаримизнинг бир ҳадисларининг мазмуни шундай.

– Охир замонда умматимнинг шундай бир қисм кишилари бўладики, улар жомеъ ва масжидларга келиб давра куриб ўтирадилар. Бутун зикрлари ва ўйлаганлари дунё бўлади ва дунё севгиси бўлади. Асло улар билан ўтирманг. Аллоҳнинг улар билан иши йўқ.

Бир кун Пайғамбаримиз шундай буюрдилар:

– Сизларга ўғриларнинг энг каттаси кимлигини айттайми?

Саҳоба сўради: Ким у эй Аллоҳнинг расули?

Расул айтдилар: Намозидан ўғрилик қилган.

Саҳоба сўради: Намоздан қандай ўғрилик қилиш мумкин?

– Расул айтдилар: Бундай ўғрилар руку ва саждаларни тўлик қилмайдилар.

Ҳазрат Умар намоз ўқишни ният қилган чоғида хурпаяр, тишлари тақилларди. Ундан бунинг сабаби сўралганда:

Омонатни адо этиш ва фарзни ўрнига қўйиш пайти келди, аммо мен буни қандай адо этажагимни билмайман дерди у.

Бир кун Холаф ибн Айюб (машҳур саҳоба) намоз ўқиётганида, уни ари чақиб олди, вужудидан қон чиқса-да, у буни ҳеч ҳис этмади. Ибн Саид буни кўриб турганди. Намоздан кейин унга: Сени ари чақиб терингдан қон оқди-ю, хабаринг бўлмади деганда, ибн Айюб шундай деди:

– Ўзинг айт: бир одам Аллоҳнинг ҳузуринда, ўлим фариштаси боши устида жаҳаннам сўлда ва Сирот кўприги оёқлари остида бўлса, бу одам арзимаган ари чақиши каби нарсаларни ҳис қилиши мумкинми?!

Пайғамбаримиз хушуга эътибор бериб, айтдилар:

– Руку билан сажда орасида белини текис тутмаган одамга Аллоҳ қиёмат куни назар ташламайди. Гафлатда зўрма-зўраки ўқилган намоз эгасига чарчокдан бошқа ҳеч нарса қолмайди. Киши намознинг маъносини идрок этиб, қай даражада яхшилаб ўқий олса, шу даражада савобдан насибаси бордир. Маърифат аҳли дейди: Намоз тўрт нарсадан иборат: 1) билиб, онгли равишда намоз бошламоқ, 2) ҳаё ва ҳаяжон билан намозга турмоқ, 3) таъзим қилмоқ, 4) намозни кўрқиб ўқимоқ. Намозда тўрт нарса қийнаши ҳам уқтирилади: 1) намозда чайқалмоқ, 2) юзни силамоқ, 3) сажда қи-

лаётганда ҳас-чўп, тош суриб қўймоқ уст-бошини, жой намозини тўғирламоқ, 4) рўшарасида йўл бўлган жойда намозга турмоқ. Пайгамбаримиз айтадилар: киши намозини хушуъ билан ва бажонидил ўқиб, ўннга-сўлга чайқалмаса, Аллоҳ унинг намозига назар ташлайди. Абу Бакр намозда турганларида жонсиз бир дарахтни эслатар экан. Улуғлардан баъзилари рукуъда шундай турарканларки, улар орқасида бир коса сув қўйилса тўкилмас экан, чумчуқлар уларни жонсиз билиб устига қўнаркан.

Булардан ташкари, ақл тақозосига кўра, дунё султонларининг ҳузурида таъзим билан турилади. Бас шундай экан султонларнинг султони бўлмиш Аллоҳнинг ҳузурида таъзим билан туриш муқаддас фарз ибодати – нажот йўли бўлмиш намозни хушуъ ва тавозеъ билан адо этмоқ мусулмонлик, бандалик бурчимиздир.

РЎЗА ТАРИХИДАН

Тарихдан маълумки, қадимги мисрликлар ўз байрамларида рўза тутган бўлсалар, уларнинг руҳонийлари ва коҳинлари ҳар йили етти кундан етти ҳафтагача рўзадор бўлганлар.

Хитойликлар баъзан оддий кунларда ҳам рўза тутганлар. Ҳатто бошларига ташвиш тушган кунлари ўзларини рўзадор бўлишга мажбур қилганлар. Тибетда яшайдиган хитойликларнинг баъзи тоифалари 24 соатлаб муттасил рўзадор бўлишган.

Юнонликлар рўза тутиш одатини қадимий мисрликлардан ўрганганлар. Улар кўпроқ аёлларни рўза тутишга мажбур қилганлар. Рўзадор аёллар кайғу ва хомушликни касб этган ҳолда ерда ўтириб олганлар. Бу ҳолат қадимги юнонликларга тақлиддир. Чунки қадимги юнонлар уруш бшлашдан олдин бир неча кун кетма-кет рўза тутганлар. Римликлар ва италияликлар душман бостириб келганда галаба қозониш учун рўза тута бошлаганлар.

Яхудийлар кайғу ва машаққат, хавф-хатар пайдо бўлган, вабо тарқалган, зилзила юз берган, ой, куёш тутилган, кунлардан бирида илҳом пайдо бўлган кунларда рўза тутганлар. Мусо а.с. йилида 40 кун рўза тутган. Яхудийлар Аллоҳнинг бизга қаҳри келяпти дея эътикод қилган вақтларда ҳам рўза тутганлар. Шу йўсин Аллоҳнинг қаҳрини даф этганлар, унинг ғазабига дучор бўлишлари синаб кўрилган.

Яхудийлар Куддуси шариф (Иерусалим)нинг вайрон қилинишини хотирлаб ҳар йили бир ҳафта рўза тутадилар. Уларга Таврот етгинчи ойнинг 10- кун ва 8- ойнинг 9- кун рўзани фарз қилган.

Улар гуноҳларини ювиш учун ҳар йили яна бир кун рўза тутиб беришни одат қилганлар.

Исо а.с. пайғамбар бўлишидан илгари йилда 40 кун (Берунийнинг ёзишича, 48 кун; кўрсатилган асар, 346- б.) рўза тутар эдилар. Исо а.с. ҳам яҳудлар каби гуноҳларини ювиш учун ойда бир кун рўза тутишни ўзларига фарз қилиб олган эдилар.

Рамазон рўзаси мусулмонларда дастлаб Арабистон ярим оролининг Рамадан водийси ва унинг номи билан боғлиқ келиб чиққанлиги – пайдо бўлганлиги ривоят қилинади. Рамадан водийси ярим оролнинг иссиқ ўлкаларидан бўлиб, хусусан, фасл ёмон келганлиги сабабли ҳосил камайиб озик-овқат тахтчиллиги – очарчилик юз берган. Шу муносабат билан бир кеча-кундузда икки маҳал овқатланишга худо номидан фатво берилган. Аниқроғи, худонинг қаҳрини сўндириш ёки уни ризолигини олмоқ, гуноҳларини ювмоқ учун рўза тутилган. Баъзи манбаларда мана шу тахтчиллик рамазон (арабча талаффузда рамадан) ойида юз берганлиги учун рамазон рўзаси деб аталган дейилади[†].

Демак, исломгача ҳам арабларгагина эмас, барча халқларга рўза тутиш буюрилган. Ҳамма халқ (миллат)лар у ёки бу шаклларда, микдорда, тартибда, маълум воқеъликлар муносабати билан ҳар хил мақсадларда рўза тутганлар.[‡] Арабларда рўза фарз қилингунга қадар ҳам Жаноби Пайғамбаримиз саҳобалар билан бирга ҳар ойнинг 13-, 14-, 15- кунларида ихтиёрий равишда рўза тутар эдилар. Китобларда бу кунлар «Айёми байзо» яъни «Ойдин кунлар» деб аталади.[§] Рўза Расулulloҳ Мадинага келганларидан икки йил кейин ҳижратнинг 524 йили Шаъбон (август) ойнининг 10- куни юзага келди. Рамазон рўзаси қуйидаги оят билан фарз қилинган: «Йа айюҳаллазина аману кутиба алайкумус сияму кама кутиба алаллазина мин қабликум лааллакум таттақун». Мазмуни: «Эй мўминлар, рўза тутмоқ сизлардан илгари ўтган халқларга буюрилгани каби сизларга ҳам фарз қилинди, шоядки рўза туфайли гуноҳлардан тийилсангиз» (Бақара сураси, 183-оят).

* Таълиф Абдулқаҳор Шоший. Рўзанома. –Тошкент: “Илм” ширкати нашриёти, 1991. Б.19–20.

[†] Дунё халқларида рўза ва унинг келиб чиқиши сабабларини билишга қизиқувчилар учун Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарини ўқишни тавсия қиламиз.

[‡] Настольная книга атеистов. Изд. 4. – М., 1975. С. 288–289.

[§] Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий, кўрсатилган асар, 162- б.

** Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий, кўрсатилган асар, 162–163- б.

Рамазон XIV асрдан буён башарият оламининг ҳидоят сари даъват этиб келаётган, Қуръони карим ушбу ойда нозил бўлган азиз ва муқаддас ойдир.

Рамазон! Бу муборак ой ичида бир улут тун борки, унинг номи «Лайлатул Қадр» деб атайдилар. Шу ой шарофати билан мусулмонлар ислом динининг муҳим ибодатларидан бири рўза тутиш шарафига муяссар бўладилар. Рўза шундай беназир ибодатки, унинг замирида инсон иродасини мустаҳкамлаш ва уни руҳан, ахлоқан тарбия этиш, сабру каноатга ўргатиш, нафсоний ва шахвоний ҳавасларга чек қўя билишга одатлантириш каби мақсадлар мавжуд. Шу сабаб Аллоҳ Таоло рўза тутишни мусулмонларгагина эмас, барча самовий динларга эътиқод қиладиган халкларга ҳам фарз қилган.

Рамазон ойида Жаннат дарвозалари очилади, дўзах эшиклари беркитилади, шайтонлар занжирбанд қилинади. Рўза тутиш жон учун, закот бадал учун, риёзат яхшилик учун даъватдир. Рўза инсон учун гуноҳлардан тийилиш, жамият учун жиноятлардан сақланишдир. Очроқ танда қалб бир меъёрда ишлайди, ақл тиниқлашади, кўз равшан тортади.

Луқмони Ҳаким ҳам қорин кўп тўйса, инсоннинг фикрлаш қобилияти ухлаши, донишмандлиги қар бўлиб қолиши, аъзолар ибодат ёки ижод қилишни тарқ этишга ҳаракат қилишини уқтирган (бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун Абдулқаҳҳор Шошийнинг «Рўзанома» рисоласига қаранг, Тошкент, 1991).

Пайгамбаримиз рўза Аллоҳ учун тутиладиган буюк ибодат эканлигини уқтириш билан бирга, унинг таъ-сиҳатлик ва ақл-одоб учун аҳамиятини ҳам айтганлар: «Бироргангиз рўза гутаётган экансиз, асло лоф ва ёмон сўзламанг, бақириб-чақирманг. Биров сизни сўкса ёки сиз билан уруш чиқармокси бўлса, унга: «Мен рўзаман денг». Яна айтадилар: еб-ичишдан тўхташнинг ўзи бу рўза тутиш деган гап эмас. Рўза шундайки, бекорчи нарсалардан ёмон ва кўпол сўзлардан сақланиш ҳамда чиркин нарсалардан ўзини асрашдан иборатдир».

Қисқаси, рўза воситаси билан инсон ўзида руҳий куч-қудрат тўплаш билан бирга танини – саломатлигини ҳам чиниқтиради.

Кўпгина олимлар қатори Алихонтўра Соғуний ҳазратлари ҳам рўза инсонни ҳам руҳий, ҳам жисмоний поклашини – соғломлаш-

* Қаранг: Абдусодиқ Ирисов. Рўза ва хайит намозлари, Т.: Фан, 1991. Б.4-11.

тиришини, раҳмоний руҳ, шайтоний нафс устидан ғалаба қилишини, бир сўз билан айтганда, инсонни комиллаштиришини асослаганлар.

СЎФИЙ СЎЗИ ТАРИХИДАН

Арабча сўфий // сўфи (صوفى) атамаси сафвун (صوف), софий (صافى), сафий (صفى), сафо (صفا), саффа (صقى), сафа (صقى), соф (صاف), осфий (اصفى), тасаффа (تصقى), тасофий (تصافى), мусаффо (مصقى), сўфийлик (صوفىلىك), сафийун (صوفيون) каби сўз шакллари билан ўзакдош (ўзак – саф (صف) бўлиб, соф, тоза, пок, тиник, равшан, ёруғ, мусаффо, тонг, беғубор; танланган, такводор, тозаланган, сараланган, садоқатли каби маънолар билан боғлиқ шаклланган. Одам Атонинг лақаблари (сафиюллоҳ صفى الله – Аллоҳнинг пок, тоза, сараланган, танланган бандаси) ҳам сўфий сўзи билан ўзакдош. Зотан, сўфийлар тарикат йўлига кириб, Аллоҳ учун дунё нёматларидан узоклашган, риёзат чекиб, такво тутиб гуноҳларидан покланиб, комиллик касб этувчи, орифлик мақомига эришувчи солиқлардир. Сўфийлик эса сўфийларни бирлаштирувчи диний-фалсафий оқим. Сўфий ва сўфийлик тушунчаси ва атамаси ҳам ислом динининг маҳсули, ислом дини негизида пайдо бўлган ва шаклланган. У қадимги юнон фалсафасининг ёки неоплатонизмининг давоми эмас. Бошқача айтганда, арабча сўфий атамаси юнон-русча *софист*, *софизм*, *софистик*, *софистика* ёки философия термини таркибидаги *сафия* унсурлари билан (қиёфодошлигидан қатъи назар) уядош, маънодош – илдизи бир эмас. Юнонча *sophos*, *sophia*, *sophis*, *sophiates* сўзлари доно, донишмандлик, фикрловчи, мулоҳазали, мунозарали каби маъноларни англатади. Қадимги Юнонистонда (мил. ав. V аср) фалсафа ва нотиклик санъатидан дарс берувчи муаллим. Сўфий истилоҳи заминидан эса, юқорида айтилганидек, ўзликни покловчи, қалбни мусаффовловчи, софдил, такводор инсон тушунчаси мавжуд. Сўфий атамаси ва шу билан узвий сўфий тушунчасининг пайдо бўлишида бошқа қарашлар ҳам мавжуд. Шулардан бири: ибтидоий исломда Муҳаммад Пайғамбар с.а.в. такво йўлига кирган дастлабки қирқ кишига ҳомийлик қилганлар, сўнгра улар 400 кишига етган. Улар (покланувчилар) бошқалардан ажралиб туришлари учун оқ жун (арабча суф ёки суфун)дан тўқилган махсус ибодат либослари: хилқа, дастир, сажжода (жойнамоз) билан таъминланганлар. Мана шундай жунли,

яъни сўфий либос кийганлар сўфийлар, уларнинг уюшмаси сўфийюн (صوفيون) сўфийлик дейилган.* Исломни тарғиб қилиш, амру маъруф ўтказмоқ учун ибодатхона худудидан сўфийларга ердан баланд қилиб тайёрланган махсус жой ажратилган ва у Суфа (صوف) сўфийлар суфаси деб аталган.

САНГИ МУАЛЛАҚ

Диний таълимотга кўра, Санги муаллақ Ерда инсонни синовдан ўтказувчи, Ҳақни ноҳақдан ажратувчи восита сифатида Қуддуси шарифга туширилган. Аллоҳ ва унинг пайғамбарига эътиқодли, пок ният билан Масжид ул-Ақсога келган кимсалар Санги муаллақни ушлаб зиёрат қилганлар. Ҳаром-ҳариш, нопок, ёлғончи, каззоб ва мунофиқларга Санги муаллақ юқори кўтарилиб, ўзини ушлатмаган. Бу ҳақда бир ривоят: юз тилла қарз олиб, кейин уни инкор қилган бир кимса Санги муаллақни ушлаб, қарз берувчидан қутилиб кетмоқчи бўлади. Бунинг учун у *уққат* (ичи қавак дарахт)дан бир таёқ кесиб, ҳасса (асо) ясаб юз тиллани унинг ичига жойлаштиради ва қарз берган киши билан мунозаралашиб Санги муаллаққа келади, одамлар ҳузурда ҳассасини: «Ма, буни ушлаб тур» – деб қарз берган кишига (тилла эгасига) беради, қўлини Санги муаллаққа чўзади ва ушлайди. Кейин ҳассасини олиб уйига жўнаб қолади. Шундан сўнг Санги муаллақ инсон қўли етмайдиган баландликка кўтарилиб кетган экан.†

ФУТУВВАТ ОДОБИ

Футувват (жавонмардлик) тариқатида мўъмин-мусулмон, олим уриф бўлиш, сидқу сафо бобида жонбозликлар кўрсатиш, рухий-ахлоқий етукликка эришишга катта аҳамият берилган. Чунки одам ғоят ақли катта истеъдод соҳиби бўлиши мумкин, лекин у маънавий тарбия кўрмаган бўлса, комилликка даъво қилолмайди. Ақлий етуклик маънавий етуклик билан мустаҳкамланиши керак. Ахлоқли пок инсоннинг ақли эзгу ишларга сарфланади ва аксинча ахлоқан нопок одамнинг ақли ёмон ишларга сарфланиб, кишилик бошига ҳалокат келтиради. Худди шу боис, аждодларимиз инсон-

* Фарҳанги забони тожик. –М., 1969, 286- сб; Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. –М., 1970. С. 570, 557.

† Изоҳ: Санги муаллақ илоҳий куч билан ушлаб турилмаганлиги, у метеорит эканлиги, кейинги асрларда магнитли девор билан қоплаб олишганлиги ҳақида илмий-атеистик адабиётларда мақолалар ҳам мавжуд.

нинг руҳий – маънавий камолоти учун жидду жаҳд этганлар на ислом буюрган ахлоқий фазилатларни жавонмардлик қондасига айлантирганлар. Хусайин Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний» асарида футувватнинг етмиш битта шарти санаб ўтилганки, бу шартлар аксар ахлоқий талаблардир. Ўқувчиларимиз тасаввурини кенгайтириш учун уни ушбу сифатларини бир-бир санаб ўтишни лозим топдик. Кошифийнинг фикрича, етмиш битта шарт – талабнинг 48 таси вужудий, яъни ижобий хислатлар бўлиб, 23 таси азалий, яъни салбий хислатлар ҳисобланади. Жавонмард одам ижобий хислатларни эгаллаб, салбий хислатлардан сақланиши даркор. Вужудий – ижобий хислатлар қуйидагилар: биринчиси – ислом, иккинчиси – иймон, учинчиси – ақл, тўртинчиси – илм, бешинчиси – ҳилм (ҳалимлик), олтинчиси – зуҳд (тақво), еттинчиси – карам, саккизинчиси – вараъ (парҳез), тўққизинчиси – сидқ, ўнинчиси – муруват, ўн биринчиси – шафқат, ўн иккинчиси – эҳсон, ўн учинчиси – вафо, ўн тўртинчиси – ҳаё, ўн бешинчиси – таваккул, ўн олтинчиси – шижоат, ўн еттинчиси – ғайрат, ўн саккизинчиси – сабр, ўн тўққизинчиси – истиқомат, йигирманчиси – насиҳат, йигирма биринчиси – нафс, йигирма иккинчиси – олийҳимматлилик, йигирма учинчиси – сирни яшириш, йигирма тўртинчиси – раҳмдиллик, йигирма бешинчиси – шариат риояси, йигирма олтинчиси – амри маъруфни бажариш, йигирма еттинчиси – ота-она ҳурматини бажо келтириш... йигирма тўққизинчиси – устоз хизматида бўлиш, ўттизинчиси ҳамсоя ҳаққини адо этиш, ўттиз биринчиси – фақат савоб келтирадиган сўзни тилга олиш, ўттиз иккинчиси – кўп билиб оз гапириш, ўттиз учинчиси – ҳамма жойда ҳалолни талаб этиш, ўттиз тўртинчиси – салом одобини сақлаш, ўттиз бешинчиси – яхшилар ва поклар билан суҳбатлашиш, ўттиз олтинчиси – оқиллар билан суҳбатлашиш, ўттиз еттинчиси – шукр қилиш, ўттиз саккизинчиси – мазлумларга ёрдам қўлини чўзиш, ўттиз тўққизинчиси – етим-есирлар ва ёлғиз кишилар аҳволини сўраб туриш, қирқинчиси – фикрат ва ибрат кўрсатиш, қирқ биринчиси – ихлос билан амал қилиш, қирқ иккинчиси – омонатга хиёнат қилмаслик, қирқ учинчиси – шайтоний нафсга қарши туриш, қирқ тўртинчиси – инсоф чизиғидан чиқмаслик, қирқ бешинчиси – розирезолик ҳиссини йўқотмаслик, қирқ олтинчиси – касалларни кўришга бориш, қирқ еттинчиси – ножинс ва нокаслардан узоқ туриш, қирқ саккизинчиси – доимий зикр билан банд бўлиш, яъни, Худонинг исмларини тилдан қўймаслик...

Жавонмард киши қабих сўз сўзлаши, пир ва устозга қарши пиририши, яхшиларнинг орқасидан гийбат қилиши, бировни мазах-мисхаралаш, ғаламислик ва шайтонлик қилиши, ёлғон-алдовга берилиши, бойлик тўплашга ружу этиши, хирс домига тушиши, одамлардан айб қидириши, судхўрлик қилиши, бўҳтон-туҳмат қилиши, зинога йўл қўйиши ва шулар каби ношаърий ишларни қилиши мумкин эмас.

Кошифий «Кимки мазкур етмиш битта шартдан беҳабар бўлса, футувватдан бебаҳрадир», деб махсус таъкидлайди. Муаллиф футувватни сермева дарахтга ўхшатади. Бу дарахтнинг илдизи – пок муҳаббат, танаси – тавозе, шохлари – сабру тоқат, япроқлари – парҳез, пўстлоғи – одоб ва ҳаёт, гуллари – хушфёъллик ва марҳамат, меваси – қарам ва саховатдир.

Жавонмард – халқ озоридан кўлини тортадиган, туҳмат тарқатадиган жойларга бормаидиган, ношоиста мажлисларни тарқатадиган, кўриши лозим бўлмаган нарсалардан кўз юмадиган кишидир. У зоҳиран ва ботинан пок бўлиши керак. «Зино – футувват аҳдини бузиш, ҳаромхўрлик эса – футувват риштасини узишдир». Жавонмардлик мурувват тушунчаси билан маънодош, чунки унда авф ва марҳамат, халққа шафқат кўрғазил, кечиримлилиқ ва иложи борица одамларга яхшилиқ қилишни кундалиқ одатга айлантирмоқ олий фазилат ҳисобланган:

Меҳрибон бўл, эй азизим, меҳрибон,

Меҳрибонлик мардликдандир нишон.

Футувват аҳлининг одоби ўзига хос. Яъни, ҳар бир касб эгасининг махсус одоби бор. Чунончи, бозорларда томоша кўрсатувчилар одоби, ғазалхонлар одоби, пахсакашлар одоби ва ҳоказо. Бундан ташқари, футувватда ҳамма амал қилиши лозим бўлган умумий ахлокий қоидалар ҳам ишлаб чиқилган. Масалан, жавонмард сафарга чиқса, нопок одамлар билан юрмаслиги, ножўя ишлар бўладиган жойларга бормаслиги керак. Яна, касал кўришга бориш одоби, салом бериш одоби ҳам мавжуд. Чунончи, касб-хунарга эга бўлиш одоби хусусида Кошифий бундай ёзади: «Билки, дарвиш ҳалол ва покиза касб билан шуғулланиши керак, чунки тариқатнинг зарурий шартларидандир. Зеро, умр ўтказишга зарур восита (маош) ҳосил бўлмагунча, киши осойишта бўлмайди... Ва агар киши ўз касби билан зарурий нарсаларни муҳайё этмаса, одамларни ранжитади, азобга қўяди».

Хуллас, футувват – мардлик тариқати. У ўзаро ёрдам, мурувват ва меҳрибонлик кўрсатиш, фидойилик ва фидокорлик илмидир. Жавонмард одамнинг сўзи ҳам, иши ҳам, нияти ва фикри ҳам пок бўлган. Улар халқимиз орасида исломий ахлоқни шакллантиришда катта хизмат килдилар. Жавонмардлар ахлоқи бизнинг миллий ахлоқимизга айланиши керак. Чунки футувватга хос кўпдан кўп ақида, расм-русмлар то ҳануз яшаб келмоқда. Кишиларимизнинг меҳмондўстлиги, одамохунлиги, мардлиги ўша ажодлар удумининг мантиқий давомидир. Яхшилик қилиб бировнинг ҳожатини чиқаришдан яйраб-яшнаб кетадиган, борини бошқалар билан баҳам кўрадиган одамлар ҳозир йўқ дейсизми? Улар бор, улар кўп. Шунинг учун ҳам ҳётимиз файзли барокатлидир. Албатта, ўзим бўлай деб, ҳаром йўллар билан бойлик ортираётганлар ҳам бир талай. Лекин аминмизки, халқимиздаги олийжаноблик фазилатлари ўзимбўлайчилик майлидан устундир. Ахир, тасаввур қилинг, агар ҳар бир одам ўзгаларни ўйлаб, бошқаларнинг ғамини еса, унда бутун жамият бир-бирига ёрдам берадиган, бир-бирини қўллаб қувватлайдиган саховатли, мард ва пок одамлардан иборат бўлади. Шунда ҳаёт янада гўзаллашади. Сиз бировга яхшилик қилсангиз, у бошқа бировга яхшилик қилади. Шу тариқа халқ ичра хайру барака ва эзгу амаллар тантана қилиб бораверади. Аждодларимиз улуғ сифатлар билан дунёга ном таратган эдилар. Шоядки, биз ҳам уларга муносиб бўлсак.

«ҚИБЛА» ТАРИХИДАН

Исломдан олдин ҳам қибла ва қибла тушунчаси мавжуд эди. Яъни муайян динларга мансуб миллатларнинг юз қаратадиган ўз ибодат объектлари бўлган.

Мусо калимуллоҳ яҳудийларга ибодат вақтида юзларингни у ёққа қаратинглар, бу ёққа қаратинглар деб буюрмаган. Қавм юзингни қаёққа қаратсанг, ўша ёқ Худонинг юзи қабишида иш кўрган. Довуд пайғамбаргина уларни Байтулмуқаддасга қараб ибодат қилишни буюрган. Ўшандан бери Байтулмуқаддас яҳудийларнинг қибласи бўлиб қолган.

Насронийларнинг қибласи эса кун чиқиш томон экваторидир. Чунки булар жаннат томонга юз қаратишга буюрилганлар. Куёшнинг жаннатдан чиқиши бунга асос қилиб олинган.

Сомирийлар қибласи эса Барик тоғидир.

Мажусийлар кибласи куёшдир. Улар куёш чиқишида, ботишида ва кун ярмида (Куёш тик келганда) куёшга қараб намоз ўқиганлар.

Ҳарронийлар жанубий кутбга, Собийлар шимолий кутбга қараб ибодат қилганлар. Баъзи бир диний мазҳаб ёки оқимлар намоз ўқувчининг бирор томонга ёки бирор объектга (қиблага) қараб ибодат қилиши шарт эмас ҳам деганлар.

Муҳаммад Расулуллоҳ Мадинага келганларидан кейин ҳам 18 ой Байтулмақаддасга қараб намоз ўқиганлар. Ниҳоят, «Қаердан (сафарга) чиксанг, юзингни (намозда) Масжидилҳарам томонга қарат» (Бақара сураси, 149, 150-оятлар) оятлари нозил бўлди ва Пайгамбаримиз мусулмонларга қаерда бўлишларидан қатъи назар, Каъба ва «Иброҳим макоми»ни қибла қилишни буюрдилар.*

Қибла воқеаси Алихонтўра Соғунийда куйидагича баён этилган:

Расулуллоҳ с.а.в. Мадинага келганларидан сўнгра Қуддуси Шарифга қараб 6 ой (Берунийда 18 ой) намоз ўқидилар. Лекин кўнгилларида Каъбага қараб намоз ўқишни жуда орзу қилар эдилар. Чунки Каъба Иброҳим Халилуллоҳнинг қибласи эди. Ўтган пайгамбарлар Одам а.с.дан Хотам а.с.гача ҳаммалари Қуддуси шарифга қараб ибодат қилар эдилар. Ёлғиз Иброҳим Халилуллоҳга Аллоҳ изни билан Каъба қибла бўлди. Қурайш саидлари: «Муҳаммад ўзи Иброҳим Халилуллоҳ йўлидаман дейди-ю, нега Каъбага қараб намоз ўқимайди, яҳудлар қибласи Байтулмақаддасга қарайди» деб таъна қилишар эдилар. Бунинг устига яҳудлар: «Муҳаммад бизнинг динимизга қарши бўлса ҳам, ўзи қибламызга тобедир» дер эдилар. Расулуллоҳ Маккада турган чоғларида Қуддуси шарифга қараб намоз ўқиган бўлсалар ҳам намозда Каъбага орқа ўгирмаган эдилар. Аммо Мадинага келганларида, намоз ўқисалар, Каъба биров орқада қолишга тўғри келди. Расулуллоҳга бу иш кўп оғир келган эди. Жаброил а.с.га: «Аллоҳ таоло менинг юзимни яҳудлар қибласидан Каъбага ўгирармикин» деб кўнгулларидаги орзуларини билдирдилар. Шунда Жаброил а.с. бу мақсадни Аллоҳдан талаб қилишни маслаҳат бердилар. Расулуллоҳ «Менинг бу тилагим қачон қабул бўлгай» деб кўп термулганликдан, дуо қилганларида юзларини кўк сари кўтарур эдилар.

Бир куни Уммубашар деган саҳобия Хотуннинг уйига уни кўргани келдилар. Шу ерда пешин намозининг вақти кирган эди.

* Абу Райхон Беруний. 1- том. –Тошкент: Фан, 1968. Б.391–392.

Шу жойдаги маҳалла масжидига чиқиб саҳобалар билан пешин намози (Берунийда аср намози)ни ўқишга турдилар. Икки ракат ўқиганларида, Жаброил а.с.: «Фавалли важаҳақа шатрал Масжидил Ҳарам» оятини ваҳий келтирди. Яъни «Юзингни Каъбага айлан-тир» деган амр бўлди. Пайғамбаримиз с.а.в. намоз ичида турган ҳолда юзларини Каъбага ўгирдилар. Мана ўша кундан бошлаб, бу-тун Мусулмонларнинг қибласи Каъбага қарор топди.*

ҚУРБОНЛИК ТАРИХИДАН

Қурбонликнинг пайдо бўлиши, тарихи махсус ўрганилиши керак. Инсон ибтидода, хусусан, овчилик, чорвачиликни билмаган даврда одамхўрлик ҳам қилган (қаннибализм). Фетишизм даврида эса даҳшатли табиий офатлар (зилзила, вабо, тошқин, олов каби)ни бошқарувчи кучлар – маъбудаларни тинчлантириш мақсадида, уларга атаб ҳатто одам қурбонлик қилишган: болалар, куллар, дарёга, оловга ташланган. Жамиятнинг кейинги тараққиётида қурбонлик объекти – воситаси ҳайвон (қўй, туя каби) билан алмаштирилганки, бу давр инсон онги, тафаккури ва маданиятининг буюк ғалабаси давридир.

Қурбонлик объектининг инсондан ҳайвонга кўчирилиши кўпгина илмий-адабий асарларда ҳам ўз аксини қолдирган. Масалан, бунинг мумтоз намунасини Носуриддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарида ўқиймиз.

Иброҳим Ҳалилуллоҳ туш кўрди. Тангри тушида: «Тур, қурбонлик қил» – деди. Иброҳим тонгда туриб юз қўй келтириб қурбонлик қилди. Иброҳим иккинчи кеча яна туш кўрди. Тангри тушида яна: «Тургил, қурбонлик қилгил» – деди. Иброҳим юз туя қурбонлик қилди. Иброҳим учинчи кеча яна туш кўрди. Тушида яна: “Тур, қурбонлик қил!” дейилди. Иброҳим айтди: менинг қурбоним не турур? Нимани қурбонлик қилай? – деди.

– Мендан ҳам яши кўрганингни деган нидо эшитилди. Иброҳим ўғли Исмоилни қурбон қилиш кераклигини англагач, аёли Ҳожарга: тоғда бир азиз дўстим бор, у ўғлингни келтир, бир кўрайин деб сўраяпди, Исмоилнинг бошини, сочини ювгин, у ерга олиб борайин деди: Ҳожар Исмоилнинг бошини ювди, сочини таради, тоза либослар кийдирди. Исмоил яна кўркам бўлди. Ҳожар Исмоилнинг ойдек юзига, кундек кўркига, қаламдек қошига, ўқдек

* Тарихи Муҳаммадий. Б.160–161.

кипригига, акикдек лабига, инжудек тишига, пистадек огзига, кипкизил юзига караб, буйнини кучиб, зор-зор йиғлади.

Иброҳим ип олди, пичокни енгига солди, Исмоил билан тоғ томонга равона бўлди. Шунда Ҳожар: тоғта қўйга борарман дейсан-у, ип билан пичокни не қилурсан? Деги: Иброҳим Тангри Таоло жаннатдан қўй юборишини хабар берди, шунга ип ва пичок керакдир деги. Йўлга чиққач, Иброҳим Исмоилга: Менинг оркамда, мендин кейинроқда юргин деги: ўғил отадан кейинроқ юрди. Шунда иблис одам қиёфасига кириб Исмоилга: отанг сени қаерга олиб бораётганини билурмисан, деги. Исмоил бир дўстининг олдига олиб борур, деги. Иблис: сени қурбон қилмоққа олиб борур деги. Исмоил: қайси ота ўз ўғлини қурбон қилур? деги. Иблис: Тангри амри билан сени қурбон қилмоқчи деги. Исмоил: Тангри амри бирла қурбон қилмоқчи бўлса, ҳозир жоним фидо бўлсин деги. Иблис яна Исмоилга яқинлашиб вас-вас қила бошлади. Сўнгра Исмоил отасига: бир пир келиб, мени йўлдан қайтармоқчи бўлаяпти деги. Иброҳим: ул шайгон турур, тош ташлагил, кетсин деги. Исмоил еттита тош олиб отди. Ул ерда шайтонга тош отмоқ ҳожиларга суннат бўлиб қолди. Иброҳим: эй ўғлим, сени қурбонлик қилмоғимни Тангри амр қилди деги. Исмоил: эй ота, мени сўймасангиз, Тангрига Дўстлик даъвосини қилолмайсиз. Аллоҳ фармони не бўлса, ўшани қилинг. Аллоҳ учун сиз ўғлингиздан кечган бўлсангиз, мен жонимдан кечдим, ишингизга киришинг деги. Иброҳим айтди: эй ўғлим, нечук сабр қилгайсан? Исмоил: Тангри сўраган бўлса, ўзи менга сабр берар, деги. Исмоил яна айтди: Эй ота, уйда нега менга хабар қилмадингиз? Онамнинг оёғига бош қўйиб, узр сўраб, севикли дийдорини кўриб қолгай эрдим. Энди уч васиятим бор: бири ул ким, менинг қўл-оёғимни боғлангиз, жон аччиғидан талпинганимда тўнингиз ва юзингизга қон тегмасин. Иккинчи, юз-кўзимни боғлангиз, юзимни кўриб, оталик меҳрингиз тутиб, пичок ушлашга таъсир қилмасин. Учинчи, қўйлагим билан сочимни онамга эсдалик қилиб олиб бординг. Сўнгра Иброҳим Исмоилнинг қўл-оёғини боғлади, бўғзига пичок тортди, бироқ пичок кесмади. Пичокни ғазаб билан тошга урди, тош пора бўлди, яна урди пичокдан садо чиқди: Эй Иброҳим, сенинг амрингни бажарайми, Тангрининг амриними? Етти марта жаҳл билан Исмоил бўғзига пичок тортди. Яна пичокдан: эй Ҳалил, сен кескил дейсан, Тангри кесма дейди деган овоз чиқди.

Яна бир ривоятда Иброҳим ўғлининг бўғзига пичоқ торганди, Исмоил кулди. Иброҳим айтди: Нечук куларсан? Исмоил Эй ота, пичоқ узра «Бисмиллаҳир раҳманир раҳим» битилган-ку? У қандай қилиб менинг бўғзимни кессин?

Шу аснода Тангри амри билан Жаброил беҳиштдан бир қўчқор олиб келди. Яна ҳаводан ун (товуш) эшитилди. Эй Иброҳим, бу қўчқорни олғил, қурбон қилғил, ўғлинг саломат қолсин. Дўстлигингни исбот қилдинг. Тушинг ижро этилди. Шунда жаброилдан садо эшитилди: Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар! Иброҳим юқори боқди, кўрдик, Жаброил бир қўчқор олиб келди. Хурсандлигидан Иброҳим: Ла илаҳа иллалаҳу Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар!, деди. Исмоил ҳам боқди, қўчқорни кўрди ва деди: Аллоҳу акбару, ва лиллаҳил ҳамду. Шу сабаб қурбонлик сўярдa қуйидаги такбир айтиладиган бўлиб қолди: Бисмиллоҳ, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Ла илоҳа иллоллаҳ, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамду.*

Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний ҳам Жаноби Пайғамбаримиз: «Мен Қурбонлик қилмоқчи бўлган икки кишининг, яъни Абдуллоҳ ибн Абдулмуталлиб билан Исмоилнинг авлодидан», деганларини баён этганлар. Қуръонда Исҳок эмас Исмоилнинг сўйилмоқчи бўлгани аниқ айтилган.†

Жаноби Пайғамбаримиз ҳам бош боболари бўлмиш Иброҳим (21-ажод) ўғли Исмоилни ва оталари Абдуллоҳни назарда тутиб: «Мен икки бўғизланмишнинг ўғлиман» («Ана ибни забиҳайн») деганлар. Юқорида Исмоил воқеаси баён қилинди. Энди Абдуллоҳ ҳақида: Пайғамбаримизнинг боболари Абдулмуталлиб даврида Зам-зам қудуғи қуриди (сув жуда камайиб қолади). Абдулмуталлиб Аллоҳ шу қудуққа сув берса, ўғилларимдан бирини қурбон қиламан деб ваъда беради. Яна бир ривоятда Аллоҳ менга ўн та ўғил берса, ўнинчисини Аллоҳ йўлига қурбонлик қиламан деб ваъда берган. Ўнинчи бўлиб Абдуллоҳ туғилади. У сеvimли, кенжа ўғил бўлганлигидан, уни сўйишга қўзи қиймайди. Абдуллоҳнинг бадалига ўн туя сўймоқчи бўлиб, қоҳин ва фолбинларга (фол, ром) ташлаттиради. Қурбон бўлиш Абдуллоҳнинг номига чиқади. Қоҳинлар

* Носируддин Бурхониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. —Тошкент: Ёзувчи, 1990. Б.76–80.

† Вассофот сураси, 107- оят. Яна қараңг: Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, 1-том. Тошкент: Фан, 1968. Б.319.

мислахати билан қуръа ташлаш давом эттирилади, ҳар гал ўн туя қўшиб берилаверади. Ўнинчи марта, яъни туя сони юзга етганда, қуръа туялар сўйилиши кераклигини кўрсатади. Юз туя қурбон қилиниб, Абдуллоҳ сўйилмай қолади. Арабларда бир одам хуни – киммиги юз туя бўлиши шундан қолган. («Қисаси Рабғузий», 76–77-б.)

Ушбу ривоятни тўлдирувчи ва тасдиқловчи қуйидаги маълумотни ҳам келтирамиз:

Қурбонлик маросими исломга қадим замонлардан – кўп халқлар ва қабилалар, жумладан, сомиийлар, қадимги араблар, яҳудийлар орасида амалда бўлган одатлардан ўтган. Дастлабки даврларда кўпгина халқларда қулларни, ўз фарзандларини қурбонлик қилиш одати бўлган. Исломдан аввалги арабларда ҳам шундай одат бўлганлигидан далолат берувчи фактлар бор. Масалан, Қуръоннинг 108-Қавсар суръасида Худо Замзам булоғини ато этгани учун унинг йўлида қурбонлик қилиш ҳақида сўз боради. Муҳаммаднинг таржимаи холи ҳисобланган Сурада ҳам Замзам суви қамайиб турганда Муҳаммаднинг бобоси Абд ал-Муталиб сувни кўпайтиришни Худодан талаб ўз ўғилларидан бирини қурбонликка атагани ҳақида ривоят сақланиб қолган. Даврлар ўтиши билан инсонни қурбонлик қилиш одати аста-секин йўқолиб борган, унинг ўрнига ҳайвонни қурбонлик қилиш одати эгаллаган. Қурбонлик маросими баъзи диний манбаларда, хусусан, Библия ва Қуръонда ўз ифодасини топган. Библия ривояти бўйича, Иброҳим (Авраам) ўзининг чин эътиқодини исботлаш учун ўз ўғли Исҳоқ (Исаак)ни қурбон қилишга қарор қилганда, Худо уни тўхтатиб боланинг ўрнига қўчқорни сўйишни буюрган (Библия, Борлик китоби, 22 боб, 1–13 бандлар). Бу ривоят Қуръонга ҳам кирган. Фақат Иброҳимнинг ўғли Исҳоқ ўрнига иккинчи ўғли Исмоил алмаштириб қўйилган (37-сура, 99–107 оятлар). Кейинчалик ислом динида қурбонлик ҳаж маросимининг энг қатъий мажбурий элементларидан бирига айланган. Ҳажга борганлар учун ҳам қурбон ҳайити куни қурбонлик қилиш анъанага айланган. Мусулмон мамлакатларида қурбонлик кенг тарқалган* вожиб амаллардандир.

* Ислом справочник. М.А.Усмонов таҳрири остида, 3- нашри. Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси. –Тошкент, 1989. Б.293.

«ХАЖАР УЛ-АСВАД ТАРИХИ» ДАН

Ҳадислар мазмунига қараганда, Байтуллоҳ ер устида бино бўлган чоғида Аллоҳ Таъолонинг амри билан «Ҳажар ул-асъад» жаннатдан келтирилган. Байтуллоҳни зиёрат қилиш кун чиқиш томонидан бошланганлиги учун у шу томонда қўйилган. Бошқача айтганда, тавоф «Шажар ул-асъад»дан бошланган. Жаннатдан янги чиққан чоғида ўз нури билан бутун Ҳарам худудини яъни, Макка шаҳри атрофини ёритиб турган. Фатарот замонларида, яъни икки пайғамбар ораси узоқлашиб, дин йўлидан халқлар адашган даврларда ҳам Байтуллоҳни тавоф қилиш одатлари ташланмаган эди. Лекин уларга Байтуллоҳнинг ҳурмат одобларини ўргатишга дин олимлари қолмаганликдан араблар ўз билганларича тавоф қилур эдилар, ғусул, таҳорат, сатри-аврот каби диний ишларни халқ унутган эди. Араб мушриклари, таҳоратсиз эр-хотинлар тавоф қилганларида одатлари бўйича, «Ҳажар ул-асъад»га юз, кўз, қўлларини суртишар эди. Мана шу беодоблик касофатига қолиб кетиб, бу муборак тошдан илгариги ёруғлик нури кўтарилиган.

Аввалда шам чироғдек оқ нурли бўлиши билан «Ҳажар ул-асъад», яъни «Муборак тош» деб аталган бўлса ҳам, у инсонлар касофатидан нурлари сўниб, «Ҳажар ул-асвад» яъни «Қора тош» номини олди. Энди бу «Муборак тош» шу сифат билан зоҳирий ҳуснидан ажралган бўлса ҳам маънавий файзи илоҳийси абадий ўзида боқийдир. Пайғамбаримиз айтганлар: «Қиёмат кунинда Аллоҳ таоло Ҳажар ул асвадни кўрар кўзлик, сўзлар тиллик қилиб, бурунги ҳусни жамолига қайтаргай, ихлос билан уни зиёрат қилгувчиларнинг иймонига Худо олдида гувоҳлик бергай». Алмисоқ кунинда ҳамма арвоҳлардан олинган аҳднома «Ҳажар ул-асвад»да сақлангандир деган ривоят бор. Онамиз Ойша (р.а.) ҳам ривоят қилганлар: Пайғамбаримиз: «Эй мўминлар Ҳажар ул-асвадни кўп зиёрат қилинглар, уни ғанимат билинглар, бир кун бўлурки, одамлар Байтуллоҳни кечалаб тавоф қилурлар, эрталаб турганларида Ҳажарул асвадни топа олмаслар. Чунки жаннатдан чиққан барча нарсаларни Аллоҳ Таоло қиёмат олдида яна жаннатга қайтарур».*

Ҳажар ал-асвадни Ҳазрати Иброҳим Ҳалилуллоҳ қўйган жойларига ўрнатиш керак бўлган. Ҳажар ул асвадни ўз жойига ўрнатиш учун кўтаришни талашиб, Қурайш халқи ўртада жанжал чиқарганлар. Ҳар уруғ ўзларини бу ишда бошқалардан ҳақлироқ

* Алихонтура Соғуний. Кўрсатилган асар. Б.32–34.

кўришар эдилар. Улар бу тўғрида келиша олмасдан қилич, найзаларига югуришиб, урушмоқчи бўлганлар. Оқил одамлар, арачарлар бу ишга аралашиб, Байтуллоҳ олдида ноҳақ қон тўкишдан сақлалайлик, Бани Шайба дарвозасидан ким илгари кирса, шунинг ҳукмига ҳаммамиз рози бўлайлик деган қарорга келадилар.

Шу кун пайғамбаримиз келмаган бўлиб, бу воқеадан хабарлари йўқ эди. Шу орада у киши дарвозадан кириб келдилар. Буни кўрган Қурайш халқи ҳаммалари бир оғиздан: ажаб, яхши иш бўлди, чин сўзли, ишончли кишимиз Муҳаммад Амин келди, бунинг ҳукмига барчамиз розимиз дейишдилар. Пайғамбаримиз бу воқеанинг тагига етганларидан кейин елкаларидаги ридоларини ерга ёзиб, Ҳажарул асвадни ридога солдилар, ўн бир уруғ Қурайшдан бир кишидан келсин, Бани Ҳошим уруғидан мана мен бўлдим, Ҳажарул асвадни ҳаммамиз баробар кўтариб ўрнига қўяйлик, деб ўн бирлари баробар кўтардилар. Ўз жойига етказганларида Пайғамбаримиз қўллари билан ўрнаштириб қўйдилар. Пайғамбаримизнинг бу тадбирлари халқни жанжал ва беҳуда қон тўкишдан сақлаб қолган.

“Хўжа” Сўзи Тарихидан

Қадимги ёзма манбаларнинг етарли эмаслиги “хўжа” сўзининг қачон, қайси йилларда пайдо бўлганлигини, ёки генетик маъносини аниқ айтишга имкон бермаса-да, у тадқиқотчини узоқ тарихга, уруғчилик тузумининг бузилиш даврига етаклайди. Қадимги манбалардан маълумки, ибтидоий жамоа тузумида оила, даставвал, тенглик ва биродарлик асосига қурилган патриархал уй жамоаси шаклида бўлган. Давр ўтиши билан уй жамоаси бора-бора бошқача характер касб этган: уй, овул, жамоа бошлиқлари, бек, бий, оқсоқоллар ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилиб, жамоанинг моддий ва маънавий бойликларидан ўз манфаатлари учун фойдалана бошлаганлар. Жамоа аъзолари жамоа бошлиқларининг бу ҳаракатларини кузатганлар, шубҳа остига олганлар ва бора-бора жамоа бошлиқларига нисбатан ўзларининг ҳуқуқсизлигига ишонч ҳосил қилганлар. Бу ҳол уй жамоаси ичида синфий табақаланиш юз беришига, яъни ибтидоий уй жамоаси тузумининг бузилишига сабаб бўлган. Натижада уй жамоасини олдин тенглик асосида бошқарган патриархаллар – оталар, оқсоқоллар кейинчалик мутлақ ҳуқуқли мансабдор шахслар сифатида ажралиб чиққанлар – бой, хўжа, зодагон, арис-

тократ, бек, бий, хон; пастки табақа эса кадовар, деҳқон, фуқаро, хизматкор, камбағал, кул каби номлар билан атала бошланганлар.

Англашиладики, *хўжа* сўзи ва тушунчаси уруғчилик тузумининг бузилиши, қулдорлик жамиятининг – зид синф (социал табақа)ларнинг пайдо бўлиши даврининг маҳсули бўлиб, дастлаб каттами, кичикми бирор ҳуқуққа, мансабга, социал мавққа эга бўлган шахс; кейинчалик бой, мулкдор, қулдор синф вакили маъноларида қўлланилган. Шундай экан, *хўжа* сўзи ёки дастлабки *хўжа*чилик аъъанаси арабларнинг келиши билан боғлиқ эмас. *Хўжа* сўзи форсча бўлиб, араблар келганига қадар ҳам шарқ халқлари ва қадимги туркий халқлар тилларида мулк эгаси, қулдор, оқсоқол, бошлиқ, бек, катта маъноларида қўлланилган¹. Европа савдогарлари ва олимларига нисбатан жаноб, господин, ҳазрат, *хўжайин*, бек каби уларни эъзозловчи мурожаат воситаси сифатида хизмат қилган². Яна бир бор таъкидлаш керакки, *хўжа* атамаси араблар келгунларигача маҳаллий халқлар тилларида мавжуд бўлиб, йўлбошчи, соҳиб, эга, бошлиқ, оила бошлиғи, домачин, қари, кекса, оқсоқол, савдогар, қулдор, *хўжайин*, иш мутасаддиси, идора ишларини юргизувчи, бек, бий, хонларнинг ички хизматчиси, ҳарам ходими лавозимларидаги шахс маъноларида қўлланилган.

Араблар ерли халқларни босиб олганларида, уларнинг тилида Пайғамбаримизнинг насл-насабларини англаувчи *саййид* (سَيِّد – бошлиқ, етакчи, жаноб маъноларида) сўзи мавжуд эди. Бироқ улар маҳаллий халқ вакилларига нисбатан “саййид” атамасини айнан қўллай олмас эдилар, бунга ислом ақидаси имкон (руҳсат) ҳам бермас эди. Натижада, туб аҳоли тилидаги атама, сўз ва иборалардан ўз синфий манфаатлари йўлида кенг фойдаланганлар. Аниқроқ айтганда, *хўжа*, *эшон*, *тир*, *тўра*, *хон*, *бек* каби маҳаллий тил атамаларига (мулкдор, қулдор, умуман, юқори синф вакилларини англаганлиги учун) диний «тамға» босилиб, уларга исломий руҳ сингдирилган. Шу йўл билан *хўжачилик* аъъанасини ва мафкурасини ҳимоя қилганлар. Кўпинча биз сайидлармиз дейиш ўрнига, маҳаллий халқларга тушунарли бўлсин учун, *хўжалармиз*, олий ирқ насл-насаби, зодагон, оқсуякмиз, яъни Мухаммад Пайғамбар, чаҳорёрлар, хусусан, Ҳазрат Али, Биби Фотима авлодларимиз дейишдан тап тортмаганлар. Кейинчалик мана шу ғоя асо-

¹ Древнетюркский словарь, Ленинград: 1969. С.638.

² Баранов Х.К Арабско-русский словарь. - М.: 1957. Б.303.

сида *хўжа* (Алининг Фотимадан бошқа хотинларидан тарқалганлар), *эшон* (Али ва Фотимадан тарқалганлар), *тўра* (Ўрта Осиёда Сайид тўра деб ҳам аталган), *миён* (Умар ўғли Баҳромдан тарқалганлар) каби сўзлар оқсуяк ва зодагон, олий насабли шахс тушунчасини англатувчи атамалар сифатида тилимиз бойлигига айланиб кетган. «Ўзбекистон тарихи» (Я.Ф.Гуломов ва б., 1 томлик, Т.: Фан, 1958) дарслигида қуйидагиларни ўқиймиз: «Маҳаллий хонадонларга кириб қолган араблар ўзларини баланд тутар ва «сахоба» авлодимиз деб атар эдилар. Шунинг учун улар кейинчалик «Хўжа» номи билан танилиб кетдилар. Бу «хўжалар» ерли халқни масхара қилиб, уларга зўрлик қилиш, ўзларини юқори ҳуқуқ эгаси, мулк хўжаси деб даъво қилишдан тоймас эдилар (91-б).

Ерли халқ – фуқаролар бу «хўжа»ларга йўл бўшатиб беришга, хизмат қилишга ва уларга сўз қайтармасликка мажбур этилган. «Хўжа»лардан безор бўлган халқ: «уриб бўлмас хўжани, сўкиб бўлмас хўжани, Худо урсин хўжани; Хўжанинг қорни бешдир бири ҳамипша бўшдир; Хўжам деб хуржинимдан, Эшоним деб эшагимдан, Тўрам деб тўрвамдан айрилдим деб зорланишга мажбур бўлганлар» (104-б.).

VIII асрдан кейин мусулмонлашган халқлар тилида хўжалар (сайид ҳам), юқорида айтганимиздек, олий зот, оқсуяк, зодагон (сайид, хўжа, эшон, миён, тўра, бек, бий, хон каби) сифатида тушунилишдан ташқари, улар номининг таркибий қисмига қўшилиб, диний мартаба кўрсатувчи ҳуқуқий атамасига ҳам айланиб қолган: Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валий, Хожа Абдухолиқ Гиждувоний, Хожал Ҳаким Термизий, Султон Сайид Амир Ҳусайн каби.

Даҳрийлар (шўролар даври) жамиятида халқни бой-камбағал, хўжа-фуқаро, эшон-мурид, оқсуяк, зодагон-қора каби синфий, ирқий, этник табақаларга ажратиш анъанаси барҳам топган бўлсада, “хўжа” сўзи тилдан чиқиб кетмади, олдинги моҳиятини бутунлай йўқотиб, унга зид бўлган янги маъно ва шакллар касб этди: Халқ ёки давлат мулкига коллектив эгалик қилиш ундан умумий фойдаланиш маъносини англатувчи *хўжалик*, *халқ хўжалиги*, *хўжалик раҳбари*; уй эгаси, бекаси, эр, хотин маъноларини англатувчи *хўжайин*, *хозяин*, *хозяйка* каби тил воситалари майдонга келди ва луғатлардан ўрин олди. *Хўжа* сўзи ҳаттоки, *хозяйство*, *народное хозяйство*, *хозяин*, *хозяйка* шаклларида рус тилига ҳам ўзлашиб кетди.

Бундан ташқари, *хўжа* сўзи бугунги тилимизда қуйидаги ҳолатларда сақланиб қолган: 1) салбий муносабат англатадиган *Хўжа кўрсинга*; *Хўжам деб хўржинимдан айрилдим*; *Хўжа Али - Али Хўжа*, *Хўжа тушдан кейин айнийди* каби фразема, мақол, маталлар таркибида; 2) *Хўжаназар*, *Хўжамурод*, *Хўжаёр*, *Хўжамқул* каби муайян мақсад билан қўйилган киши номлари таркибида; 3) *Хўжаобгарм*, *Хўжаанқо*, *Хўжаипок*, *Хўжакент*, *Хўжамулки*, *Хўжадиҳак* каби жой номлари таркибида. Бу каби кўпсонли ономастик атамалар аслида диний эътиқод - хўжаларга сиғиниш асосида, баҳаво ва хушманзара жойларни, шифобахш сув манбаларини хўжалар номи билан муқаддаслаштириш (аслида бундай маконлар хўжалар тасарруфида бўлган ёки яшаган, қадамжо қилган) натижасида майдонга келган.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда ҳам дин ва виждон эркинлигидан фойдаланиб, хўжачилик анъанасини давом эттиришга, ўзларини фуқаролардан юқори тутишга, хўжа ўғлига хўжа қизи топишга, номларига хўжа сўзини қўшиб айтишга, шахсий хужжатларида акс эттиришга ҳаракат қилаётган хўжадошлик, пирдошлик ғоясига амал қилаётган гуруҳ ва қатламлар ҳам мавжуд. Бирок шу ўринда инсонни ирқий ва этник табақалаш исломий таълимотга зид эканлигини унитмаслик керак. Хуллас, *хўжа* сўзи грамматик-семантик жиҳатдан мукамал эволюцион жараёни кечирган, кўпгина миллат тилларидан, луғатларидан ўрин олиб улгурган.

Х.К.Баранов *хўжа* сўзи араб тилида: 1) *خوجة* (хўжатун, бирлик), *خوجات* (хўжотун, кўплик); 2) *خواجة* (хавожатун, бирлик), *خواجهات* (хавожотун, кўплик) ёки, умуман, *خواجا*, *خواجه* шаклларга эгаллигини, биринчи ҳолат кўпроқ ўқитувчи, устоз ва мураббийларга; иккинчи ҳолат кўпроқ Европа савдогарлари ва олимларига мурожаат қилиш учун қўлланишини ҳам уқтирганки*, бу *хўжа* сўзининг, айти замонда, араб тили грамматикаси қонунларига бўйсунганлиги (бош келишида, бирлик ва кўпликда шаклланганлиги, қўлланишдаги фарқлари)ни англатувчи характерли ҳолатдир.

Хўжа сўзининг маъно тизими, қўлланилиши, услубий хусусиятлари диахроник ва синхроник режаларда ҳали ўрганилиши керак.

* Х.К.Баранов, Кўрсатилган луғат. Б.303.

ИСМИ ОЛИЙ

Аллоҳнинг тўқсон тўққиз исми («ал-Асма ал-Хусна» ёки «Исми Аъзам») ва минг бир сифати битта тушунчани, яъни оламлар кашшофини-яратувчисини аташ, унинг моҳиятини англаш, зуҳриётини намоён қилиш учун хизмат қилади. Бироқ мана шу ягона тушунча билан боғлиқ пайдо бўлган юзлаб атамаларнинг сабабиятлари, диний, дунёвий асослари ҳали тадқиқ қилинмаган. Шу муносабат билан қуйида, аввало, Аллоҳ лексемасининг луғавий-истилоҳий, маънавий-маърифий, тарихий-тадрижий, этимологик, таъриффузи ва имловий хусусиятларига доир қисқа тўхталамиз.

Инсон онги, тафаккури Аллоҳни англаш жиҳатидан, асосан, тўрт босқични кечирган (диний-тасаввуфий қараш бундан мустасно): *худосизлик (атеизм), кўпхудолик (политеизм), иккихудолик (диготейзм), бирхудолик (монотеизм).*

Биринчи босқич – одамнинг «махлук»лик, онгсизлик, фикрий ожизлик даври; иккинчи босқич – онг ва тафаккур шакллана бошлаган, худолар ҳақидаги тасаввур, фикр пайдо бўлган, табиат илоҳийлаштирилган (фетишизм) давр; учинчи босқич – ҳар бир қабила ўз худосига эга бўлган («ўз худосини кашф этган»), ва айни замонда янада кучлироқ худолар (илоҳлар)га ишонилган (мушрикчилик), яъни кўпхудолик билан бирхудолик ўртасидаги ўткинчи давр; тўртинчи босқич-бутун оламни яратган азалий ва абадий мавжуд-барҳаёт бўлган Аллоҳни эътироф этиш даври.

Мана шундай тарихий жараёнлар билан боғлиқ шаклланган Аллоҳ атамаси, эволюцияси ҳақидаги маълумотни айрим ишлардагина учратамиз, холос. Аҳаджон Ҳасановнинг «Макка ва Мадина тарихи» номли китоби ана шундай қимматли манбадир. Унда муаллиф Аллоҳ сўзи ва тушунчаси арабларда қачон пайдо бўлган деган саволга: “Аллоҳ сўзи илоҳий куч, бутун мавжудотни яратган Худонинг номи сифатида шубҳасиз, фақат ислом динида қарор топганлигини, ҳатто Муҳаммад пайғамбар ўз диний фаолиятининг маърифий ҳолда кечган дастлабки 3-4 йилида Аллоҳ сўзи ўрнига *Робб* (Парвардигор, Эга) сўзини ишлатганлигини, кейинроқ бу сўз Қуръон матнида ўз ифодасини топганлигини тўғри уқтирган*. Чунки илк исломда Жоҳилия араблари ёки мушрикчиликлар *Илоҳ, Робб* (айни замонда кўпхудолик истилоҳлари) сўзларига қўниқиб қолганликларидан, Аллоҳ атамаси (тавҳид тушунчаси)ни бир-

* Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи. – Тошкент: Мехнат, 1992. Б.74.

данига қабул қилолмасдилар. Бунинг устига «Қуръон»нинг нозил бўлган илк сураларида, кўпроқ Аллоҳнинг *Робб, Илоҳ, Раҳмон, Раҳим* каби исм ва сифатлари акс эта бошлаган эди: *Бутун мавжудотни яратган Роббингиз номи билан ўқинг! Инсонни лаҳти қондан яратган Роббингиз номи билан ўқинг. Қаламни, хат саводни яратган, билмаганни билдирадиган Роббингиз номи билан ўқинг!* («Иқроъ сураси, 1-, 2-, 3- оятлар мазмуни») каби. Дарҳақиқат, “Аллоҳ” сўзи Муснад (жанубий араб) ёзуви матнларида ҳам учрамайди. Ироқ тарихчиси Жавдод Али ҳам «Аллоҳ» ислом арафасида тавҳид ғоясига эътиқод қилган араблар худосининг номидир дейди.*

Илаҳ (إله، لاإله) ва Аллах (الله) сўзлари ўзакдошлиги, кўп вақт параллел қўлланилганлигидан қатъи назар тарихан икки хил тушунчани, аниқроғи, Илаҳ, асосан, кўпхудолик, Аллоҳ яккахудолик (тавҳид ғояси) билан боғлиқ шаклланган истилоҳлардир. Шунга ҳам айтиш керакки, Аллоҳ сўзи якка Худо атамаси сифатида бирданига пайдо бўлмаган. Чунки у деярли барча жоҳилия шоирларининг асарлари матнида учрайди. Баъзи шарқшунослар Жоҳилия шоирлари учун «Аллоҳ» муайян санам билан боғлиқ бўлмаган умумлашма исмни англатган дейдилар. Дарҳақиқат, шоир фақат ўз қабиласининг санамини тилга олса, мақтаса, бошқа қабилалар учун у мақбул бўлмас эди. А.Ҳасанов ҳам шарқшуносларнинг фикрларига асосланиб, дастлаб, Аллоҳ сўзи маъно жиҳатидан Илаҳ ва Робб сўзларидан фарқ қилмаганлиги, кейинчалик «Аллоҳ» умумлашма маъносини йўқотиб, исломдаги махсус маъносини касб қилганлигини, у (Аллоҳ) аслда Маккадаги санамлардан бирининг исми ёки Макка аҳлининг, яъни Қурайш қабиласининг Худоси бўлганлигини ва кейинчалик ана шу Худо Макка аҳлига қаратилган оятлар билан тасдиқланганлигини ҳам таъкидлаган.[†] Зотан, *Ла Илоҳа иллаллоҳ* (Аллоҳдан бошқа Илоҳ йўқ) тавҳид калимаси ҳам шу фикрга уйғундир. Гап шундаки, ягона Худо, яъни Аллоҳ оятлар орқали тасдиқлангандан кейин ҳам мушриклар бу ном (Аллоҳ)дан ўз худоларининг умумий номи сифатида фойдалана берганлар. Мана шундан қочиш – қутилиш мақсадида Пайғамбаримиз (с.а.в.) Аллоҳ номини қўллашда янада аниқлик киритиш ва соф исломий иборалар ишлатишга ҳаракат қилганлар. Чунончи, Муҳаммад

* Ҳасанов А. Қўрсатилган асар. Б.75

† Ҳасанов А. Қўрсатилган асар. Б.75.

нийгамбар «машҳур тарихий «Худойбия битими» матнини «*Бисмиллоҳир Раҳманир Роҳим*» деб бошлашни буюрганларида Макка мушрикларининг вакили Суҳайл бин Умар қаршилик кўрсатади ва «*Бисмика Аллоҳумма*» деб ёзишни қаттиқ туриб талаб қилади. Чунки бу ибора мушрикларнинг умумлашган худолари номини ҳам ингла тарди. Шу сабаб ушбу хужжат Аллоҳ Пайгамбари Муҳаммаднинг Қурайш вакили Суҳайл ибн Амр билан қилган «Сулҳнома» матнидан мушриklar талаби билан «Расуллоҳ» сўзи олиб ташланиб, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ деб ёздирилган*.

Энди Аллоҳ атамасининг семантик-грамматик тадрижи ҳақида тўхталайлик. Аллоҳ сўзининг бошланғич асоси яҳудча (иврит тили) – элоҳдир. Элоҳ қадимги бутпараст яҳудларнинг санами (маъбуди, худоси) номи бўлиб (кўплиги элоҳим), бу кейинчалик жоҳилия араblари, жумладан, шоирлари тилида *илаҳ* (إله، إله، الإله) ; кўплиги *илаҳа* (الهة), муаннасада *илаҳат* (الهة) бора-бора араб тили қонуниятига кўра *ал* (-ال) аниклик артикли (юкламаси) билан шаклланган: *Ал-Илаҳ* (إله، آل إله), сўнгра *Аллоҳ* (الله) шакллари ни олган. Араб тили ва талаффузи талабларига кўра *ал* (-ال) даги лам (ل) ўқилмайди, *Илаҳ* (إله) даги алиф (ا) қисқариб, лами (ل) иккиланган – ташдидланган†.

Англашиладики, *ал* (-ال) *илаҳ*, сўзига қўшилиб, *Аллоҳ* (الله) сўзини шаклантирган; сўнгра *Аллоҳ* (الله) сўзи ўзининг ягона Худо номи эканлиги тасдиғини Қуръондан олган.

Ўзбек тилида Аллоҳ сўзининг талаффузи (Худо номи сифатида) ва ёзилиши ҳақида мунозара мавжудлиғини назарда тутиб таъкидлаш керакки, миллатидан қатъи назар, ҳар бир мусулмоннинг, хусусан, дуо, ваъз, қироъат, азон каби расмий-диний нутқларда Исми Олийни (Аллоҳ номини) Оллоҳ (ҳаттоки, Аллоҳ) тарзида талаффуз қилиши тўғри бўлмас. Чунки араб тилида ўзбекчадаги «о» (масалан, «ошно»даги «о»лар) товуши йўқ.

Аллоҳ (الله) сўзининг иккинчи бўғинидаги «а» (ا) ўзбекча адабий нормадаги «а»га тенг эмас, у чўзиқ «а» (ä, ä)га ёки «о» га яқин, аммо айнан «о» эмас. Ёки ўзбек тилида одам сўзининг биринчи бўғинидаги «о» – кенг, чўзиқ бўлиб, араб ёзувида ҳам алифи мамдуда (آ) билан ифодаланади. Араб тилида одам (ادم)даги «о» чўзиқ «а» (икки, уч алиф миқдорида) билан талаффуз этилади (адам ёки

* Алихонтура Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. –Тошкент: 2004. Б. 331–332.

† Ҳасанов А. Кўрсатилган асар. Б. 79–80.

аадам каби). Арабча «Валакад каррамна бани адама» жумласидан *каррамна* сўзининг охириги (а), *адама* сўзидаги биринчи (а) товушларни талаффуз қилиб кўринг.

Аллоҳ сўзининг «тажвиди» қуйидагича: биринчи бўғинидан «а» – (алиф) тил олди, қисқа, яъни алифи мақсура; иккинчи бўғинидаги «а» – чўзик, яъни алифи мамдуда, урғули, охириги товуш (ҳойихавваз) аниқ талаффуз қилинади (*Аллоҳ* – *الله* тарзида). Агар *Аллаҳ* (*الله*) сўзи «тажвидсиз» ўқилса, ўзбек тилидаги «Алла» жанрининг ёки Алла Пугачеванинг номи бўлиб эшитилади. Шунингдек, баъзилар *Аллаҳ таъола* (*الله تعالى*) атамасини *Алло толло*, *Олло толло*, *Олло толо*, *Олло тола*, *Оллох толо* каби шаклларда қўллаб ҳам гуноҳ, ҳам кулгига сабаб бўладилар.

Юқоридаги баёнлардан «Илаҳ» политеистик ёки генотеистик; «Аллоҳ» эса монотеистик ғояларнинг ҳосиласи (атамаси) экан деган хулосага келинмайди, албатта. Илоҳ атамаси араб ва бошқа мусулмон миллати тилларида ҳам Аллоҳ маъносига унинг синоними сифатида ишлатилган. Хусусан, бугун ҳам, ўтмишда ҳам -а, -о, -и, -ё каби кучайтирувчи юкламалар билан шаклланиб илтижо, мурожаат вазифасида қўлланган *илоҳа*, *илоҳо*, *илоҳи*, *илоё* каби ундалмалар ўзбек тилидаги эй Аллоҳ, (эй Тангри, эй Худо, эй Парвардигор), ё Аллоҳ (ё Тангри, ё Худо, ё Парвардигор), эй Аллоҳим (эй Тангрим, эй Худойим) каби илтижо ва мурожаат воситалари билан ҳамоҳангдир.

Юқоридаги I шахс бирлигидаги ўзбекча эгалик қўшимчаси (-им) билан шаклланиб, кейинчалик асосан, кучайтирувчи юклама маъноси билан «қотган» Аллоҳим, Тангрим, Худойим каби ундалмалар *Аллоҳумма* ундалмасига яқин. Аллахумма (тарихда Иллоҳумма шаклида ҳам қўлланилган) сўзи арабча *Аллоҳ+ҳум+а* морфемаларидан ташкил топган.¹ Профессор Ш.Раҳматуллаев эса -ҳум аслида I шахс кўплигидаги кишилик олмошининг эгалик қўшимчасига айланган шакли, -а мурожаат юкламаси дейди.² *Аллоҳумма* сўзининг асоси (ўзаги) даги ->ҳ» тушган, «м» иккиланган, сўз таркиби морфологик соддаланишга учраган. Аллоҳумма мурожаати бугунги тилда лексемага – луғавий бирликка айланган ва эй Аллоҳ,

¹ Ҳасанов А. «Аллаҳумма»ни Аллоҳ ва умма унсурларидан ташкил топганлиги, - умма ясовчи эмас, қотиб қолган морфема эканлиги, маъно жиҳатидан Аллахумма сўзи Аллоҳ сўзидан фарқ қилмаслигини уқирган (қўрсатилган асар, 76- б.).

² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. –Тошкент: Университет, 2003, 162-б.

ий Аллоҳимиз, эй Аллоҳим маъноларида қўлланадиган бўлиб қолган. Бунда юкорида айтилганидек, «Аллоҳим»даги -им эгалик кўшимчаси сифатида англашилмайди.

Академик Алийбег Рустамий ҳам «Басмала» маъносининг таҳлили муносабати билан Имоми Аъзам ҳазратларининг: *Аллоҳ сўзининг ўзаги ҳам Аллоҳдир. Аллоҳ таъолонинг зоти ўзгармас бўлганлиги каби унинг зотини англатувчи сўз ҳам ўзгармасдир; Яна буюк араб тилшуноси Сабавайҳнинг: Аллоҳ сўзи «ал Илоҳ»дан ҳосил бўлган, унинг ўзаги Илоҳдир*, деган фикрларини келтирган³.

Хуллас, Аллоҳ сўзи муайян эволюцион жараёни кечирган, маъно жиҳатдан илоҳ сўзи каби кўпхудолик ёки иккихудолик тушунчасини англамайдиган, ҳатто грамматик жиҳатдан бирлик ва кўplik кўрсатмайдиган, «ал+Илоҳ» унурларидан ҳосил бўлганлиги сезилмайдиган (морфологик соддаланиш юз берганлигидан) исломий, яғна, бир ҳудолик тушунчасининг атамаси, яъни Исми Олийдир.

Бирок Илоҳ сўзи, «Аллоҳ» соф исломий тушунча сифатида барқарорлашгандан кейин ҳам, муножот, илтижо, мурожаат ёки қарғиш, олқиш ифодаланган матнларда, оғзаки нутқда ҳам илоҳи, илоҳим, илоё шаклларида «Аллоҳ»нинг маънодоши сифатида фаол қўлланилган. Масалан, Алишер Навоийнинг «Муножот» асаридаги барча илтижолар (66 та) илоҳи *اللهى* сўзи (мурожаати) билан бошланган.

МУТАКАЛЛИМИЯ ВА МУЪТАЗИЛИЯ

“Мутакаллим” арабча сўз бўлиб, чиройли гапирувчи, нотик демакдир. Мутакаллимлар фақат муомалада эмас, Қуръон оятларини ҳам қатъий қоида (тажвид) асосида айнан ёдлаб, бехато талаффуз қилувчилар – кирсатхонлар. Мутакаллим атамаси Қуръон оятларини айнан англовчи – қоидабоз, ақидапараст, схоласт, консерватив Ислом фалсафаси вакилларини англатади. Илк намояндаси Ал-Ашъарий (873-935) дир.

Муътазилийлар (арабча, ажралиб чиққанлар, узоқлашганлар) Қуръон оятлари ва ақидаларини, айна замонда ҳаётга тадбиқ этиш замонавийлаштириш тарафдорларидир. Дастлабки асосчиси Восил Ибн Ато (699-748).

³ Алийбег Рустамий. «Басмала»нинг маъноси. – Тошкент: Чўлпон, 1993. Б.7.

Мутакаллимлар Қуръон оятларини эркин таҳлил ва таржима қилишга мутлоқо қарши бўлсалар, мўътазилийлар Қуръон ғоясини ақл кучи мантиқ воситасида аглаш тарафдорларидир. Мутакаллимлар инсон ўз ирода ва эркига эга эмас. Азалдан белгиланган воқеаларни, яъни тақдирда борини кўради, тақдирни тадбир қилиб бўлмайди (фатализм) десалар, мўътазилийлар илк Исломдаги кадарийлар таълимотини ёқлаб, жабарийларга (фатализм оқимига) қарши чиққанлар. Улар одиллик, Аллоҳнинг сифатларидан бири деган ғояга асосланиб, Аллоҳ бандаларининг гуноҳини олдиндан белгиламайди, худодан фақат адолатли ишни кутиш мумкин, гуноҳ ишлар инсон фаолияти билан боғлиқ. Бироқ инсон ирода ва фаолият эркинлигига эга, шунинг учун ҳам у гуноҳ қилади, тавба қилади; худо жазолайди, кечиради, ноумид қилмайди деган хулосага келганлар. Мўътазилийлар Аллоҳ бандаларига шунинг учун ҳам ақлидрок берганки, уларни аввало ерда синаб кўради, инсон синов даврини ўтайди, сўнгра амалларига қараб, жаннатий ёки дўзахийлигини белгилайди, акс ҳолда инсоннинг энг қабиҳ ва жирканч ҳаракатлари ҳам Аллоҳ иродаси номи билан боғланиб кетади деган фикрни илгари сурганлар.

Дарҳақиқат, тақдири азал бор, лекин тақдир билан бирга тадбир ҳам бор. Тақдир – Худодан, тадбир – инсондан. Тадбир орқали инсон илм-маърифат эгаси бўлади. Акс ҳолда худони таниш имкони ҳам бўлмас эди.

Араблар Марказий Осиёда жойлашиб, Ислом мафкура сифатида мустақкамлангач, кўпгина мўътазилия таълимоти вакиллари – ҳур фикрли олимлар, қисман таъқибдан қочиб юртимизга кела бошлаганлар, жумладан, Абу Бакр ар-Розий Бухорога, узоқ вақт Боғдод ва Дамашқда яшаган Абу Наср ал-Фаробий ўз ватанига кўчиб келган. Ёки мўътазилийлик таълимоти таъсирида ижод қилган. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино сомонийлар, хоразмшоҳлар ва ғазнавийлар давлатида катта нуфузга эга бўлганлар.

Мўътазилия таълимоти Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Носир Хисрав, Умар Хайём каби олимлар фаолияти билан боғлиқ Марказий Осиёда кенг ёйилиб илм-фан, фалсафий фикрлар марказлари вужудга келган. Дунёвий фанлар: адабиёт, санъат, тарихшунослик, тилшунослик, фалакиёт, меъморчилик, ҳатто рассомлик мактаблари пайдо бўлди.

* Комиллов Н. Тасаввуф, 2-китоб. – Тошкент, 1999. Б.17.

Мўътазилийлик таъсирида исломда вужуди мумкин ва вужуди вожиб (вахдат ул-мавжуд ва вахдат ул-вужуд) диний-фалсафий оқим шаклланди. Вужуди мумкин оқими вакиллари: ал-Киндий, Ибн Рушд, ал-Маърий, Абу Наср Фаробий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Умар Хайём ва бошқалар мавжудотни иккига: 1) вужуди мумкин ва 2) вужуди вожибга бўлганлар.*

Ал-Фарғоний мавжудотни олтига ажратиб ўрганган: 1) вужуди вожиб – Аллоҳ; колган бештаси вужуди мумкин: ақл, жон, шакл, модда, осмон. Буларнинг бир-бири билан сабаб ва оқибат алоқаси асосида боғланишини кўрсатган.†

Ибн Сино «Рисолаи фи тақсим ал-мавжудот» асарида вахдат ул-мавжуд ва вахдат ул-вужудни қуйидагича таърифлайди: вахдат ул-вожиб Аллоҳдир. Лекин у Куръондагидек ҳамма нарсанинг ижодкори эмас, балки у мавжудотнинг бир қисмидир. Бу назария табиат ва инсонни ички сабаблар асосида тушунтиришга, илм-фан ривожига катта йўл очган. Яъни илоҳий ва дунёвий ҳақиқат бор. Илоҳий ҳақиқат пайғамбару авлиёлар, дунёвий ҳақиқат ақл ёрдамида, фан орқали аниқланади деган қарашнинг шаклланишига асос бўлган. Мўътазилия таълимоти аббосий халифалардан Маъмун ва Мўътасим ва Восиқ ҳукмронлиги даврида (823-851) қўллаб-қувватлаган ва расмий эътиқод – давлат мафкураси сифатида тан олинган. Ўрта Осиёда самонийлар давлати Абу Ханифа ал-Нуъмон ибн Собит Куфий томонидан асосланган ва мўътазилийлар томонидан изчил давом эттирилган. Шаръий ҳукмларнинг Раъй ва Қиёс, Ижмоъ каби усуллари ҳам қабул қилган ва қўллаганлар. Абу Мансур Мотуридий шу таълимотга асосланиб, дунёни билишда инсон ақл идрокининг моҳиятини баён этган, хужжатулислом Абу Ҳомид Ал-Ғаззолий тасаввуфнинг янги назариясини асослаган, дунёвий кунунларни ақл орқали билиш мумкинлигини таъкидлаган. Унингча, инсон Куръонни ўзлаштиргунча ўз ирода эркига эга, сўнгра инсон иродаси Аллоҳ иродаси билан уйғунлашиб кетади. Қисқаси, ўрта аср Исломида тасаввуфнинг икки йирик йўналиши майдонга келган:

1) Мистик аскетизм – бу оқим мутакаллимия (ҳанбалия) таълимоти таъсирида шаклланган.

* Ислом справочник. М.А.Усмонов таҳририда. – Тошкент, 1989. Б. 203.

† Диншунослик асослари: Муаллифлар жамоаси. – Тошкент, 1995. Б. 184.

2) Пантеизм. Бу оким мўътазилия (ҳанафия) таълимоти таъсирида шаклланган. Айрим манбаларда мўътазилия доимий равишда таъқиб қилинган туфайли Ироқ ва Эронда IX–XIII асрларга, Ўрта Осиёда XIII–XIV асрларга келиб йўқолиб кетган. Унинг охириги вакилларидан бири Маҳмуд аз-Замахшарийдир* деган фикрларга дуч келамизки, бу бироз эътирозлидир. Чунки мўътазилия «Нақшбандия» дек умрбокий мумтоз бир таълимотнинг юзага келишида ҳам назарий асос бўлиб хизмат қилган. Бу таълимот айни замонда ўзбек мумтоз адабиётининг яратилишига замин яратган. Бу таълимот Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби даҳолар тамонидан адабиётга, шеъриятга сингдирилган, мафкуравийлаштирилган. Хуллас, XIV–XV асрни мўътазилийлик ғоясининг ёрқин намоён бўлган, пантеизмнинг мистик-аскетизм устидан ғолиб келган даври десак хато бўлмайди.

Умуман, мўътазилийлик (хурфикрлилик) шарқ уйғониш даври (IX–XII, XIV–XV асрлар) илм-фан ва фалсафий фикрлар раванқида (масалан, Ҳофиз, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машраб ижодида) қанчалик рол ўйнаган бўлса, Ғарбий Оврўпа уйғониш даври учун ҳам (масалан, Гёте поэзиясининг ғоявий йўналишида ёки католизмдан диний протестанлик оқимининг ажралиб чиқишида) ҳам кучли таъсир қилганлигини холис фикрловчи Оврўпа олимлари ҳам тан олганлар. (Диншунослик асослари, кўрсатилган асар, 206- б.)

НЕГА АЛМИСОҚДАН ҚОЛГАН ДЕЙМИЗ?

Алмисоқдан қолган ибораси эски замондан қолган, айтилавериш уладаси чиққан, такрорланган фикр, меъдага теккан, кераксиз, ортиқча гап, эскирган, истеъмолдан чиққан бирор нарса, масалан, буюмларга нисбатан ҳам муболаға тарзида: «Бу алмисоқдан қолган-ку» дейишади. Бироқ бунда тил эгалари алмисоқ сўзининг ибтидоий маъноси қачон, қандай, пайдо бўлганлигини англайвермайдилар. Алмисоқ сўзининг тафсирига киришдан олдин шаръий китобларда баён этилган, қадимдан муллаваччаларга ўргатиб келинган қуйидаги анъанавий, диалогик матнни келтирайлик:

Қачондан бери мусулмонсан? “Алмисоқдан бери”. Маънии алмисоқ нима? “Алмисоқу хувал аҳду алмавуқу ваалхитобу”. Хитоб шулки, ўшал замонеки, Аллоҳ таоло руҳимизни пайдо қилиб, нидо қилдики: «Аласту Раббукум»? Яъни, оё, эмасманму сизлар-

* Диншунослик асослари. Кўрсатилган асар. Б.193.

нинг Парвардигорингиз ? Анда рухларимиз айдики, «Қолу бало», яъни, ори (ҳа), Парвардигоримизсан, жумлаи жаҳониён Худойидурсан. Ҳар шайъининг (ҳамма нарсанинг) Холиқи ва Розикидурсан».

Матнга айрим изоҳлар берайлик: Алмисоқ атамаси арабча бўлиб, ал – аниклик юкламаси – артикли; мисоқ – аҳду паймон, илоҳий байъат, шартнома, қавл; мавсуқ мисоқдан ясалган бўлиб, қатъий ишонч, собитлик, бандалик. Бошқача айтганда, рухлар яратилган биринчи кун Аллоҳнинг холиқлиги рухларнинг махлуқлиги (яратилганлиги) бандалиги, мусулмонлиги эътироф этилган, ик-роп бўлинган ва тасдиқланган аҳду паймон куни – рўзи азал ёки азалият.

Алмисоқдан қолган деганда аслида одам яратилмасдан олдин унинг руҳи яратилган кун, яъни рўзи азалдан қолган деб тушинилган. Бироқ ҳозирги маъноси, мақола бошида айтилганидек, эски гап, истеъмолдан чиққан нарсалар тушуниладиган бўлган.

ТАҚДИРИ АЗАЛ

«Тақдир», «пешонага ёзилгани», «бошга тушганни кўз кўрар», «насибасида бори-да» каби хилма-хил сўз ва ибораларни тез-тез тилга олиб турамиз. Лекин кўпчилик уларнинг замирида бағоят сермаъно таълимотларнинг асоси ётганини тушуниб етмайди. Аслида эса одатий шаклда гапирилувчи мазкур сўзлар Ислом динидаги улкан ғояни ифодалайди. «Қадарнинг яхши ва ёмонлиги Аллоҳдандир» деган иймон калимаси бунинг исботидир. Қолаверса, бу ғоя ҳадиси шарифларда ҳам ўз аксини топган. Шундай бўлса-да, баъзи бировлар уни тўғри тушуна олмаган ва натижада шубҳачилар (скептиклар) тоифаси вужудга келган. Бу ҳолат ислом тарихининг илк давридаёқ бир-бирига мухолиф *жабария* ва *қадария* деб аталган икки оқимнинг шаклланишига асос бўлди. Кейинчалик жабарийлик ғояларини *мутакаллимия*, қадарийликни эса *мўътазилля* деб аталувчи фалсафий таълимотлар ривожлантирди.

Жабарийлик тарафдорлари инсон ҳаётида юз берадиган барча яхшилик ва ёмонликлар инсон тақдирида азалдан ўзгармас тарзда муҳрланган, деган ғояни илгари суришса, қадарийлар «Одиллик – Алоҳнинг асосий сифатларидан бири» деган Куръоний ғояга асосланиб, қилинмаган гуноҳга олдиндан жазо белгилаш, қилинмаган

* Ҳазор савол. – Тошкент: Муҳаммад Саид босмаҳонаси. Ҳижр. 1328. Б.109.

савобга олдиндан мукофот бериш (туғилмаган ёки энди туғилган чақалоққа дўзахий ёки жаннатийлик тамғасини босиш) одиллик эмас, бу ҳол ақлий далилга ҳам зиддир, деган тескари фикрни қўллаб-қувватлашган. Қадарийлар ўз ғояларини Аллоҳ одамни барча махлуқотлардан азиз сувратда яратган, унга фаришталарни ҳам сажда қилдирган, ўз нуридан илоҳий нафас – рух (жон) ато этган, бандаларини гуноҳдан сақлаш, ҳидоятга йўллаш ва нажотга чорлаш учун илоҳий китоблар нозил қилган, пайғамбарлар юбориб турган, деган далиллар билан исботлашган.

Буюк мутасаввиф шоир Умар Хайёмнинг «Азалдан лойимни қорганда худо, Биларди – феълимдан не бўлур пайдо. Ҳукмидан ташқари эмас гуноҳим, Хўш, нега махшарда беради жазо?!» деган машҳур рубойиси ҳам ана шу ғояга бағишланган: жабарийлар таълимоти инкор қилинган, қадарийларга нисбатан эса хайрихоҳлик билдирилган. Энди ўз-ўзидан табиий савол туғилади: хўш, тақдири азал борми? Ҳа, тақдири азал барҳақ. Лекин тақдирни «одам ҳаётида юз берадиган, азалдан илоҳий дастурлаштирилган кўргуликлар мажмуасидир» деган фикр бир-мунча бирёқлама бўлиб, ақлий далилдан узоқ. Чунки тақдир инсон такомилида асосий аҳамиятга эга бўлган биологик ва ирсий омиллар билан боғлиқ. Буни илмий фан аллақачон текшириб, қатъий хулосага келган. Содда қилиб айтганда, тақдирда ҳам илоҳий, ҳам дунёвий омиллар уйғунлашган. Тақдирнинг қандай бўлиши ва зухур этиши эса ген, уруғ, манӣ, нутфа, алақ, сперма деб аталувчи унсурларнинг сифатийлик даражаси билан белгиланади. Ҳар бир инсон тақдири (генофонди)-да унинг қисматига муқаррар таъсир этувчи илоҳий қонуниятлар мавжудки, улар киши иродаси ва хоҳишига асло бўйсунмайди. Яъни, ақли кулнинг муъжизавий сирларини ақли жуз ҳеч қачон англаб етолмайди.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Гар хўтук бирлан кучукка қанча қилсанг тарбият, Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмаслар асло одами» деган пурмаъно мисраларида инсоният, ҳайвонот ва наботот оламида зухурланган тақдирнинг илоҳий куч-қудрат ҳамда моҳияти теран ифодаланган.

Энди тақдири азал барҳақ экан, уни тадбир қилиш мумкинми, деган саволга тўхталадиган бўлсак, бунга жавобан «тақдир – Аллоҳдан, тадбир – бандадан» деб барал-ла айта оламиз. Чунки бу илоҳий сирни Аллоҳ олдиндан айтиб қўймаган бўлса-да, бандага

тақдирни тадбир қилиш имкониятини берган. Яъни мақсадга эришиш учун ақл-идрок, тил, ирода, меҳру шафқат тортик қилинган; хато ва гуноҳга йўл қўйган бўлса, тавба қилиб, покланиши, икки дунё саодатига эришиши, меҳнат қилиб, ризқ (тақдир-азалий, ризқ-жадалий) яратиши каби мақомлар ато этилган.

Тақдирни тадбир қилиш мумкинлиги билан боғлиқ бўлган Аллоҳнинг бандаларига берган эрки ислом динида қуйидагича изоҳланади: «Инсон бир ишни ўз ихтиёри билан бажаришга қодирдир, тоат ва маъсият (гуноҳ) инсоннинг ўз ихтиёри биландир.

Инсон ҳаётида юз берадиган воқеалар унинг пешонасига ёзилган ва бажаришга мажбур бўлган иш эмасдир. Шунинг учун у ҳар бир қилмишига ўзи жавоб беради» («Балад» сураси, 1- оят, «Инсон» сураси, 30- оят). Бу ғоя ҳадисларда ҳам далил-исботини топган.

Нақл қилишларича, Имоми Содиқдан шогирдлари сўрашибди: Тангри таоло барча ишни бутунлай бандаларининг ихтиёрига топшириб қўйганми?

Имом айтибдилар:

– Тангри таоло бандаларига барча ишни тафвиз (топшириб қўйиш) этиб қўйишдан олижаноброқ ва қаримроқдир.

Шогирдлари яна сўрашибди:

– Аллоҳ бандаларини гуноҳ қилишга мажбур қилганми?

Имом айтибдилар:

– Тангри Таоло бандани бир қилмишни қилишга мажбур этиб, сўнг ўша гуноҳи учун азоб беришдан одилроқдир.

Хулоса қилиб айтганда, тақдир – бу инсонга азалдан ато этилган илоҳий унсурлар билан боғлиқ муқаррар юз бериш эҳтимоли бор воқеот бўлиб, уни тадбир қилиш инсоннинг ақли, турмуш тарзи каби фаолиятига боғлиқ. Тақдир тақозоси ҳеч қачон инсонни жонли ҳайкалга айлантириб қўймайди, аксинча, уни турфа синовлардан ўтказди.

УВАЙСИЙЛИК НИМА?

Ислом тарихида увайсийлик тушунчаси шайх Увайс Қараний номи билан боғлиқ ҳолда келиб чикқан. Увайс Қараний Яман мамлакатининг Қаран деган жойида таваллуд топган; Жаноби пайгамбаримиз (с.а.в.) билан замондош бўлган. Бироқ бир-бирларини зоҳиран кўрмаган бўлсалар-да, Сарвари коинот (с.а.в.) Шайх Увайс Қаранийнинг тақво, иймон, эҳсондаги фаолиятини билиб, эшитиб

турганлар. Жаноб пайғамбаримиз гоҳ-гоҳ муборак юзларини Яман сари қаратиб: «Мен Аллоҳнинг шахсини Яман томонидан кўрдим», – дер эканлар ва яна айтибдурларким, Увайс бу дунёда Яратганга яширин ибодат ва қуллик киладики, Ҳақ Субҳанаҳу ва Таъоло тонгла қиёмат кунни етмиш минг фариштани Увайс суратида яратган, Увайс уларнинг орасида аросатга кириб, Беҳиштга боргай. Уларнинг қайси бири Увайс эканлиги ёмон – номаҳрам кўзлардан маҳфуз (яширин) сақлангай. Зотан увайс – яширин демакдир. Шайх Увайс Муҳаммадга ва унинг динига шу қадар эътиқодли бўлганки, Уҳуд жангида пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг битта тишлари синганлигини эшитиб 32 тишини бирин-кетин ушатган. Ҳазрати пайғамбаримиз дунёдан ўтганларида мураққаъ (тўн)ларини Шайх Увайс Қаранийга беришни, умматни дуо қилишини васият қилганлар. Вафотларидан кейин саҳобаларидан Форук ва Муртазо Куфага бориб, Яман элидан суриштириб, даштларда туя бокиб юрган Увайсни топиб омонатни топширадилар. Англашиладики кўрмаган бўлсалар-да, Увайсни Жаноб Пайғамбаримизнинг маънавият ва руҳиятлари тарбиялаган. Яъни Увайс Пайғамбаримизнинг руҳий таъсирларида бўлган. Шу сабаб кимнингки пири маълум бўлмаса, пайғамбар, авлиё ва машойихлардан бирининг руҳи уни тарбия қилган бўлса, бундай зотлар увайсий дейилган.

Увайсий зотлар халқ тилида худо берган, Хизр кўрган, назар теккан, русча, одарённый каби сўз ва иборалар билан аталиб келинган. Кўпчиликка маълум Машраб ҳақидаги бир ривоятни эслайлик. Биринчи кун мактабга борганда муаллими: «Алиф» де дейди. Машраб ўқитувчисига: «Мани Алиф-чи?» – дейди. Бу тасаввуфий савол қаршисида ҳайрон бўлиб қолган муаллим Машрабга:

Алифни ўқимамай мулло бўлибсан,

Саводинг чиқмайин доно бўлибсан дейди. Бунда Бобораҳим Машрабнинг назаркардалиги, увайсийлиги акс этган.

Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» (авлиёлар ҳақида зикр) асарида Ҳаким Термизий ҳақида қуйидагича баён мавжуд: Кунларнинг бирида Ҳаким Термизий икки толиби илм дўсти билан ўқиш мақсадида сафар қилишни ихтиёр қилдилар. Ул зотнинг оналари бор эди. У киши деди: «Эй жоним ўғлим, мен бир кимсасиз нотавону заифман, суянчиғим ўзингсан, мени кимга ташлаб кет-

* Алишер Навоий асрлари. XV том. –Тошкент, 1968. Б.74–75

моқчисан?» Онанинг бу сўзларидан ўғлининг қалбига титроқ тушади ва сафарни тарк этади. Икки ўртоғи кетишади. Шундан сўнг беш ой ўтади. Кунларнинг бирида Ал-Ҳаким гўристонда (бошқа манбаъда чўлда мол боқиб юрганда) ўтириб зор-зор йиғлаб, шундай дейди: «Мен бу ерда зое қолдим, эрта-индин дўстларим олим бўлиб қайтишади» шу замон бир нуруний чол гўшадан кириб, Муҳаммад Али йиғисининг боисини сўрайди. Шунда йигит бўлган воқеани баён этади. Чол дейди: «Агар сен хоҳласанг, мен хар куни сенга сабоқ бераман ва тезда олимликда дўстларингдан ўзиб кетасан. Али Ҳаким Истагини чолга билдиради. Али Ҳакимга уч йил таълим беради. Кейин маълум бўлишича ул зот Хизр айҳиссалом эканлар. Ҳаким Термизий айтар эканларки, «Мен бу давлатга онам розиликларини қозонганлигим туфайли эришдим» .

Сурхондарё вилояти ўлкани ўрганиш музейи илмий кутубхонасида сақланаётган 296 жилддаги маълумотга кўра, (яна қуйидаги ривоят 1879 йилда рус олими Ф.Н.Жуков томонидан ёзиб олинган): Муҳаммад Али Муҳаммад пайғамбар авлодларидан бўлган, оиласи камбағал бўлган, бунинг устига Муҳаммад Али уч яшарлигида отаси вафот этган. Юқоридаги ўртоқлари билан ўқишга боролмай, биёбонда ўтин териб юрганда бир нуруний мўйсафид унга яқинлашади. Бола бўлган воқеани айтиб йиғлайди. Қария болани бағрига босади. 14 яшар (бошқа ривоятда 10 яшар) Муҳаммад Али бутун Куръонни ёд биладиган бўлиб қолади. Бола Қарияга раҳмат айтмоқчи бўлганида у гойиб бўлганди. Муҳаммад Али тушундики, у кўрган қария Муҳаммад пайғамбарнинг ўзлари эди.[†]

Англашиладики, кўп ўқиганликларидан қатъий назар, Ҳаким Термизий, маълум даражада Увайсий ҳам бўлганлар, чунки ул зот Хизр алайҳиссалом, Муҳаммад пайғамбар руҳониятлари таъсирида бўлганлар.

ҲОФИЗ

Ҳофиз диний-истилоҳ тушунчасидан ташқари қуйидаги маъноларда ҳам қўлланади:

1) илоҳий ҳимоя, куч-қудрат, яъни Аллоҳ маъносида: «Васиъа Курсийю ҳуссамовати вал Арз вала яувдуху Ҳифзу хума ва хувал алиюл азим» («Бақара», 255- оят), яъни Аллоҳнинг Арши Еру

* Фаридиддин Аттор. Таъриқат ул-авлиё. 38-боб, 284–290- б.

† Бу ҳақда кенгроқ қаранг. Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. – Тошкент: Университет, 2000, 6-б.

Осмондан кенг бўлса ҳам уни сақлаб туриш буюк куч эгаси бўлмиш Аллоҳни қийнамайди.

2) инсониятни бало-қазодан асровчи, сақловчи, ҳимоя куч яъни авлиёларни англатади. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанд балони қайтарувчи (Балогардон); Абдул Қодир Ғиллоний инсонни ёмонликлар, хавф-хатарлардан сақловчи Буюк Ғаввос (Ғавс ул-Аъзам).

3) ҳифзун (حفظ) феъли ма-, му- кўшимчалари билан бирикиб янги маъно ифодалаш учун хизмат қилган. Масалан, Маҳфуз ясалмаси («Лавҳ ул-маҳфуз» шаклида) барча мавжудотнинг тақдири акс этган азалий китобни англатган.

4) Ҳофиз лексемаси форсларнинг «Худо ҳофэз» деб хайирлашувида туркий халқларда ҳам Худонинг паноҳига, паноҳи худо, Худога топширдим (ўлим маъносида эмас), Худо сақласин шаклида қўлланиб, Аллоҳ – ҳимоячи тушунчасини англатади.

5) маҳфазатун (محفظه) ясалмаси ҳозирги араб тилида бирор нарса сақланадиган предмет, масалан, партфел, папка, жилд маъноларини англатади.

6) ҳифзун феълининг ҳофиза (حافظه) шакли ҳозирги ўзбек тилида аёл исми, баъзан куйловчи маъносидан ташқари, хотира, ёд билувчи, хотира кучи, ақл маъноларини ҳам англатади. Зокир ота ҳозир ҳам тетик ва бардам, ҳофизаси бақувват (М.Қодиров). Муқимий ҳофизаси яхши ва сермаҳсул шоир бўлган (С.Абдулла). Қуввайи ҳофизам етганича қаламга олдим. (С.Аҳмад)

7) Ўзбек тилидаги муҳофаза ясалмаси бирор нарсани, чунончи, табиатни ҳимоя қилмоқ, сақламоқ каби маъноларда қўлланилади.

8) Ҳофиз атамаси бугунги ўзбек тилида диний истилоҳ маъносида эмас кўпроқ турли мақом жанрида ашула айтувчи, катта миқдордаги ғазалларни ёдда сақловчи шахсларга нисбатан қўлланилади. Ҳофиз сўзининг кўплиги Ҳаффоз ҳозирги ўзбек нутқида учрамайди. Хуллас, хафаза (حفظ) ўзагидан тарқалган барча уядошлар турли хил маънода қўлланилишдан қатъи назар, уларда бош маъно излари (сақламоқ) сезилиб туради. Бунинг сабаби шуки, ибтидоий исломда (ёки ундан олдин ҳам) одамлар саводхон бўлмаганлиги учун, жумладан, мусулмонлар диний-ахлоқий, фалсафий, маънавий-маърифий воқеликларни, ўғит ва насихатларни, оят ва ҳадисларни ёдлаганлар. Халқ оғзаки ижоди ривож топган халқлар бутун-бутун дostonлар тўқиб, уни ёддан айтиб (ҳофиз ёки бахши бўлиб) келганлиги ҳам ана шу тарихий жараён билан боғлиқ, албатта.

ХУДОЙБИЯ СУЛҲИ ТАРИХИДАН

Ҳижрий олтинчи сананинг охирида (мил. 627 йилда) Муҳаммад с.а.в. бир ярим минг саҳобалари билан Умра (Каъба зиёрати) қилиш ниятида уруш-анжомларисиз (химоя қиличидан бошқа) Мадинадан Маккага қараб йўл оладилар. Уруш мақсадида бормаётганликларини билдириш учун Маккага етиб борганларида қурбонлик қилиш учун олган 70 туя ва бошқа чорваларини олдиларига солиб борадилар. Бораётганлари ҳақида олдиндан маккаликларни хабардор қиладилар. Лекин Макка яқинидаги *Ҳудайбия* деб номланган жойга етиб борганларида мушриклар мусулмонлар йўлини тўсиб Маккага киритмайдилар. Муҳаммад с.а.в. мақсадлари Макка шаҳрини эгаллаб олиш эмас, Каъбатуллоҳни зиёрат қилиб, қайтиб чиқиб кетиш эканлигини билдириш учун Усмон ибн Аффон р.а. бошлиқ ўнта саҳобани элчи қилиб юборадилар. Улар Усмонни ҳибсга оладилар. Лекин пайғамбар а.с.га Усмонни қатл қилдилар деган хабар берилади. Шунда Расулуллоҳ саҳобаларни Маккани фатҳ этиш учун байъат – қасамиёд қилишга чақирганларида, уларнинг барчалари (1400) саҳоба): «Ё Расулуллоҳ, душман устидан ғалаба қилиш учун, Усмон р.а. учун, ўнта саҳоба учун, Аллоҳ йўлида, сизнинг ҳақ динингиз учун жонимизни фидо қиламиз, керак бўлса, шу йўлда шаҳодат топамиз!» деб байъат қиладилар. Мусулмонларнинг бу қасамиёдларидан хабардор бўлган Макка раисларининг раҳбари Суҳайл ибн Амр Ҳудойбияга – Пайғамбаримиз турган манзилга элчи сифатида етиб келади. Ҳар икки томондаги асирлар, шу жумладан, Усмон ибн Аффон (ўлдирилмаган бўлади) ва ўнта саҳоба қайтарилади. Суҳайл ибн Амр Муҳаммад пайғамбар ва саҳобалар билан қаттиқ тортишув мунозара олиб боришади ва Суҳайл ниҳоят бир йилдан кейин зиёрат учун Каъбани бўшатиб беришни ваъда қилади, ҳар икки томон қатъий битимга келишади. Сулҳномани Қурайш вакили Суҳайл Ҳазрат Али ёзишини талаб қилади. Шунда Муҳаммад с.а.в. Алига: «Сулҳнома»нинг бошига «Бисмиллоҳир роҳманир раҳим» деб ёз дейдилар. Шунда Суҳайл: Эй Муҳаммад, биз сенинг бу сўзингни ҳалигача таниганимиз йўқдир, ота-боболаримиздан қолган «Бисмикаллоҳумма» сўзини ёзсин дейди. Чунки мушриклар «Бисмикаллоҳумма» орқали ягона Аллоҳни эмас, бош худо сифатида бутларни тушунар эдилар. Бу мунозарадан жанжал чиқишини ҳисобга олиб Муҳаммад с.а.в. «Бисмикаллоҳумма»ни ёзишга руҳсат берадилар. Сўнгра Муҳаммад с.а.в. Алига «Бу ёзилмиш нарса Аллоҳ

пайғамбари Муҳаммаднинг Қурайш вакили Сухайл ибн Амр билан қилган аҳдномасидур» деб ёз дедилар – Бу сўзни англаб Сухайл: Эй Муҳаммад биз сени Расуллуллоҳ деб ишонмаймиз. Акс ҳолда сенга қарши чиқмас эрдик, «Расуллоллоҳ» деган сўзни қолдириб, «Муҳаммад ибн Абдуллоҳ» деб ёзсин деди. Шунда Пайғамбаримиз: «Расуллоллоҳ» сўзини ўчир, ўрнига Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ёзгин деб буюрадилар. Ҳазрати Али «Расуллоллоҳ» сўзини ўчирмайди, пайғамбаримизнинг ўзлари ўчирадилар. Акс ҳолда «Аҳднома» тузилмай, уруш хавфи келиб чиққан бўлур эди. Ушбу «Сулҳнома»да Макка мушриклари билан Мадина мусулмонлари ўртасида энг зарурий муаммолар, чунончи, 10 йиллик тинчлик сулҳи ва бошқа ҳар хил маданий-маърифий, иқтисодий алоқалар энг муҳими, янаги йил зиёрат учун мушриклар Макка шаҳрини бўшатиб беришлари (ҳаммаси олти модда) ҳақида қатъий келишиб олинади. Худойбия сулҳи ислом тарихидаги бурилиш нуқталаридан бири бўлди. Чунки бундан бир йил олдин мусулмонларни ер юзидан йўқ қилиб юбориш мақсадида жуда катта лашкар билан Мадинага борган Макка мушриклари бугунга келиб уларга қарши урушиш у ёқда турсин, ўзлари яраш таклиф қилмоқда эдиларки, бу ўз моҳият эътибори билан Ислому динининг ҳақ ва ўлмайдиган дин эканлигини эътироф этиш эди. Мана шу байъатни Қуръон ва ҳадис китобларда Ризвон байъати деб айтадилар. Аллоҳ таоло «Фатҳ» (ғалаба ёки нусрат) сурасида Худойбия байъати ҳақида қуйидаги фикрларни баён этган: Ўзбекча мазмуни: Аллоҳ таоло байъат қилувчи мўминлардан рози бўлди, чунки улар Самура дарахтининг тагида Аллоҳ йўлида жон қурбон қилиш учун сенга (Муҳаммадга) байъат бердилар. Шу байъат беришлари уларнинг дилларида чин эътиқод ва ихлос бирлигини Аллоҳ билди. Шунинг учун бу мўминлар Худо розилигини олдилар. Шу сабабдан ўлимдан қўрқинч дилларидан қўтарилиб диллари ором олди. Яқин кунларда Аллоҳ таоло уларга фатҳ – нусрат берган. Яна ҳадиси шарифда: «Ла ядхулун наро аҳадун байъата тахташ шажароти», яъни шу дарахт (Самура) тагида байъат берган кишилардан ҳеч кимарса тамуққа тушмайду дейилган. Яна бир ҳадисда: «Я айюҳаннасу, инналлаҳа код кафара лиҳали Бадрин вал ҳудайбийя», яъни Эй одамлар, огоҳ бўлинглар, Аллоҳ Таоло Бадр урушига катнашган, Худайбияда байъат берган кишилар гуноҳини авф қилди дейилган.*

* Ушбу луғат-мақолани тайёрлашда Алихонтўра Соғуний фикрларидан ва Алоуддин Мансур таржимасидаги “Фатҳ” сурасидан фойдаландик.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуқаҳҳор Шоший. Рўзанома. – Тошкент: Илм ширкати, 1991.
2. Алийбег Рустамий. «Бисмиллоҳ»нинг маъноси. – Тошкент, Чўлпон, 1993.
3. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. – Тошкент, Ўқитувчи, 2004.
4. Алишер Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: профессор Порсо Шамсиев, Собиржон Иброҳимов. – Тошкент, 1973.
5. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ, 1-, 2-, 3-, 4- жилдлар. – Тошкент, Қомуслар бош таҳририяти, 1997.
6. Абу Исо Термизий. Саҳиҳи Термизий. Сунани Термизий. Таржимон Мирзо Кенжабек. – Тошкент: Адолат, 1999.
7. Абу Райхон Беруний. Асарлар. 1- том. Тошкент: Фан, 1968.
8. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. Б.66.
9. Абу Ҳомид Ғаззолий. Ўлимдан сўнг... – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005.
10. Аҳмад Ҳодий Мақсудий. Ибодати исломия. – Тошкент: Мехнат, 1991.
11. Аҳмад Ҳодий Мақсудий. Шаръий ҳукмлар тўплами. – Тошкент, Шарк НМАК, 1990.
12. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – Москва, 1958.
13. Диншунослик асослари: Муаллифлар жамоаси. – Тошкент, 1995.
14. Древнетюркский словарь. – Ленинград: Наука, 1969.
15. Жабборов И. Руҳий олам: Жаҳолат ва камолат. – Тошкент: Ўзбекистон, 1988.
16. Жалолиддин Румий. Фиҳи ма фиҳи. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005.
17. Имом Аъзам Абу Ҳанифа. Муснад. Мутаржим: Абдуллоҳ Мурод Холмурод ўғли. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005.
18. Имом Ғаззолий. Эй фарзанд («Аййухал валад»). – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005.
19. Ирисов А. Рўза ва ҳайит намозлари. – Тошкент: Фан, 1991.
20. Илоҳий мўъжизалар. 1- китоб. – Тошкент: Чўлпон, 1985.

21. Ислом. Справочник. М.А.Усмонов таҳрири остида, 3-нашри. Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси. – Тошкент, 1989.
22. Ислом тасаввуфи манбалари. Тузувчи проф. Ҳамидулло Болтабоев. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005.
23. Ислом энциклопедияси. Зухриддин Хусниддинов таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2004.
24. Мужгасар: нашрга тайёрловчи Рашид Зоҳид. – Тошкент: Чўлпон, 1994.
25. Муқаддас ойлар ва муқаддас дуолар. Ўзбекистон мусулмонлар идораси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005.
26. Муҳаммад Исо ибн Турсунбой ибн Юнусхожи. Ислом дини ва ибодат қоидалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.
27. Навоий асарлари учун қисқача луғат. Тузувчи Ботирбек Ҳасанов. – Тошкент: Фан, 1972.
28. Комилов Н. Тасаввуф. 1-, 2- китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990.
29. Намоз сабоқлари. Тузувчи Комилов Б.С. – Тошкент, 2004.
30. Намознома («Таълим ус-салот»). – Тошкент: Илм, 1991.
31. Насафий (Е.Е.Березиков). Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд. – Тошкент: Мерос, 1992.
32. Настольная книга атеистов. 4-нашри. – Москва, 1975.
33. Носируддин Бурҳониддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990.
34. Омонтурдиев Ж. Азалий битик // Тафаккур. 2001. № 1.
35. Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. – Тошкент: Университет, 2000.
36. Омонтурдиев Ж. Хотам ул-авлиё. – Термиз, 2002.
37. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2003.
38. Тажвид. – Тошкент: Илғор, 1992.
39. Таҳорат ва намоз ўқиш қоидалари. «Хонақоҳ» масжиди. Тузувчи Исмоил ўғли Иброҳимжон, 1991.
40. Улуқув Н.М. Ўзбекча диний матнлар эгзотик лексикаси. НДА. – Тошкент, 1997.
41. Фарҳанги забони тожик. 2 томлик. – Москва: Советская энциклопедия, 1969.

42. Чаҳор китоб. – Тошкент: Ғуломия матбааси, ҳижрий 1332.
43. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Академия, 2002.
44. Шокиров Ю. Ислом шариати асослари. – Тошкент: Меҳнат, 1992.
45. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Москва: Русский язык, 1981. (З.Маъруфов таҳрири остида).
46. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006.
47. Ўринбоев Б. Сўфизм атамалари луғати. – Самарқанд, 1998.
48. Куръони карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992.
49. Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи. – Тошкент: Меҳнат, 1992.
50. Ҳажнома ва Мавлуди набавия. – Тошкент: Ғуломия матбааси, ҳижрий 1330.

КЎРСАТКИЧЛАР

| | | |
|---------------------------|-----------------------------|--------------------|
| Абадият | Аиммаи ситга | «Ал-ҳаққа» |
| «Абаса» | Аиммаи хамса | Амийн |
| Абдол | Айём ул-байзо | Амия ул-Ваҳид |
| Абжад | Айн ул-яқин | Амин |
| Абтар | А.с. | Амир ал-муслимин |
| Абул анбиё | Алас-алас | Амир ал-муъминин |
| Абу Қосим | Ал-асмо Ал-Хусно | Амн |
| Абу Ҳанифа | «Алақ» | Амният |
| Аввал (Ал-Аввал الاول) | Алвадоъ\ Алвидоъ | Амома |
| Аввобин | Алвасти | Амри маъруф |
| «Авесто» | «Ал-жомеъ ас- саҳиҳ» | Аналҳақ |
| Авлиё | Алий (Ал-Алий العلى) | Анбиё |
| Авлоди сайид | Алим (Ал-Алим العليم) | «Анбиё» |
| Аврат | «Ал-исро» | Анимизм |
| Авратпӯш | Алиф | «Анкабут» |
| Аврод | Аллома | Анкар ул-Асвот |
| Авродхонлик | Аллоқа | «Ан-нос» |
| Автод | Аллоҳ | Анония(т) |
| Адаб ус-салот | Аллоҳ Субҳонаху а таъоло | Ансор |
| Адам | Аллоҳ Таъоло | Ансорийлар |
| Адиллаи шаръия | Аллоҳ! Аллоҳ! | «Анфол» |
| Адл (Ал-Адл العدل) | Ал-Масжид | «Анъом» |
| Ажал | Ал-Ақсо | Апостоллар |
| Ажали муаллақ | Ал-Масжид | Арафа |
| Ажали мубрим | Ал-Ҳарам | Арбаъин |
| Ажр | Алмисоқ | Арвоҳ |
| Азалият | Аломат ул-вақф | Арвоҳ капалак |
| Азиз (Ал-Азиз العزیز) | Ал-раббоният | Арвоҳ урган |
| Азим (Ал-Азим العظیم) | «Ал-такосур» | Арвоҳи Қудсий |
| Азоби қабр | Ал-фироқ | Аркини дин |
| Азозил | Алқоида | Аросат |
| Азойимхон | «Ал-қориа» | Арш |
| Азон дуоси | Ал-Қуръон | Арши Аъло |
| Азон | Алҳамдулиллаҳ | Аршу Курси |
| Азроил | Алҳазар | Аскет |
| Аимма | | Аскетлик//Аскетизм |
| | | «Аср» |
| | | Асри жаҳолат |
| | | Асри содот |

| | | |
|--------------------------|------------------------------|-------------------------------|
| Ал-Сикарот ул-Мавт | Аҳли кубур | Беш фарз |
| Ал-салот уз-зуҳур | Аҳли ҳол | Бешик тўйи |
| Ал-салот ул-аср | «Аҳқоф» | Беҳишти |
| Ал-салот ул-ишоъ | Бадий (Ал-Бадий (البديع)) | Бибисешанба |
| Ал-салот ул-мағриб | «Баййина» | Библия |
| Ал-салот ул-субҳ | Байт ул-Маъмур | Бидъат |
| Ал-салот ул-фажр | Байт ул-Мағфират | Биной мусулмон |
| Ал-сиём ул-рамозон | Байт ул-Муқаддас | Бироҳматика ё |
| Астағфируллоҳ | Байт ус-салот | Арҳамар Роҳимин |
| Алфалассофилин | Байтуллоҳ | Бисмиллаҳир |
| Асҳоб | Байъат | Раҳмонир Раҳим |
| Атеизм | Байъат ул-Ризвон | Биҳамдиллаҳ |
| Атеист | «Балад» | Биҳишт |
| Ат-ғасвиб | Балогардон | Бобо дехкон |
| Ат-ғаҳийёт | Банда | Боис (Ал-Боис الباعث) |
| Афув (Ал-Афув العفو) | Бандалик | Бозбанд |
| Ашуро | Баптим | Бомдод |
| Аълам | Баптим ёки | Борий (Ал-Борий (البارىء)) |
| Аълим | Баптимлар | Босит (Ал-Босит الباسط) |
| «Аъло» | Баракалла | Ботин (Ал-Ботин الباتن) |
| Аъроф | Барр (Ал-Барр البر) | Боқий (Ал-Боқий الباقي) |
| Ақида | Басир (Ал-Басир (البصير)) | Боқий дунё, дунёи боқий |
| Ақиқа | Басмала | Боғи Эрам |
| Ақл | Бахт куши | Будда |
| Ақли жузъ | Бахш | Буддизм |
| Ақлий далил | Бахшанда | Буддист, Буддачи |
| Ақли кулл | Бахшида | Будуъ |
| Ақли маод | Башорат | Бурук |
| Ақли маош | «Бақара» | «Бурук» |
| Ақоид | Бақо | Бут |
| Аҳад | Бағишлов | Бутпараст |
| «Аҳзоб» | Бибисмиллоҳ | Вадуд (Ал-Вадуд (الودود)) |
| Аҳкоми шаръия | Бўлган | «Ваз-зориёт» |
| Аҳд ул-китоб | Бевафо дунё | «Ваз-зуҳа» |
| Аҳли байт | Бенамоз | Вакил (ал-вакил الوكيل) |
| Аҳли ботин | Бетавфиқ | Валадизино |
| Аҳли нушур | Бетаҳорат | Валий (Ал-Валий (الوالى)) |
| Аҳли сунна вал- жамоа | Бечирок | |
| Аҳли яқин | Беш вақт намоз | |

| | | |
|-------------------------|-------------------------|---------------------|
| Валийуллох | «Вокеа» | Дил зикри |
| «Вал-лайл» | Воҳид (Ал-Воҳид الواحد) | Дили пок |
| Валлоху аълам бис | Вужуди вожиб | Дин |
| саваб | Вужуди мумкин | Диндор |
| Валлоху аълам | Вузуъ | Диний бағри кенглик |
| «Вал-мурсалот» | Вуслат | Домулла |
| «Вал-одиёт» | Вукуфи ададий | Дор ул-бақо |
| «Вал-фажр» | Вукуфи замоний | Дор ул-маъмур |
| «Ван-нажм» | Вукуфи қалбий | Дор ул-нажот |
| «Ван-нозиот» | Габр | Дор ул-тиловат |
| Вараъ | Генотизм | Дор ул-фано |
| Васатийлик | «Гулсайри» | Дор ул-хуффоз |
| Васият | Гумроҳ | Дор ус-салом |
| Васл | Гуноҳ | Дулдул |
| Васлига восил | Гуноҳи аъзим | Дунёйи бевафо |
| бўлмоқ | Гуноҳи кабира | Дуо |
| Вассалом | Гуноҳи сағира | Дуоғўй |
| «Вас-соффот» | Густоҳ | Дуои бад қилмоқ |
| «Ват-тийн» | Гўр азоби | Дуои бад |
| «Ват-тур» | Гўрдан хабар олмоқ | Дуои бадга учрамоқ |
| «Ваш-шамс» | Гўянда | Дуои дафн |
| Ваъз | Давод | Дуохон |
| Ваъзхон | Дажжол | Дуруд |
| Ваҳдат ул- вужуд | Дам солмоқ | Дусалават |
| Ваҳдат ул-вужуд, | Дами ўткир | «Духон» |
| ваҳдоният | Дамсуви | Духули вақт |
| Ваҳий | Дарвиш | Дўзах |
| Ваҳобийлик | Дарвишона | Дўзахий |
| Ваҳҳоб (Ал-Ваҳҳоб | Дарвишоши | Евengelie |
| الوهاب) | Даргоҳ | Епископ |
| Видоъ (вадоъ) хутбаси | Дастор | Етти шариф |
| Витр | Даъват | Ё ҳаёт, ё мамот |
| Вожиб | Даҳа | Ёвуз кучлар |
| Вожид (Ал-Вожид | Даҳёри беҳишти | Ёвуз рухлар |
| الواجيد) | Даҳма | Ёлгон арафа |
| Воиз | Даҳрий | Ёлгон дунё |
| Волий (Ал-Волий | Дев | Ё рамазон |
| الوالى) | Девона | Ёсин тушириш |
| Ворис (Ал-Ворис | Диёнат | «Ёсин» |
| الوارث) | Дил ба ёр, даст ба | Жаббор(Ал-Жаббор |
| Восеъ (Ал-Восеъ الواسع) | кор | الجبار) |

| | | |
|----------------------------|----------------------------|-------------------------|
| Жаброил | Зардӯшт | Ийд Ал-Кабир |
| Жавобнома | Зардӯштийлик | Ийд Ал-Сағир |
| Жазава | Зарр (Аз-Зарр الزر) | Ийд Ал-Фитр |
| Жазм | Замзам | Иймон |
| Жалил (Ал-Жалил الجليل) | Заққум | Иймони муфассал |
| Жалса | Зиё | Илаҳ |
| Жаннат | Зиёрат | Илёс |
| Жаннатий | Зиёратгоҳ | Илми ладуний |
| Жанобат | Зиёратхона | Илми ғайб |
| Жаноза | Зикр | Илми қол |
| Жаҳаннам | Зикри алония | Илми ҳол |
| Жаҳр намози | Зикри жаҳрия | Илм ул-яқин |
| Жаҳр ул-азкор | Зикри самоъ | Илоҳият |
| «Жин» | Зикри хуфия | Илтижо |
| Жинон | Зиндик | Илҳод |
| Жоду | Зино | Илҳом |
| Жодугар | Зовия | Имом |
| Жойи пок | Зоди роҳила | Имома |
| Жойнамоз | Зокир | Имомат |
| Жомия (Ал-Жомия الجامع) | Зот | Имомия |
| Жон бермоқ | Зохид | Имом-хатиб |
| Жон талвасаси | Зохир (Ал-Зохир الظاهر) | Инжил |
| Жон таслим қилмоқ | Зулжалол | «Инсон» |
| Жон | Зул Жалоли вал | Инсот |
| Жоруллоҳ | Икром | «Инфитор» |
| «Жосия» | Зулкифл | «Иншиқоқ» |
| Жувонмардия | Зулфиқор | Иншооллоҳ |
| Жузувдон | «Зумар» | Иода |
| «Жумъа» | «Зухруф» | Ирода |
| Жунуб | Ибнул вақт | Исирик |
| Журм | Ибодат | Иситма-совутма |
| Забур | Ибодат қилмоқ | Ислом |
| Завол намози | Ибодатгоҳ | Исломий |
| Завол | Ибодатхона | Ислом модернизми |
| Закот | «Иброҳим» | Ислом шариати |
| «Залзала» | Идда, иддат | асослари |
| Залолат | Ижмоъ | Исломнинг беш устуни |
| Замзама | Ижоб | Исми аъзам |
| Зам сура | Ижобат | Иснод |
| | Ийд Ал-адҳа | Исо//Ийсо |

| | | |
|--------------------|----------------------|------------------|
| Исовий | Калимаи муфассал | Кучириқ |
| Исо нафас | Калимаи тавҳид | Қўҳикоф |
| Исро | Калимаи таййиба | Лаббайка |
| Исроил | Калимаи тамжид | Лавҳ ул-махфуз |
| Исрофил | Калимаи тасбиҳ | Лавҳу қалам |
| Иссик-совук | Калимаи шаҳодат | Лаин |
| Истижоб | Калимуллоҳ | Лайлат Ул-Меърож |
| Истилоҳ | Калом | Лайлат Ул-Қадр |
| Истинжо | Каломулло(ҳ) | Ламязал |
| Истиншоқ | Калта (қисқа) намоз | Латиф (Ал-Латиф |
| Истироҳат | Карим (Ал-Карим | اللطيف) |
| Истиско | الكريم) | Лиффофа |
| Истихора | Каромат | Ломакон |
| Истикболи қибла | Кароҳат | Лот-манот |
| Истиғроқ | Қасрат олами | Лоязал |
| Истиғфор | Католик | Лоямут |
| Истиҳсон | Католицизм | «Луқмон» |
| Искот | Қатга ҳаж | Мабдаи нур |
| Иусус Христос | Қафорат рўза | Мавзолей |
| Ифтор дуоси | Қафорат | Мавлуд |
| Ифтор | Қаъба | Мавлуд Ал-Набий |
| Ифторлик | «Қаҳф» | Мавлуд ўқиш |
| «Ихлос» | Қинна | Мадина Ул-Набави |
| Ихтиёрий рўза | Қинначи | Мажзуб |
| Ичитки | Қиром ул-қотибайн | Мажид (Ал-Мажид |
| Ишораи саббоба | Қитоби ансоб | المجيد) |
| Ишроқ | Қичик ҳаж | Мажусий |
| Иштибоҳ | Қия | Мажусийлик |
| Ишқ (ишқий илоҳий) | Қомиллик | Мазмаза |
| Ишқия | Қосагардон | Мазори Шариф |
| Иъшо | Қофир | Мазҳаб |
| Иқомат | «Қофирун» | Макруҳ |
| Иқтидо қилмоқ | Қохин | Малак Ул-Мавт |
| Иҳром | Қрест // Krist | Малак |
| Иҳтибо | Қун фаякун | Малик (Ал-Малик |
| Иҳфоил азқор | Қусуф | الملك) |
| Қабир | Қуф-суф | Малик Ул-Мулк |
| Қавсар | Қўза | Малолли қавм |
| «Қавсар» | Қўз теккан, қўзиккан | Мамот |
| Қаззоб | Қўз тумор | Манқуха |
| Қалима | Қўргулик | Маноқиб |

| | | |
|----------------------------|----------------------------|------------------------------|
| «Маориж» | Микоил | «Мужодала» |
| Марака | Милал | Мужохид |
| Мардуд | Мин баъд | Мужрим |
| «Марям» | Минбар | Мужтахид |
| Марқад | Мирхожий | «Муззаммил» |
| Мархум | Миръот Ус-Сафо | Музилл (Ал-Музилл المذلل) |
| «Масад» | Мисвок | Муид (Ал-Муид المعد) |
| Масбук | Миссионер | Муизз (Ал-Муизз المعزز) |
| Масжид | Мистик | «Мулк» |
| Масжид Ал-Ақсо | Мистика | Мулла |
| Масжиди жомеъ | «Мифтоҳ ул-жинон» | Мулхид |
| Масжуд | Моддий олам | Мумит (Ал-Мумит المميت) |
| Масих, Масихо | Можид (Ал-Можид الماجد) | «Мумтахана» |
| Маслак | «Моида» | Мункар-накр |
| Маслакдош | Момоши | Муножот |
| Маслаксиз | Монастир | Мунофик |
| Масҳ | Монах | «Мунофикун» |
| Матин (Ал-Матин المتين) | Монашка | Мунтаким (Ал- المنتقيم) |
| Машааллох | Моних (Ал-Моних المانع) | Мураббий |
| Машойих | Монотеизм | Мурдаҳона |
| Маъбуд | «Моъуьн» | Мурдашўй |
| Маърака | Муаввизатайн | Мурдор |
| Маърифат | Муаззин | Мурид |
| Маърифатуллох | Муаккада | Мурид овлаш |
| Маъснят | Муаххир (Ал- الموخر) | Муроқабат I |
| Мақбара | Мубдий (Ал- المبدع) | Муроқабат II |
| Мақом | Мубоҳ | Мурсал |
| Мақомат | Мубҳам | Муртад |
| Мақоми аъмалий | Муваҳхид | Муршид |
| Мақоми Иброҳим | Муволот | Мусаввир (Ал- المصور) |
| Мақсура | Мударрис | Мусаннаф |
| Мағфират | «Муддассир» | Мусанниф |
| Маҳдий | Мудрик | Мусибат |
| Маҳдийлик | Мужавид | Муслим |
| Маҳрам | Мужда | Муснад |
| Маҳшар | Мужиб (Ал-Мужиб الموجب) | Мустажоб |
| Мезон | | |
| Меҳроб | | |
| Меҳробхон | | |
| Миён | | |

| | | |
|---------------------|-------------------|-------------------|
| Мустафо | Муктадо | Намози шукрена |
| Мустаҳаб | Муғний (Ал-Муғний | Намози қазо |
| Мустаҳик | المغنى) | Намози қаср |
| Мукулмон | Муҳаддис | Намози ҳайит |
| Мусҳаф | Муҳаммад | Нарзу ниёз |
| Мусҳафи Усмон | «Муҳаммад» | «Наср» |
| Мутааббид | Муҳйий (Ал-Муҳйий | Насроний |
| Мутаасиб | المحى) | Наузу биллаҳ |
| Мутаваккил | Муҳожирлар | Нафс |
| Мутакаббир(Ал- | Муҳрим | Нафс ул-аммора |
| Мутакаббир المتكبر) | Муҳри нубувват | Нафс ул-лаввома |
| Мутакаллим I | Муҳсий (Ал-Муҳсий | Нафс ул-мулҳама |
| Мутакаллим II | المحسى) | Нафс ул-мутмаинна |
| Мутанаббий | Муъжиза | Нафс ул-ҳасана |
| Мутаол (Ал-Мутаол | Муъмин I (Ал- | Нафси марзия |
| المتعال) | Муъмин المؤمن) | Нафси марҳума |
| «Мутаффифин» | Муъмин II | Нафси розия |
| Мутгакий | «Муъминун» | Наът |
| Муфассир | Муътазилийлар | Нақиб |
| Муфлис | «Набаъ» | Нақлий далил |
| Муфсид | Набий | Наҳи мункар |
| Муфти | Назар бар қадам | «Наҳл» |
| Муҳаймин (Ал- | Назар теккан | Наҳс |
| Муҳаймин المحميين) | Назр рӯза | Неъмат |
| Муҳолафат | «Намл» | Никоҳ хутбаси |
| Муҳосаба | Намоз вақти | Никоҳ |
| Мушкулкушод | Намоз | Нимбисмил |
| Мушрик | Намози аср | «Нисо» |
| Муътазила | Намози бомдод | Ният |
| Муқаддим (Ал- | Намози дигар | Нияти намоз |
| Муқаддим المقدم) | Намози жаноза | Нияти қалбий |
| Муқаранат ул-имом | Намози жумъа | Ноисломий |
| Муқарраб | Намози истиғфор | Номаи аъмол |
| Муқит (Ал-Муқит | Намози маййит | Номаҳрам |
| الموقيت) | Намози нафл | Номус ул-акбар |
| Муқобала | Намози пешин | Нораво |
| Муқрий | Намози суннат | Ғоумид шайтон |
| Муқсит (Ал-Муқсит | Намози фарз | Нофила рӯза |
| المقسط) | Намози хуфтон | Нофиъ (Ан-Нофиъ |
| Муқтадир (Ал- | Намози чош | النافع) |
| Муқтадир المقدّر) | Намози шом | Ношаръий |

| | | |
|----------------------|----------------------------|----------------------------------|
| Нузул | Пайшанбалик | Рамазон тухфаси |
| Нур I (Ан-Нур النور) | Пайгамбар | Раммол |
| «Нур» II | Пайгамбари мурсал | Расул |
| «Нурнома» | Панжот | Расулуллоҳ |
| «Нух» | Панисломизм | Рауф (Ар-Рауф الرؤف) |
| Оби пок | Пантеизм | Рафъ ул-ядайн |
| Оби раҳмат I | Папа | Рашид (Ар-Рашид الرشيد) |
| Оби раҳмат II | Парвардигор | «Раъд» |
| Оби таҳорат | Парихон | Раъй |
| Оби худойи | Пасха | Раъуфур Роҳим |
| Обрӯ(й) | Патриарх | رئوف الرحيم |
| Огоҳ | Пешин | Рақиб (Ар-Рақиб الرقب) |
| Озарнараст | Пир | Раҳим (Ар-Раҳим الرحيم) |
| Олам | Пири дастгир | Раҳмат |
| Олами кубро | Пири ихлос | Раҳмат ва марҳамат туни |
| Олами суғро | Пири мазҳаб | Раҳматли |
| «Ол-и-имрон» | Пири маърифат | Раҳмон I (Ар- Раҳмон الرحمان) |
| Олим ул-ғайб | Пири тариқат | «Раҳмон» II |
| Олқиш | Пири шариат | Рибо |
| Ориф | Пири ҳақиқат | Рибот |
| Орифий | Пирхона | Рибохӯр |
| Осий | Покдомон | Ридо |
| Остона | Покланиш | Риё |
| Оташгоҳ | Политеизм | Риёзат чекмоқ |
| Оташкада | Поп | Риёзат |
| Оташпарастилик | Пора | Риёкор |
| Отин | Порсо | Ризвон |
| Офият | Протестантизм | Ризо |
| Охир (Ал-Охир الاخر) | Протестант | Рисола |
| Охир замон | Пурсанда | Рисолабон |
| Охиратоши | Равза | Рисолат |
| Охунд // Охун | Равзаи муборак | Ришва, ришват |
| Ошиқ | Равзаи пок | Ровий |
| Оят ул-курси | Раво | Рождество |
| Оят | Раднома | Роз |
| Оқпадар | Ражо | Рокиъ |
| Оксуяк | Раззоқ (Ал-Раззоқ رزاق) | Ронда |
| Оқфотиҳа | Разолат | |
| Оғзини боғламоқ | Ракъат | |
| Оғизочар | Рамазон | |
| Падарвакил | | |

| | | |
|---------------------------------------|-------------------------|-------------------|
| Рофий (Ал-Рофий <small>رافع</small>) | Саждаи тиловат | Сафийуллоҳ |
| Роқий | Саждаи тиловат дуоси | Сафо |
| Роҳиб | Сажжода | Сафҳа |
| Руки | Саййид // Сайид | Сақар |
| Рукуъ тасбеҳи | Сайр дар ватан | Сағана |
| Рукуъ | Сайҳа | Саҳарлик дуоси |
| Рукуъи маснун | Сакарот ул-мавт | Саҳарлик |
| «Рум» | Сакта | Саҳархўрлик |
| Рух | Салаф | Саҳих |
| Рухий олам | Салиб юриши | Саҳоба |
| Рухоний | Саловат ёки | Секта |
| Рух ул-амин | Дусаловот | Сепитома |
| Рух ул-муғлак | Салом I (Ас-Салом | Сидрат ул-мунтаҳо |
| Рух ул-қуддус | <small>السلام</small>) | Сидқ |
| Рухуллоҳ | Салом II | Сиёхрў |
| Рўза намози | Саломи муваққат | Сийнабанд |
| Рўза синмоқ | Саломи охират | Силаи раҳим |
| Рўза тутмоқ | Салот | Силаш |
| Рўза ҳайити | Салоти вуста | Сионизм |
| Рўза | Салоти жаноза | Сирот |
| Рўзасини ёмоқ | Салоти хамса | Сифати салбия |
| Рўзи жаза // Жазо | Салот ул-лайл | Сифати субития |
| Рўзи маҳшар | Салоҳ | Сиқо |
| Рўйи сиёҳ | Салсабил | Сиғиниш |
| Рўъя // Рўё | Самад (Ас-Самад | Скептик |
| «Сабаъ» | <small>السود</small>) | Собир |
| Сабр | Самеъ (Ал-Самеъ | Собор |
| Сабур (Ас-Сабур | <small>السمع</small>) | «Сод» |
| <small>الصبور</small>) | Самовий китоблар | Сожид |
| Сабҳа | Самовот | Соим |
| Савм | Самура | Солиб |
| Савоб | Санад | Солик |
| Савол-жавоб | Санам | Солиҳ |
| Садака | Санги муаллақ | Субҳа |
| Садақаи жория | Сано | Субҳаналлоҳ |
| Садақайи фитр | Саноҳон | Субҳон |
| Садақайи хайрия | Сарвари коинот | Сужуд |
| Сажда | Сарвари олам | Сукр |
| «Сажда» | Сатри аврат | Сукут |
| Саждагоҳ | «Саф» | Султон ул-орифин |
| Саждаи сахв | Сафий | Сулук |

| | | |
|--------------------|-------------------|-------------------|
| Сулукот | Такбир | Таъвил |
| Суммул ядайти | Такбирати ийдайн | Таъдили аркон |
| Сунан | Такбири завоид | Таъзим |
| Суннат тўйи | Такбири ташрик | Таъзия |
| Суннат | Такбири таҳрима | Таъзия билдирмоқ |
| Сура | Такбироти | Таъзиядор |
| Сурат ул-мадиния | интиқолол | Таъмин |
| Сурат ул-маккия | Таквин ёки тамкин | Таъхир |
| Сутра | «Таквир» | Таяммум |
| Сук | Такъя | Такво |
| Сук тумор | Такягоҳ | Такводор |
| Сухуф | Талбия | Такдир |
| Сўрок | Талмуд | Таксир |
| Сўроқчи | Талок | «Тағобун» |
| Сўфий | «Талок» | Таҳажжуд |
| Сўфийлик | Талокнома | Таҳаннус |
| Табарро | Талокҳат | Таҳаррий |
| Таважжух | Танмаҳрам | Таҳвили қибла |
| Таваккалгу алаллоҳ | Таносух | Таҳийят ул-масжид |
| Таваккул | Тарвиҳа | Таҳийят |
| Тавалло | Таржиъ | Таҳлил |
| Таваккуф | Тариқат | Таҳлилия |
| Тавба ва истиғфор | Таркидунё | Таҳмид |
| намози | Таркидунёчи | Таҳорат ушатмоқ |
| Тавба | Тарових | Таҳорат |
| «Тавба» | Тарсо | Таҳорати бадан |
| Таввоб (Ал-Таввоб | Тартиб | Таҳорати макон |
| التواب) | Тартил | Таҳорати савб |
| Тавозуъ | Тасаввуф | Таҳорат сув |
| Тавоф намози | Тасбиҳ намози | Таҳоратхона |
| Тавоф | Тасбиҳ | Таҳрим |
| Таврот | Тасбиҳи рукуъ | «Таҳрим» |
| Тавфиқ | Тасвиб | Таҳтассаро |
| Тавфиқли | Тасмиъ | Теолог |
| Тавқ ул-лаънат | Тасмия | Теология |
| Тавҳид калимаси | Тафсир | Тил зикри |
| Тавҳид | Таҳриж | Тиловат |
| Тажвид | Ташаҳхуд | Тилсим |
| Тажҳиз ул-амвот | Таъаввуз | Тоат |
| Тазарруъ | Таъбир | Тобеъин |
| Таййибот | Таъвиз | Толеъ |

| | | |
|-------------------|-------------------|--------------------|
| Толънома | Фарзи ихтилофий | Хабир (Ал-Хабир |
| «Ториқ» | Фарзи кифоя | الخبير) |
| Тотем | Фарзи рӯза | Хавф намози |
| Тотемизм | Фарзи хорижий | Хавф |
| Тош қўймоқ | Фаришта | Хайр |
| «Тоҳа» | Фариштаи муқарраб | Хайрия |
| Тоҳир | Фатал | Хайрия жамғармасти |
| Тубо, туби | Фатализм | Хайрияи жория |
| Тумаънина | Фаталист | Хайрияхона |
| Тумор | Фатво | Хайрот |
| Тутатки | Фаттоҳ (Ал-Фаттоҳ | Халаф |
| Тўра | فتاح) | Халилуллоҳ |
| Турбат | «Фатҳ» | Халифа |
| Туш | Факир | Халта |
| Уббод | Фақиҳ | Халфа |
| Увайсий | Фетиш | Хамсат ус-салот |
| Узлат | Фетишизм | Хасм |
| Уламо | Фетишист | Хасми ҳалол |
| Уммат \\\ уммаҳот | Фидя | Хатиб |
| Уммий | «Фил» | Хатм бағишлов |
| Уммул китоб | Фирдавс | Хатм ул-кабира |
| Умра | Фитр | Хатм ул-сағира |
| Унсур | Фикҳ | Хатм ул-Қуръон |
| Унсириёт | Фол | Хатм |
| Уруж | Фолбин | Хатна тўйи |
| Ускут | Фолнома | Хатна |
| Устоз | Фоний дунё, Дунёи | Хизр кўрган |
| Усули дин | фоний | Хизр |
| Учмоқ | Фоний, фано | Хилват |
| Учунмоқ | Фосид | Хилват дар анжуман |
| Фажр намози | Фосид хаёл | Хилват ўлтирмоқ |
| «Фалақ» | Фосиқ | Хилватнишин |
| Фалокат | Фотимийлар | Хилватнишинлик |
| Фанат | «Фотир» | Хилол |
| Фанатизм | Фотиҳа I | Хилхона |
| Фанатик | Фотиҳа II | Хирқа |
| Фано | «Фотиҳа» III | Хоки ихлос |
| Фарз | Фурсанда | Холисалиллоҳ |
| Фарзи аён | «Фурқон» | Холик (Ал-Холик |
| Фарзи дохийий | «Фуссилат» | الخالق) |
| Фарзи иттифоқий | Футувват | Хома |

| | | |
|----------------------|-----------------|------------------------|
| Ҳомгалаш | Чиллақочирик | Шоҳимардон |
| Ҳонақоҳ | Чилтон | Шоҳистаи жаннат |
| Ҳоғам ул-авлиё | Чил ҳадис | «Шуаро» |
| Ҳоғам ул-анбиё | Чин арафа | Шукр |
| Ҳоғам ун-наби | Чинвот | Шукрона намози |
| Ҳоғам ус-салот | Чин дунё | Шукрона |
| Ҳоч | Чор китоб | Шукуронаи неъмат |
| Насроний, | Чўкинтириш | «Шўро» |
| Насронийин | Шайтанат | Экстаз |
| Насронийлик | Шайтон | Этаксиз |
| Христос, Иусус | Шайтоний | Эшон |
| Христос | Шайх ул-ислом | Эътикоф |
| Худо берган | Шайх ул-машойих | Эътиқод |
| Худоғўй | Шайх ул-раис | Эҳром |
| Художўй | Шайх | Эҳсон |
| Худосиз | Шакур (Аш-Шакур | Эҳсонхона |
| Худо суйган | الشكور) | Эҳтилом |
| Худобеҳабар | Шамоил | Ювувчи, Ювғувчи, |
| Худоба тошпирмоқ I | Шариат | Ювғич |
| Худоба тошпирмоқ II | Шароб антаҳур | Ювуксиз |
| Худоба тошпирмоқ III | Шарри шайтон | Юзи қора |
| Худойи | Шаръий | «Юнус» |
| Худойихона | Шаръий аркон | «Юсуф» |
| Худопараст | Шаръий ҳукм | Явмун нушур |
| Худотарс | Шаръий ҳукмлар | Явму тарвия |
| Хулафойи рошидин | «Шарҳ» | Ярҳамуқаллоҳ |
| Хуруфот | Шафоат | Яъжуж-маъжуж |
| Хуружи бифеъл | Шаш калимаи дин | Яқозо |
| Хусуф | Шаҳид I \ Шохид | Якраъ |
| Хутба | (Аш-Шаҳид) | Ўлим фаришгаси |
| Хуфтон | Шаҳид II | Ўлим |
| Хушуъ ва хузуъ | Шери худо | Ўн саккиз минг олам |
| Хўжа | Шиа | Ўткир нафас |
| Чаҳор такбир | Шаивий имомлар | Қаарини ҳожилар |
| Чаҳорёр | Ширк | Қабз ал-арвоҳ |
| Черков | Шом | Қаблал ядаини |
| Чилёсин | Шоманизм, | Қабр тоши |
| Чилла ўлтирмоқ | Шаманизм | Қабриғўш |
| Чилла | Шомон | Каввол |
| Чиллали аёл | Шомоши | Қавий (Ал-Қавий القوی) |
| Чиллаҳона | Шоҳизинда | Қавм |

| | | |
|-------------------|-------------------|-------------------|
| Қавма | Қиёмат | Қурбон ҳайити |
| Қавсайн | «Қиёмат» | Қурбонлик сўйиш |
| Қадамжо(й) | Қиёс | такбири |
| Қадария ёки | Қилкўприк | Қурбонлик |
| қадарийлар | Қироат | Қурро |
| «Қадр» | Қироати жория | Қуръон |
| Қазо I | Қироати махфия | Қуръони карим |
| Қазо II | Қироатхона | Қутуб ул-авлиё |
| Қазо намоз | Қирқ фарз | Қушноч |
| Қазо рўза | Қисмат | Қуъуд |
| Қазои муаллақ | Қоба қавсайн | Қуъуду маскун |
| Қазои мубрим | Қобиз (Ал-Қобиз | Қўл бермоқ |
| Қайюм (Ал-Қайюм | القابض) | Қўл боғламоқ |
| القيوم) | Қобуз ул-арвоҳ | Қўл олмоқ |
| «Қалам» | «Қовунпишиғи» | Ғавсулаъзам |
| «Қамар» | Қодир (Ал-Қодир | Ғазо |
| Қаноат | القادر) | Ғайб |
| Қарзи ҳасана | Қозиюл ҳожот | Ғайридин |
| Қарзи киёмат | Қоим | Ғамоши |
| Қарғиш | Қон чиқармоқ | Ғаний (Ал-Ғаний |
| Қарғиш | Қора тош | الغنى) |
| теккан//Қарғиш | Қор ёғди | Ғариб ҳадис |
| урган // Қарғишга | Қораош | Ғариқи раҳмат |
| учраган | Қори | Ғарғара |
| Қасам | Қорихона | Ғассол |
| «Қасас» | Қосид | Ғафлат |
| Қаср намози | «Қоф» | Ғаффор (Ал-Ғаффор |
| Қасри салот | Қоъид | الغفار) |
| Қаъда | Қуббат ул-ислом | Ғозий |
| Қаъдаи охир | Қубъа | Ғофил |
| Қаъдаи ула | Қуввайи қалб | «Ғофир» |
| Қахҳор (Ал-Қахҳор | Қувват | «Ғошия» |
| القهار) | Қуддус (Ал-Қуддус | Ғул |
| Қибла аҳли | القُدس) | Ҳабибуллоҳ |
| Қибла | Қуддуса сирруху | Ҳавл |
| Қиблаи маълум | Қудрат | Ҳавориюн |
| Қиблаи падар | Қулоқ қокмоқ | Ҳадас |
| Қиблаи қалб | Қунут | «Ҳадид» |
| Қидва | «Қурайш» | Ҳадис |
| Қиём | Қурбон | Ҳадиси набавий |
| Қиёмат қоим | Қурбон намози | Ҳаёт |

| | | |
|----------------------------|----------------------------|------------------------------|
| Ҳаж | Ҳамд | Ҳижоб |
| «Ҳаж» | Ҳамид (Ал-Ҳамид الحمد) | Ҳижобга кирмоқ |
| Ҳажар ул-асвад | Ҳамий намози | «Ҳижр» |
| Ҳажкат ул-видоъ | Ҳанафия | Ҳижрат |
| Ҳажжат ул-ислом | Ҳаниф | Ҳижрий йил |
| Ҳажжи акбар | Ҳарам | Ҳодий (Ал-Ҳодий الحادى) |
| Ҳажжи бадал | Ҳаром | Ҳожат намози |
| Ҳажнома | Ҳаромзода | Ҳожи |
| Ҳазар ул-мавт | Ҳароми | Ҳол |
| Ҳазира | Ҳасан-сахих | Ҳотиф |
| Ҳазорисбанд | Ҳасан ҳадис | Ҳофиз I (Ал-Ҳафиз الحافظ) |
| Ҳазрат | Ҳасиб (Ал-Ҳасиб الحسيب) | Ҳофиз II |
| Ҳазрати довуд | Ҳафтияк | «Худ» |
| Ҳай (Ал-Ҳай الحى) | «Ҳашр» | «Хужурот» |
| Ҳайит намозлари | Ҳақ | «Хумаза» |
| Ҳайит | Ҳақгўй | Хумо |
| Ҳайитлик | Ҳақиқат | Хур |
| Ҳайитчилар | Ҳақшунослик | Ҳури гилмон |
| Ҳакам (Ал-Ҳакам الحكم) | Ҳаққуллоҳ | Ҳуруфи муқаттаот |
| Ҳаким (Ал-Ҳаким الحكيم) | Ҳаққ ул-яқин | Ҳуруфийлик |
| Ҳалим (Ал-Ҳалим الحليم) | Ҳидоят | Ҳуш дар дам |
| | Ҳидоят сари | |

МУНДАРИЖА

Муқаддима3

| | |
|-------------|-----|
| А – ا ع | 6 |
| Б – ب | 23 |
| В – و | 30 |
| Г – گ | 36 |
| Д – د | 37 |
| Е – اى | 43 |
| Ё – يا | 43 |
| Ж – ج | 44 |
| З – ذ ز ض ظ | 47 |
| И – ا ع | 51 |
| К – ک | 61 |
| Л – ل | 67 |
| М – م | 69 |
| Н – ن | 89 |
| О – ا | 96 |
| П – پ | 100 |
| Р – ر | 103 |
| С – ث س ص | 110 |
| Т – ت ط | 122 |
| У – ا ع | 134 |
| Ф – ف | 136 |
| Х – خ | 142 |
| Ч – چ | 148 |
| Ш – ش | 150 |
| Э – اى | 155 |
| Ю – يو | 156 |
| Я – ي | 156 |
| Ў – او | 157 |
| Қ – قى | 157 |
| Ғ – غ | 167 |
| Ҳ – ح | 169 |

ЛУҒАТ-МАҚОЛАЛАР

| | |
|---|-----|
| Азон тарихи ва талқини..... | 178 |
| Байтуллоҳ тарихидан..... | 183 |
| Дарвишлик ва «дарвишоши» тарихидан..... | 185 |
| Лайлат ул-Қадр тарихидан..... | 188 |
| Намоз – нажот..... | 191 |
| Намозда тавозуъ ва хушуъ..... | 196 |
| Рӯза тарихидан..... | 199 |
| Сўфий сўзи тарихидан..... | 202 |
| Санги муаллақ..... | 203 |
| Футувват одоби..... | 203 |
| «Қибла» тарихидан..... | 206 |
| Қурбонлик тарихидан..... | 208 |
| «Ҳажар ул-асвад тарихи»дан..... | 212 |
| Хўжа сўзи тарихидан..... | 213 |
| Исми Олий..... | 217 |
| Мутакаллимия ва мўътазилия..... | 221 |
| Нега алмисокдан қолган деймиз?..... | 224 |
| Тақдири азал..... | 225 |
| Увайсийлик нима?..... | 227 |
| Ҳофиз..... | 229 |
| Худойбия сулҳи тарихидан..... | 231 |
| Фойдаланилган асосий манбалар..... | 233 |
| Кўрсаткичлар..... | 236 |

Маърифий нашр

Нашриёт муҳаррири: Файзи Шоҳисмоил
Мусахҳиҳа: Ҳилола Болтабоева
Техник муҳаррир: Бехзод Болтабоев

«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамияти
нашриёти

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел.: (998 71) 241-60-33 E-mail: mumtoz_soz@mail.ru

Нашриёт лицензияси А1 № 103. 15.07.2008
Босишга рухсат этилди 03.12.2014
Қоғоз бичими 60x84 1/32. Офсет қоғози
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт тобоғи 15,0
Шартли босма тобоғи 15,075. Адади 300
Баҳоси келишилган нарҳда

«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида чоп этилди. Буюртма 23-14.
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел.: 241-81-20



ISBN 978 9943-398-98-6



9 789943 398986